

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-10/3**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2022**

**Бош муҳаррир:***Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Тахрир ҳайати:**

<i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>	<i>Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>	<i>Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Рашидан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>
<i>Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рўзибоев Рашид Юсуфович, тиб.ф.д., проф.</i>
<i>Аимбетов Нағмет Қаллиевич, и.ф.д., акад.</i>	<i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>
<i>Аметов Яқуб Идрисович, д.б.н., проф.</i>	<i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>
<i>Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.</i>	<i>Салаев Санъатбек Қомилович, и.ф.д., проф.</i>
<i>Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.</i>	<i>Сапарбаева Гуландам Машиариповна, ф.ф.ф.д.</i>
<i>Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.</i>	<i>Сапаров Қаландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>
<i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>	<i>Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.</i>
<i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>	<i>Тожибаев Қомилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i>
<i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>	<i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>
<i>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>	<i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>
<i>Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.</i>	<i>Шакарбоев Эркин Бердиқулович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Қадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>	<i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>
<i>Қаримов Улғубек Темирбаевич, DSc</i>	<i>Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>
<i>Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>	<i>Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>
<i>Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.</i>	<i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>
<i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>
<i>Махмудов Рауфжон Бахоридович, ф.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>
<i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>	<i>Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.</i>
<i>Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.</i>	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№10/3 (94), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 117 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

**МУНДАРИЖА**  
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ**

<b>Idrisov X.A., Turdaliev J.M., Sanaqulov S.F.</b> O‘tloqi botqoq tuproqlar sharoitida mosh (Phaseolus aureus Piper) navlarida quruq modda shakllanishiga tashqi omillarning ta’siri .....	5
<b>Hamdamov J.U.</b> Tuganak bakteriyalarni o‘zida saqlovchi tuproq va turli bio o‘g‘itlarni qo‘llashni soya nihollarining unib chiqishi va ko‘chat qalinligiga ta’siri .....	7
<b>Shokirov A.J., Raximov A., Matyakubov M.M., Jumonova M.Z.</b> Xorazm viloyati o‘tloqi allyuvial tuproqlar sharoitida qovoq navlari urug‘ining unib chiqish va chinbarg hosil qilish muddatlari .....	10
<b>Атабаева Х.Н., Якубов С.Ш.</b> Фосфор меъёрлари ва темир микроэлементини соя навларининг ҳосил элементларига таъсири .....	12
<b>Каюмов Н.Ш., Дилмуродов Ш.Д.</b> Лалмикор майдонларда етиштирилган нўхат нав ва намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи .....	15
<b>Қуйлийев Н.Д., Жўраев Д.Т.</b> Ташки муҳитнинг стресс омилларига бардошли арпанинг нав ва тизмаларини танлаш .....	17
<b>Мирзакамоллов Ш.Д., Дониёров У.Т.</b> Йирик зубтурум (Plantago major L.) ни уруғидан кўпайтириш усуллари .....	20
<b>Муллабаев Б.А.</b> Қорақолпоғистоннинг шўрланган тупроқларини очиқ майдонларида етиштириладиган помидорни энг мақбул ўғитлаш меъёрлари .....	22
<b>Ражабов З.П., Жуманиязов Ф.К.</b> Хоразм вилояти иқлим шароитига мос ғўзанинг истиқболли “Хурма” нави .....	24
<b>Сатилов Г.М., Сапаева Г.А., Чиниқулов Х., Исоқулов С.</b> Жавдар навларининг қурғоқчиликка чидамлилигини лаборатория шароитида баҳолаш .....	28
<b>Урозкелдиев А.Б., Турдибоев Ё.Я., Қутлимуротов Ж.Қ.</b> Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилоятида Суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини мақбуллаштириш ва коллектор-зовур сувларининг шаклланишини камайитиришга сув тежовчи суғориш технологиялар таъсири .....	31
<b>Хайтмуратов А.Ф., Алланазаров О.Я.</b> Сахро тунлами- Aleucanitis flexuosa Men. нинг (Lepidoter: Noctida) биоэкологияси .....	34
<b>Ҳамроева М.К., Ёрматова Д.Ё., Маллаев М.</b> Соя донининг ботаник характеристикаси .....	36
<b>Чоршанбиев Н.Э., Пардаев Э.А., Қўзибоев А.О., Чоршанбиев Ш.Э.</b> G.barbadense L. тури ғўза навларининг комбинацион қобилияти ва F <sub>1</sub> авлодларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ирсийланиши .....	39
<b>Шадманов Дж.Қ., Бекмуродов Х.Т., Хайтов Э.А.</b> Ғўза ҳамкор экинлар билан парваришланганда бир центнер ҳосил учун сарф бўлган сув миқдори .....	43
<b>Шадманов Дж.Қ., Бекмуродов Х.Т., Хайтов Э.А.</b> Ғўзани ҳамкор экин билан кўшиб етиштиришнинг пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири .....	46
<b>ТАРИХ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Akbarov R.M.</b> O‘zbek she’riyati ikkinchi jahon urushi xizmatida .....	49
<b>Djurayeva F.T.</b> Hozirgi Yangi O‘zbekistondagi ijtimoiy siyosiy o‘zgarishlar .....	53
<b>Ergashev B.E., Mardiyeva G.</b> XX asr 20-yillarning ikkinchi yarmida pedagogika o‘quv yurtlari tarmog‘ining yanada kengayishi va ularning moddiy-o‘quv bazasini yaratish muammolari .....	56
<b>Ismoilova R.</b> XX asrning 80-yillarida Qashqadaryo viloyati ta’lim tizimidagi ahvol .....	60
<b>Жепбарова С.К.</b> Профессор К.Қурамбоев илмий тадқиқотларида Махтумқулининг ўзбек тилидаги таржималари таҳлили .....	63
<b>Камалова З.А.</b> Научно - гуманитарное направление деятельности ШОС .....	66
<b>Қурбанова Д.Ш.</b> Қадимги Хоразмнинг исломгача бўлган даври эътиқод изларини ўрганилиши .....	69
<b>Матякубов Ш.С., Жуманиязова Ф.Ж.</b> XVII-асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлиги худудида халқ таъбафининг қўлланилиши .....	73
<b>Мирзаева Н.О.</b> Россия империясининг ислом динига нисбатан олиб борган сиёсати .....	76

<b>Мухаммадиева Л.Н.</b> Туркистонда совет даврий нашрларининг ташкил қилиниши ва фаолияти (1917-1918 йиллар) .....	79
<b>Омонов А.М.</b> Селунгур ёдгорлигининг тош индустрияси ва маданий хослигига доир .....	82
<b>Рамазанов А.К.</b> Мавлоно Жалолиддин Румий қарашидаги комил инсон .....	85
<b>Расулов М.Ф.</b> Ўзбекистонда маданий мерос объектлари .....	89
<b>Раҳмонов Ф.</b> XIX аср охири-XX асрда Жанубий Ўзбекистон деҳқончилигидаги трансформация жараёнлари .....	93
<b>Рашидова Б.</b> Ранние морские сообщения .....	96
<b>Туйев Ф.Э.</b> Ўзбекистон ташқи алоқаларида Бухородаги миллий-маданий марказлари иштироки .....	99
<b>Турдиев Б.</b> Қорақалпоқ тарихий қўшиқларининг таълим ва тарбиявий аҳамияти .....	102
<b>Хўжанов Н.</b> Илк ўрта асрлар Суғд ва Уструшона алоқаларининг ёзма манбаларда акс этиши масаласи .....	106
<b>Якубова Ш.А.</b> Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фармацевтика кадрларини тайёрлаш жараёнини ривожлантириш тадбирлари .....	109
<b>АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Barsukova E.G.</b> Zohir va botin O'rta Osiyo madaniy inshootlari arxitekturasida .....	112

КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

UO'T: 633.11.582.282

**O'TLOQI BOTQOQ TUPROQLAR SHAROITIDA MOSH (*Phaseolus aureus* Piper)  
NAVLARIDA QURUQ MODDA SHAKLLANISHIGA TASHQI OMILLARNING TA'SIR***X.A.Idrisov, PhD, Farg'ona Davlat Universiteti, Farg'ona**J.M.Turdaliev, PhD, k.i.x., Tuproqshunoslik va agrokimyo ITI, Toshkent**S.F.Sanaqulov, PhD, k.i.x., Tuproqshunoslik va agrokimyo ITI, Toshkent*

*Annotatsiya.* Ushbu maqolada o'tloqi botqoq tuproqlar sharoitida mosh navlarida quruq modda to'planisha o'rganilgan omillarning ta'siri bayon etilgan bo'lib, ekish me'yori va muddatlarining ta'siri o'tkazilgan tajribalarda kuzatilgan. Tadqiqot natijalariga ko'ra maqbul me'yorlar va muddatlar aniqlangan.

**Kalit so'zlari:** mosh, navlar, o'tloqi botqoq tuproq, quruq modda, gullash.

**Аннотация.** В данной статье описано влияние изучаемых факторов на накопление сухого вещества у новых сортов маш в условиях заболоченных луговых почв, а также в опытах наблюдалось влияние норм и сроков посева. По результатам исследования определены допустимые нормы и сроки.

**Ключевые слова:** маш, сорта, лугово-болотная почва, сухое вещество, цветение.

**Abstract.** In this article, the effect of studied factors on the accumulation of dry matter in mungbean varieties in the conditions of marshy meadow soils is described, and the effect of sowing rates and periods was observed in the experiments. According to the results of the research, the acceptable norms and terms have been determined

**Key words:** mungbean, varieties, meadow swamp soil, dry matter, flowering.

**Kirish.** Moshning serhosil navlarining yetishtirish agrotexnologiyalarini takomillashtirish ya'ni ekish muddati va me'yorlarini to'g'ri belgilash, mineral o'g'itlar bilan oziqlantirishni maqbullashtirish hamda navbatlab ekishni to'g'ri tatbiq etish bo'yicha tadqiqotlar natijasida tuproq unumdorligini tiklash va oshirish, chorvachilikni to'yimli ozuqa bilan ta'minlash bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borilmoqda.

Sug'oriladigan maydonlarning suv ta'minoti cheklangan sharoitlarida ham moshni kuzgi bug'doy ang'izida yetishtirib, yuqori sifatli oqsil va boshqa qimmatli oziqaga boy bo'lgan mosh doni yetishtirish mumkin. Ayni vaqtda suv tanqis bo'lgan xududlarda mosh yuqori harorat va qurg'oqchilikka bardoshlilik sababli ko'proq kuzgi boshoqli don ekinlari ang'izida takroriy ekin sifatida yetishtirilmoqda [1; 250-254-b.].

Tadqiqot ob'ekti va uslublari. Tajribalar SHITning tajriba maydonlarida 13/1 karta chekida olib borildi. Tajriba maydoni tuprog'i o'tloqi botqoq. Tajriba dalasining tuprog'i sho'rlanmagan, xaydov qatlami 30-40 sm. Tuproqdagi eritmalarning pH miqdori 6,8-7,3 birliklarida bo'lib, mexanik tarkibi bo'yicha og'ir loylidir.

Ilmiy tadqiqot ishlarida olib borilgan fenologik kuzatuvlar va biometrik o'lchovlar "Metodika Gosudarstvennogo sortoispaniya selskoxozyaystvennix kultur" va "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari" (O'zPITI, 2007) asosida o'tkazilgan. Fotosintez sof mahsuldorligini (A.A Nichiporovichning vazn uslubi) aniqlash, shuningdek olingan natijalar B.A.Dospexovning "Dala tajribalari uslublari" bo'yicha Microsoft Excel dasturi yordami asosida matematik statistik tahlil qilindi va hisoblandi.

**Tajriba natijalari va muxokamasi** Mosh navlarining amal davrida o'rganilgan texnologik tadbirlarning ekish me'yori va muddati ta'sirida shakllanadigan hosilni quruq xolatda to'planish jarayoni o'rganilgan. Bu hisoblar shonalash, gullash va dukkaklanish davrlarida o'tkazilgan. Quruq modda gramm hisobida bir tupga to'g'ri keladigan miqdori keltirilgan.

Navro'z navida bahorda ekilganda shonalash fazasida 14,0-12,1 gramm, gullash fazasida 32,1-27,6 gramm va dukkaklanish fazasida 73,2-67,8 grammni tashkil qilib, qolgan barcha ekish muddatlarda bu ko'rsatkich pasayganligi kuzatildi. Shonalash fazasida 13,4 grammdan

11,5grammgacha; gullash fazasida 31,1 grammdan 28,6 grammgacha, dukkaklanish fazasida 71,1 grammdan 66,3 grammgacha kamayganligi aniqlangan.

1-jadval

Navro'z navida quruq modda to'planishiga ekish muddati me'yorining ta'siri, g (o'rtacha uch yillik 2016-2018yy), 1tup o'simlikda

№	Ekish muddati A	Ekish me'yorining tup /ga B	Ildiz	Poya	Barg	Don	Dukkak po'stlog'i	1 dona o'simlikda jami
1	12 may	200	5,8	22,2	23,9	14,3	6,5	72,7
2		300	5,2	21,7	22,4	13,8	5,9	69,0
3		400	5,1	20,7	21,5	13,7	5,8	66,8
4	20 iyun	200	5,3	21,8	23,0	13,8	6,3	70,2
5		300	5,3	20,8	22,8	13,2	6,2	68,3
6		400	5,2	19,6	21,4	12,6	5,6	65,8
7	1 iyul	200	5,0	21,6	22,2	13,4	6,2	68,4
8		300	4,5	21,3	21,6	13,0	6,0	66,4
9		400	4,2	21,0	21,4	12,8	5,6	65,0
10	10 iyul	200	4,4	21,2	21,5	12,9	6,0	66,6
11		300	4,0	21,0	20,7	12,5	5,7	63,9
12		400	3,8	20,7	19,8	12,3	5,6	62,2

Navro'z navi 2018 yilgi tajribalarida bahorda ekilganda shonalash fazasida 13,5-11,0 gramm, gullash fazasida 33,2-27,7 gramm va dukkaklanish fazasida 74,4-66,8 grammni tashkil qilib, qolgan barcha ekish muddatlarda bu ko'rsatkich pasayganligi kuzatildi. Shonalash fazasida 14,2 grammdan 7,2 grammgacha; gullash fazasida 32,6 grammdan 18,3 grammgacha; dukkaklanish fazasida 70,2 grammdan 61,6 grammgacha kamayganligi aniqlangan. O'rtacha uch yillik ma'lumotlar bo'yicha shonalash fazasida ekish me'yorlari bo'yicha to'plangan quruq moddaning miqdori 14,2-12,0 gramm, gullash fazasida 29,8-28,0 va dukkaklanish davrida 72,7-66,8 grammni tashkil qilgan. Navro'z navi takroriy 20 iyunda va 1-10 iyulda ekilganda bir tup o'simlikda quruq modda to'planishi kamayib borganligi kuzatilgan.

Durdona navida bahorda ekilganda shonalash fazasida 11,3-9,6 gram, gullash fazasida 25,5-20,4 gramm va dukkaklanish fazasida 67,1-59,5 grammni tashkil qilib, qolgan barcha ekish muddatlarda bu ko'rsatkich pasayganligi kuzatildi. Shonalash fazasida 10,4 grammdan 8,7 grammgacha; gullash fazasida 24,2 grammdan 18,6 grammgacha; dukkaklanish fazasida 66,2 grammdan 59,5 grammgacha kamayganligi aniqlangan.

2-jadval

Durdona navida quruq modda to'planishiga ekish muddati me'yorining ta'siri, g (o'rtacha uch yillik 2016-2018yy), 1tup o'simlikda

№	Ekish muddati A	Ekish me'yorining tup/ga B	Ildiz	Poya	Barg	Don	Dukkak po'stlog'i	1 dona o'simlikda jami
1	12 may	200	5,6	20,3	19,8	15,0	6,5	67,2
2		300	5,3	20,0	19,5	14,7	6,2	65,7
3		400	4,5	19,5	18,2	14,4	4,2	61,8
4	20 iyun	200	5,4	20,1	18,8	15,6	6,3	66,2
5		300	5,3	19,9	19,4	14,7	6,1	65,6
6		400	4,5	20,5	18,2	14,5	4,9	62,8
7	1 iyul	200	4,9	20,3	19,3	14,4	4,7	63,6
8		300	4,5	20,0	18,0	15,4	4,4	62,3
9		400	4,2	19,7	17,7	15,3	4,3	61,2
10	10 iyul	200	4,1	19,6	17,7	15,3	4,3	61,0
11		300	3,8	19,0	17,5	15,0	4,0	59,3
12		400	3,6	18,5	17,2	14,	3,8	57,5

Eng kam quruq modda to'planishi 10 iyulda ekilganda kuzatildi. Shonalash fazasida 9,1-8,7 g; gullash fazasida 22,0-18,6 g; dukkaklanish fazasida 64,5-59,5 grammni tashkil qilgan. Durdona navida 2018 yilgi tajribalarida bahorda ekilganda shonalash fazasida 11,5-9,0 gram, gullash fazasida 26,2-20,5 gramm va dukkaklanish fazasida 66,2-61,5 grammni tashkil qilgan. Durdona navi takroriy 20.06; 1.07 va 10.07 muddatlarda ekilganda bu ko'rsatkich pasayganligi kuzatildi. Takroriy 20 iyunda

ekilganda shonalash fazasida 10,2 grammdan 8,2 grammgacha; gullash fazasida 23,5 grammdan 21,6 grammgacha, dukkaklanish fazasida 63,5 grammdan 60,6 grammgacha kamayganligi aniqlangan. Takroriy 1 iyulda ekilganda shonalash fazasida 9,3-6,4 gramm; gullash fazasida 20,8-18,2 g; dukkaklanish davrida 60,8-58,0 grammga kamaygan. Eng oxirgi muddatda ekilganda shonalash fazasida 8,1-6,2 g; gullash davrida 18,8-17,2 g; dukkaklanish fazasida 58,8-51,2 grammgacha kamayganligi aniqlangan. Durdona navida o'rtacha uch yillik ma'lumotlar bo'yicha shonalash fazasida ekish me'yorlari bo'yicha to'plangan quruq moddaning miqdori 67,2-61,8 grammni, Durdona navi takroriy 20 iyunda ekilganda quruq modda miqdori 66,2-62,8 grammni va 1-10 iyulda ekilganda bir tup o'simlikda quruq modda to'planishi 61,2-63,6 gramm va 57,5-61,0 gramm kamayib borganligi aniqlangan. Durdona navi takroriy 20 iyunda va 1-10 iyulda ekilganda bir tup o'simlikda quruq modda to'planishi kamayib borganligi kuzatilgan.

**Xulosalar:** Mosh navlarini ekish me'yori oshgansari quruq modda to'planishi bir tup o'simlikka kamayib borganligi aniqlandi; Mosh navlari bahorda ekilganda quruq modda to'planishi bir tup o'simlikda yuqori bo'lib, takroriy ekilganda kamayib borganligi aniqlangan.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Atabaeva X.N, Sattarov M.A, Idrisov X.A Sug'oriladigan maydonlarda mosh etishtirishning intensiv texnologiyasi bo'yicha tavsiyanoma. Toshkent 2019.
2. Atabaeva X.N, Xudoyqulov J.B O'simlikshunoslik. T "Fan va texnologiya". 2018.
3. Dospexov B.A. Metodika polevogo o'p'ita. - M.: Kolos, 1985. - 317 s.
4. Dala tajribalarini olib borish metodikasi O'zPITI.2007 yil .

UO'T: 635.655.631.847.2

### TUGANAK BAKTERIYALARNI O'ZIDA SAQLOVCHI TUPROQ VA TURLI BIO O'G'ITLARNI QO'LLASHNI SOYA NIHOLLARINING UNIB CHIQISHI VA KO'CHAT QALINLIGIGA TA'SIRI

*J.U.Hamdami, ilmiy xodim, Don va dukkakli ekinlar ITI Farg'ona ilmiy tajriba stansiyasi, Farg'ona*

**Annotatsiya.** Maqolada soya navlarining unib chiqishi va ko'chat qalinligiga turli xil bio o'g'itlarni qo'llash bo'yicha tajribalar taxlili bayon etilgan bo'lib, o'tkazilgan tajribalarda navlar o'rtasida variantlarga mutanasib xolda farqlar kuzatilgan.

**Kalit so'zlari:** soya, nav, Baraka, Serxosil, bakteriya, urug

**Аннотация.** В статье описано выращивание сортов сои и применение различных видов биодоброения для увеличения толщины семян, а в экспериментах наблюдались различия в соотношении между сортами и вариантами

**Ключевые слова:** соя, разнообразие, благословение, урожай, бактерия, семя

**Abstract.** The article describes the cultivation of soy varieties and the use of different types of bio-fertilization to seed thicknesses, and the differences in the ratio between varieties to options were observed in the experiments.

**Key word;** soybean, variety, blessing, yield, bacterium, seed

**Kirish.** Barchaga ma'lumki, qishloq xo'jaligi ekinlarini hosildorligini xal qiluvchi asosiy omillardan biri bu ko'chat qalinligidir. Ko'chat qalinligini tavsiya etilgan me'yordan kamayib yoki ortib ketishi hosildorlik va hosil sifatida salbiy ta'sir etishi ko'plab olimlarimiz tomonidan olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlarida o'z isbotini topgan. Jumladan, dehqonchilik ilmida nixollarning o'sishi va rivojlanishiga sezilarli tasir ko'rsatadigan omillardan biri-ekish me'yori yoki geklarda o'simlikning tup soni hisoblanadi. Tup sonining ko'p yoki kam bo'lishi natijasida o'simlik bo'yining balandligi, barg soni, barg yuzasi, quruq modda to'planishi, yon shoxlari soni va hosil organlarining rivojlanishi o'zgarib boradi. Tuproqning suv o'tkazuvchanlik xususiyatlarini yaxshilanishi, nafaqat kuzgi bug'doydan keyin ekilgan takroriy ekinlarga, balki ularning bevosita maqbul ekish me'yorlariga ham bog'liq, bunda soyani gektariga 260 ming, moshni 100 ming, tariqni 2,5 mln va makkajo'xorini 80 ming tup holida saqlash ijobiy samara berib, tuproqda kechadigan barcha biologik jarayonlarni faol borishiga hamda tuproq unumdorligini yaxshilanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Soyadan yuqori hosil olish uchun tup soni geklarda to'liq bo'lishi lozim. Tup soni kam bo'lsa, malum maydondagi oziqa moddalari, namlik va tushayotgan quyoshdan foydalanish darajasi kamayib borishini isbotlangan. Tup soni oshishi va nitragin bilan ishlash natijasida soya navlarida (200 mingdan 300 gacha va xatto 400 gacha) 4,5; 6,8; 7,5 sentnerga oshganligini tajribalarda aniqlangan. Soya urug'larini nitragin yoki rizotorfin bilan ishlab ekish natijasida fotosintetik faoliyatning oshishini va tuproqdan olib chiqiladigan azot miqdori havodan o'zlashtiriladigan azot evaziga tuproqda kamayishini ta'kidlab o'tadilar. Fotosintetik faoliyatning faol bo'lishi va o'simlikning o'zini azot bilan taminlashi tufayli hosildorlikning 4-6 sentnerga, ayrim hollarda esa 7,8-8,5 sentnergacha oshishini tajribalarda kuzatilgan.

Yuqorida keltirilgan ilmiy manbalardan kelib chiqqan holda ilmiy ishdagi asosiy maqsadlardan biri, azot to'plovchi (*Rhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalari bilan avval boyitilgan (6-8 yil) tuproqlardan foydalanib yangidan birinchi marotaba soya ekilayotgan maydonlarga yuqtirish va ularni soya o'simligining ildizlarida shakllanishiga fosfor parchalovchi yangi FOSSTIM-3 bakterial bioo'g'itlarining ta'sirini aniqlashdan iborat.

Dala tajribalari 2019–2021 yillar mobaynida Don va dukkakli ekinlar ilmiy–tadqiqot institutining Farg'ona ilmiy–tajriba stansiyasi tajriba dalasida olib borildi. Tajribani amalga oshirish uchun Don va dukkakli ekinlar ilmiy–tadqiqot institutining tajriba xo'jaligida ko'p yillardan buyon muttasil soya ekib kelinayotgan dalasidan azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 0–15 va 15–25 sm qatlamlaridan 1000 va 1500 kg/ga miqdorida tuproq, yangi fosfor parchalovchi FOSSTIM–3 bakteriyal bioo'g'itining 1,0 litr/ga, SERHOSIL biopreparati 20 litr/ga hamda soyaning mahalliy o'rtaki kechpishar “Baraka” va ertapishar “To'maris Mman–3” navlari ishtirok etdi.

Tadqiqot ob'ekti va uslublari. Dala tajribalarini olib borishda O'zPITI va Don va dukkakli ekinlar ilmiy tadqiqot institutlarida ishlab chiqilgan ilmiy uslublar asosida o'tkazildi.

Tajriba 14 ta variantdan iborat bo'lib, 4 takrorlanishda bir yarusda joylashtirildi. Tajribada egat kengligi 60 sm ni, uzunligi 20 metrni tashkil etib, bitta variantning umumiy maydoni 96,0 m<sup>2</sup> ni, hisobga olish maydoni esa 48,0 m<sup>2</sup> ni tashkil etdi. Tajribaning umumiy maylarni 0,54 gekterni tashkil qildi.

**Tajriba natijalari va muxokamasi** Tajriba natijalariga ko'ra, (2019 yil) soyaning “Baraka” navi urug'lari ekilgan variantlarda ko'chat qalinligi tahlil qilinganida, tuproq urug'lar an'anaviy tarzda tayyorlanib ekilgan 1–variantda amal davri boshida ko'chat qalinligi o'rganilganida o'rtacha 292,0 ming dona/ga ni, amal davri oxirida xaqiqiy ko'chat qalinligi aniqlanganida esa o'rtacha 266,3 ming dona/ga ni tashkil etib, o'suv davri davomida nobud bo'lgan ko'chatlar 8,8% ni ko'rsatgan bo'lsa, soya urug'larini ekish bilan birga azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 0–15 sm qatlamidan 1000 kg/ga miqdorida tuproq olib qo'llanilgan 2–variantda ko'chat qalinligi amal davri boshida 292,6 ming dona/ga ni, amal davri oxirida xaqiqiy ko'chat qalinligi 271,8 ming dona/ga ni tashkil etib, o'suv davri davomida nobud bo'lgan ko'chatlar mos ravishda 7,1% ga teng bo'lib, soya urug'lari an'anaviy usulda ekilgan 1–variantga nisbatan ko'chat qalinligi amal davri oxirida 5,5 ming dona/ga yuqori bo'lib, o'suv davri davomida ko'chatlarning nobud bo'lishi 1,7% ga kam bo'lganligi kuzatildi.

Soya urug'lari ekish oldidan Fosstim–3 biopreparati bilan 1,0 kg/ga me'yorda ishlov berilib, urug' ekish bilan birga azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 0–15 sm qatlamdan 1500 kg/ga miqdorida tuproq olinib qo'llanilgan va o'suv davrida Serhosil bioo'g'itidan shonalarda 10 l/ga, dukkaklashda 10 l/ga me'yorlarda suspenziya shaklida sepilgan 3–variantda ko'chat qalinligi hisobga olinganida, amal davri boshida 291,7 ming dona/ga ni, amal davri oxirida 275,9 ming dona/ga ni, o'suv davri davomida ko'chatlarning nobud bo'lishi tegishli ravishda 5,4% ni ko'rsatib, soya urug'lari an'anaviy usulda ekilgan nazorat 1–variantga nisbatan ko'chat qalinligi amal davri oxirida 9,6 ming dona/ga ko'p bo'lib, o'suv davri davomida ko'chatlarning nobud bo'lishi 3,4% ga kam bo'lganligi aniqlandi.

Soya urug'larini ekish oldidan azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 0–15 sm qatlamdan olingan 10 kg tuproq va Fosstim–3 biopreparatining 1,0 kg me'yorlari bilan ishlov berilib ekilgan 4–variantda ko'chat qalinligi

o'rganilganida, amal davri boshida 292,1 ming dona/ga ni, amal davri oxirida 269,0 dona/ga ni tashkil etib, o'suv davri davomida nobud bo'lgan ko'chatlar miqdori 7,9% ni tashkil etib, soya urug'lari an'anaviy usulda ekilgan nazorat 1–variantga nisbatan amal davri oxiriga borib, xaqiqiy ko'chat qalinligi 2,7 ming dona/ga gacha yuqori bo'lib, o'suv davri davomida nobud bo'lgan ko'chatlar 0,9% gacha kamayganligi ma'lum bo'ldi.

Soya urug'larini ekish bilan birga azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 15–25 sm qatlamidan 1000 kg/ga miqdorida tuproq olinib, urug' ustiga qo'llanilgan 5–variantda ko'chat qalinligi tahlil qilinganida, amal davri boshida unib chiqqan ko'chatlar soni 292,5 ming dona/ga ni, amal davri oxirida xaqiqiy ko'chat qalinligi 270,3 ming dona/ga ni, o'suv davri davomida ko'chatlarning nobud bo'lishi 7,6% ni ko'rsatgani holda, soya urug'lari an'anaviy usulda ekilgan 1–variantga nisbatan ko'chat qalinligi amal davri oxirida 4,0 ming dona/ga yuqori bo'lib, o'suv davri davomida ko'chatlarning nobud bo'lishi 1,2% ga kamayganligi qayd etildi. Soya urug'larini ekish oldidan Fosstim–3 biopreparati bilan 1,0 kg/ga me'yorda ishlov berilib, urug' ekish bilan birga azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 15–25 sm qatlamdan olingan 1500 kg/ga miqdorida tuproq qo'llash va o'suv davrida Serhosil bioo'g'itidan shonalarda 10 l/ga, dukkaklashda 10 l/ga me'yorlarda suspenziya shaklida qo'llanilgan 6–variantda mavjud ko'chat qalinligi kuzatilganida, amal davri boshida unib chiqqan ko'chatlar soni o'rtacha 291,4 ming dona/ga ni, amal davri oxirida xaqiqiy ko'chat qalinligi 273,3 ming dona/ga ni, o'suv davri davomida nobud bo'lgan ko'chatlar 6,2% ni tashkil etib, soya urug'lari an'anaviy usulda ekilgan nazorat 1–variantga nisbatan amal davri oxirida xaqiqiy ko'chat qalinligi 7,0 ming dona/ga gacha yuqori bo'lib, o'suv davri davomida ko'chatlarning nobud bo'lishi 2,6% ga kam bo'lganligi aniqlandi.

Soya urug'larini ekish oldidan azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 15–25 sm qatlamdan olingan 10 kg tuproq va Fosstim–3 biopreparatining 1,0 kg me'yorlari bilan ishlov berilib ekilgan 7–variantda ko'chat qalinliklari tahlil qilinganida, amal davri boshida ko'chatlarning unib chiqishi 291,9 ming dona/ga ni, amal davri oxirida xaqiqiy ko'chat qalinligi 268,0 ming dona/ga ni, ko'chatlarni o'suv davri davomida nobud bo'lish darajasi esa 8,2% ni tashkil etib, soya urug'lari an'anaviy usulda ekilgan nazorat 1–variantga nisbatan ko'chat qalinligi amal davri oxirida mos ravishda 1,7 ming dona/ga gacha yuqori bo'lib, o'suv davri davomida ko'chatlarning nobud bo'lishi 0,6% gacha kamayganligi kuzatildi.

Tajribada soyaning "To'maris Mman–3" navi urug'lari ekilib, parvarishlanayotgan variantlarda amal davri boshida va oxirida ko'chat qalinliklari tahlil qilinganida ham yuqoridagi qonuniyatlarga mos ma'lumotlar olinganligi qayd etildi. Tadqiqot natijalari 1-jadvalda keltirilgan.

**Xulosalar.** Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, soya urug'lari ekish oldidan FOSSTIM–3 biopreparati bilan 1,0 kg/ga me'yorda ishlov berilib, urug' ekish bilan birga azot to'plovchi (*Bradyrhizobium japonicum*) tuganak bakteriyalarni o'zida saqlovchi tuproqning 0–15 sm qatlamdan 1500 kg/ga miqdorida tuproq olinib qo'llanilgan va o'suv davrida Serhosil bioo'g'itidan shonalarda 10 l/ga, dukkaklashda 10 l/ga me'yorlarda suspenziya shaklida sepilgan variantlardan olinganligi aniqlandi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Siddiqov R., Mo'minov A., Ergashev U. Ma'dan o'g'itlarni qo'llashning soya navlari biometrik ko'rsatkichlari hamda don hosildorligiga ta'siri. 2019. № 4 [50] son. B. 38-39.

2. Iminov A., Karimov Sh., Usmonova D. Tuproqdagi mikrobiologik jarayonlarning o'zgarishiga dukkakli don ekinlarida azotni faol o'zlashtiruvchi tuganak bakteriyalar va mineral o'g'itlar qo'llashning ta'siri. 2020. № 2 [65]. B. 33-34.

3. Mannopova M. Soyaning maqbul ko'chat qalinligi va doni moyliligining turli tuproqlarda o'zgarishi // Paxtachilik va donchilik jurnali. – Toshkent, 2003. - № 3-4. - 49-50 b.

**XORAZM VILOYATI O'TLOQI ALLYUVIAL TUPROQLAR SHAROITIDA QOVOQ  
NAVLARI URUG'INING UNIB CHIQISH VA CHINBARG HOSIL QILISH  
MUDDATLARI**

*A.J. Shokirov, q/x.f.d, SPE va KITI, Toshkent*

*A. Raximov, dots., q/x.f.n, Urganch Davlat Universiteti, Urganch*

*M.M. Matyakubov, doktorant, SPE va KITI, Toshkent*

*M.Z. Jumonova, o'qituvchi, Urganch Davlat Universiteti, Urganch*

*Annotatsiya. Maqolada har xil navli qovoq urug'larining allyuvial o'tloqi tuproqlar sharoitida unib chiqishi va chinbarg hosil qilish muddatlari tajriba kuzatuvlari natijalari asosida tahlil qilinib navlar o'rtasidagi farqlar yoritilgan.*

*Kalit so'zlar: qovoq, nav, muddat, tahlilm sharoit, chinbarg*

*Аннотация. В данной статье на основе полученных результатов опытных наблюдений отражены сроки всходов семян и образование настоящих листьев разных сортов тыквы в условиях лугово-аллювиальных почвах.*

*Ключевые слова: тыква, сорт, срок, условия анализа, настоящие листья*

*Abstract. In this article, based on the results of experimental observations, the timing of seed germination and the formation of true leaves of different varieties of Pumpkin in conditions of meadow-alluvial soils are reflected.*

*Key words: pumpkin, variety, period, analytical conditions, real leaf*

Respublikada qishloq xo'jalik sohalarida keng ko'lamli tadqiqotlar olib borish, poliz va sabzavot ekinlarini hosildorligini oshirish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va ekin maydonlarining tuzilishini yaxshilashga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan (1) "...milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish uchun qishloq xo'jaligi ob'ektlarini rivojlantirish" bo'yicha vazifalar belgilab berilgan. Bu esa Janubiy Orolbo'yi sharoitida umumiy biologik mahsuldorlikni oshirish va agroekotizimning ekologik muvozanatini yaxshilash bilan birgalikda aholini sabzavot va poliz ekinlari mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish va mahsulotlarni yetishtirish samaradorligini oshirishda yanada dolzarb ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 15 sentyabrdagi PQ-3281-son "2018 yil qishloq xo'jalik ekinlarini oqilona joylashtirish chora tadbirlari va qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirishning pragnoz hajmlari to'g'risida"gi Qarori (2) va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 29 yanvardagi 65-sonli Qarori hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda muayyan darajada xizmat qiladi.

Shu vazifalardan kelib chiqqan holda Quyi Amudaryo mintaqasida poliz ekinlarining, jumladan qovoqning istiqbolli yangi navlarini ekishni ko'paytirish, ularni mahalliy tuproq-iqlim sharoitida o'stirish va yuqori hosildorlikka erishish dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

Xorazm viloyatida tarqalgan tuproqlar I.N.Felitsiant(1964), L.Tursunov (1981) va boshqa tadqiqotchilar aniqlaganidek, qadimgi Amudaryo yoyilmasidagi allyuvial yotqiziqlar orqali paydo bo'lgan.

Tajribalarimiz Respublika Cabzavavot, poliz yekinlari va kartoshkachilik ilmiy tadqiqot instituti Xorazm tajriba stansiyasining Gurlan tumanida joylashgan, Amudaryoning chap qirg'og'idagi sug'oriladigan o'tloqi-allyuvial tuproqlar, yer osti suvi 1,0-2,5m, chuqurlikda joylashgan va tuproq paydo bo'lish jarayoniga ta'sir etishi orqali shakllangan maydonlarda o'tkazildi. Xududda yer osti suvining yuqori turishi tuproqlarning quyi qismlarini ortiqcha namlaydi. Tuproqlarning mexanik tarkibi turlicha bo'lib, asosan o'rta va yengil qumoq, qisman og'ir qumoq tarkiblariga ega.

Viloyatning tuproq meliorativ holati og'ir, sug'orish jarayonida tuproqning zararli tuzlardan mo'tadil yuvilish tartiboti qo'llanilayotganligi, tuz balansidagi ijobiy holat, gektaridan 1300 tonna

tuz chiqib ketishiga erishilayotganligiga qaramasdan, yer osti suvlari sath va mineralizatsiyasining ta'siri orqali ikkilamchi sho'rlanish jarayoni faollashib ekinlar hosildorligining pasayib ketishiga olib kelmoqda. (3)

1-jadval

## Gurlan tumani sug'oriladigan tuproqlarning 0-1 metrli qatlamdagi suvda oson eruvchi tuzlarning zahirasi

Tuz zahiralari bo'yicha guruhlar							
Maydon	Juda past	past	o'rtacha	yuqori	baland	Juda baland	O'ta baland
ga	17031,0	10222,1	6551,0	2731,8	429,3	129,7	-
%	45,91	27,56	17,66	7,36	1,16	0,35	-

Tajriba rejasi bo'yicha Xitoy, Yaponiya, Amerika va Ukrainada yaratilgan 6ta nav qovoq urug'i namunalari unib chiqish muddatlari o'rganildi. Urug'lar tajriba bo'lakchalarida 4ta takrorlanishda 24 aprel kuni ekildi va 3 kun o'tgach har kuni kuzatuv o'tkazildi. Urug'larning unib chiqish muddatlarini taqqoslash uchun respublikamizda rayonlashtirilgan "Ispon 73" qovoq navi nazorat varianti qilib belgilandi.

2-jadval

## Qovoq namuna urug'larining unib chiqishi va chinbarg hosil qilishi

Variantlar	Nav namunalar nomi	Urug' yerga ekilgandan to unib chiqquncha va chinbarg hosil qilguncha o'rtacha kun (20.04.2022 yil ekilgan).			
		Unib chiqishi		Birinchi chin barg paydo bo'lishi	
		10 %	75 %	10 %	75 %
1(nazorat)	Ispon 73 qovog'i (O'zbekiston)	6	8	11	13
2	Cantonese honey pumpkin (Xitoy)	4	6	8	10
3	Large Golden Hook Pumpkin(Xitoy)	5	8	10	12
4	Yaponskaya (Yaponiya)	4	8	9	11
5	Solabaza potiron zucco (Amerika)	6	7	9	11
6	Zimnaya sladkaya (Ukraina)	6	7	8	11
7	Red chestnut pumpkin (Yaponiya)	5	6	9	10

Kuzatuvlar davomida havo haroratining kunduzgi va kechki ko'rsatkichlari Urganch ob-havoni nazorat qilish stantsiyasining ma'lumotlari asoaida tahlil qilindi. Unga ko'ra Aprel oyining 24-30 kunlari havo harorati kunduzlari o'rtacha 25-32, kechalari 12-17 gradusni tashkil qilib foydali harorat sutkasiga o'rtacha 16,5 gradusni tashkil etgan (4). Havo haroratining bunday darajalari ilmiy manbalar ma'lumotlariga ko'ra qovoq urug'larining unib chiqish muddatlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Kuzatuvlar shuni ko'rsatdiki urug' ekilgan kundan 4 kun o'tgach "Cantonese honey pumpkin" va "Tikva yaponskaya" navlari (2 va 4 variantlar) urug'lari birinchi bo'lib 10 foyiz paykallarda unib chiqdi. "Red chestnut pumpkin" va "Large Golden Hook Pumpkin" navlari (3 va 7 variantlar) urug'lari 5 kun, "Solabaza potiron zucco", "Zimnaya sladkaya"(4 va 5 variantlar) va "Ispon 73" qovog'i (1-nazorat varianti) urug'lari esa 6 kun o'tgach unib chiqdi.



1-rasm. Qovoq urug'larining unib chiqishi va chinbarg holil qilishi

Paykallarda 75 foyiz unib chiqqan urug'lar 6 nchi kuni "Red chestnut pumpkin", 7nchi kuni "Cantonese honey pumpkin", "Solabaza potiron zucco" va "Zimnaya sladkaya", 8nchi kun "Large Golden Hook Pumpkin", "Tikva yaponskaya" va "Ispon 73" qovog'i navlarida kuzatildi. Bu "Red chestnut pumpkin" navi urug'larining "Cantonese honey pumpkin", "Solabaza potiron zucco" va

“Zimnaya sladkaya” navlariga nisbatan 1 kun va qolgan boshqa navlarga nisbatan 2 kun oldin unib chiqqanligini ko'rsatdi.

Bir xil tuproq va iqlim sharoitida bunday natijalar farqlarini nav namunalarning genetik xususiyatlari va urug'larining unib chiqish quvvatlaridagi farqlar bilan isbotlash mumkin.

Unib chiqqan nihollarda chinbarg paydo bo'lishida ham sezilarli farqlar kuzatildi. Jumladan “Cantonese honey pumpkin” va “Zimnaya sladkaya” navlarida unib chiqqan nihollarda ekilgan kundan boshlab 10 kun o'tganda, “Red chestnut pumpkin”, “Tikva yaponskaya” va “Solabaza potiron zucco” navlarida 11 kun o'tganda chinbarg paydo bo'ldi. Chinbarglar paydo bo'lishi “Ispoon 73” qovog'i (nazorat) nihollarida esa 13nchi kunda kuzatildi. Bunday farqlar qovoq tuplarining o'sish va rivojlanishiga, hosilning erta pishib yetilishiga, hosildorlikka o'z tasirini ko'rsatadi [5].

Yuqorida keltirilgan malumotlarga asoslanib quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

1.Nav namunalari urug'larining unib chiqish muddatlarida sezilarli farqlar kuzatildi va Xitoyning Cantonese honey pumpkin va Yaponiyaning Red chestnut pumpkin navlari urug'lari sinalayotgan boshqa navlarga nisbatan birinchi bo'lib 75 foyiz paykallarda 7 kunda unib chiqdi;

2.Unib chiqqan nihollarda chinbarglarning paydo bo'lishida ham bu navlar boshqalariga nisbatan yetakchi bo'ldi,yani 75 foyiz paykallarda 10 kunda chinbarglar paydo bo'ldi;

3.Mahalliy sharoitimizda o'stirilayotgan Ispoon 73 qovog'i urug'lari 8 kunda unib chiqdi va 13 kunda chinbarglar hosil qilib navlar ichida past ko'rsatkichga ega bo'ldi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida» Farmoni.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 15 sentyabrdagi PQ-3281-son “2018 yil qishloq xo'jalik ekinlarini oqilona joylashtirish chora tadbirlari va qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirishning pragnoz xajmlari to'g'risida”gi qarori

3. Egamberdiev Oybek Jangirovich “Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlar xossalari resurs tejamkor va tuproq himoyalovchi texnologiyalar ta'sirida o'zgarishini ilmiy asoslash (Xorazm viloyati misolida)”. Fan nomzodligi uchun dissertatsiyasi, To'shkent, 2007 yil.

4. <https://www.accuweather.com/uz/uz/urgench/356378/april-weather/356378?year=2022>

5. Dala tajribasi jurnalidagi kuzatuv malumotlari. 2022 yil, aprel oyi.

УЎК:631.8.631.5;546.18.853.52

## ФОСФОР МЕЪЁРЛАРИ ВА ТЕМИР МИКРОЭЛЕМЕНТИНИ СОЯ НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА ТАЪСИРИ

*Х.Н. Атабаева, к/х.ф.д., проф., Тошкент Давлат Аграр Университети, Тошкент*  
*С.Ш.Якубов, мустақил тадқиқотчи, Тошкент Давлат Аграр Университети, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўсимликларнинг ҳосил элементларини шаклланишига фосфор ўғитининг меъёрлари ҳамда темир микроўғитининг таъсири таҳлил қилинган. Тажрибада дуккак сони ва вазни ҳамда дон сони ва вазнини ўзгаришига ўрганилган ўғит меъёрлари ва турлари таъсир қилганлиги исботланган. Мақбул меъёрлар ва вариантлар аниқланган.

**Калит сўзлари:** соя, навлар, фосфор меъёрлари, темир микроўғити, дуккак сони ва вазни, дон сони ва вазни

**Аннотация.** В данной статье описывается влияние норм фосфора и микроудобрения из железа на формирование элементов урожая. Под влиянием изученных вариантов удобрений число бобов и масса бобов, а также число зерен и масса зерен изменялись. Определены оптимальные нормы удобрений

**Ключевые слова:** соя, сорта, нормы фосфора, микроудобрение железа, число и масса бобов, число и масса зерна.

**Abstract.** In this article, the effect of the norms of phosphorus fertilizer and iron micronutrient on the formation of plant yield elements are analyzed. In the experiment, it has proved that changes in the number and weight of pods, as well as the number and weight of grains are influenced by the norms and types of fertilizers studied. Optimal norms and options have been identified.

**Keywords:** soybean, varieties, norms of phosphorus, iron micronutrient, number and weight of pods, number and weight of grain

**Кириш.** Дон етиштиришни ривожлантириш, шу сингари чорвачиликни ҳам қимматли ем-хашак билан таъминлаш, енгил саноатни эса ҳам ашёга бўлган мухтожини қондиришда ғалла экинлари билан бир қаторда дуккакли-дон экинлари ҳам туради, чунки экинларнинг дони юқорида қайд қилинган муаммоларни ечишда қатнашади. Донли экинларин сон учун энг зарур бўлган асосий озиқ-овқат ун ва нон маҳсулотларини беради. Шу маҳсулотларга хар хил миқдорда дуккакли-дон экинларнинг уни кўшилиб нон маҳсулотини ассортиментини оширади. Дуккакли-дон экинларини орасида соя ўсимлиги эътиборга олинган экиндир. Озиқавий аҳамияти-соядан нон, гўшт, сут, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқилади; ем-хашак аҳамияти-хар хил озуқалар тайёрланади; техник аҳамияти-ўсимлик мойи ишлаб чиқилади; шифобахш аҳамияти; агротехник аҳамиятига эга. Соя уни буғдой унига 6-10% кўшиб нон маҳсулотлари тайёрланади; соя уни колбаса маҳсулотларига кўшилади, тўйимлилигини оширади [1,2,3].

**Тажриба шароити ва методикаси** Илмий изланишлар Шолчилик илмий тадқиқот институтининг тажриба майдонининг 12 карта 1-чек (0,15 га) майдонида олиб борилди. Тажриба участкаси Тошкент вилоятининг жанубий шарқий қисмида, Тошкент шаҳридан 15 км узоқликда Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида географик ўрни бўйича Гринвич шкаласида 69°18' Шарқий узунликда ва 41°20' Шимолий кенгликдаги текисликларда жойлашган. Шолчилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигининг ҳайдов қатлами 0-30 ва 0-40 см, ҳайдов қатламидан пастда 30-40 см қалинликда гель қатлами, 60-70 см чуқурликда қумли ва майда тошлардан иборат қатлам жойлашган. Тупроқ қатламлари воҳа учун характерли бўлиб ботқоқ типидеги тупроқлардир. Ҳар хил чуқурлик қатламларида эса катта ва кичик тошлар ва қум аралашмалари ҳам мавжуд. Ушбу тупроқлар дарёнинг чап қирғоғидаги типик ортикча намлик шароитларидан келиб чиққан ҳолда бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун жуда қулайдир. Тупроғи-ўтлоқи. Тажриба даласининг тупроғи шўрланмаган, ҳайдов қатлами 30-40 см. Тупроқдаги эритмаларнинг рН миқдори 6,8-7,3 бирликларида бўлиб, механик таркиби бўйича оғир лойлидир.

Тажрибалар “Методика Государственной инспекции по сортоиспытаниям сельскохозяйственных культур» (М.1971, 239с),” Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Т.УзПИТИ, 2007, 147 бет ), тупроқ таҳлиллари “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах” (Т.СоюзНИХИ, 1963, 438с), фотосинтетик фаолияти А.А.Ничипорович услуби (А.А.Ничипорович О путях повышения продуктивности фотосинтеза растений в посевах. В кн. Фотосинтез и вопрос продуктивности растений” М.Колос. С.5-53), симбиотик фаолияти Г.С.Посьпанов услуби бўйича олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.Д.Доспеховнинг “Методика полевого опыта”( М.Агропромиздат, 1985, 351 с) қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил услуби бўйича амалга оширилган. Тажрибада фосфорнинг уч хил меъёри ўрганилган ва хар бир меъёрга темир микроўғити суспензия ҳолатда қўлланилган. Тажрибада “Нафис” ва “Вилана” навлари экилган тажрибада Тошкент вилояти учун қабул қилинган етиштириш технологияси қўлланилган. Экиш меъёри 400 минг дона/га, қатор ораси 60 см. Амал даврида минерал ўғитларни тавсия этилган меъёрлари қўлланилган: азот 50 кг. Калий 100 кг/га, фосфорнинг 80,120,160 кг меъёрлари ўрганилган. Тажрибада талаб қилинадиган барча кузатувлар, ўлчрвлар, ҳисоблар бажарилган.

**Тажриба натижалари** Ўрганилган фосфор меъёрлари ва Fe+темир микроўғити соя навларининг ўсишига, ривожланишига, фотосинтетик ва симбиотик фаолиятига таъсир кўрсатганлиги исботланган. Амал даврини охирида вариантлар бўйича шаклланган ҳосил элементлари таҳлил қилиниб, қуйидагилар аниқланган.

Соя навлари баҳорда экилганда биринчи вариантда дуккаклар сони бир туп ўсимликда “Нафис “ навида 85 донани ташкил қилиб, бу вариантга темир суспензияси қўлланилганла кўрсаткич 5 донага ошган. Фосфор меъёри 120 кг /га ошганда дуккаклар сони 8 донага

ошганлиги кузатилга. Бу меъёрга темир суспензияси қўшилганда дуккаклар сони 14 донага ошганлиги кузатилган. Фосфор меъёри яна оширилганда дуккак сони 14 га ошганлиги қайд қилинган. Темир суспензияси қўшилганда биринчи вариантга нисбатан 11 донага ошган, аммо олдинги вариантга нисбатан 3 донага кам айганлиги аниқланган. Дуккак вазни биринчи вариантда 31,6 г.ни ташкил қилган; темир эвазига 2,0 г қўшилгани аниқланган. Фосфор меъёри 120 кг бўлганда, дуккаквазни 2,8 г./га ошганлиги аниқланган. Бу меъёрга темир қўшилганда дуккак вазни 5 г.га ошганлиги аниқланган. Фосфор меъёри 160 кг га ошганда дуккак вазни 5 г.га ошганлиги аниқланган; шу вариантга темир қўшилганда биринчи вариантга нисбатан 3,6 г.га ошган, аммо олдинги ваприантга нисбатан 1,4 г.га камайганлиги аниқланган. Бир дуккакдаги дон сони биринчи вариантда 116 донани ташкил қилиб, темир элементи қўшилганда 4 донанга ошга; фосфор меъёри 120 кг.га ошганда дон сони 8 тага ошганлиги кузатилган. Бу вариантга темир қўшилганда биринчи вариантга нисбатан 7 донага ошганлиги аниқланган. Фосфор меъёри 160 кг га ошганда дон сони 6 донага ошган, аммо олдинги вариантга нисбатан 1-2 донага камайганлиги қайд қилинган, қори меъёрдаги фосфорга қўшилганда дон сони 2 донага ошган ва олдинги вариантларга нисбатан 4-5 донага камайганлиги кузатилган. Вилана навида ҳам шундай қонуниятлар такрорланган. Дуккаклар сони 82 дан 88 гача бўлиб, юқори кўрсаткичлар фосфор меъёри 120 кг ватемир микроўғити қўшилган вариантда кузатилган. Дуккак вазни фосфор меъёри 80 кг/га бўлганда 30,9 граммни ташкил қилган. Фосфор меъёрлари ошганда дуккак вазни 2,2- граммга ошганлиги аниқланган. Энг юқори фосфор меъёрига темир микроўғити қўшилганда дуккак вазни олдинги вариантга нисбатан 0,4 граммга камайганлиги кузатилган. (1-жадвал).

1-жадвал

Сояннинг “Нафис” ва “Вилана” навлари асосий экин сифатида экилганда ҳосил элементлари (ўртача 2 йиллик маълумот)

Т/р	Экин муддати ва навлар А	Ўғит меъёри Б	Дуккак		Дон	
			сон дона	вазни грамм	сон дона	вазни грамм
1	Нафис 5, V	N <sub>50</sub> P <sub>80</sub> K <sub>100</sub>	85	31,6	116	25,3
2		N <sub>50</sub> P <sub>80</sub> K <sub>100</sub> +Fe	90	33,6	120	26,9
3		N <sub>50</sub> P <sub>120</sub> K <sub>100</sub>	93	34,4	124	28,0
4		N <sub>50</sub> P <sub>120</sub> K <sub>100</sub> +Fe	99	36,6	123	27,5
5		N <sub>50</sub> P <sub>160</sub> K <sub>100</sub>	99	36,6	122	26,8
6		N <sub>50</sub> P <sub>160</sub> K <sub>100</sub> +Fe	96	35,2	118	24,0
7	Вилана 5, V	N <sub>50</sub> P <sub>80</sub> K <sub>100</sub>	82	30,3	112	24,3
8		N <sub>50</sub> P <sub>80</sub> K <sub>100</sub> +Fe	83	30,9	114	25,2
9		N <sub>50</sub> P <sub>120</sub> K <sub>10</sub>	86	31,8	116	26,3
10		N <sub>50</sub> P <sub>120</sub> K <sub>100</sub> +Fe	88	32,5	117	26,7
11		N <sub>50</sub> P <sub>160</sub> K <sub>100</sub>	88	32,5	115	25,5
12		N <sub>50</sub> P <sub>160</sub> K <sub>100</sub> +Fe	86	32,1	112	23,5

“Вилана” навида дон сони биринчи вариантда 112 тани ташкил қилган; фосфор меъёрлари ошганда дон сони 4-3 донага ошган; бу меъёрларга темир элементи қўшилганда дон сони 2-5 донага ошганлиги кузатилган. Дон вазни “Вилана” навида “Нафис” навидан камроқ бўлиб, фосфор меъёрлари бўйича 24,3; 26,3; 23,5 граммни ташкил қилган. Бу меъёрларга темир микроўғити қўлланилганда дон сони вариантлар бўйича 25,2; 26,7 ва 23,5 граммни ташкил қилган. Фосфорни юқори меъёрига темир элементи қўшилганда дон вазни камайганлиги аниқланган. (1-жадвал).

**Хулосалар:** 1. Ўрганилган фосфор ўғитининг меъёрлари ва қўлланилган темир микроўғитининг таъсири ҳосил элементларини шаклланишига яққол кўриниб турибди, юқори кўрсаткичлар кузатилди. 2. Фосфор меъёри 160 кг.га оширилиб ва темир микроўғити қўлланилганда аксарият холда салбий натижа олинган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kh.N. Atabaeva, J.B.Khudayqulov, A.I.Nurbekov, A.Kassamm- Plant science, T.Fan ziyosi, 2021, 25 b.t.
2. X.H.Атабаева, Ф.С.Ачилов-Соя агротехникаси, Т. Fan ziyosi, 2021, 14,75 b.t.
3. Atabaeva X.N., Xudayqulov J.B.-Moyli ekinlar biologiyasining ilmiy asoslari T. Fan ziyosi, 2022, 15,5 b.t.

УЎТ:633.31/37; 631.527.2

**ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАН НЎХАТ НАВ ВА  
НАМУНАЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТГИЧИ****Н.Ш.Каюмов, таянч докторант(PhD) Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот  
институту.****Ш.Д.Дилмуродов, қ.х.ф.ф.д.к.х. Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институту.**

**Аннотация.** Кўп йиллар мобайнида олиб борилган илмий изланишлар негизда сурункали галла экини экилиши натижасида тупроқ таркибидаги гумус миқдори охириги 10 йил ичида 40-50% га камайиб кетганлиги кузатилди. Ушбу муамоларни ечиши мақсадида алмашлаб экишида дуккакли дон экинларни экиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур мақолада лалмикор майдонларда етиштирилган нўхат нав ва намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи келтириб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Нўхат экини, нав ва намуналар, андоза нав, ҳосилдорлик кўрсаткичи.

**Аннотация.** На основании многолетних научных исследований было замечено, что количество гумуса в почве за последние 10 лет уменьшилось на 40-50% в результате посева хронических зерновых культур. Для решения этих проблем было бы целесообразно сажать бобовые в севооборот. В данной статье представлены показатели урожайности сортов и образцов нута, выращенных в засушливых районах.

**Ключевые слова:** Горох, сорт и образцы, стандартный сорт, показатель урожайности.

**Abstract.** On the basis of many years of scientific research, it was observed that the amount of humus in the soil has decreased by 40-50% in the last 10 years as a result of planting chronic grain crops. In order to solve these problems, it would be appropriate to plant legumes in crop rotation. In this article, the yield index of chickpea varieties and samples grown in dry areas is presented.

**Key words:** Chickpea crop, varieties and samples, sample variety, productivity indicator.

Дунёда нўхат ҳосилдорлик кўрсаткичи 2021 йил ҳолатига кўра 12,13 млн тоннага етганлиги кузатилган. Шундан Ҳиндистон йилига 7,8 млн тонна ишлаб чиқариш хажми билан дунёда биринчи ўринда туради [1]. Сўнги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариб бориши натижасида лалмикор майдонларда экиб ўрганилаётган нўхат нав ва намуналарининг ривожланиш фазаси даврида ҳароратнинг юқори даражада кескин исиб бориши ва совуқ тушиши бу ўсимликнинг касаллик ва зараркунандаларга чалиниши, дон сифат кўрсаткичига таъсири кузатилади. Ушбу ҳолатларни олдини олишда дунё селекционерлари ушбу иқлим шароитига чидамли нўхат нав ва бошланғич манбаларни яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Нўхат экини ўсимликнинг гуллаш даврида ҳароратнинг юқори бўлиши уруғларнинг тўлишиш даврида ҳосилдорлик кўрсаткичи 40-45% камайишига олиб келади.

Шимолий жанубий Осиё ва Австралиянинг айрим қисмларида совуқ бўлганлиги сабабли нўхатнинг ривожланиш босқичида, (0-15<sup>0</sup>С) паст бўлиши натижасида вегетатив органларининг ривожланмаганлиги сабабли ҳосилдорлик 30-40% камайиши кузатилади.

Абиотик омиллардан (қурғоқчилик) ўсимликлар учун енг катта йўқотиш ҳисобланади. Жумладан нўхат экини қурғоқчилик туфайли ҳосилни йўқотилиши географик минтақаларга қараб 15-60% гача нобуд бўлганлиги кузатилди.

Нўхат навининг Ўзбекистон -32 ва Малхотра навлари кузда экилганда уруғларнинг қишга чидамлилиги 87-95% ни ташкил қилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича Малхотра нави Ўзбекистон -32 навиға нисбатан 1,5-2,0 ц/га юқори ҳосил берганлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотимиз Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институту. Қамаш тумани лалмикор тажриба даласида олиб борилди. Рақобатли нав синаш кўчатзори 20 та нав ва намуна, 30м<sup>2</sup> майдонга, 3 қайтариқда экиб ўрганилди. Олиб борилган 2020-2022 йиллар тадқиқотида нўхатнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича нав ва намуналарнинг йиллар бўйича фарқланганлиги кузатилди. Бунга кўра йилнинг ёгин миқдори кам ёки кўп ёғиши,

иссиқликнинг ўсув даври давомида кўтарилиб бориши, бу доннинг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичига салбий таъсирини кўрсатади.

2020- йил нав ва намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи 14,6-26,4 ц/га ча бўлганлиги кузатилди. Андоза Обод нави 20,4 ц/га ни ташкил этди. Андоза навга нисбатан KR-20-LCAYT-RF-1 намунаси 22,5 ц/га, KR-20-LCAYT-RF-11 намунаси 22,3 ц/га, KR-20-LCAYT-RF-7 намунаси 24,6 ц/га, KR-20-LCAYT-RF-14 намунаси 25,3 ц/га, KR-20-LCAYT-RF-15 (Лалмикор) нави 26,4 ц/га юқори ҳосил берганлиги кузатилди. 2020 йил Қамаш туманидаги лалмикор майдонида йиллик ёғин миқдори 231,2 мм ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич нўхат экиннинг маҳсулдорлик кўрсаткичини ортиб боришига яхши самара берганлиги кузатилди.

2021- йил ҳосили бўйича нўхат нав ва намуналарнинг ўсув даври давомида суткалик ҳарорат миқдори ўртача +10+12<sup>0</sup>С ташкил этганлиги кузатилди. Ёғин миқдори эса ўсимликнинг ўсув даври давомийлигигача 90,2 мм ёғганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Рақобатли нав синаш кўчатзорида нав ва намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (Қамаш 2020-2022 йй).

Делянка №	Нав ва намуналар номи	Ҳосилдорлик, ц/га				Андоза Обод навдан фарқи, +,-		Гуруҳ
		2020-й	2021-й	2022-й	Ўртача	ц/га	%	
1	Polvon	19,6±0,3	3,6±0,1	4,8±0,1	9,3	-0,5	-5,1	III
2	KR-20-LCAYT-RF-1	22,5±0,4	4,1±0,1	6,2±0,1	10,9	1,1	11,2	I
3	KR-20-LCAYT-RF-6	18,7±0,8	3,5±0,1	3,7±0,2	8,6	-1,2	-12,2	III
4	KR-20-LCAYT-RF-11	22,3±0,4	4,6±0,1	5,6±0,1	10,8	1,0	10,2	I
5	Istiqlo	18,7±0,2	3,4±0,1	4,2±0,1	8,8	-1,1	-10,8	III
6	KR-20-LCAYT-RF-2	18,8±0,4	3,1±0,1	3,5±0,1	8,5	-1,4	-13,9	III
7	KR-20-LCAYT-RF-7	24,6±0,2	4,7±0,1	6,1±0,2	11,8	2,0	20,0	I
8	KR-20-LCAYT-RF-12	16,5±0,3	3,6±0,1	3,5±0,2	7,9	-2,0	-20,0	III
9	Javlon	14,6±0,3	3,6±0,1	4,8±0,1	7,7	-2,2	-22,0	III
10	KR-20-LCAYT-RF-3	20,8±0,1	4,6±0,1	5,6±0,1	10,3	0,5	5,1	II
11	KR-20-LCAYT-RF-8	18,4±0,3	3,2±0,1	4,2±0,1	8,6	-1,2	-12,5	III
12	KR-20-LCAYT-RF-13	17,4±0,3	3,5±0,1	4,3±0,1	8,4	-1,4	-14,6	III
13	<b>Обод (ст)</b>	20,4±0,3	3,8±0,1	5,3±0,1	9,8	0,0	0,0	II
14	KR-20-LCAYT-RF-4	15,7±0,4	3,3±0,1	3,4±0,1	7,5	-2,4	-24,1	III
15	KR-20-LCAYT-RF-9	17,4±0,2	3,4±0,2	2,7±0,1	7,8	-2,0	-20,3	III
16	KR-20-LCAYT-RF-14	25,3±0,4	4,7±0,1	5,8±0,1	11,9	2,1	21,4	I
17	Malxotra	20,2±0,1	3,6±0,1	3,3±0,2	9,0	-0,8	-8,1	III
18	KR-20-LCAYT-RF-5	19,0±0,5	2,6±0,1	4,4±0,1	8,7	-1,2	-11,9	III
19	KR-20-LCAYT-RF-10	19,9±0,3	2,8±0,1	3,7±0,1	8,8	-1,0	-10,5	III
20	<b>KR-20-LCAYT-RF-15 (Лалмикор)</b>	26,4±0,5	5,6±0,1	6,8±0,1	12,9	3,1	31,5	I
	<b>Min</b>	<b>14,6</b>	<b>2,6</b>	<b>2,7</b>	<b>7,5</b>	<b>-2,4</b>	<b>-24,1</b>	
	<b>Mean</b>	<b>19,9</b>	<b>3,8</b>	<b>4,6</b>	<b>9,4</b>	<b>-0,4</b>	<b>-4,3</b>	
	<b>Max</b>	<b>26,4</b>	<b>5,6</b>	<b>6,8</b>	<b>12,9</b>	<b>3,1</b>	<b>31,5</b>	
	<b>НСР<sub>0,05</sub></b>	<b>0,63</b>	<b>0,15</b>	<b>0,2</b>				
	<b>НСР<sub>05 %</sub></b>	<b>3,156</b>	<b>4,11</b>	<b>4,317</b>				
	<b>CV%</b>	<b>2</b>	<b>2,5</b>	<b>2,7</b>				

Бунга кўра нав ва намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи 2,6-6,8 ц/га бўлганлиги кузатилди. Ушбу йилда ёғин миқдорининг кам ёғиши эвазига ўсимликда кечадиган фазалараро даврларида, ғунчалаш ва гуллаш даврида ўсимлик сувга бўлган эҳтиёжини таъминлай олмаганлиги сабабли ҳосилдорлик кўрсаткичи пасайиб кетганлиги кузатилди.

Андоза Обод навида ҳосилдорлик кўрсаткичи 3,8 ц/га, андоза навга нисбатан KR-20-LCAҮТ-RF-1 намунаси 4,1 ц/га, KR-20-LCAҮТ-RF-11, KR-20-LCAҮТ-RF-3 намунаси 4,6 ц/га, KR-20-LCAҮТ-RF-14 намунаси 4,7 ц/га ва KR-20-LCAҮТ-RF-15 (Лалмикор) нави 5,6 ц/га юқори ҳосил берганлиги аниқланди. Нав ва намуналарнинг 2022 йил ҳосил кўрсаткичи бўйича аниқлаганимизна 2,7-6,8 ц/га бўлганлиги кузатилди. Андоза Обод навида 5,3ц/га андоза навга нисбатан юқори ҳосилдорлик кўрсаткичи кўрсатган KR-20-LCAҮТ-RF-15 (Лалмикор) нави 6,8 ц/га ни ташкил этди. Шу билан бирганликда 5 та намунамиз ҳам юқори ҳосил кўрсаткич кўрсатганлиги аниқланди. Уч йиллик натижага кўра нав ва намуналарнинг ўртача ҳосилдорлиги 7,5-12,9 ц/га бўлганлиги аниқланди. Бунда андоза навда ҳосилдорлик кўрсаткичи ўртача 9,8 ц/га, Андоза навга нисбатан KR-20-LCAҮТ-RF-15 (Лалмикор) намунаси 12,9 ц/га юқори ҳосил берганлиги аниқланди. Андоза навдан уч йиллик ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича юқори натижа кўрсатган KR-20-LCAҮТ-RF-15 (Лалмикор) намунаси 3,1 ц/га фарқ билан аниқланди ва фоиз ҳисоби бўйича 11,2-31,5% гача бўлганлари I- гуруҳга кирганлиги кузатилди. I- гуруҳга кирган нав ва намуналар 5 тани ташкил этди. II- гуруҳга кирганлар 2 тани, қолган нав ва намуналар III гуруҳга кирганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида нав ва намуналарнинг 3 йиллик натижа бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичи аниқланди. Бунга кўра KR-20-LCAҮТ-RF-15 (Лалмикор) нави юқори натижа кўрсатганлиги кузатилди. Нав ва намуналарни ҳосил кўрсаткичи бўйича Доспехов методи бўйича аниқланди. 2020- йилда НСР<sub>05%</sub> 3,156%, 2021- йилда эса НСР<sub>05%</sub> 4,11%, 2022- йилда НСР<sub>05%</sub> 4,317% тажриба хатолиги бўлганлиги кузатилди. Ушбу натижа ижобий кўрсаткич кўрсатганлиги аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Anju Rani Poonam Devi Uday chand.Jha, Kamol Dev Sharma, Kadambot H.M. Siddique and Harsh Nayyor. “Developmental Climate – Resilient chickpea Involving Physiological and Molecular Approaches with a Focus on Temperature and Drought stress” // Frontiers in Plant Science – Austria, February 2020. page 1-29.
2. Sayyed Hossain Sabaghpour., Ali Akbar Mahmadi., Ali Saeed., Masood Kamel., R.S. Malhotra “Study on chickpea drought tolerance lines under dryland condition of Iran” // Indian J. Crop Science 1(1-2):70-73(2006)
3. Юлдашева. З.К., “Нўхат ҳосилдорлигини экиш муддатига боғлиқлиги” // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси -2020 №4(82)-Б.70-74.

УЎК.633.161-633.162;631.527.4

### ТАШҚИ МУҲИТНИНГ СТРЕСС ОМИЛЛАРИГА БАРДОШЛИ АРПАНИНГ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИ ТАНЛАШ

*Н.Д. Қуйлийев, таянч докторант, Жанубий дехқончилик ИТИ*

*Д.Т. Жўраев, к.х.ф.д., к.и.х., Жанубий дехқончилик ИТИ*

**Аннотация.** Ушбу мақолада жанубий минтақалар шароитида хусусан Қашқадарё вилояти иқлим шароитида етиштирилган арпа нав ва тизмаларини ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамли бўлган нав ва тизмалари устида танлаш ишлари олиб борилганлиги келтирилган.

**Калит сўзлар:** Арпа, стресс омиллар, қурғоқчилик, иссиқлик, жанубий минтақа, оҳирги бўгин узунлиги, бошоқ узунлиги, ҳосилдорлик, 1000 донна дон вазни

**Аннотация.** В данной статье представлена селекция сортов и линий ячменя, выращиваемых в условиях южных регионов, особенно в климатических условиях Кашкадарьинской области, на сорта и линии, устойчивые к стрессовым факторам внешней среды.

**Ключевые слова:** ячмень, стрессовые факторы, засуха, жара, южный регион, длина конечного членика, длина колоса, урожайность, масса 1000 зерен.

**Abstract.** This article presents the selection of varieties and lines of barley grown in the conditions of the southern regions, especially in the climatic conditions of the Kashkadarya region, for varieties and lines that are resistant to environmental stress factors.

**Key words:** barley, stress factors, drought, heat, southern region, terminal segment length, spike length, yield, weight of 1000 grains.

**Кириш:** Дунё мамлакатларини глобал исиш жараёни таъсирида (ёгингарчиликнинг пасайиши, сув танқислиги, ҳарорат кўтарилиши, тупроқдаги сув буғланиши жараёнининг тезлашиши) иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли навларни яратиш зарур. Шу билан биргаликда Республикамизда, хусусан жанубий ҳудудларда бошоқли дон экинларини қурғоқчиликка чидамли навларини ва бошланғич манбаларини яратиш бугунги кун селекциясининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизнинг жанубий минтақаси хусусан, Қашқадарё вилоятида об-ҳавонинг мунтазам ўзгариб туриши, баъзи деҳқончилик йилларида табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллакорлар иродасини синовдан ўтказмоқда. Ана шундай иқлим шароитларида ҳам арпа еттиштириш, арпадан мўл ҳосил олиш, униб чиққан арпа ҳосилини талофатларсиз вояга етказиш ва керакли ҳосил олишга тайёрлаш деҳқонларимизга улкан масъулият юклаб келмоқда.

Бу борада энг аввало ҳудуд иқлим шароитига мос навларини танлаш, уларни деҳқон фермерларимизга етказиб бериш соҳа изланувчиларининг асосий биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади. Бунга даврнинг ўзи ҳам имкониятлар яратиб бермоқда. Бугунги кунда энг аввало меҳнаткаш халқимизнинг заҳмати инобатга олинса, сўнг бу борада олимларимиз яратаётган янги-янги навларнинг ҳиссаси эътироф этилади.

Қурғоқчиликка чидамлилик даражаси, навларнинг юқори ҳосил бериши, ҳамда бошоқдаги дон сони кўп бўлиши, дон йирик, тўлишганлиги ва охириги буғин узунлиги билан баҳолаш мумкин[2].

Нав ва тизмаларни кўпчилигида тупроқ қурғоқчилигига таъсирчанлиги найчалаш ва бошоқлаш даврида кўпроқ кузатилади. Ҳаво қурғоқчилиги эса ўсимликларга гуллаш ва дон тўлиш даврида айниқса катта зарар етказиши мумкин. Шу даврнинг бошланишигача кучли илдиш отган навлар қурғоқчиликка чидамли бўлиб қолади[1].

**Тадқиқот усуллари.** Таҷриба давомида фенологик кузатиш, ҳисоб ва таҳлиллар Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институти, (ВИР 1984) услуги бўйича ва биометрик таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг (1989) чиқарган услуги, математик таҳлиллар Б.А. Доспехов (1985) услуб асосида амалга оширилди.

**Тадқиқот натижалари:** Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг марказий таҷриба майдонида 2020-2022 йиллар давомида арпанинг 20 та нав ва тизмалари устида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Илмий манбааларда келтирилишича бошоқли дон экинларининг охириги буғин узунлиги қурғоқчиликка чидамлилик хусусиятини намоён этиши исботланган.


Келгусида табиатнинг ноқулай омиллари (иссиқлик, қурғоқчилик) таъсирида ҳам арпадан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг марказий таҷриба майдонидаги рақобатли нав синаш кўчатларида 20 та нав ва тизмалар 3 қайтариқда экилиб, кузги арпанинг ташқи муҳитнинг стресс омилларига қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилик хусусиятлари ўрганилди. Бунда тизмаларни таққослаш мақсадида ҳозирги кунда Республикамизда кенг майдонларда экилиб келинаётган Воҳа, Қизилқурғон ва Ихтиёр навлари андоза сифатида танлаб олинди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, илмий тадқиқотларимизда арпа нав ва тизмаларининг охириги буғин узунлиги йиллар бўйича таҳлил қилинганда ўртача нав ва тизмаларда 28-59 см гача бўлганлиги аниқланди. Бунда андоза навларнинг охириги буғин узунлиги уч йиллик тадқиқотлар натижасига кўра 36,7 см дан 39,5 см гача бўлганлиги биометрик ўлчовлар натижасида аниқланган бўлса, андоза навларидан охириги буғин узунлиги юқори бўлган тизмалар сони 5 та ни, 44,5-48,8 см ни ташкил қилди. Андоза навларидан охириги буғин узунлиги қисқа бўлган тизмаларнинг охириги буғин узунлиги 35,9-27,3 см ни ташкил қилди улар сонни 12 та ни ташкил этди.

Жанубий вилоятларда қурғоқчилик ва иссиқлик таъсирида арпа навларида учрайдиган марфологик ўзгаришлардан бири бўлган бошоқ узунлиги таҳлил қилинганда тадқиқотларда ўрганилаётган кузги арпанинг 3 та нав ва 17 тизмаларининг бошоқ узунлиги таҳлил қилинганда, йиллар бўйича ўртача 6,6-12,4 см гача бўлганлиги аниқланди. Ўрганилган 20 та

нав ва тизмаларнинг бошоқ узунлигини андоза навларининг бошоқ узунлиги билан таққослаб кўрилганда, андоза “Воҳа” навининг бошоқ узунлиги 10,1 см, “Қизилқурғон” навининг бошоқ узунлиги 7 см ва “Ихтиёр” навида эса 6,8 см ни ташкил қилганлиги кузатилди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра андоза навларидан бошоқ узунлиги юқори бўлган Кр\_Арпа\_2016-4 (Султон), тизмаси 6 қаторли бўлганлиги учун 7,4 см, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё) тизмасини бошоқ узунлиги 12 см, KR18\_IBYT-3 тизмасини бошоқ узунлиги 12,7 см, KR18\_IBYT-1 тизмаларда бошоқ узунлиги 12,4 смни ташкил қилганлиги биометрик ўлчов натижалари асосида аниқланди (1-расмга).



1-расм. Арпа нав ва тизмаларининг охирги бўғин ва бошоқ узунлиги, см (Қарши, 2020-2022 йй.)

Қурғоқчил шароитда арпа ўсимлигининг сув режими аста-секин ўзгариб боради. Одатда қурғоқчилик ўсимликни нобуд бўлишига олиб келмайди; моддалар алмашинуви бузилади, натижада бошоқлар сони, бошоқдаги дон сони ва 1000 дон дон вазни камайди [3].

Ўрганилган арпа нав ва тизмаларининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган ҳосилдорлик кўрсаткичи йиллар бўйича таҳлил қилинганда ўртача 35,7-59,4 ц/га бўлиб, андоза “Воҳа”, “Қизилқурғон” ва “Ихтиёр” навларининг дон ҳосилдорлиги 49,1 дан 51,4 ц/га бўлган бўлса, андоза навларидан дон ҳосилдорлиги 3,3-8 ц/га юқори дон ҳосил олинган 5 та тизма танлаб олинди.

Арпа нав ва тизмаларининг 1000 дон дон вазни ўрганилганда йиллар бўйича ўртача 35,6-47,8 г гача бўлганлиги аниқланди. Бунда андоза навларининг 1000 дон дон вазни ўртача 40,4 г мдан 43,6 г ни ташкил қилган бўлса, Кр\_Арпа\_2016-4(Султон) тизмасининг 1000 дон дон вазни 47,4 г, KR18\_IBYT-3 тизмасида 46,1 г, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё) тизмасида 46,6 г, KR19\_SEL50-23 тизмасининг 47,8 г ва KR18\_IBYT-1 тизмасида 47,1 г га тенг бўлиб, андоза “Воҳа” навидан 1000 дон дон вазни 5,7-7,4 г гача юқори бўлганлиги аниқланди(1-жадвал).

1-жадвал

Арпа нав ва тизмаларининг ҳосилдорлик ва махсулдорлик кўрсаткичлари (Қарши, 2020-2022 йй.).

Дел.№	Номи ва келиб чиқиши	Ҳосилдорлик, ц/га	1000 та дон вазни, гр
1	Воҳа (андоза)	51,4	42,8
2	KR18_BYT_Naz-17	37,0	36,8
3	KR18_IBYT-2	37,7	39,8
4	KR19_SEL50-26	49,8	46,2
5	Кр Арпа 2016-4 (Султон)	59,4	47,4
6	KR18_BYT_Naz-19	35,7	35,6
7	KR18_IBYT-3	55,1	46,1
8	KR19_SEL50-27	43,7	38,7
9	Қизилқурғон (андоза)	50,7	43,6
10	KR18_BYT_Naz-7	37,1	38,2

11	KR19_SEL50-13	41,4	36,4
12	KR19_SEL50-40	36,9	38,5
13	<b>Ихтиёр (андоза)</b>	49,1	40,4
14	KR18_BYT_-14	41,4	39,3
15	KR19_SEL50-22	38,9	38,2
16	KR19_SEL50-41	37,5	36,5
17	KR17BRaqYT-P-29 (Осиё)	58,6	46,6
18	KR18_IBYT-1	56,9	47,1
19	KR19_SEL50-23	54,7	47,8
20	KR19_SEL50-42	40,9	36,5
<b>Ўртача кўрсаткич</b>		<b>45,7</b>	<b>41,1</b>
<b>Энг баланд кўрсаткич</b>		<b>59,4</b>	<b>47,8</b>
<b>Энг паст кўрсаткич</b>		<b>35,7</b>	<b>35,6</b>
<b>НСР<sub>05</sub></b>		<b>1,26</b>	<b>1,54</b>
<b>НСР<sub>05</sub> %</b>		<b>2,689</b>	<b>3,66</b>
<b>S</b>		<b>0,767</b>	<b>0,94</b>
<b>Cv %</b>		<b>1,6</b>	<b>2,2</b>

**Хулоса.** Арпанинг 20 та нав ва тизмалари устида ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамлилиги ўрганилганда андоза навларига нисбатан охириги бўғин узунлиги, бошоқ узунлиги, дон ҳосилдорлиги ва 1000 дона дон вазни юқори бўлган 5 та KR18\_IBYT-3, Kг\_Арпа\_2016-4(Султон), тизмалари ҳамда KR17BRaqYT-P-29 (Осиё), KR19\_SEL50-23, KR18\_IBYT-1 тизмалар танлаб олинди ва селекциянинг кейинги босқичига тавсия этилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аленин П.Г. Продукционный потенциал зерновых, зернобобовых, кормовых и лекарственных культур и совершенствование технологии их возделывания в лесостепи Среднего Поволжья: монография, –Пенза, 2012. – С. 265.
2. Аманов А.А., М.Н.Клинецвич. Изменчивость и корреляция элементов структуру растений физиологических признаков пшеницы учитываемых при селекции на солеустойчивость и продуктивность // Вестник региональной сети по улучшению озимой пшеницы в Центральной Азии и Закавказье. -№ 2. –Алматы. 2001.–С.6-8.
3. Г.В.Удовенка “Диагностика устойчивости растений к стрессовым воздействиям” Метододической руководство. ВИР. Ленинград 1988. 226 с

**УЎК 581.633.88**

### **ЙИРИК ЗУБТУРУМ ( *PLANTAGO MAJOR L.*) НИ УРУҒИДАН КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**Ш.Д. Мирзакамолов, магистрант, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент**  
**У.Т. Дониёров, бўлими бошлиғи, Доривор ўсимликларни этиштириш ва қайта ишлаш  
илмий-ишлаб чиқариш маркази, Тошкент**

**Аннотация.** Мақолада *Plantago major L.* ни уруғидан кўпайтириши усуллари бўйича маълумотлар келтирилган. Зубтурум уруғларини стратификация қилиб экилганда уруғ унувчанлиги 90% ни ташкил этди.

**Калит сўзлар:** Зубтурум, доривор ўсимлик, уруғ, уруғ унувчанлиги, стратификация.

**Аннотация.** В статье приведены данные о способах размножения *Plantago major L.* из семян. Всхожесть семян подорожника при стратификации составила 90 %.

**Ключевые слова:** *Plantago major L.*, лекарственное растение, семена, всхожесть семян, стратификация.

**Abstract.** The article presents data on the propagation methods of *Plantago major L.* from seeds. Seed germination during stratification was 90%.

**Key words:** *Plantago major L.*, medicinal plant, seeds, seed germination, stratification.

Кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам фармацевтика саноатини жадаллик билан ривожланиши доривор ўсимликлар ҳомашёсига бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар захираларининг чегараланганлиги туфайли фармацевтика саноати корхоналарининг доривор ўсимликлар ҳомашёсига бўлган талабини, асосан, доривор ўсимликлар кўпайтириш орқалигина қондириш мумкин.

Доривор зубтурум ўсимлиги Plantaginaceae оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан тўпбарглар чиққан, марказидан баргсиз гулпооялар ўсиб чиқади, юқори қисмида битта бошоқ жойлашади. Барглари бандли, кенг тухумсимон ёки кенг эллипсимон, узунлиги тахминан 12 см, 3-9 та чўзинчоқ ёйсимон томирлардан ташкил топган. Бошоқдаги гуллари майда, кўримсиз, кўнғирранг гултожибаргга эга, биттадан пардасимон гулёнбарг қўлтиғида жойлашади. Май-июндан то август-сентябргача гуллайди. Меваси – тухумсимон, кўндалангига очиладиган икки уяли, кўп уруғли кўсак, уруғлари қиррали, ҳар бир уяда 4-8 та уруғлари бор [2].

Зубтурум кенг тарқалган ўсимликлардан биридир. У кўпинча йўл бўйларида, ҳовлиларда, кўчаларда, боғларда, яйловларда, дарё бўйларида, нам ўтлоқларда, экинлар орасида ўсади. Намлик ортикча бўлганда зуптурум барглари бироз кўтарилган ҳолатда бўлади ва намлик кам бўлганда эса барглари ер бағирлаб ўсади, чунки бунда намлик сақланади.

Тиббиётда зубтурумнинг ер устки қисми ишлатилади. Зубтурум баргларининг тиндирмаси балғам кўчирувчи восита сифатида бронхитларда, туберкулезда, астмада қўлланилади. Зубтурумнинг янги шираси меъда-ичак касалликлари – гастрит, энтерит, энтероколитларда ва ошқозон ширасини нормаллаштиришда фойдаланилади. Янги терилган ҳўл ҳолидаги баргининг шираси плантаглюцид препаратини олишда ишлатилади. Ўсимлик баргларининг тиндирмаси ёки янги шираси яраларни тез битиришда, фурункулда, йирингли яраларда фойдаланилади. Ўсимликда фитонцидлар мавжудлиги препаратнинг микробларга қарши таъсирини таъминлайди. Таркибида мавжуд бўлган К витамини қон ивишини кучайтиради, бу эса кучли қон кетишининг олдини олади. Зубтурум бўйрак учун фойдалидир, чунки у бўйрак фаолиятини яхшилади ва ортикча суюқликни чиқаради, шишлардан халос қилади. Ўсимлик яллиғланишга қарши хусусиятларга эга, шунинг учун у турли хил яллиғланишларда жуда самарали. Зубтурум косметик мақсадларда ҳам ишлатилиши мумкин, чунки у яллиғланишни кетказиб, терининг рангини тиниқлаштиради, шунингдек, сочларни мустаҳкамлайди [1], [3], [4].

Зубтурум уруғидан кўпаяди. Уруғ сабзаёт экиш ускунасида қатор оралари 60 см қилиб экилади. Бунда уруғ қадаш чуқурлиги 0,5-1 см ни ташкил қилади. Гектарига 5-6 кг уруғ сарфланади. Экиш олдидан уруғ юз хисса кум, кукун ҳолидаги гўнг ва ҳоказоларга аралаштирилади. Бу эса уруғни бир текис экиш имконини беради. Ўсимлик тўпларида баҳорда 3-4 та чин барг чиққанидан кейин ер юмшатилиб, уларни тупроқ босиб кетмаслик 18 учун секин культивация қилинади. Бегона ўтлардан тозаланади, ягана қилинади. Бир метр ерда 8-10 та туп бўлиши, ўсимлик зичлигини меъёрида экилишини англатади. Зубтурумни кейинги парвариши мавсум давомида 10-12 марта суғориш, 3-4 марта культивация қилиш, вегетация давомида май-июль ойларида гектарига 30 кг дан азот ўғитлари ва 40 кг дан калий ва фосфор билан озиклантирилади. Иккинчи ва кейинги йилларда май ойида икки қатор қилиб бир - бирининг орасидан 10 см қолдириб, униб чиққан ўсимликларнинг барги ягана қилинади, икки марта озиклантирилади. Катта зубтурум экилган майдонлардан гектаридан 1,5-2 тонна курук барг йиғиб олиш мумкин [2].

Дала шароитида зубтурумни уруғидан кўпайтириш ишлари Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказининг тажриба майдонида амалга оширилди. Тажриба учун уруғлар кўп йиллик ўсимликлардан йиғиб олинди. Зубтурум тупроқнинг нам бўлишини ҳамда бегона ўтлар бўлмаслигини ёқтиради. Ҳар қандай турдаги хусусан сизот сув яқин бўлган тупроқлар зубтурум етиштириш учун қулай ерлар ҳисобланади. Ҳайдаб экиладиган экинлардан бўшаган ерлар зубтурум экиш учун мақбул ҳисобланади. Тажриба ишлари 15.04.2021 йилда 2 хил усулда яъни биринчиси умуман ишлов берилмаган уруғларни ва иккинчиси 30 кун давомида нам қумда 3- 5 °С да стратификация қилиб кейин дала шаротига 100 тадан 3 қайтариқда экиш орқали амалга оширилди. Уруғларни экишда

катор орасини 20 см, экиш чуқурлиги 1 см қилиб олинди. Ишлов берилмаган уруғлар экилганидан 15-20 кун ўтгач униб чиқа бошлади ва унувчанлик бир ой давомида 52% ни ташкил этди. Ишлов берилган уруғлар экилганидан 5-10 кун ўтиб униб чиқиши кузатилди ва уруғ унувчанлиги 90% ни ташкил этди. Ўсимликларнинг 25 % вегетациясининг биринчи йилида гуллади қолган қисми иккинчи йилида гуллади. Гуллари майда, гулпоясининг узунлиги 10-30 см бўлиб, гулпояда 150 - 700 тагача гуллар жамланганлиги аниқланди. Зубтурумнинг 1000 дона уруғининг оғирлиги 0,4 граммни ташкил этди.

Шундай қилиб, зубтурум уруғларини баҳорда экилганда стратификация жараёни ижобий натижа бериши аниқланди ва бунда уруғ унувчанлиги 90% ни ташкил этди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Ташкент: Медицина, 1990. – 446 с.
2. Эргашев А., Ў.Аҳмедов, А.Абзалов, М.Юлчиева, А.Маматкаримов Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси фанидан амалий машғулотлар Олий ўқув юртлири учун ўқув қўлланма. – Тошкент. 2009. – 132 б.
3. Хожиматов К.Х., Хожиматов О.К., Собиров У.А. Сборник правил пользования объектами лекарственных, пищевых и технических растений. Ташкент: «Янги аср авлоди», 2009. – 171 с.
4. Чиков П.С. Лекарственные растения. – М.: Медицина, 2002. – 496 с.

УЎК 635.64(470.62)

### ҚОРАҚОЛПОЎИСТОННИНГ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИНИ ОЧИҚ МАЙДОНЛАРИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ПОМИДОРНИ ЭНГ МАҚБУЛ ЎЎИТЛАШ МЕБЎРЛАРИ

*Б.А. Муллабаев, ўқитувчи, Тошкент Давлат аграр университети Нукус филиали, Нукус*

**Аннотация.** Кейинги пайтларда сабзавот экинларини кўпроқ етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларни кўп қисмини сабзавот экинлари эгаллайди, яъни буларни ичида тоmatдошлар оиласига мансуб экинлар, айниқса, помидор етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунончи, бу экинни бутун йил давомида бошқа давлатларга экспорт қилиш мумкин. Уни республикамизда бутун йил давомида очиқ ёки ёпик грунтларда етиштириш мумкинчилиги бор.

**Калит сўзлари.** Томатдошлар, помидор, ўғит, ҳосилдорлик ва тупроқ.

**Аннотация.** Большое внимание уделяется по выращиванию овощных культур. Так, как огромное доля сельскохозяйственных культур принадлежит к овощным культурам, в том числе выращивание томатов, особенно помидора. Это культура в республике является экспортной культурой в круглый год. Его можно выращивать в любое время года.

**Ключевые слова.** Томаты, помидор, удобрения, урожайность, почва.

**Abstract.** Much attention is to the production of vegetable crops. Since a huge share of agricultural products belongs to vegetables, including the cultivation of tomatoes, especially tomatoes. It is exported crop throughout the year and can be grown at any time of the year.

**Key words:** tomato, fertilizer, yield, soil.

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизини қуриб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш каби муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019-йил 23-октябрдаги Қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигида кластерлар ва кооперативлар тузиш, ҳар бир ҳудудда илмий ишлаб чиқариш марказларини очиш, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида интенсив усулларни, инновацияларни ва янгиликларни қўллаш кўрсатиб ўтилган. Энг аввало, қишлоқ хўжалик

экинлари экиладиган майдонларга сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этишга ва сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бу борада мамлакатимиз ва ташқи бозор учун юқори сифатли сабзавот экинлари етиштиришни кўпайтириш муҳим ҳисобланади. Орол бўйи аҳолисининг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини юқори босқичга олиб чиқишда мавжуд ресурслардан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлигини ошириш, билан бирга тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш, экинларни етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Республикамиз аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан йил давомида таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу улкан вазифани бажариш йўлида бугунги кунда Қорақалпоғистон республикасида сабзавот етиштириб берувчи фермер хўжаликлари ҳам ўзларининг муносиб улушларини кўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Кейинги йилларда деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган тизимини, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни интенсив агротехнологияларини жорий этиб маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда фермер хўжаликларимизга катта имкониятлар очиб берилмоқда. Шубҳасиз, бу мураккаб вазифани бажариш учун давлатимиз томонидан ҳамма имкониятлар яратилган. Бу кўрсаткични қўлга киритиш учун сабзавотчилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари аввало, сабзавот экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш эвазига эмас, балки тупроқ унумдорлигини ошириш ва интенсив технологияларни кенг жорий қилиш орқали ҳар бир гектар ердан олиннадиган ҳосилдорликни оширишга эришмоғи лозим. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳосилни кўтариш вазифасини асосан ўғит бажармоқда. Бироқ, тупроқларни унумдор ҳолатда сақлашимиз, унинг хоссалари ва ҳолатини доимо яхшилаб боришимиз учун тупроққа ўғит солиш албатта зарур. Чунки ўғит экинларга тупроқда йўқ ёки кам бўлган озик элементларни етказиб беради ва ўрнини боса олади. Ўғитсиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин эмас.

Ҳозир дунёда кўп миқдорда азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Чунки ўсимликлар худди шу элементларни энг кўп миқдорда талаб қилади. Бу элементлар бири-бирини ўрнини босмайди.

Азот помидорнинг ўсиши ва ҳосилдорлигини яхшилади. Оксил ва бошқа азотли моддаларнинг асосий элементи сифатида азот ўсимликдаги барча жараёнлар ва ҳосилни шакллантиришда қатнашади. Фосфор ўсимликда энергияни узатишда, фотосинтез ва бошқа кимёвий-физиологик жараёнларда асосий вазифани бажаради. Калий ўсимликларни, айниқса, ўсимлик илдизини ўсишини тезлаштиради, ҳар хил касалликлар билан курашишда чидамли қилади, ҳосил сифатини ва миқдорини оширади. Органик ўғитлар билан минерал ўғитлар биргаликда қўлланилганда, унинг самараси жуда юқори булади. Чунки, органик ўғитлар таркибида бир нечта элементлар бўлиб, улар ўсимлик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, органик ўғитлар бир неча йил давомида тупроқни озик элементларига бойитади, уни структуралигини сақлайди, механик таркибини яхшилади, сув ўтказувчанлигини оширади ва тупроқ аэрациясини яхшилади, пировардида тупроқдаги микроорганизмларни фаолиятини тезлаштиради. Улар эса ўз навбатида ўсимлик учун озик элементларини етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Республикамизни табиий-иқлим шароити ва тупроқларининг таркиби ҳар хил бўлганлиги боис, экинларни жойлаштириш ва уларни экиб, улардан йил давомида юқори ҳосил олиш ҳар минтақа учун ҳар хил изланишлар олиб боришни тақозо этади. Айниқса, помидорни етиштириш агротехникаси ҳар минтақада ҳар ҳилдир. Помидор аслида шўрга чидамли экин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни ҳар хил шўрланган тупроқларда ўстириш ва ундан ҳар хил ўғитларни қўллаб режалаштирилган ҳосилни олиш мумкинчилиги мавжуд. Қорақалпоғистоннинг ҳар хил даражада шўрланишга мойил тупроқларида ўзгача изланишлар олиб бориш, яъни шўрни ювиш ва шўрга чидамли экин турлари ва навларини танлаб экиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ўтмишдош экин сифатида помидорни бу зонада экиб, ундан кўзланган юқори ҳосил олиш муаммолари мавжуд. Энг муҳими юқори ва сифатли помидор ҳосилини етиштиришни илмий асосланган технологиясидан фойдаланиш ва уни амалда қўллаш катта аҳамият касб этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизнинг турли иқлим-тупроқ шароитларида К.Мирзажанов, А.Қашқаров, Ш.Нурматов, Р.Тиллаев, Е.Садиқов, Б.Исаев ва бошқа олимлар қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилиш, агротехнологияларини ишлаб чиқиш, уларни етиштириш бўйича ҳар хил илмий тажрибалар олиб боришган. Аммо, Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқлари шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатига мос агротехнологиялар элементларини шакллантириш ва такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан, помидорнинг ҳосилдорлигини ошириш ва у экиладиган тупроқни унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича илмий тажрибалар етарли даражада олиб борилмаган ва шу билан биргаликда тавсиялар ишлаб чиқилмаган ва берилмаган. Тажрибанинг мақсади шўрланган тупроқлари ва экстремал иқлим шароитларида экинлардан юқори ҳосил олиш, ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ҳамда қайта тиклаш ва мунтазам ошириб бориш учун инновацион агротехнологиялар элементларини такомиллаштиришнинг помидорнинг ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборатдир. Тажрибанинг вазифаси помидор етиштириш агротехнологияларини ўрганиш орқали мазкур экинни етиштиришда уни ҳар хил минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаш баробарида унинг ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларини ошириш масаласи вазифа қилиб қўйилди. Тажрибанинг илмий янгилиги шундаки, ўртача шўрланган ўтлоқи тупроқларида помидорни етиштиришда ҳар хил минерал ва органик ўғитларни биргаликда қўллашни самараси ўрганилди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ягодина В.А. Агрохимия М.,Агропромиздат, 1989
2. Мусаев Б.С. Агрокимё, Шарқ- 2001.
3. Ғофуров Д. ва бошқалар. «Помидорда қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрларининг тупроқдан нитратли азот динамикасига ва ҳосилга таъсири», *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали*, №10, 2017yil, 416.
4. Қозиев Ж. Помидорнинг элементларни ўзлаштириши. *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали*, №8, 2017yil, 436.
5. Доспехов Б.Н. Методика полевого опыта, М.Агропромиздат, 1985.-255б.
6. Методы агрофизических исследований.Т.Мехнат, 1973.-176.
7. Прянишников Д.Н. Избранные сочинение. М.,Колос, 1952.-124б.
8. Агрохимия, П/рпроф.Б.А.Ягодина.М., Агропромиздат, 1989б.
9. <http://www.chemistry.ponod.ru/nasdel/istoriy.htm>
10. <http://www.akim.dp.na.mhht>.
11. <http://www.agno.ru/msgs/ur/ru.htm>
12. <http://www.himiy.ucor.ru/index>

УЎК 633.51

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС ҒЎЗАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ “ХУРМА” НАВИ

*З.П.Ражабов, PhD, Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*Ф.К.Жуманиязов, PhD, Хоразм Маъмун академияси, Хива*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг тупроқ–иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли, IV ва V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган ғўзанинг янги ва истиқболли “Хурма”навинининг қимматли хўжалик белгилари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Янги, истиқболли ғўза навлари, Хоразм вилоятининг тупроқ–иқлим шароити, тола сифатининг технологик кўрсаткичлари, микронейр, толанинг бир хиллик индекси.

**Аннотация.** В данной статье приведены сведения о ценных хозяйственных характеристиках нового и перспективного сорта хлопчатника «Хурма», который отличается скороспелостью, плодородием, устойчивостью к болезням и вредителям, способен приспособливаться к различным экстремальным условиям, давать волокна IV и V типа, подходит для почвенно-климатических условий Хорезмской области.

**Ключевые слова.** Новые, перспективные сорта хлопчатника, почвенно-климатические условия Хорезмской области, технологические показатели качества волокна, микронейр, индекс однородности волокна.

**Abstract.** This article provides valuable information about the new and promising variety of cotton "Khurma" of Khorezm region, which is adapted to the soil and climatic conditions, high-yielding, resistant to diseases and pests, type IV and V, adapted to various extreme conditions.

**Keywords.** New, promising varieties of cotton, soil and climatic conditions of Khorezm region, technological indicators of fiber quality, micronaire, fiber uniformity index.

**Муаммонинг долзарблиги.** Дунё бўйича пахта ишлаб чиқаришда пасайиб бормоқда, бунга сабаб, нокулай об-ҳаво шароитлари, сув танқислиги ҳамда зараркунандалар билан боғлиқ муаммолар деб қаралмоқда. Бундай вазиятда тупроқ шўрланиши, сув танқислиги, ҳар хил зараркунанда ва касалликларга ҳамда турли нокулай об-ҳаво шароитларига чидамли навларни танлаб олиш ва яратиш дунё селекционер олимлари олдида асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

Селекция бу тўхтовсиз жараён бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ва тўқимачилик саноати талабларининг тобора ривожланиб бориши билан селекционер олимларнинг ҳам ғўза навларини доимо яхшилаб *бориш ва навлар сифатини* доимий назоратда ушлаб туриш борасидаги масъулиятлари ортиб боради. Ғўза селекциясида асосий масалалардан бири тезпишар, серҳосил, юқори тола чиқими ва сифатига эга, атроф-муҳитнинг турли нокулай шароитларга, шунингдек, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларни яратиш ва улардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини тубдан модернизация қилиш, сифатли ва рақобатбардош уруғлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уруғчиликда қўшилган қиймат занжирини шакллантириш, соҳани рақамлаштириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро интеграция қилиш ва кооперация муносабатларини ривожлантириш ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПҚ-106-сонли қарори қабул қилинган.

Қарорда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, Республикада 2022 — 2025 йилларда янги навлар майдонларини кенгайтириш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқариш вазифаси юклатилган.

Бунда соҳа мутахассислари селекционер олимлар билан ҳамкорликда селекциянинг турли замонавий методларидан фойдаланган ҳолда тезпишар, серҳосил, юқори тола чиқими ва сифатига эга бўлган турли нокулай шароитларга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларни яратиш ҳамда ҳар бир минтақа учун ўзига хос, мақбул агротехник тадбирларни ишлаб чиқишлари талаб этилади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий усул ва технологиялар асосида ғўза майдонларини кенгайтirmасдан ҳосилдорликни ошириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тупроқ шўрланишининг кучайиши, сув етишмовчилиги, экологик муаммолар ва иқлимнинг глобал исиши ва бошқа сабабларга кўра, касаллик ва зараркунандаларга бардошли ҳамда табиатнинг турли нокулай ҳолатларига бардошли янги ғўза навларини яратиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда пахтачилик соҳасида анча ишлар амалга оширилди, селекционер олимлар томонидан бир қатор илмий ишланмалар яратилиб, амалиётга жорий қилиниб келинмоқда. Кейинги йилларда Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан ҳам рентабеллиги юқори, рақобатбардош, тола сифати бўйича жаҳон пахта бозори талабларига жавоб берадиган бир қатор янги ғўза навлари яратилди. Булар орасида “Хурма”, “Ният” навлари ҳам ўзига хос кўрсаткичларга эга бўлиб, Хоразм вилоятининг оғир экстремал (шўрланган тупроқ, минерализацияга учраган ер ости сувлари, сув танқислиги, ўта юқори ҳаво ҳарорати) шароитларига мослашган, IV типга эга бўлиб, текстилбоплиги билан жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради.

Республиканинг турли тупроқ-иқлим, гидрогеологик ва мелиоратив минтақалари учун яратилган нокулай шароитларга чидамли, қимматли хўжалик белгиларини намоён этадиган, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори, серҳосил навларни танлаш ҳамда парваришлашнинг мақбул агротехнологияларини татбиқ этиш бўйича бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожланиши уруғлик сифат кўрсаткичларига бевосита боғлиқ. Чунки, юқори сифатли уруғлик етиштириш, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлиши гаровидир. Селекционер олимлар томонидан яратилган ғўза навларининг уруғлик сифатини олдиндан ўрганиш, уни ошириш йўллари излаб топиш, сўнгра ишлаб чиқаришга жорий этиш, юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлашнинг муҳим ва ишончли омили бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда уруғлик чигит сифати ва самарадорлигини оширишнинг турли йўллари ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар кўлами унчалик кўп эмас. Бинобарин, иқлимнинг глобал ўзгариши, касаллик кўзғатувчисининг янги ирқларини юзага келиши ва зараркунанда ҳашоратлар ғўзанинг нокулай омилларга чидамли янги навларини яратиши зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Эндиликда ғўзанинг янги навларини яратишда нафақат тола сифати, балки ташқи муҳит омилларини ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Селекционер олимлар олдида ҳар бир ҳудуд тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда тезпишар, юқори ҳосилдорлик ва тола сифатига эга, шунингдек, ўша ҳудуд иқлим шароитларига мос, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли навларни яратиш муҳим вазифага айланди. Бу борада дунё олимлари томонидан анча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди, селекциянинг анъанавий методлари такомиллаштирилди, замонавий технологияларни қўллаган маркерларга асосланган селекция каби янги метод ва технологиялар яратилди.

Янги яратилган навлар Давлат нав синов тармоқларида ўрганишлар натижасида объектив баҳоланиб, андозага нисбатан юқори натижаларни қайд қилганлари ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинмоқда. Ҳозирда ғўзанинг янги навларини яратишда, турли генотипларга эга ёввойи ва ярим ёввойи шакллари иштирокида олинган турлараро дурагайлари амалий селекцияда муҳим бошланғич ашё ҳисобланади. Янги навларни яратишда географик узоқ шаклларни дурагайлаш усулини истиқболлари бўйича республикамиз олимларидан Мақсудов З.Ю., Мираҳмедов С.М., Автономов В.А., Қаҳҳоров И.Т. ва бошқалар кўп йиллик изланишлари натижасида муҳим маълумотларни олишган.

Ғўзанинг *G.hirsutum*L. туричи шакллари жуфт дурагайлаш услуби билан ажратиб олинган популяцияларда олиб борилган мақсадли қайта-қайта танлаш йўли орқали яратилган Л–15 тизмаси морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичларининг авлодларда шаклланиши, барқарорлашуви ҳамда сақланиши жараёнларини ўрганилиб, шу тизма асосида янги нав даражасига етказилган истиқболли “Хурма” навини Хоразм вилояти экстремал тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлигини ўрганилди, сифатли уруғлик чигитини етиштирилди, ишлаб чиқаришга жорий қилиндива иқтисодий самарадорликка эришилди.

Ғўзанинг *G.hirsutum*L. туричи шакллариининг морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларини ўрганиш, баҳолаш ва танлаш асосида тола чикими ҳамда сифати юқори бўлган селекцион ашёлар яратилди.

*G.hirsutum*L. туричи шакллариини дурагайлаш орқали хўжалик учун қимматли белгилари кўрсаткичлари юқори бўлган истиқболли ғўзанинг “Хурма” нави яратилди. Ғўзанинг янги яратилган “Хурма” навини Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим шароитида экилиб етиштирилганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари андоза навларга нисбатан юқори бўлишига эришдик.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – Хоразм Маъмур академиясида ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб районлаштирилган “АН-510” ва “Қирғиз-3” навларининг дурагай популяцияларидан танлаб олинган Л-15 тизмаси асосида узоқ йиллар давомида мақсадли қайта-қайта танлаш усулини қўллаш орқали яратилган ғўзанинг “Хурма” нави Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш

самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори рўйхатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 125-сон буйруғига асосан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича истиқболли нав деб топилган.

Ўзанинг “Хурма”навини қисқача тавсифи: Ўсимлик бўйи 115-120 см, пояси яшил, ўртача тукланган. Ўсув шохлари 0-1 га. Ҳосил шохи 1,0-1,5 типга мансуб бўлиб, биринчи ҳосил шохи 4-5 бўғинда жойлашган. Пояси йўғон, ётиб қолмайди. Барглари ўртача катталиқда, кучсиз тукланган, яшил рангда. Гули оқ сарғиш рангда бўлиб, гул чангчилари оқ сарғиш, кўсақларининг вазни 6,0-6,5 грамм, ўртача овалсимон шаклда, учсиз, яшил рангда, 4-5 чанокли, етилганда эркин очилади, чигити ўртача катталиқда тухумсимон, ўртача тукли, кулранг; пахтаси тўкилиб кетмайди.

Толаси оқ рангда бўлиб, тола чиқими 38-42%, тола узунлиги 35,2-35,6 мм, тола пишиқлиги 4,4 г.с., тола майинлиги 6100-6400 мн, толани узулиш узунлиги 33,6 г.с/текс, микронейри 4,6 мис, толанинг ўртача дюйм узунлиги 1,22 га тенг. Чигити ўртача катталиқда, овалсимон шаклда, 1000 донасининг вазни 120-126 грамм.

**Хурма навининг устунлиги ва иқтисодий самарадорлиги.** Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим (шўрланган тупроқ, минерализацияга учраган ер ости сувлари, сув танқислиги, ўта юқори ҳаво ҳарорати) шароитларига мослашган. Мазкур нав IV -типга эга бўлиб, саноатбоплиги билан жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради.

гектарига ўртача 39-40 ц/га ҳосил олинган бўлиб, назорат навига нисбатан гектаридан 3-4 центнер кўп ҳосил олинади.

Толасининг штапель узунлиги (34,5-35,0 мм), микронейрининг майинлиги (4,3-4,5), толаси чиқимининг андоза ва бошқа навларга нисбатан юқорилиги (38-40 %), толасининг IV типга мансублиги билан ажралиб туради.

**Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал базасида етиштирилган янги истиқболли “Хурма” навини қимматли хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичлари, 2019 - 2021 йй.**

Т /р	Йил лар	Хўжалик белгилари								
		Бир кўсақдаги пахта вазни гр			Тола чиқими %			Тола узунлиги мм		
		X ± m	Σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	V
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2	2018	6,1±0,10	0.81	13.44	39.1±0.41	2.64	7.08	35,29±0.24	1,91	2,91
3	2019	6,3±0,13	0.7	11.21	40.0±0.67	3.82	11.85	35,5±0,31	1,82	3,24
4	2020	6,1±0,09	0.63	12.05	39.0±0.62	2.97	8.01	34,41±0,22	1,25	2,52
5	Ўртача	6,33±0,11	0.73	12.62	39.3±0.56	3.33	8.28	34,66±0,14	0,92	2,67

Ўзанинг “Хурма” навининг пояси ихчам кўринишга эга бўлиб, Хоразм вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитларида қўшқатор усулда экилганида яхши самара бериши амалий жиҳатдан аниқланган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Арутюнова Л.Г. Межвидовая гибридизация в роде *Gossypium* L. Вопросы генетики, селекции и семеноводства хлопчатника.-Ташкент, 1960. –67-70 с.; Арутюнова Л.Г. Пулатов М. Межвидовая гибридизация-источник создания исходного материала для селекции и пополнения генофонда хлопчатника //Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника и люцерны. Ташкент, 1989. -С. 43-50.
2. Муратов А., Содиков Х.Р. Ўзанинг турлараро дурагайларида хромосомалар сони ўзгаришининг чатишувчанлик билан боғлиқлиги // Пахтачилик ва Дончилик журнали. -Тошкент, 1999. - № 4. – Б. 26-27.
3. Намозов Ш.Э., Бабаев С.Г. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника.- Ташкент: “Nison-Noshir”, 2014.- 56-179 с. 7.

**ЖАВДАР НАВЛАРИНИНГ ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИЛИГИНИ  
ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА БАҲОЛАШ**

*Г.М.Сатилов, к/х.ф.д., проф., Урганч давлат университети, Урганч*

*Г.А.Сапаева, докторант, Урганч давлат университети, Урганч*

*Х. Чиниқулов, б.ф.н., катта илмий ходим, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар  
экспериментал биологияси институти, Тошкент*

*С.Исоқулов, кичик илмий ходим, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал  
биологияси институти, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада бешта жавдар (Вахи, Памирская, Дубинская, Саратовская ва Шалола) навлари қурғоқчиликка чидамликнинг турли морфо-физиологик параметрларининг нисбий қобилияти яъни уруғларинг униб чиқиш фоизи, илдиз узунлиги, куртак узунлиги, бардошлик индекси ўрганилди.

**Калим сўзлар:** Жавдар налари, уруғларнинг униб чиқиши, қурғоқчиликка чидамлик, сахароза, осмотик босим.

**Аннотация.** В данной статье на пяти сортах ржи (Вахиская, Памирская, Дубинская, Саратовская и Шалола) изучена относительная способность различных морфо-физиологических показателей к засухоустойчивости, т.е. процент всхожести семян, длина корня, длина проросток, индекс устойчивости.

**Ключевая слова:** Сорта озимая рожь, прорастание семена, засухоустойчивость, сахароза, осмотическое давление.

**Abstract.** In this article, on five varieties of rye (Vakhshskaya, Pamirskaya, Dubinskaya, Saratovskaya and Shalola), the relative ability of various morpho-physiological indicators to drought resistance, i.e. percentage of seed germination, root length, progeny length, resistance index.

**Key Words:** Varieties of winter rye, seed germination, drought resistance, sucrose, osmotic pressure.

Қурғоқчиликка чидамлик симликларнинг муҳим биологик ва иқтисодий қимматли хусусиятларидан бири бўлиб, намлик етишмаслиги шароитида, айниқса ўсиш ва ривожланишнинг биринчи босқичларида намликдан фойдаланиш қобилиятидир [1]. "Қурғоқчиликка чидамлик" атамаси ўсимликларнинг ҳосилни камайтирмасдан, ноқулай ўсиш шароитларига бардош бериш қобилиятини аниқлатади [2].

Кузги жавдар нисбатан қурғоқчиликка чидамли бўлиб, илдиз тизими яхши ривожланганлиги сабабли сувдан унумли фойдаланадиган экин ҳисобланади. Бироқ, сувдан фойдаланишнинг ҳар бир муҳим давларида намликнинг етишмаслиги (нихол босқичи, кузги ишлов бериш, найчага чиқишдан бошққа қадар, дон тўлдириш даври) морфогенез жараёнларининг секинлашишига ҳамда ҳосилдорлик, шу жумладан бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сони, 1000 дон дон массаси каби кўрсаткичларининг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, нихолларнинг униб чиқиш ва тулланиш давридаги қуруқ об-ҳаво экинларнинг қишлагга тайёрлигини пасайтиради [3].

Намлик етарли бўлган минтақаларда қурғоқчиликнинг қишлоқ хўжалиги экинларига салбий таъсири қуруқ ҳудудларга қараганда тезроқ намоён бўлади. Ўсимликларнинг сувга талаби ортган давларида намлик танқислиги бўлган йиллари, кузги жавдарнинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада камаяди, бу етиштирилган навларнинг нисбий қурғоқчиликка чидамлигини баҳолаш учун олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблигини белгилайди. [4].

Нисбий қурғоқчиликка чидамликни баҳолашнинг билвосита усуллари сув етишмаслигини (масалан, сахароза эритмаси) тақлид қилувчи осмотик босим кўтарилган эритмада уруғларнинг униб чиқишини аниқлаш усулини ўз ичига олади. Осмотик стресс шароитида униб чиқа оладиган ва кучли бирламчи илдиз тизимини ҳосил қиладиган навлар кейинчалик табиий дала шароитида қурғоқчиликка чидамли бўлиши мумкин [7]. Ушбу усул


органогенезнинг дастлабки босқичларида қурғоқчиликка чидамли бўлган истиқболли материални ажратиш имконини беради, бу қузғи қурғоқчиликка чидамли қузғи экин навларини етиштиришда муҳим аҳамиятга эга [7]. Осмотик эритманинг концентрацияси шундай бўлиши керакки, баҳоланадиган объектларнинг барқарорлигидаги фарқлар энг катта амплитудага эга бўлади [6]. Тўғри танланган концентрация навларнинг нисбий қурғоқчиликка чидамлилиги ҳақида аниқроқ тасаввур беради.

**Материал ва услублар.** Ушбу тадқиқотларимизда бешта жавдар (Вахш, Памирская, Дубинская, Саратовская ва Шалола) навлари лаборатория шароитида петри ликобчаларида 3 қайтариқликда экиб ўрганилди. Иш икки босқичда амалга оширилди: биринчи босқичда, осмотик эритманинг турли концентрациясида уруғларнинг униб чиқишига таъсири ва уруғларнинг униб чиқиш даражасига кўра қузғи жавдар намуналарининг энг яхши фарқланиши қузатиладиган концентрация тажрибада аниқланди; иккинчи босқичда қурғоқчиликка чидамлилиги намуналарини билвосита баҳолаш сахароза эритмасининг белгиланган консентрациясида амалга оширилди. Ўсимликларнинг лаборатория шароитида қурғоқчиликка чидамлигини аниқлашда Н.Н. Кожушко [7] услубидан фойдаланилди.

Статистик таҳлиллар StatView дастурида Fisher тестида амалга оширилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили.** Тадқиқотлар қузғи жавдар бешта Вахш, Памирская, Дубинская, Саратовская ва Шалола навлари танлаб олинди. Намуна ҳажми ҳар бир навнинг 30 та уруғидан иборат. Уруғларнинг униб чиқиши филтр қоғозидаги Петри идишларида амалга оширилди. Тажриба вариантларда стаканларга ҳар хил концентрацияли сахароза эритмалари қўшилди ҳамда 6, 9, ва 12, атмосфера (атм) осмотик босими яратилди: Назорат вариантыда уруғлар дистилланган сув қўшилган ҳолда ундирилди. Ўнинчи кун уруғларнинг униб чиқиши аниқланди (P, %). Бунинг учун тажриба ва назорат вариантларида минимал узунликдаги илдизни берган уруғлар сони ҳисобланиб, сўнгра сахароза эритмасидаги (а) ўсган уруғларнинг ўртача сони униб чиққан уруғлар сонига нисбатан фоизда ифодаланди. Назорат қилишда (б), яъни  $P = (a/b) \times 100\%$ . Сахароза эритмасида уруғнинг униб чиқиш фоизи қанчалик юқори бўлса, намуна қурғоқчиликка чидамли бўлади.

Вахш, Памирская, Дубинская, Саратовская ва Шалола навлари уруғларининг турли хил сув танқислиги шароитида (сахароза эритмасининг турли концентрацияси) униб чиқишини ўрганиш натижасида, шароит ва генотипга қараб, униб чиқиши 60.0% дан 86.7% гача ўзгариб туриши аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра “нав” ва “сахароза эритмаси концентрацияси” омили бўйича уруғларнинг униб чиқиш даражасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар мавжудлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Қузғи жавдар уруғнинг униб чиқишига турли даражалардаги осмотик босимнинг таъсири

Барча намуналарда эритма концентрациясининг ошиши ва осмотик босимнинг ошиши билан уруғларнинг униб чиқиш фоизининг пасайишини кўрсатди .


Ўрганилган концентрациялар орасида уруғнинг униб чиқиши" индикаторининг энг катта ўзгариши 12 атм осмотик босим ҳосил қилувчи 10,5% сахароза эритмаси концентрациясида топилди.

Вахш, Памирская, Дубинская, Саратовская ва Шалола навлари назорат вариантыда уруғнинг униб чиқиш кўрсаткичи 6, 9 ва 12 атм вариантлари билан солиштирганда статистик жиҳатдан муҳим фарқларга эга эканлиги кузатилди. Навларнинг 12 атм бўлган варианты ўртасида ўсишдаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамияли даражада сезилмади, аммо осмотик босими 6, 9 ва 12 атм бўлган вариантда ўзгарувчанлик диапазони юқорирокдир, бу белгининг катта ўзгаришини кўрсатади. (1-расм).

Ўсиш жараёнларининг қисқариш (депрессия) даражаси ( $Z$ , %) тажрибада ( $y$ ) кўчатлар (илдиз ва куртақлар) нинг назорат вариантыдаги ( $x$ ) бир хил кўрсаткичга нисбатан қуруқ вазнини йўқотиш билан аниқланди,  $Z$  индекси осмотик босимнинг ошиши билан ўсиш жараёнлари даражасини тавсифлайди.

$$Z = 100 - \frac{y}{x} \times 100\%$$

Кўпроқ қурғоқчиликка чидамли намуналар юқори осмотик босимда ўсиш жараёнларининг камроқ депрессияси билан тавсифланади, бу кўчатлар томонидан биомасса тўпланишининг камроқ пасайиши билан намоён бўлади.



2-расм. Кузги жавдар навларининг ўсиш жараёнида депрессияга учраши

Тадқиқотларимизда қурғоқчиликка чидамлилиқ даражасига кўра фарқлашда ҳар бир намуна учун уруғнинг униб чиқиш хусусияти қийматига ишонч оралиғи аниқланди, сўнгра гуруҳ оралиғи қиймати ҳисоблаб чиқилди.

StatView дастурининг Fisher тестидан фойдаланган ҳолда Вахш, Памирская, Дубинская, Саратовская ва Шалола навлари тажрибада қуруқ биомасса тўпланишининг депрессиясини баҳолаш шунинг кўрсатдики, 6, 9 ва 12 атм вариантлари билан солиштирганда статистик жиҳатдан муҳим фарқларга эга эканлиги кузатилди. Дубинская нави барча вариантларда бошқа навларга нисбатан камроқ депрессияга учрагани маълум бўлди (2-расм).

**Хулоса:** Қишки жавдар уруғини сахароза эритмасида ўстиришнинг лаборатория усули қурғоқчиликка чидамлилиги учун намуналарни билвосита баҳолашга имкон беради. Эритма концентрациясининг ошиши ва осмотик босимнинг ошиши билан барча ўрганилган намуналарда уруғларнинг униб чиқиш фойзининг пасайиши қайд етилди.

Белгиланган методологияга мувофиқ олиб борилган навларни таҳлил қилиш қишки жавдар навларини гуруҳларга бўлиш имконини беради. Осмотик стрессда кам депрессияга учраган намуналарни табиий дала шароитида қурғоқчиликка чидамлилигини кейинги ўрганиш учун истиқболли деб ҳисоблаш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Белозерова А.А., Боме Н.А. Оценка адаптивности генотипов озимой пшеницы и ржи по норме реакции и в условиях стресса // Вестник Тюменского государственного университета. Социально-экономические и правовые исследования. 2004. № 3. С. 89–95.
2. ИONOBA E.B. Засуха и засухоустойчивость зерновых колосовых (обзор) // Зерновое хозяйство России. 2011. № 2 (14). С. 37–41.
3. Чайкин В.В., Гороп А.А., Рыльков А.И. Зимо- и засухоустойчивость озимой ржи в условиях Центрально-Черноземного региона // Земледелие. 2017. № 2. С. 32–36.
4. Софронов А.П., Пленкина Г.А., Фирсова С.В. Засухоустойчивость лещины обыкновенной в условиях Кировской области // Аграрная наука Евро-Северо-Востока. 2015. № 1 (44). С. 9–13.
5. Кожушко Н.Н. Оценка засухоустойчивости полевых культур. Диагностика устойчивости растений к стрессовым воздействиям: методическое руководство. Л.: ВИР, 1988. С. 10–24.
6. Лисицын Е.М. Эдафическая устойчивость растений и методы ее оценки: матер. Межд. науч.-практ. конф. Киров: НИИСХ Северо-Востока, 2014. С. 52–59.

УЎК 631.674

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА СУҒОРИЛАДИГАН  
ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ ВА  
КОЛЛЕКТОР-ЗОВУР СУВЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ КАМАЙТИРИШГА СУВ  
ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪСИРИ**

*А.Б. Урозкелдиев, доц., к.ф.н, Ирригация ва сув муаммолари ИТИ, Тошкент*

*Ё.Я. Турдубоев, докторант, Ирригация ва сув муаммолари ИТИ, Тошкент*

*Ж.Қ. Қутлимуротов, докторант, Ирригация ва сув муаммолари ИТИ, Тошкент*

*Аннотация.* Ҳозирги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 24 млн. га дан ортиқ, шу жумладан 4,3 млн. га суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом-ашё ишлаб чиқарилмоқда. Республикада, жумладан Хоразм вилоятида йилдан йилга кучайган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришида сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиши катта аҳамият касб қилади.

*Калим сўзлар:* биноан, суғориладиган ерларнинг, озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари, маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом-ашё ишлаб чиқарилмоқда.

*Аннотация.* В настоящее время 24 млн. га, в том числе 4,3 млн. орошаемые пашни используются для производства продуктов питания для нужд населения и сырья, необходимого для отраслей экономики. В условиях дефицита водных ресурсов, который с каждым годом увеличивается в республике, в том числе в Хорезмской области, эффективное и рациональное использование водные ресурсы при возделывании сельскохозяйственных культур имеет большое значение.

*Ключевые слова:* орошаемые земли, продукты питания, отрасли экономики, производятся продукты, сырье, необходимое для отраслей экономики.


*Abstract.* Currently, 24 mln. ha, including 4.3 mln. irrigated arable land areas are used to produce food products for the needs of the population and raw materials necessary for economic sectors. In the conditions of water scarcity that is increasing year by year in the republic, including Khorezm region, the efficient and rational use of water resources in the cultivation of agricultural crops is of great importance.

*Keywords:* irrigated lands, food products, economic sectors, products, raw materials necessary for economic sectors are produced.

**Географик иқтисодий шароити.** Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг шимолий-ғарбида жойлашган бўлиб, умумий ер майдони 608,2 минг га ни ташкил этади, шундан 267,7 минг га (ёки 44%) суғориладиган майдонлар тоифасига киради.

Хоразм вилояти шимолдан ва шимолий-шарқдан Амударё ва Қорақалпоғистон Республикаси билан, жанубдан ва жанубий-ғарбдан эса Туркменистон Республикаси билан чегараланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган КОНЦЕПЦИЯСИ ҳамда 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3405-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сонли “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Стратегияси” қарорларига биноан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий сув тежамкор суғориш технологияларни қўллаш орқали коллектор–зовур тармоқларида шаклландиган сувларни камайтишига қаратилган га дан ортиқ, шу жумладан 4,3 млн. га суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом-ашё ишлаб чиқарилмоқда.



1-расм. Хоразм вилоятида мавжуд суғориш ва зах қочириш тармоқлари

**Манбаа:** Вилоят Ирригация тизимлари бошқармаси ва Мелиоратив экспедицияси, 2021.

Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2008-2019 йиллар мобайнида олиб борилган давлат дастурлари натижасида 1,7 млн. га дан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 2,5 млн. га майдонлар мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига эришилди

Вилоятнинг ички хўжалик суғориш тармоқлари асосан очиқ тупроқ ўзанли канал ариқлар ҳисобланиб, суғориш асосан ер устидан эгатлаб амалга оширилади. Вилоятда 2416,3 км хўжаликлараро ва 14084,8 км хўжалик ички каналлари мавжуд бўлиб (1-расм), шундан


хўжаликлараро каналларининг 264,5 км ва хўжалик ички каналларининг 168,7 км қисмлари бетон қопламалар билан мустаҳкамланган ёки умумий узунликка нисбатан бетонлашган қисми хўжаликлараро каналда 11% ни, хўжалик ички каналларида 1,2% ни ташкил қилади. Шунинг учун хўжалик ички каналлардаги фойдали иш коэффициенти вилоят бўйича ўртача 0,71-0,72 ни, хўжаликлараро ва туманлараро каналларда 0,81-0,82 ни, магистрал каналларда 0,92-0,93 ни ташкил қилганлиги, суғориш тармоқларининг умумий фойдали иш коэффициенти-0,55-0,56 ни ташкил қилади. Вилоят ҳудудининг микро рельеф тузилишига кўра суғориладиган ер майдонларининг 176,3 минг га ёки умумий майдоннинг 69% насослар билан суғорилиб, жами суғориш тармоқларида 1892 та, шу жумладан 57,8 минг га ерда давлат маблағлари ҳисобига ишлатиладиган 420 та насос агрегатлари ўрнатилган.

Вилоятдаги мавжуд коллектор-зовур тармоқларидаги сизот ва ташлама сувлар асосан катта ва майда зовур тармоқлари орқали Дарёлик ва Озёрний коллекторларига ташланиб вилоят ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилмоқда. Вилоятда зовур тармоқлари билан таъминланган майдонлар 2021 йил ҳолатига 263,4 минг га ни ташкил этиб, шундан 255,2 минг га майдонлар очик, ҳамда 8,2 минг га майдон эса ёпиқ зовурлар билан таъминланган.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларида экинларни суғоришда томчилатиб суғориш усулини кенг майдонларда қўллаш натижасида кўплаб афзалликлар мавжудлиги исботланган. Масалан сизот сувлар сатҳи паст бўлган автоморф тупроқларда, нотекис рельефга эга бўлган ер майдонларида ва бошқа суғориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон қарори билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқиш, ҳамда 2021 йил якунига қадар республика бўйича 430 минг га майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, жумладан:

- 210,7 минг га майдонларда томчилатиб суғориш (ш.ж., 160,3 минг га пахта, 29,6 минг га мевали экинлар, 15,7 минг га узум ва 5,1 минг га бошқа экинлар);
- 18,6 минг га майдонларда ёмғирлатиб суғориш (ш.ж., 14,4 минг га донли экинлар, 1,7 минг га сабзавот ва полиз ҳамда 2,2 минг га озуқабоп экинлар);
- 0,62 минг га пахта етиштириладиган майдонларда дискретли суғориш технологияларини жорий қилиш;
- 200 минг га экин майдонларида, шундан 4,8 минг га шоли етиштириладиган майдонларда лазерли ускуна ёрдамида текислашни ташкил этади.



Хоразм вилояти туманлари кесимида ушбу прогноз кўрсаткичлар **2-расмда** келтирилган бўлиб, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш бўйича **жами** 6,2 минг га (шундан 68% пахта майдонларида), ҳамда ерни лазерли текислаш бўйича 19,4 минг га (шундан 3,3 минг га шоли майдонларида) кўзда тутилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Харакатлар стратегияси” ПФ-4947-сонли фармони. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент -2007. - 188 б.

2. Даспехов Б.А. Методика полевого опыта (с основами статической обработки). М: Агропромиздат, 1985. - 337 с. Духовный В.А. Капельное орошение-перспективы и препятствия. // Сб. научных трудов по капельному орошению НПО САНИИРИ. Ташкент, 1995. - 386 с.

УЎТ 633.2.033.632.78.

**САҲРО ТУНЛАМИ- *ALEUCANITIS FLEXUOSA* Men. НИНГ (*LEPIDOTER: NOCTIDA*)  
БИОЭКОЛОГИЯСИ**

***А.Ф.Хайтмуратов, к/х.ф.д., к.и.х., Термиз Агротехнологиялар ва инновацион  
ривожланиш институти, Термиз***

***О.Я.Алланазаров, таянч докторант, ЎҚХ ИТИ, Тошкент***

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов майдонларида Сахро тунлами (*Aleucanitis flexuosa* Men.) нинг биоэкологиясини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари берилиб, ривожланишининг фенологик календари тузилган.

**Калит сўзлар:** Яйлов, ўсимлик, сахро тунлами, гумбак, биоэкология, қур, гумбак, лаборатория, садок, зарарлилик, диапауза.

**Аннотация.** В статье даны результаты опытов по изучению биоэкологии, развития совка пустынная и его фенологический календарь в пастбищах южного и центрального регионов Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** пастбищ, растений, совка пустынная, куколка, биоэкология, лаборатория, садок, вредоносность, диапауза.

**Abstract.** The article highlighted the results of experiments on the study of bioecology, the development of the dark sword-grass and its phenological calendar in the pastures of the southern and central regions of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** pastures, plants, dark sword-grass, larvae, bioecology, laboratory, insectary, harmfulness, diapause.

**Кириш:** Табиий яйловларда бир ва кўп йиллик ўсимликлар, бута ва ярим бута ўсимликларнинг ўсиб, ривожланиши чорва молларининг йил мобайнида боқилишини ҳамда табиий ўсимликхўр ҳайвонларнинг озикланиши ва яшашини таъминлайди. Бир ва кўп йиллик ўтлар об-ҳаво қулай келган йиллари анчагина яхши ривожланиб кўпаяди ва улар 50-60 турдан ошиши мумкин. Ярим бута-барра ўт яйловларнинг муҳим хўжалик қулайлиги улардан бутун йил давомида фойдаланиш мумкинлиги ҳисобланади.

Аммо, яйлов озуқа базасининг ҳосилдорлиги баъзида сезиларли пасаяди, бу яйлов ўсимликларининг кушандаси бўлган ҳашаротлар туфайли юзага келади.

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимларининг (2016) маълумотига кўра яйлов ўсимликларига турли-туман энтомофауна вакиллари кўрсатаётган зарарлар туфайли яйловлар озуқа захиралари айрим йиллари 25-36 фоизгача камайиши қайд қилинган [2].

Навоий вилояти яйловларида 2006 йил апрель ойида мўйнали тунламнинг оммавий кўпайиши кузатилиб, яйлов ўсимликларига жиддий зарар келтирган. Қайд қилинишича ҳар бир туп ўсимликда зараркунанда куртларининг сони 30-40 дона ва ундан ортиқлиги аниқланган. Ушбу зараркунанда 1 млн. гектарга тарқалиб яйлов ўсимликларини 50-60 фоизгача зарарлаган [6].

Чала бута-эфемерли яйлов ўсимликларида зараркунандалардан: чигирткалар, қорақўнғизлар, шувоқ баргхўри, шувоқ тунлами, янтоқ пиллакаши, сахро тунлами ва чакамиғ, яъни кушқўнмас ўт капалаклари кенг тарқалиб, бошқа фитофаг ҳашаротларга нисбатан доминантлик қилади.

Шунинг учун биз тадқиқотларимизда яйлов ўсимликларининг хавфли зараркунандаси бўлган Сахро тунламининг тарқалиш ареалини белгилаш, зарари кўламини аниқлаш ва биоэкологик хусусиятларини ўрганнишни мақсад қилдик.

**Тадқиқот усули:** Тадқиқотлар биология фанларининг асосий методлари кузатиш, таққослаш, эксперимент ва бошқа зоология, умумий энтомология, ҳамда қишлоқ хўжалик энтомологиясида қўлланиладиган усуллар, шунингдек фенологик ва фаунистик кузатиш ишлари В.П.Паллийнинг [3] услубий қўлланмаси ёрдамида 2015-2022 йиллар давомида Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари яйловларида бажарилди.

**Тадқиқот натижалари:** Сахро тунлами (*Aleucanitis flexuosa* Men.) – тангақанотлилар (*Lepidoptera*) туркумининг, тунламлар (*Noctidae*) оиласига мансуб бўлиб, янтоқ, шувоқ ва бошқа чалабута ўсимликларининг хавфли зараркунандаларидан биридир. Унинг биоэкологик хусусиятларини ва яйлов ўсимликларидаги зарарини кўшни давлатлар яйлов худудларида, Қозоғистонда [1], Туркменистонда [4], ҳамда Республикамизнинг қизилқум яйловларида [5] тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Аммо Республикамизнинг жанубий ва марказий худудлари яйлов майдонларида бу зараркунанда ҳашарот ўрганилмаган.

**Сахро тунлами** (*Aleucanitis flexuosa* Men.) – танаси йўғон сарғиш-кўнғир, жигарранг тук билан қопланган. Олдинги қанотлари сарғиш - кўнғир, учки қисми жигарранг ҳошияли. Тўлқинсимон кўндаланг чизиқлари бор. Қанотлари ўртасида қорамтир холлари бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 35 - 38 мм. га тенг. Сахродаги янтоқ ва бошқа ўсимликларга тухум кўяди. Личинкалари ана шу ўсимликлар билан озикланади. Чўл яйловларида асосий озиғи бўлган янтоқзорларда тарқалган.

Тадқиқотларимиз мобайнида биринчи марта изен, саксовул, терескен, янтоқ ва бошқа яйлов озуқа ўсимликлари зараркунандаси сифатида қайд этдик. Бу турнинг биологияси тўғрисида адабиётларда маълумотлар мавжуд эмас. Чунки бизнинг тадқиқотларимизга қадар Ўзбекистон шароитида ҳеч ким ўрганмаган. Адабиётларда фақатгина турнинг ташқи тузилиши ва яшаш жойи тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Сахро тунлами Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Нурота қорақўлчилик насилчилик хўжалигининг қарийиб 500 гектарга яқин янтоқзорини ташкил этувчи яйловларида 2016-йили оммавий кўпайиб, ривожланганлиги кузатилган эди. Худди шу худудда етти йилдан сўнг яъни 2022-йилида тунламнинг оммавий кўпайиши қайт этилди.

Сахро тунлами тухум фазасида қишлайди. Баҳорда, апрел ойининг иккинчи декадасида биз кичик ёшдаги қуртларни учратдик. Қуртлар май ойининг ўрталарига қадар ривожланади. Ғумбаклаши озуқа ўсимлигининг илдиз бўғзида 4-8 см. чуқурликда тупроқда кечади. Дастлабки қуртлар 18- майдан, 21-22 майдан эса оммавий равишда ғумбаклаши кузатилди.

1-жадвал

Сахро тунлами ривожланишининг фенологик жадвали (Навоий в. Нурота тумани 2017-2019йй.)

ойлар	ноябр декабр январь февраль март			апрель			май			июн			июл			август			сентябрь			октябрь						
	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3				
Сахро тунлами- <i>Aleucanitis flexuosa</i> Men.	(*)	(*)	(*)	(*)	(*)	-	-	-	0	0	0	+	+	+	(+)	(+)	(+)	(+)	(+)	(+)	(+)	(+)	+	+	+	(*)	(*)	(*)

**Шартли белгилар:** \* - тухум ; - - личинка; 0 – ғумбак; + - етук ҳашарот; (\*) (-) (0) (+) – тиним фазаси

Зараркунанданинг ғумбак фазасига ўтиш жараёнини ва ғумбак даврини кузатиш мақсадида 2017-йили 17-май куни даладан 50 дона қуртлар теришиб капрон тўр қопланган садокларга солдик. Улардан икки кундан сўнг 16 таси, яъни 32 фоизи, учинчи куни 9 таси, 18 фоизи, тўртинчи куни 18 таси, 36 фоизи ва бешинчи куни қолган ҳамма қуртлар ғумбак

фазасига ўтди. Лаборатория шароитидаги кузатув маълумотлари дала кузатув маълумотларига нисбатан тўғри келади. Тунламнинг ғумбак фазаси 15-18 кунни ташкил этди (1-жадвал).

Дала шароитида биринчи капалаклар 5-июнда тутилди. Лобораторияда эса дастлабки капалаклар 7 - июнда учганлиги кузатилди. Далада капалакларнинг оммавий учиши 9-10 июн кунларига тўғри келди. Ғумбакдан чиққан капалаклар қанотлари қуриб, тўғирлангандан сўнг кундуз кунлари ўсимлик поясининг пастки тупларига ёпишиб тинч ўтиради. Капалаклар қўёш ботгандан сўнг нимқороғиликда ва кечқурунлари учади. Капалакларнинг учиши июн ойининг охирига қадар кузатилиб, ой охирида жуда кам сонда капалаклар учради. Сентябрь ойининг ўрталарида яна капалакларнинг оммавий учганлиги кузатилди. Демак сахро тунлами капалаклари июл-август ойларида яъни ёзнинг энг иссиқ даврида ёзги тиним, диапаузани ўтказади. Диапаузадан чиққан капалаклар қўлай шароит пайдо бўлиши билан қишлоқчи тухумларини қолдиришга киришади.

**Хулоса:**Сахро тунлами оммавий кўпайиш хусусиятига эга бўлган ҳашарот бўлиб, изен, саксовул, терескен, янтоқ ва бошқа яйлов ўсимликларининг жиддий зараркундаси ҳисобланади. У тухум фазасида қишлаб, апрел ойининг ойининг иккинчи ўн кунлигида қуртлари пайдо бўлади. Қуртлар май ойининг иккинчи декадасидан ғумбакка айланади ва 10-12 кундан сўнг капалаклари чиқади. Капалаклар июн ойининг охириларидан то сентябрнинг ўрталарига қадар тиним ҳолатни ўтказади. Диапаузадан чиққан капалаклар қишлоқчи тухумларини қўяди. Сахро тунлами бир йилда бир авлод бериб ривожланади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Нурмуратов Т.Насекомые и грызуны, обитающие пастбищах пустынь Юго- восточного Казахстана. Алма-Ата: Конжык, 1998.288 с.
2. Махмудов М.М., Мукимов Т.Х., Ортиқова Л.С., Саттарова Г.А. Арид минтақаси яйловлари ўсимликларининг асосий зараркунда ва касалликлари. //“Ўсимликларни ҳимоя қилишда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг ўрни ва истиқболлари.” мавзусидаги Республика илмий – амалий конференция мақолалар тўплами ( 2016 йил, 22-23 декабрь) –Тошкент: ”Навруз”. - 2016. -Б.316-321.
- 3.Палий В.Ф. “Методика фенологических и фаунистических исследований насекомых”,Фрунзе. 1966 г.
4. Союнов О. Комплексы насекомых Северных Каракумов. Ашхабад: Ўлим, 1991.455 с.
5. Хайтмуратов А.Ф. Яйлов ўсимликлари зарарли энтомофаунаси. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг «Агро илм» илмий иловаси. – Тошкент, 2018. – № 2 (52). – Б. 54-55.
6. Хайтмуратов А.Ф. Вредная энтомофауна пастбищ Узбекистана и меры борьбы с ней. // Ж. Бюллетень науки и практики. 2019 г. Т. 5, №1. С. 217-223.

УЎК:633.853.52:631.531.1:581.19

### СОЯ ДОНИНИНГ БОТАНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

*М.К. Ҳамроева, PhD, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов*

*Д.Ё. Ёрматова, қ.х.ф.д., ЎзДЖТУ, Тошкент*

*М. Маллаев, стажёр-тадқиқотчи, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов*

**Аннотация.** Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоят тупроқ-иқлим шароитида соя экотипларидан олиб борилган илмий изланишлар, дала тажрибасидан олинган натижалар ва хулосалар; Парвоз, Дўстлик, Фортуна, Нафис, Олимпия ва Славя соя навларини етиштиришда биологик хусусиятлари ва ботаник характеристикасини ўрганиши.

**Калит сўзлар:** ботаник тавсифи, биологик хусусияти, туганаклар таркибидаги соф азот миқдори, гуллаш динамикаси, барг тузилиши, соя дуккаклари, бактериял касалликлар, баргларнинг зарарланиши, касалланган сояга қарши курашиши чоралари.

**Аннотация.** Научные исследования теневых экотипов в почвенно-климатических условиях Бухарской области Республики Узбекистан, результаты и выводы полевого опыта; Изучение биологических свойств и ботанических характеристик при выращивании сортов сои Парвоз, Дўстлик, Фортуна, Нафис, Олимпийская и Славянская.

**Ключевые слова:** ботаническое описание, биологические свойства, количество чистого азота в стеблях, динамика цветения, строение листьев, соя, бактериальное болезни, повреждение листьев, меры по борьбе с болезненным оттенком.

**Abstract.** *Scientific research of shadow ecotypes in the soil and climatic conditions of the Bukhara region of the Republic of Uzbekistan, the results and conclusions of the field experiment; Study of biological properties and botanical characteristics when growing soybean varieties Porvoz, Dustlik, Fortuna, Nafis, Olympic and Slavyanskaya.*

**Key words:** *botanical description, biological properties, amount of pure nitrogen in stems, flowering dynamics, leaf structure, soybeans, bacterial diseases, leaf damage, measures to combat painful tinge.*

Соя-дуккакдилар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик, бўйининг баландлиги 100-190 сантиметртга етади, илдиз системаси жуда яхши ривожланган, илдизи ўқ илдиз, майда ва узун ён илдизлари жуда кўп. Соя аввало иккита уруғпалла баргларибилан униб чиқади, сўнгра иккита чин барглар ҳосил қилади, эндигина униб чиққан ниҳолнинг пояси яшил ёки яшил қизғиш тусда бўлади, асосий учталиқ баргларининг тузилиши овалсимон ёки айлана шаклда эга, барглари тўқ яшил рангда бўлади.

Соядан ишлаб чиқарилувчи асосий маҳсулотлар – бу соя уни ва соя мойидир. Соя уни қандолатчилик маҳсулотлари, тўлдирувчилар, гўшт, сут, пишлоқ ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Мойи эса озиқ-овқатда, майонез, маргарин ишлаб чиқаришда ишлатилади. Кўпгина олимлар ва ишлаб чиқарувчилар «соя - озиқ-овқат, ем-хашак ва келажак» дейишади. Соя ёрдамида тўла қимматли ўсимлик оксигени ишлаб чиқариш муаммоси ҳал этилади. Соя етиштириш куйидаги мақсадларни ўз ичига олади:

-Инсон озиқасини яхшилаш. Соя етиштирилдиган кўпгина мамлакатларда озиқ-овқат саноати учун ягона оксил манбаи бўлиб бормоқда.

-Чорва маҳсудорлигини ошириш учун. Ҳайвонлар соя еми билан озиқлантирилганда уларнинг суткалик вазн ортиши икки баробарга кўпаяди. Бунда 100 кг тирик вазнга эришиш учун озиқлантириш даври 10-15 кунга қисқаради, маҳсулот сифати эса ортади. Ем-хашак мақсадида соянинг кунжараси, шроти, уни ва кўкатидадан фойдаланилади. Кунжаранинг таркибида 38,7 % протеин, 5,5 % мой мавжуд, соя кунжараси ва уни бузоқлар рациониди сут ўрнини босади. 1 т соя донидан таркибида 40 % протеин ва 1,4 % мой бўлганда 750-800 кг шрот олиш мумкин, у чорва учун қимматли концентратланган ем ҳисобланади.

Соянинг кўкати ҳам қимматли ем-хашакдир. Унинг энг юқори озиқавийлик қиммати гуллаш ва доннинг тўлиши даврида йиғиб олинганда кузатилади. Соя кўкатининг бир озиқа бирлигига 145-301 г протеин тўғри келади. Унинг кўкатида каротин, оксил ва кальций миқдори бошоқли экинларникига нисбатан анча кўпдир. Соя пичани ҳам қимматли ҳисобланади: унинг 1 кг да 0,47≈0,54 озиқа бирлиги., 110-150 г протеин мавжуд. Соя похоти ҳамем-хашак сифатида ишлатилиши мумкин. Унда 2-4,8 % протеин, 1,5-2,9 % мой мавжуд. Соя мойида тўйинмаган мой кислоталари 80-94 % ни, поли- тўйинмаганлари эса 6-22 % ни ташкил этади, карбон сувлари деярли тўлиқ эрувчан қандлардан иборат. Аминокислоталар таркиби бўйича соя оксигени сут, тухум ва гўшт оксигенига яқиндир.

Соя илдизининг хусусияти ва уларда тугунак бактерияларининг (*Phizorium Japonica*) мавжудлиши ушбу ўсимликни азот ўзлаштирадиган ўсимликлар қаторига киритади, бу эса кейинги ўсимлик учун азотли ўғитларга сарфланадиган молиявий воситаларни камайтириш имконини беради. Бундан ташқари мазкур йўл билан ҳосил бўлган биологик азот экологик тоза бўлиб, у тупроққа, сизот сувларига, истеъмолчиларга захарли таъсир кўрсатмайди, шунингдек у сунъий азотли ўғитлар сингари меваларда тўпланмайди.

Соя донида кўп миқдорда калий, кальций ва фосфор каби минераллар мавжуддир. Бундай модда таркиби сояни озиқ-овқат, ем-хашак ва техник мақсадларда қўллаш имконини беради. Бундан ташқари соя сунъий сут ва сут маҳсулотлари олинадиган ягона қимматли ўсимликдир. Соя уни нон-булка ва колбаса маҳсулотларига кўшилади ва ушбу маҳсулотларнинг озиқавийлиги, таъм сифатлари ва қувватини оширади. Соя маҳсулотлари диабетда тавсия этилади. Соя агротехник аҳамиятга ҳам эгадир. Дуккакли экин сифатида соя тупроқни азот билан бойитади, бир йилда 1 гектарга ўртача 70-100 кг азот тўпланади. Соядан сўнг дала бегона ўтлардан анча тозаланади соя кўпгина экинлар учун жуда яхши ўтмишдош

бўла олади. Бундан ташқари соя сидерат экин сифатида ҳам қўлланилади.

Маълумки, ҳар бир ўсимликнинг ҳосилдорлигига ташқи муҳит, озикланиш майдони, экиш нормаси каби омиллар таъсир кўрсатади. Экиш усули турлича бўлгани билан албатта гектарда бўладиган туп сонини камайтириб юбориш керак эмас. Ҳар қандай усулда гектарда ўртача 350-400 минг туп ниҳол бўлиши зарур. Биз ўз тажрибаларимизга асосланиб шундай хулосага келдикки, сояга қуёш нурунинг тик тушиши мутлақо таъсир қилмайди. Соядан гектарига ўртача 35-40 центнер ҳосил олиш мумкин.



**Соя экилган тажриба дала участкаси**

Сонинг бошқа ўсимликларга нисбатан қурғоқчиликка чидамлигига сабаб унинг илдизлари жуда баққуват бўлиши ва пояларини яхши тутиб тура олишидир. Умуман, соядан юқори ҳосил олиш кўзда тутилган бўлса соя гуллаган пайтда тупроқ намлигини 70 % дуккаклари тўлишиш пайтида эса 80% дала нам сиғими бўлиши лозим. Соя ривожланишининг дастлабки ва охириги фазаларида дала нам сиғимининг ҳаддан зиёд даражада бўлиши зарарли ҳисобланади. Сояни ўсув даврида сувни кам ёки кўп талаб қилинишига тупроқнинг агрофизик хусусиятлари ҳам катта аҳамиятга эга. Агарда тупроқда намлик етишмаса фотосинтез, ўсиш, транспирация даражаси ва ҳосилдорлик каби факторларнинг бузилиши ва камайишига олиб келади. Соя экилган қаторлар ораси 70-80-90 сантиметр, бир метрдаги уруғлар сони 27-38 тагача, уруғлар нитрагин билан аралаштирилиб, сўнгра 6 соат давомида қоронғи ёруғлик тушмайдиган жойда сақланиб, қуёш ботиш вақтидан бир соат олдин экилди. Уруғни экишда барча агротехник талаблар бажарилди.

Демак, хулоса қилинганда соя биологик тоза экин бўлиб, тупроқ структурасини яхшилаши, биологик жараёнларнинг боришини янгилайдиган экин ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, соя экилгунча тупроқда гумус 0,86-0,93 % бўлса, соя экилгандан кузда гумус миқдори 1,20-1,38 %га етди. Соянинг органик қолдиқлари билан тупроққа 45-56 кг/га азот, 8-13 кг/га фосфор ва 28-44 кг/га калий моддалари қайтади. Соя дуккакли ўсимликларга хос равишда ўз илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб олади ва тупроқни тоза биологик азот билан бойитади. Ўсимлик ўсув даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Атабаева Х.Н.-Технология возделывания сои в Узбекистане -Т. Матбуот, 1989г.
2. Атабаева Х., Рузиев А. -Урожайность кукурузы и сои в повторных смешанных посевах - Ж.С.-х.Узбекистана, 2000г.
3. Горелов Е.П., Бабаяров М. - Соя на сероземах Узбекистана. Кормопроизводство, 1984г.
4. Д.Ёрматова., Н.Шамуратов – Донли экинларни етиштириш технологияси. Тошкент – 2012й.
5. Ёрматова Д.Ё. – СОЯ. Самарканд- 1991й. 153 - бет

УЎК: 633.511: 575.127.2: 631

**G.BARBADENSE L. ТУРИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ КОМБИНАЦИОН ҚОБИЛИЯТИ  
ВА F<sub>1</sub> АВЛОДЛАРИДА ЎСИМЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИ БЕЛГИСИНИНГ  
ИРСИЙЛАНИШИ****Н.Э.Чоршанбиев, PhD, доц., ЎЗР ФА Генетика ва Ўсимликлар Экспериментал  
биологияси институти, Тошкент****Э.А.Пардаев, ўқитувчи, Қариш мухандислик иктисодиёт институти, Қариш****А.О.Кўзибоев, ўқитувчи, Қариш мухандислик иктисодиёт институти, Қариш****Ш.Э.Чоршанбиев, ўқитувчи, Қариш мухандислик иктисодиёт институти, Қариш**

**Аннотация.** Мақолада *G.barbadense L.* тури ғўза навларининг комбинацион қобилияти ва F<sub>1</sub> авлодларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ирсийланиши хусусияти келтирилган. Ушбу белгилар F<sub>1</sub> дурагайларида миқдорий белгилар сифатида турли ҳолатларда ирсийланди. F<sub>1</sub> Сурхон-9 x Термиз-32, F<sub>1</sub> Сурхон-9 x Сурхон-10, F<sub>1</sub> Сурхон-10 x Термиз-32 ва F<sub>1</sub> Сурхон-10 x Дуру Гавхар комбинацияларида умумий маҳсулдорлик бўйича ижобий гетерозис самараси 122,7-157,2% ни ташкил этди. Бу дурагай комбинациялардан гетерозис селекцияси учун қимматли манба сифатида фойдаланиши мумкин.

**Калим сўзлар:** комбинацион қобилият, дурагайлаш, *G.barbadense L.*, ғўза, нав, дурагай, маҳсулдорлик, ирсийланиши, доминантлик даражаси.

**Аннотация.** В статье приведены изучение комбинационной способность у сорта вида *G.barbadense L* и наследование у гибридов F<sub>1</sub> по продуктивности. У гибридов F<sub>1</sub> эти признаки наследовались по разным типам, как количественные признаки. У комбинации F<sub>1</sub> Сурхон-9 x Термиз-32, F<sub>1</sub> Сурхон-9 x Сурхон-10, F<sub>1</sub> Сурхон-10 x Термиз-32 ва F<sub>1</sub> Сурхон-10 x Дуру Гавхар наблюдались положительные гетерозис по продуктивности и эффекты гетерозис были 122,7-157,2%. Эти комбинации можно использовать как ценный источник по гетерозисный селекция.

**Ключевые слова:** комбинационный способность, гибридизация, *G.barbadense L*, хлопчатника, сорт, гибрид, продуктивность, наследование, коэффициент доминантность..

**Abstract.** The article presents the results of studies combining ability of varieties of *G.barbadense L* and inheritance in hybrids F<sub>1</sub> for productivity. In F<sub>1</sub> hybrids, this trait was inherited according to different types, as quantitative traits. In combinations F<sub>1</sub> Surkhan-9 x Termez-32, F<sub>1</sub> Surkhan-9 x Surkhan-10, F<sub>1</sub> Surkhan-10 x Termez-32 and F<sub>1</sub> Surkhan-10 x Duru Gavkhar the positive heterosis effect on total productivity was 122.7-157.2%. These hybrids combinations can be used as a valuable resource for heterozygous selection.

**Keywords:** combining ability, hybridization, *G.barbadense L*, cotton, variety, hybrid, of plant productivity, inheritance, dominance coefficient.

Ҳозирги вақтда аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани озик-овқат манбалари билан бир қаторда, кўплаб мамлакатларнинг асосий қишлоқ хўжалиги экини бўлган ғўзанинг толаси ва бошқа маҳсулотларига бўлган талабининг ошишига олиб келмоқда. Ғўза қадимда ва ҳозир ҳам тўқимачилик саноати учун табиий тола берувчи энг муҳим ва машхур экин ҳисобланади (Т.Актер et al., 2019). Ғўзанинг энг асосий маданий турлари - *G.hirsutum L.* ва *G.barbadense L.* лардир (А.Rehman et.al, 2020). Халқаро пахта бозорида ингичка толали *G.barbadense L.* турига мансуб ғўза навларининг толаси ўрта толали навлар толасига нисбатан қиммат баҳоланади. Бу типдаги бир тонна толадан бир неча марта кўпроқ газлама йигирилади ва нархи ҳам юқори туради. Толаси V типга кирувчи ўрта толали навларнинг толасидан 8620 м<sup>2</sup> газлама тайёрланса, толаси I типга кирувчи ингичка толали навларнинг 1 тонна толасидан 15510 м<sup>2</sup> газлама тайёрланади (<http://tadbirkor-fermer.uz/ingichka-tolali-uza-ustirish/>).

Ингичка толали ғўза етиштирувчи етакчи давлатлар таҳлил қилинганда, АҚШ (11%), Миср (47%), Судан (17%), Ўзбекистон (25%), Испания (38%) ни ташкил этган бўлиб дунё бўйича (7%) ўсиш кузатилган. Ҳиндистон (-7%), Хитой (-14%), Исроил (-33%) каби давлатларда эса пасайиш кузатилганлиги қайд этилган (М.А.Авлиякулов ва бошқалар, 2021).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-170-сон “Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта етиштиришни илмий асосда амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2022 йил 28 январдаги ПҚ-206-сон “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда янги ва истиқболли навлар орасидан энг яхшилари танилаб бориш вазифалари белгиланган.

Мамлакатимизда *G. barbadense* L. туридаги илмий ва амалий татқиқотлар сўнгги даврда К.О.Хударганов, С.А.Усмонов (2015), Вик.А.Автономов ва бошқалар (2017), С.М.Набиев ва бошқалар (2020), М.А.Авлиякулов ва бошқалар, (2021) каби олимлар томонидан олиб борилган.

Жаҳон мамлакатларидан Мисрда навларнинг фойдаланмаган генетик ўзгарувчанлигини ўрганиш ва янги навлар яратиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (W.M.Yehia et.al., 2019). Селекция жараёнида ҳосилдорликни оширишга юқори ҳосилдорликка олиб келадиган генларни тўплаш ёки салбий оқибатларга олиб келувчи генларни бартараф қилиш орқали эришилади (W.M.Abdel-Monaem et al., 2020).

Ҳозирги вақтда навлараро чатиштиришда турли генетик-статистик усулларни қўллаш билан бошланғич навларни комбинатцион қобилиятини ўрганиш бўйича илмий ишлар кенг авж олмақда. Умумий ва хусусий комбинацион қобилиятни баҳолашнинг энг аниқ маълумот берувчи усули диаллел чатиштириш ҳисобланади.

Кўпгина олимлар (S.Abro et al., 2009; С.Karademir et al., 2009; S.Singh et al., 2010) бир қанча навларни умумий ва хусусий комбинацион қобилиятини баҳолаш учун тадқиқотлар олиб боришган ва ғўзани генетик яхшилаш учун энг яхши кўрсаткичли донорлар топишга муваффақ бўлганлар.

Комбинацион қобилиятнинг ҳар иккала турининг генетик асоси генларнинг ўзаро таъсир хилларининг мавжудлигига боғлиқ. В.Ј.Наyman (1958) фикрича, эпистаз мавжуд бўлмаганда, умумий комбинацион қобилият (УКҚ) аддитив таъсир ва ўртача доминантликни, хусусий комбинацион қобилият (ХКҚ) эса доминантликни ўз ичига олади. Генларнинг аллел бўлмаган таъсирида умумий комбинацион қобилият эпистатик таъсирнинг ўртача қисмига, хусусий комбинацион қобилият эса алоҳида комбинациялардагина учрайдиган эпистатик таъсирга боғлиқ бўлади. УКҚ генларнинг аддитив самарасига ва аддитив генларнинг ўзаро таъсиридаги эпистазга боғлиқ. Хусусий комбинацион қобилият эса асосан аддитив бўлмаган генларга боғлиқ, яъни доминантлик ва эпистаз орқали юзага келади. Комбинацион қобилият муайян бир чатиштириш тизимини қўллаш орқали аниқланади.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, хулоса қилишимиз мумкинки, янги ингичка толали тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори навларни яратиш учун *G. barbadense* L. турига мансуб маҳаллий ғўза навларини дурагайлашга жалб қилиш, дурагайларда морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини гибридологик таҳлил қилиш, олинган маълумотларни генетик қонуниятлар асосида изоҳлаш, бу навларнинг генетик ва селекцион салоҳиятини аниқлаган ҳолда янги селекцион ашё ва навлар яратиш борасида илмий изланишлар бориш республикамиз пахтачилигини янада ривожлантиришда катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Тадқиқотларимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтига қарашли Зангиота тажриба даласида олиб борилди. Тажриба даласини тупроғи типик бўз тупроқ бўлиб, шўрланмаган, ер ости сувлари чуқур жойлашган (8,0 метрдан ортиқ), вилт билан табиий зарарланган. Агротехник тадбирлар ўсимликларнинг яхши ўсиб ривожланишини таъминлади. Тадқиқот манбаи сифатида *G. barbadense* L. турига мансуб, ирсий жиҳатдан келиб чиқиши турлича бўлган маҳаллий Сурхон-9, Термиз-32, Дуру Гавхар, Бухоро-7, Сурхон-10 ғўза навлари, уларнинг F<sub>1</sub> ўсимликларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда ҳар бир нав ва F<sub>1</sub> дурагай комбинациялари рендомизация усулини қўллаган ҳолда уч қайтариқда, ҳар бир қайтариқда 2 қатордан, ҳар бир қаторда 25 та уядан иборат ҳолда жойлаштирилди. Экиш схемаси 90x20x1. Тажриба олиб бориш жараёнида F<sub>1</sub> ўсимликларида

маҳсулдорлик белгисини ирсийланиши ўрганилди. Навлар ва уларнинг  $F_1$  комбинацияларининг ҳар бирида 30 тадан ўрганилди.

$F_1$  ўсимликларида доминантлик даражаси G.E.Beil ва R.E.Atkins (1965) ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича аниқланди:

$$hp = \frac{F_1 - MP}{P - MP}$$

Амалий тадқиқот натижалари Б.А. Доспехов (1985) услубида статистик ишловдан ўтказилди. Бунда ҳар бир белги бўйича олинган кўрсаткичлар дисперсион таҳлил қилинди, яъни навлар ва дурагайлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги Фишер критерияси (F), тажрибанинг умумий хатоси  $S^x$ , ўртачалар фарқлари хатоси  $Sd$  ва энг кичик фарқланиш (ЭКФ) 95% лик ишончилиқ даражаси бўйича аниқланди, ҳамда ҳар бир белги бўйича олинган маълумотлар замонавий дисперсион (ANOVA) дастуридан фойдаланган ҳолда статистик таҳлил қилинди. Литун П.П., Проскурин Н.В (1992) таъкидлашларича, амалий селекция соҳасида комбинацион қобилиятини аниқлашда Гриффинг 4 методидан (модель 1) кўп фойдаланилади. Шунинг учун тадқиқотларимизда навларнинг комбинацион қобилияти В.I.Griffing (1956) нинг 4 – методи асосида қуйидаги формулалардан фойдаланиб аниқланди.

**Тадқиқот натижалари.** Ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича олган маълумотларимизга кўра, ўрганилган ингичка толали ғўза навлари гуруҳида энг юқори кўрсаткичга Бухоро-7 нави (46,2 г/ўсим)га эга бўлди. Битта ўсимликка тўғри келувчи умумий маҳсулдорлик Сурхон-9, Сурхон-10, Термиз-32 ва Дуру Гавхар навларида мос равишда 42,3г, 42,2г, 37,4г ва 35,7 гни ташкил этди (1 - жадвал).

1-жадвал.

Ингичка толали маҳаллий ғўза навларнинг  $F_1$  ўсимликларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ирсийланиши

№	Навлар, $F_1$ комбинациялари	$\bar{x}$	hp	Гетерозис; %
1	Сурхон-9	42,3	-	-
2	Термиз-32	37,4	-	-
3	Дуру Гавхар	35,7	-	-
4	Бухоро-7	46,2	-	-
5	Сурхон-10	42,2	-	-
6	Сурхон-9 х Термиз-32	66,5	10,9	157,2
7	Сурхон-9 х Дуру Гавхар	44,6	1,7	-
8	Сурхон-9 х Бухоро-7	63,9	10,1	138,3
9	Сурхон-9 х Сурхон-10	52,8	211,0	124,8
10	Термиз-32 х Сурхон-9	53,7	5,7	127,0
11	Термиз-32 х Дуру Гавхар	50,9	16,9	136,1
12	Термиз-32 х Бухоро-7	47,4	1,3	-
13	Термиз-32 х Сурхон-10	62,9	9,6	149,1
14	Дуру Гавхар х Сур-9	60,2	6,4	142,3
15	Дуру Гавхар х Термиз-32	56,8	23,8	151,9
16	Дуру Гавхар х Бухоро-7	57,9	3,2	125,3
17	Дуру Гавхар х Сурхон-10	52,7	4,2	124,9
18	Бухоро-7 х Сурхон-9	60,7	8,4	131,4
19	Бухоро-7 х Термиз-32	54,4	2,9	117,8
20	Бухоро-7 х Дуру Гавхар	46,0	1,0	-
21	Бухоро-7 х Сурхон-10	34,6	-4,8	82,0
22	Сурхон-10 х Сурхон-9	51,9	193,0	122,7
23	Сурхон-10 х Термиз-32	66,1	11,0	156,6
24	Сурхон-10 х Дуру Гавхар	62,8	7,3	148,8
25	Сурхон-10 х Бухоро-7	42,8	-0,7	-
	НСР <sub>05</sub>	3,1		

Доминантлик даражаси бўйича 20 та  $F_1$  комбинацияларидан 17 тасида ижобий гетерозисли ўта доминантлик, 1 тасида салбий гетерозисли ўта доминантлик ҳолатлари

кузатилди. Юқори кўрсаткичли ва паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги фақат биттадан  $F_1$  комбинациясида намоён бўлди. Сурхон-9, Термиз-32 ва Дуру Гавхар навларининг барча тўғри ва тескари комбинацияларида белги ижобий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди. Белги кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилмайдиган Сурхон-9 ва Сурхон-10 навлари ўзаро чапиштириб олинган реципрок комбинацияларида белги бўйича ижобий гетерозисли ўта доминантлик ҳолати қайд этилди. Шундай қилиб, ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси  $F_1$  комбинацияларида асосан ижобий гетерозисли ўта доминантлик ҳолатида ирсийланди. Сурхон-9 навини Сурхон-10 ва Термиз-32 навлари билан чапиштириб олинган реципрок дурагайларида юқори гетерозис самараси (117,8% дан 157,2% гача) аниқланди. Бу дурагай комбинацияларидан гетерозис селекциясида фойдаланиш мумкин.

Дисперсион таҳлил ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича вариантлар орасида статистик ишончли фарқ борлигини кўрсатди ( $F_{\phi} > F_{05}$ ). Сурхон-9 навини Термиз-32, Дуру Гавхар ва Бухоро-7; Термиз-32 навини Дуру Гавхар, Бухоро-7 ва Сурхон-10; Дуру Гавхар навини Бухоро-7 ва Сурхон-10; Бухоро-7 навини Сурхон-10 навлари билан чапиштириб олинган тўғри ва тескари комбинацияларда ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича реципрок фарқланиш аниқланди. Бу ҳолат белгининг генетик назоратида цитоплазматик генлар ҳам иштирок этишини кўрсатади.

Ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича УКҚ самарасининг юқори ижобий кўрсаткичи Сурхон-9 ва Термиз-32 навларида ( $\hat{g}_i$  мос равишда 4,69 га тенг) қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Навларнинг ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича УКҚ самараси ( $\hat{g}_i$ ), ХКҚ константи ( $\hat{s}_{ij}$ ), УКҚ вариансаси ( $\sigma_{si}^2$ ) ва ХКҚ вариансаси ( $\sigma_{ij}^2$ )

♀ \ ♂	Сур хон-9	Тер миз-32	Дуру Гавхар	Бухо ро-7	Сур хон-10	$\Sigma \hat{s}_{ij}^2$	$\sigma_{si}^2$	$\sigma_{gi}^2$	$\hat{g}_i$
Сурхон-9		3,72	-11,05	9,09	-1,75	221,632	73,08	21,68	4,69
Термиз-32			-4,65	-7,41	8,35	160,092	52,57	21,68	4,69
Дуру Гавхар				10,32	5,39	279,280	92,30	6,19	-2,55
Бухоро-7					-11,98	387,559	128,39	10,44	-3,28
Сурхон-10						245,358	80,99	12,29	-3,55

Бу эса юқори ҳосилли гўза навлари селекциясида Сурхон-9 ва Термиз-32 навларидан бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Умумий маҳсулдорлик битта ўсимликда мос равишда ўртача 35,7 г, 46,2 г ва 42,2 г бўлган Дуру Гавхар, Бухоро-7 ва Сурхон-10 навларида эса УКҚ самараси салбий кўрсаткич ( $\hat{g}_i$  мос равишда - 2,55; -3,28; ва -3,55) га эга бўлди. Белги кўрсаткичлари юқори бўлишига қарамасдан, Бухоро-7 ва Сурхон-10 навлари УКҚ самараси бўйича паст кўрсаткичларни намоён қилдилар. Бу эса ушбу навларда ҳосилдорликнинг асосан рецессив генлар томонидан бошқарилишини билдиради.

Барча навларда  $\sigma_{si}^2 > \sigma_{gi}^2$  ҳолати бўлиб, бу ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича ноаддитив генлар самараси юқорилигини кўрсатади.

Юқори ижобий ХКҚ константи Дуру Гавхар х Бухоро-7 ( $\hat{s}_{ij}=10,32$ ), Сурхон-9 х Бухоро-7 ( $\hat{s}_{ij}=9,09$ ) ва Термиз-32 х Сурхон-10 ( $\hat{s}_{ij}=8,35$ ) комбинацияларида, яъни, белги ижобий гетерозисли ўта доминантлик ҳолатида ирсийланган комбинацияларда ( $h_r$  мос равишда 3,23; 10,08 ва 90,63), юқори салбий ХКҚ константи эса Бухоро-7 х Сурхон-10 ва Сурхон-9 х Дуру Гавхар комбинацияларида ( $\hat{s}_{ij}$  мос равишда -11,98 ва -11,05) қайд этилди.

$F_1$  комбинацияларидаги ҳосилдорлик бўйича ижобий гетерозис  $F_2$  да юқори ҳосилли генотиплар ажралиб чиқишига таъсир этди.

### ХУЛОСАЛАР

1.  $F_1$  Сурхон-9 х Термиз-32,  $F_1$  Сурхон-9 х Сурхон-10,  $F_1$  Сурхон-10 х Термиз-32 ва  $F_1$  Сурхон-10 х Дуру Гавхар комбинацияларида умумий маҳсулдорлик бўйича ижобий гетерозис самараси 122,7-157,2% ни ташкил этди. Бу дурагай комбинациялардан гетерозис селекцияси учун қимматли манба сифатида фойдаланиш мумкин.

2. Навларнинг  $F_1$  ўсимликларида умумий маҳсулдорлик бўйича генларнинг ноаддитив самараси кучли бўлганлиги қайд этилди.

3. Сурхон-9 х Термиз-32 дурагай комбинацияси асосида олинган О-449 оиласи популяциясида селекция ишларини олиб бориш натижасида “Марварид” гўза нави яратилди. Бу нав 2017 йилда Давлат нав синовининг Грунтназоратидан муваффақиятли ўтиб, 2018 йилда ДНСнинг нав синаш шахобчаларига қабул қилинди. Марварид навига 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан №NAP00362 рақамли патент олинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.01.2020 йилдаги “Ингичка толали пахта навлари етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида”ги 47-сонли қарори.
2. Авлияқулов М.А., Н.Х.Дурдиев. Ингичка толали гўза навлари агротехникаси // “Пахтачилик ва дончилик” илмий-оммабоп журнали. Тошкент, 2021. –Б. 77-84-бетлар.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта // –Москва, Агропромиздат, 1985. – С. 351.
4. Литун П.П., Проскурин Н.В. Генетика количественных признаков. Генетические скрещивания и генетический анализ //Учебное пособие. Киев. УМКВО. 1992. –С. 96.
5. Набиев С.М., Чоршанбиев Н.Э., Аманов Б.Х, Ризаева С.М, Бойхурозов З. Тизмалари ва хорижий намуналарнинг қимматли-хўжалик белгилари. Гўза ва бошқа экинлар генофонди биохилма-хилликларини ўрганиш, ривожлантириш, сақлаш ва самарали фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент. 2020 йил. -Б.285-287.
6. Хударганов К.О., С.А.Усманов. Гўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб F<sub>1</sub>-F<sub>2</sub> ўсимликларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги // “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари. Тошкент. 2015. 1 қисм. -Б. 84-87.
7. Abdel-Monaem, M.A., Abido, W.A. E. Hadhzy, A., Ghoneima, M.H. EL-Mansy Y.M. & EL-Shazly, M. W. (2020). Genetic divergence among Egyptian cotton genotypes under water deficit conditions // Acta Ecologica Sinica, <https://doi.org/10.1016/j.chnaes.2020.11.007>.
8. Abro S., Kandhro M.M., Laghari S., Arain M.A. and Deho Z.A. Combining ability and heterosis for yield contributing traits in upland cotton *G.hirsutum* L. // Pak.J.Bot., 2009. 41(4); -P.1769-1774.
9. Akter, T., Islam, A. K. M. A., Rasul, M. G., Kundu, S., Khalequzzaman & JAhmed J. U. (2019). Evaluation of genetic diversity in short duration cotton (*Gossypium hirsutum* L.). J Cotton Research, 2, 1. <https://doi.org/10.1186/s42397-018-0018-6>
10. Avtonomov V.A., Kimsanbaev O.X., Namazov Sh.E., Qurbonov A.Y., Urmanov Sh.X., Mullaxunov B. Problems and ways of the recovery of cultivation of fine-fiber cotton varieties in the republic of Uzbekistan // Digest of scientific and technical achievements in the realm of cotton industry of the republic of Uzbekistan. Tashkent. 2017. - P. 31-34.
11. Hayman B.J. The theory and analysis of diallel crosses //Genetics. 1958. 43. --P.63-65.
12. Karademir C., Karademir E., Ekinici R. and Gencer O. Combining ability estimates and heterosis for yield and fiber quality of cotton in line x tester design. Not.Bot.Horti Agrobo.Cluj-Napoca, 2009. 37(2):-P.228-233.
13. Rehman A., Mustafa N., DU, X. and Azhar M.T. (2020). Heritability and correlation analysis of morphological and yield traits in genetically modified cotton. Journal Cotton Research, 3(23), 1-9. <https://doi.org/10.1186/s42397-020-00067-z>
14. Singh S., Singh V.V. and Choudhary A.D. Combining ability estimates for oil content, yield components and fibre quality traits in cotton *G.hirsutum* L. Using an 8x8 Diallel Mating Design. //Tropical Subtropical Agroecosystems. 2010. 12.-P.161-166.
15. Yehia, W. M. and El-Hashash, E. F. (2019). Combining ability effects and heterosis estimates through line x tester analysis for yield, yield components and fiber traits in Egyptian cotton. Elixir Agriculture, 131, Pages. 53238-53246.

УЎК: 631.675:631.53:633.51

### ГЎЗА ҲАМКОР ЭКИНЛАР БИЛАН ПАРВАРИШЛАНГАНДА БИР ЦЕНТНЕР ҲОСИЛ УЧУН САРФ БЎЛГАН СУВ МИҚДОРИ

*Дж.Қ. Шадманов, к/х.ф.н., к.и.х., ПСУЕА ИТИ, Тошкент*  
*Х.Т.Бекмуродов, мустақил тадқиқотчи, ПСУЕА ИТИ, Тошкент*  
*Э.А.Хаитов, мустақил тадқиқотчи, ПСУЕА ИТИ, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Сирдарё вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида гўзага ҳамкор экин сифатида мош ва соя экинлари бирга парваришланиб, уч хил сугориши тартиблари сугорилганда гўзадан бир центнер пахта ҳосили олиш учун сарф бўлган сув миқдори бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** суғориладиган ўтлоқчи бўз тупроқлари, ғўза, мош, соя, суғориш тартиби, бир центнер пахта ҳосили олиш учун сарф бўлган сув миқдори.

**Аннотация.** В статье приведены данные о расходе воды на получение одного центнера хлопчатника из хлопчатника при совместном возделывании маша и сои в качестве совместной культуры с хлопчатником и орошении тремя различными оросительными системами в условиях серолуговых почв Сырдарьи. область, край.

**Ключевые слова:** орошаемые луговые сероземы, хлопчатник, каша, соя, способ орошения, расход воды на получение одного центнера хлопка.

**Abstract.** The article presents data on water consumption for obtaining one centner of cotton from cotton in the joint cultivation of mung bean and soybeans as a joint crop with cotton and irrigation with three different irrigation systems in the conditions of gray meadow soils of the Syrdarya. region.

**Key words:** irrigated meadow gray soils, cotton, porridge, soybean, irrigation method, water consumption for obtaining one centner of cotton.

**Кириш:** Бугунги кунда дунё бўйича глобал иқлим ўзгариши натижасида сув ресурсларининг танқислиги кузатилиши билан бирга сўнги йилларда ичимлик суви истеъмоли ер шарида 8 мартага ошганлиги аниқланган. Дунё бўйича суғориладиган ерлар 307,955 млн. гектарни ташкил этиб, ҳар йили суғориш учун 2,8 млн км<sup>3</sup> чучук сув сарфланади. Дунёда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб турли хил экинларни ҳамкорликда парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ғўзани турли хил дуккакли дон экинлари билан ҳамкор экин сифати етиштириш майдони АҚШда 19,3 млн., Бразилияда 17,4 млн., Ҳиндистонда 14,8 млн., Ҳитойда 12,3 млн., Мексикада 10,0, млн., Австралияда 3,5 млн., Покистонда 3,7 млн. гектар бўлиб, дунё бўйича жами 80 млн. гектарни ташкил этади<sup>3</sup>. Ривожланган давлатларда 1 м<sup>3</sup> билан 4-6 АҚШ долларлик маҳсулот етиштирилади бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 0,15 АҚШ долларига тенг.

Шулардан келиб чиқиб, Сирдарё вилоятининг ўтлоқлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўзага ҳамкор экин сифатида мош ва соя ўсимлигини қўшиб экиб парваришлаб ҳамда уч хил суғориш тартибида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоиз тартибларда олиб боришиб, тажриба тизимида 7 та вариантдан иборат бўлиб, назорат варианты сифатида ғўзанинг ўзи экилиб, ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш тизимида олиб борилди. Ғўзага ҳамкор сифатида мош ва соя қўшиб экилган вариантлар эса уч хил суғориш тартибида олиб борилди. (1-жадвал).

1-жадвал

#### ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Вар	Экин турлари	Тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан % ҳисобида		
			Гуллаш даврида	Гуллаш ҳосил тўплаш даврида	Пишиш даврида
1	Ғўза	Султон (назорат)	Ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (70-70-65)		
2	Ғўза+мош	Султон+Маржон	65	65	60
3	Ғўза+соя	Султон+ Нафис			
4	Ғўза+мош	Султон+Маржон	70	70	60
5	Ғўза+соя	Султон+ Нафис			
6	Ғўза+мош	Султон+Маржон	75	75	60
7	Ғўза+соя	Султон+ Нафис			

**Тадқиқотнинг мақсади:** Сирдарё вилоятининг ўтлоқи бўз, унумдорлиги паст, шўрланишга мойил тупроқлари шароитида, бир пайтда икки хил экин экиб, бир хил агротехника асосида ҳосил етиштириб, ер, сув, ўғит ва бошқа манбаларидан самарали фойдаланиб, юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда ҳамкор экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот предмети.** Ўтлоқи бўз тупрокни агрофизикавий ва агрохимёвий ҳоссалари, шунингдек, ғўза ва ҳамкор экинларни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорликка таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқот услуги.** Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблаш ва кузатишлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ва «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубига асосан MicrosoftExcel дастури асосида математик статистик таҳлил қилинган, ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

**Тадқиқот натижалари:** Маълумки суғориш бўйича олиб борилган дала тажрибаларини ўтказишда сув мувазанати ёки сув баланиси муҳим рўл ўйнайди биз олиб борган ғўза ва ғўзага ҳамкор сифатида экилган экинларнинг бир центнер ҳосил учун кетган сув сарфи аниқлаганимиз қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди. Тажрибамизда назорат вариантимида яни ғўзанинг ўзи экилган вариантда бир центнер пахтага сарфланган умумий сув миқдори ҳисоблаганимизда  $108,5 \text{ м}^3/\text{ц}$  сув сарф бўлганлиги аниқланди мавсумий сув миқдорини аниқлаганимизда  $28,9 \text{ м}^3/\text{ц}$  сув сарф бўлганлиги аниқланди. ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-60 % тартибидаги яни ғўзага мош ва соя ҳамкор сифатида экилган вариантимида бир центнер пахтага сарфланган умумий сув миқдорини аниқланганда 92,3 ва 97,8  $\text{м}^3/\text{ц}$  ни бир центнер мош ва соя учун эса тегишлича 108,4 ва 59,4  $\text{м}^3/\text{ц}$  сув сарфлангани аниқланди. Бир центнер ҳосилга сарфланган мавсумий сув миқдори аниқланганда эса бир центнер пахта учун яни мош ва соя билан қўшиб экилганда 0,0  $\text{м}^3/\text{ц}$  бўлганлиги мош ва сояда ҳам 0,0  $\text{м}^3/\text{ц}$  аниқланди. Бунга асосий сабаб 65-65-60 % суғориш тартибидаги вариантимида мавсум давомида сувга келмаганлиги сизот сувининг юқорида жойлашганлиги муҳим бўлганлиги аниқланган. ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-60 % тартибидаги яни ғўзага ҳамкор сифатида мош ва соя экилган вариантимида бир центнер пахта ҳосили олиш учун умумий сув миқдорини аниқлаганимизда мош билан қўшиб экилган вариантда 109,1  $\text{м}^3/\text{ц}$ , соя билан қўшиб экилганда эса 123,1  $\text{м}^3/\text{ц}$  бўлганлиги мош билан сояда эса тегишлича 636,3 ва 321,2  $\text{м}^3/\text{ц}$  сув сарфлангани аниқланди. Бир центнер ҳосилга сарфланган мавсумий сув миқдори шу вариантларда аниқланганда мош билан қўшиб экилган вариантда ғўзада 26,3  $\text{м}^3/\text{ц}$  соя билан қўшиб экилган вариантда 29,6  $\text{м}^3/\text{ц}$  сув сарфлангани аниқланди. Мош билан соя учун бир центнер ҳосил учун мавсумий сув миқдорини аниқланганда тегишлича 153,2 ва 77,3  $\text{м}^3/\text{ц}$  сув сарфланганлиги аниқланди. ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-60 % тартибидаги яни ғўзага ҳамкор сифатида мош ва соя экилган вариантимида бир центнер пахта ҳосили олиш учун умумий сув миқдорини аниқлаганимизда ғўза мош билан қўшиб экилган вариантда 128,9  $\text{м}^3/\text{ц}$ , соя билан қўшиб экилганда эса 144,3  $\text{м}^3/\text{ц}$  бўлганлиги мош билан сояда эса тегишлича 813,0 ва 380,9  $\text{м}^3/\text{ц}$  сув сарфлангани аниқланди. Бир центнер ҳосилга сарфланган мавсумий сув миқдори шу вариантларда аниқланганда мош билан қўшиб экилган вариантда ғўзада 47,1  $\text{м}^3/\text{ц}$  соя билан қўшиб экилган вариантда 52,7  $\text{м}^3/\text{ц}$  сув сарфлангани аниқланди. Мош билан соя учун бир центнер ҳосил учун мавсумий сув миқдорини аниқланганда эса тегишлича 297,1 ва 139,2  $\text{м}^3/\text{ц}$  сув сарфланганлиги аниқланган.

**Хулоса:** Ғўза билан ҳамкор экин сифатида мош ва соя экилганда ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % суғориш тартибида суғориш ўтказилмаган бўлсада, 1 ц пахта ҳосили учун умумий сув сарфи мош билан ҳамкор экилганда 92,3  $\text{м}^3/\text{ц}$ , сояда 97,8  $\text{м}^3/\text{ц}$ , 70-70-60 % суғориш тартибида 0-1-0 тизимда 1 марта суғорилиб, суғориш меъёри 812  $\text{м}^3/\text{га}$ , 1 ц пахта ҳосили учун сув сарфи мош билан экилганда 109,1  $\text{м}^3/\text{ц}$ , сояда 123,1  $\text{м}^3/\text{ц}$ , ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % суғориш тартибида 0-2-0 тизимда 2 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 1545  $\text{м}^3/\text{га}$ , 1 ц пахта ҳосили учун сув сарфи ғўза билан мош экилганда 128,9  $\text{м}^3/\text{ц}$ , сояда 144,3  $\text{м}^3/\text{ц}$  ни ташкил этган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сонли Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. ПҚ-5742 сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17-июлдаги қарори.

УЎК: 631.675:635.65:633.51+631.41

## ЎЗНИ ХАМКОР ЭКИН БИЛАН ҚЎШИБ ЕТИШТИРИШНИНГ ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

*Дж.Қ. Шадманов, к/х.ф.н., к.и.х., ПСУЕА ИТИ, Тошкент*

*Х.Т.Бекмуродов, мустақил тадқиқотчи, ПСУЕА ИТИ, Тошкент*

*Э.А.Хаитов, мустақил тадқиқотчи, ПСУЕА ИТИ, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Сирдарё вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида уч хил сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 % тартибларида сугорилиб, бир даладан икки ҳосил етиштиришида ўзанинг Султон нави билан бирга ҳамкор экин сифатида (мош ва соя) қўшиб парваришланганда пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** сугориладиган ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари, ўза, мош, соя, сугориш тартиби, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены три типа предполивной влажности почвы в сероземах Сырдарьинской области при орошении порядка 65-65-60, 70-70-60 и 75-75-60% по отношению к ЧДНС, и при возделывании двух культур с одного поля совместно с сортом хлопчатника Султан в качестве культуры-спутника. Приведены сведения о технологических показателях качества хлопкового волокна при обработке мошой и соей.

**Ключевые слова:** светло-сероземные почвы под орошаемым пастбищем, хлопчатник, мешанка, соя, способ орошения, технологические показатели качества волокна.

**Abstract.** In this article, three types of pre-irrigation soil moisture in the gray soils of the Syrdarya region were irrigated in the order of 65-65-60, 70-70-60 and 75-75-60% relative to ChDNS, and the Sultan variety of cotton was used in growing two crops from one field. information on the technological quality indicators of cotton fiber when grown as a crop (mushroom and soybean) is presented.

**Key words:** svetlo-serozemnye pochvy pod oroshaemym pastbishchem, hlochatnik, meshanka, soy, sposob oroshenia, tehnologicheskie pokazeteli kachestva volokna.

**Кириш.** Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини сақловчи янги ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ёнилғи-мойлаш материалларини ва бошқа харажатларни тежаш ҳисобига маҳсулот етиштириш таннархини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида, тупроқ унумдорлигини сақловчи ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи инновацион технологиялар АҚШда 19,3 млн., Бразилияда 17,4 млн., Ҳиндистонда 14,8 млн., Хитойда 12,3 млн., Мексикада 10 млн., Австралияда 3,5 млн., Покистонда 3,7 млн. гектар, дунё бўйича жами 80 млн. гектардан ортиқ майдонларда жорий этилмоқда.

Дунёдаги ўза етиштириладиган мамлакатларда, жумладан Ҳиндистонда ўзани маккажўхори, оқ жўхори, кунжут, қалампир, кореандра, шунингдек, дуккакли-дон экинлари билан қўшиб экиш, Хитойда ўзани буғдой, шоли ёки рапс каби экинлар билан ҳамкорликда экиб ҳосил етиштириш, Бразилия ва Перуда ўзани маккажўхори, ловия ва шоли билан ҳамкорликда экиш, Миср Араб Республикасида ўзани маккажўхори билан ҳамкорликда ўстириш самарали бўлиши аниқланган. Шу нуқтаи назардан ўза экиладиган майдонларни қисқартирмаган ҳолда, ўзани бошқа экинлар билан эгат оралатиб ҳамкорликда экиш орқали бир майдоннинг ўзида пахта ва унга қўшимча дуккакли-дон, сабзавот ва бошқа экинлар ҳосилини етиштириш бўйича изланишларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади [2].

О.Валовикнинг маълумотига кўра, Хитойда ғўза билан ҳамкор экинларни биргаликда экишнинг бир неча усуллари мавжуд. Масалан, буғдой, шоли ёки рапс каби экинлар ғўза билан ҳамкорликда экилади. Айниқса бу усуллар Хитойнинг жанубий вилоятларида кенг қўлланилиб, юқори ҳосил олинмоқда. Айрим вилоятларда 30 ц/га буғдой ва 10.5 ц/га пахта толаси (30-31 ц/га пахта ҳамашёси), ғўза рапс билан биргаликда экилганда 11,2-15,0 ц/га рапс уруғи, шунингдек 7,5 ц/га пахта толаси (22-23 ц/га пахта ҳамашёси) олинмоқда. Шунинг учун Хитойнинг жанубий вилоятларнинг 90 % экин майдонида ҳамкор экин экиш усули қўлланилади. Бунда биринчидан, суғориладиган экин майдонлари танқислиги муаммоси ҳал бўлса, иккинчидан, гектар бирлигидан олинадиган даромад 30-40 % юқори бўлади. Бир неча экинларни ҳамкор экиш, айниқса Хитойнинг Цзилинь вилоятида кенг тарқалган. Бугунги кунда бу технология вилоятнинг шимолий-шарқида қарийб 63 минг гектар майдонида жорий этилган.

И.Рўзиев, Н.Эргашеваларнинг таъкидлашича, ғўза соя билан ҳамкорликда экилганда соядан ўртача 11,6 центнер ҳосил етиштирилиб, ғўза ҳосили билан қўшиб ҳисоблаганда умумий соф даромад 1 530 447,6 сўм, рентабеллик 51,99% ни, мош билан экилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 916 147,8 сўм ва 34,97% ни, ер ёнғоқ билан экилганда 1 944 404,6 сўм ва 68,37% ни ташкил этганлиги аниқланган. Пайкалнинг кучсиз эрозияланган ва аккумуляция қисмидаги вариантларда ўртача эрозияланган қисмига нисбатан кўпроқ ҳосил етиштирилишига карамай, ғўзанинг ўзини яқка тартибда ва ҳамкор экинлар билан экилгандаги қонуният сақланиб қолинган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтганки, синаб кўрилган вариантлар орасида энг рентабеллиги ғўзани соя ва ер ёнғоқ билан ҳамкор экилганда намоён бўлганлиги аниқланган. Бундан ташқари ғўза соя, мош, ер ёнғоқ каби дуккакли экинлар билан ҳамкор сифатида экилганда амал даврида ҳаводан молекуляр азотни ўзлаштириб, тупроқда биологик азотни кўпайтиради, илдиз тизими тупроқ ҳажм массасини мақбул ҳолатга (1,2-1,3 г/см<sup>3</sup>) келтириб, ғўза ҳосили 2-3 центнер, кейинги йили ҳамкор экин билан ғўза ўрни алмашилиши натижасида яна 2-2,5 центнерга ошганлиги аниқланган [1].

**Тадқиқот методикаси.** Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўтказилган тажрибамиз 7 та вариантдан ташкил топган бўлиб, тажриба тизимида ғўзанинг Султон нави назорат сифатида экилиб, қолган вариантларимизда эса ғўзанинг Султон навига мошнинг Маржон ва соянинг Нафис навлари ҳамкор экин сифатида қўшиб экилиб, уч хил суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоиз тартибларда суғориш бўйича тажрибалар олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал

**ТАЖРИБА ТИЗИМИ**

№	Вар	Экин турлари	Тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан % ҳисобида		
			Гуллаш даврида	Гуллаш ҳосил тўплаш даврида	Пишиш даврида
1	Ғўза	Султон (назорат)	Ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (70-70-65)		
2	Ғўза+мош	Султон+Маржон	65	65	60
3	Ғўза+соя	Султон+ Нафис			
4	Ғўза+мош	Султон+Маржон	70	70	60
5	Ғўза+соя	Султон+ Нафис			
6	Ғўза+мош	Султон+Маржон	75	75	60
7	Ғўза+соя	Султон+ Нафис			

**Тадқиқот натижалари.** Тажрибадан олинган маълумотларга қараганимизда, ғўзага ҳамкор экин сифатида мош ва соя қўшиб экилганда ҳамда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоизларда олиб борилган вариантларда ҳамда назорат вариантимизни охирида пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда қуйидагича натижалар аниқланди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларини ўсиши ва ривожланишида технологик сифат кўрсаткичлари суғорма деҳқончиликда муҳим роль ўйнайди, ғўзага ҳамкор экин сифатида мош ва соя парваришланган майдонлардан олинган пахта ҳосилининг пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилинганда ғўзанинг

ўзи етиштирилган назорат вариантыда пахтанинг сифат кўрсаткичлари ҳамда қолган вариантлар, билан яъни уч хил суғориш тизимида ва ғўзага ҳамкор экин сифатида мош ва сояни экиб шунга нисбатан таҳлил қилинганда. таҳлил натижаларига қаралганда назорат вариантимида, яъни ғўзанинг ўзи етиштирилганда ғўза ҳамкор экин билан парваришланган вариантларга нисбатан барча кўрсаткичлар, яъни тола чиқиши 1-2,5 % гача, тола узунлиги 0,2-0,5 мм гача, минг дона чигит оғирлиги 0,9-2,9 г гача юқори бўлганлиги ҳамда ғўзанинг ўзи етиштирилган ва уни мош билан ҳамкорликда парваришланганда барча терим хосилининг пахта толаси биринчи нав талабига жавоб берди (2-жадвал).

2-жадвал

Ғўзани ҳамкор экинлар билан етиштирилганда пахта толасининг сифат кўрсаткичлари, 2019-2021-йил

Вар	Суғориш тартиблари, ЧДНСга нисбатан, %	Экин тури	Тола чиқиши %			Тола узунлиги, мм			1000 дона чигит оғирлиги, г			Нави		
			2019	2020	2021	2019	2020	2021	2019	2020	2021	2019	2020	2021
1	Назорат	Ғўза	34,9	34,4	34,7	33,8	33,8	33,7	133,9	133,9	133,8	1	1	1
2	65-65-60 %	Ғўза+мош	32,7	32,9	33,3	33,4	33,3	33,4	131,5	132,1	131,6	1	1	1
3	65-65-60 %	Ғўза+соя	31,8	31,6	32,2	33,1	33,1	33,2	130,4	131,6	130,9	2	2	2
4	70-70-60 %	Ғўза+мош	33,3	33,1	33,6	33,5	33,4	33,5	131,8	132,5	131,9	1	1	1
3	70-70-60 %	Ғўза+соя	32,2	31,9	32,7	33,2	33,3	33,3	130,8	131,9	131,3	2	2	2
6	75-75-60 %	Ғўза+мош	33,4	33,5	33,9	33,6	33,5	33,6	132,4	132,8	132,5	1	1	1
7	75-75-60 %	Ғўза+соя	32,3	32,2	33,1	33,4	33,4	33,5	131,7	132,6	132,9	2	2	2

Ғўзага ҳамкор сифатида соя экилиб етиштирилган вариантларда эса барча терим хосили иккичи нав талабига жавоб берди. Суғоришни ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоиз тартибларида ўтказилган вариантларда ҳамда ғўзага ҳамкор экин сифатида мош ва соя етиштирилган вариантларидаги пахта толаси сифат кўрсаткичларини таҳлил қилинди. Суғоришни ЧДНСга нисбатан 75-75-60 фоиз тартибида суғорилган вариантда ЧДНСга нисбатан 65-65-60 ва 70-70-60 фоиз тартибида суғорилган вариантларга нисбатан барча кўрсаткичлар, яъни тола чиқиши ғўзани мош мош билан бирга экилган вариантда 0,6-0,3 фоиз гача, ғўзани соя билан бирга экилган вариантда эса 0,9-0,4 фоиз гача юқори бўлган ва тола узунлиги 0,2-0,1 мм гача, ғўзани соя билан бирга экилган вариантимида эса тола узунлиги 0,3-0,1 мм гача юқори бўлиб, 1000 дона чигит оғирлиги ғўзага ҳамкор экин сифатида мош экилган вариантларда 0,9-0,6 г гача оғир бўлган ва ғўзага ҳамкор экин сифатида соя экилган вариантимида эса 2-1.6 г гача юқори бўлгани аниқланиб, ғўзага ҳамкор экин сифатида мош экилган, ҳамда ўрганилган турли суғориш тартибларидаги вариантларда умумий терим хосили биринчи нав талабига жавоб берди, ғўзани соя билан бирга экилган вариантларда эса умумий терим хосили иккичи нав талабига жавоб берди.

**Хулоса.** Демак. Сирдарё вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида, ғўзанинг Султон нави билан мошнинг Маржон ва соянинг Нафис навларини ҳамкор экин сифатида экиб ҳамда уч хил суғориш тартибида, яъни суғориш олди турроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоиз тартибларда тажрибалар олиб борилганда пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари ўзгариши аниқланди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Рўзиев И, Эргашева Н. ирригация эрозияси рўй беради ган ҳудудда ғўза ва ҳамкор экинлар экиб, иқтисодий кўрсаткич ларн и яхшилаш // Агро илм. Тошкент, 2017-№3.(47) – б. 8-9.

2. Халиков.Б.М. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни қисқа ротацияда алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари. к.х.ф.доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати, Тошкент 2007 й., 45 бет.

ТАРИХ ФАНЛАРИ

UO'K:93/94

**O'ZBEK SHE'RIYATI IKKINCHI JAHON URUSHI XIZMATIDA****(Frontorti o'zbek milliy matbuoti ma'lumotlari asosida)****R.M. Akbarov, stajyor-tadqiqotchisi, Namangan davlat universiteti, Namangan**

*Annotatsiya.* Ushbu tadqiqot ishida Ikkinchi jahon urushi davrida o'zbek milliy matbuotida chop qilingan she'rlar, ularning mazmuni, O'zbekiston xalqi hamda jangchilarini vatanparvarlik va fidokorlik ruhida tarbiyalashdagi ahamiyati haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** O'zbek milliy matbuoti, ikkinchi jahon urushi davri she'riyati, urush davri lirikasi, harbiy lirika, jangovar she'rlar, paxta haqida she'rlar.

**Аннотация.** В данной исследовательской работе рассматриваются стихотворения, опубликованные в узбекской национальной печати в годы Второй мировой войны, их содержание и значение в воспитании народа Узбекистана и его воинов в духе патриотизма и самопожертвования.

**Ключевые слова:** узбекская национальная пресса, поэзия Второй мировой войны, военная лирика, военная лирика, военные стихи, стихи о хлопке.

**Abstract.** This research paper discusses the poems published in the Uzbek national press during the Second World War, their content, and their importance in educating the people of Uzbekistan and their soldiers in the spirit of patriotism and sacrifice.

**Key words:** Uzbek national press, poetry of the Second World War, wartime lyrics, military lyrics, war poems, poems about cotton.

Ikkinchi jahon urushi yillarida bol'shevik hukumati turli millat va elatlardan tashkil topgan xalqlarni fashizmga qarshi bir butun holda birlashtirish uchun kuchli targ'ibot-tashviqot ishini olib borgan. Ushbu jarayonlarda o'zbek shoirlarining hissasi ham salmoqli hisoblanadi. Urush davri o'zbek she'riyatining o'ziga hos xususiyatlarini ilmiy tadqiq qilish masalasi – fashizm ustidan qozonilgan buyuk g'alabaga O'zbekiston xalqining qo'shgan ulkan hissasini xolisona o'rganish ishining muhim jihatlaridan biri hisoblanadi.

Tadqiqot ishining asosiy manbalari O'zbekiston SSR KP(b) Markaziy Komiteti, Toshkent oblasti va shahar komitetlari va O'zbekiston SSR Oliy Sovetining matbuot organi hisoblangan "Qizil O'zbekiston" gazetasi hamda bir qator oblastlarning matbuot nashrlari, xususan, Namangan viloyatining – "Stalin haqiqati", Samarqand viloyatining – "Lenin yo'li", Buxoro viloyatining – "Buxoro haqiqati" singari o'zbek tilida nashr etilgan gazetalardir.

Ikkinchi jahon urushi yillarida o'zbek she'riyati haqida bir qator tadqiqot ishlari olib borilgan. Jumladan, sobiq sovet tuzumi davri tadqiqotlaridan – S.Mamajanovning "Ulug' Vatan urushi davrida o'zbek adabiyoti" kitobi [1], R.Karimovning "Sovet O'zbekistoni san'ati Ulug' Vatan urushi yillarida"[2] nomli risolasi, istiqlol davrida Z.S.Safarovaning "Ikkinchi jahon urushi yillarida O'zbekiston madaniyati"[3] kabi tadqiqotlarni misol sifatida keltirish mumkin. Ushbu tadqiqot natijalari ham mavzuni yoritishda muhim ahamiyat kasb etadi.

She'r arabcha: "shuur" so'zidan kelib chiqqan bo'lib, – "sezgi" degan ma'noni anglatadi. Keng ma'noda fikrning his-tuyg'uga qorishiq ifodasi sifatida vujudga kelgan, hayajonli she'riy nutq bilan ifoda etilgan, ma'lum ichki ohangga ega badiiy asar hisoblanadi[4]. She'riyat lirikaning asosiy shakli bo'lib, poeziya, nazm kabi nomlar bilan ham ataladi. O'zbek she'riyati uzoq asrlardan beri rivojlanib, yangi an'analar bilan boyib borgan. Ikkinchi jahon urushi yillari ham ushbu jarayonlarda muhim bir davr bo'ldiki, o'zbek she'riyati o'zining taraqqiyotida yana bir bosqichga ko'tarildi.

Zero, urush yillarida poeziya xalq va jangchilar orasida nihoyatda chuqur tomir otdi. U hamma uchun – jangchilar uchun ham, front orqasidagilar uchun ham, qariya va yoshlar uchun ham o'tkir qurol, madadkor va ilhomchi bo'lib qoldi[1:24].

Ikkinchi jahon urushi davri she'riyati mamlakatdagi mavjud talab va muammolardan kelib chiqib, "ijtimoiy buyurtma" mahsuli sifatida vujudga keldi va to'laqonli urush manfaatlari uchun hizmat qildi.

Urush davri o'zbek milliy gazetalarining tahlili shuni ko'rsatadiki, bu davrda matbuotda chop qilingan she'rlarning muhim hususiyati gazetadagi boshqa bir xabar bilan hamohang ravishda ma'lum maqsadga yo'naltirilgan edi. Bu orqali chaqiriq va tashviqot ishlarining xalq ommasiga ta'sirlik kuchi yanada ortgan. Matbuotda berilgan she'rlar mamlakatdagi mavjud muammolarning yechimiga qaratilgan bo'lib, aholini harbiy safarbar qilish, harbiy ta'limni yaxshi uyushtirish, mudofa fondini mustahkamlash, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ko'paytirish, mehnat unumini jadallashtirish va boshqa masalalarga bag'ishlangan.

Urushning kutilmaganda boshlanishi shoir va yozuvchilar oldida xalq ommasiga fashizmning mohiyatini anglatish, aholining qurol ko'tarishga qodir qismini yoppasiga urushga safarbar qilish, dushmanga kuchli nafrat tuyg'ularini kuchaytirish masalasi maydonga keldi. Davrning ko'zga ko'ringan adiblaridan biri Oybek "Qizil O'zbekiston" gazetasining 1943-yildagi "O'zbek adabiyoti" nomli maqolasida urush davri adabiy muhiti haqida "... ilk safda qalamni nayzaga aylantirib shoirlar yurdi. Keksa Fozil ota va Islom shoirlardan boshlab, maktabbachcha, shoirchaga qadar hamma o'z she'rida xalqni vatanparvarlikka, qahramonlikka, fidokorlikka chaqirdi"[5] degan edi.

Darhaqiqat, ilk kunlardan o'q milliy matbuot sahifalarida fashizmga qarshi kurashga chaqiriq ruhida jangovar she'rlar bosilib chiqa boshladi. Xususan, "Qizil O'zbekiston" gazetasining 1941-yil 26-iyun sonida Sobir Abdullaning "Zafar qasidasi"[6], 27-iyunda Amin Umariyning "Rostlab uring yigitlar!"[7], 28-iyunda G'ayratiyning "Irodamiy yov taqdirin qiladi barbod"[8], 29-iyunda G'ofur G'ulomning "Kuzatish"[9], 11-iyulda Oybekning "Zafar bizniki!"[10], kabi she'rlar shular jumlasidandir. Bunday she'rlarni oblastlardan chiqib turgan mahalliy gazetalarda ham ko'rish mumkin. Misol uchun, "Stalin haqiqati" gazetasining 1941-yil 9-avgust sonida Muhsin Hamidning "O'rtoq Komissar"[11] she'ri ham mana shu maqsad bilan matbuot yuzini ko'rdi. Bunday she'rlar Germaniya va uning ittifoqchilarining Sovet Ittifoqiga qarshi boshlagan hujumi adolatsiz, hiyonatkorona ish ekanligini anglatish hamda g'alabaga bo'lgan ishonchni xalq ongiga singdirish jihatlarini o'zida jamlagan.

Urushda mamlakat mudofasini mustahkamlash va dushman ustidan g'alabaga faqatgina harbiy safarbarlikka chaqirish bilangina emas balki, xalqning bevosita moddiy jihatdan qo'llab-quvvatlashi orqali erishilardi. Shu hisob bilan milliy matbuotda Qizil armiya uchun qishki issiq kiyimlar to'plash, pul-buyum lotoreyalari va harbiy zayomlarni sotib olish, ko'ngilli ravishda mablag' topshirishga chaqiruvchi she'rlar chop etib turilgan.

Xususan, Islom shoirning "Mudofaa fondi"[12], Q.Lohutiyning "Davlatimizga madadkormiz"[13:2], "Qo'shiq"[13:2], "Vatan qarzim"[14] singari she'rlarida aynan butun xalq ommasini mamlakat mudofasiga moddiy tomondan hissa qo'shishga undash yaqqol ko'zga tashlanadi. Bu borada "Buxoro haqiqati" gazetasining 1941-yil 11-dekabrda sonida Qurbon Badali qalamiga mansub "Lotoreya" she'ri diqqatga sazovor. Muallif lotoreya haridining muhimligiga e'tiborni tortib:

*Metall, qorg'oshin kerak, Miltiq, o'q-dori kerak, Opa, ol lotoreya.*

*Kuchimizga kuch bo'lur, Yov hamlasi puch bo'lur, Aka, ol lotoreya,*[15]

deya aholini lotoreya haridiga jalb etadi. Diqqatli tomoni shundaki, agar Buxoro oblasti bo'yicha aholining lotoreyaga yozilishi 1941-yil 10-dekabrda 2 million 94 ming 600 so'mni tashkil etgan bo'lsa, 12-dekabrda 3 million 55 ming so'mni[16], 17-dekabrda 4 million 629 ming so'mni tashkil qilgan.[17]

Chustiy 1942-yildagi harbiy zayomga yozilishga xalqni davat etib, "Bizga hayot zavqu-safo keltirur"[18] nomli she'rida "Baxt qo'lida o'tli qurol bu zayom, Zarbasidan jumla fashistga o'lim" deya zayomning dushman ustidan g'alaba qozonishdagi ahamiyati, dushman mag'lub etilgandagina elga tinchlik, quvonch kelishini ta'kidlaydi.

Ikkinchi jahon urushi davrida mamlakatda barpo qilingan yirik inshootlar, kanallar, suv omborlari va boshqa shu kabilar umumxalq hashari yo'li bilan amalga oshirilgani ma'lum. Shunday inshootlarning eng yiriklaridan biri – bu quvvati jihatidan butun ittifoqda uchinchi o'rinni egallagan

Farhod GES edi. Bunday umumhashar qurilishlarda ish unumini oshirish, xalqni mehnatdagi jasoratlarini kuylash, ularga ma'naviy ko'mak va dalda berishda o'zbek shoirlarining ham hissasi katta bo'ldi.

Bu jihatdan G'ofur G'ulomning "Suv va nur"[19] she'ri diqqatga sazovor. Shoir o'z she'rida O'zbekiston xalqi nomidan frontdagi jangchilarga qarata "*Siz uchun munosib sovg'a bo'lsin deb Farhod qurilishin boshlab yubordik*" deya O'zbekistonda katta qurilish ishi boshlanganini she'riy bandlar bilan ifodalab beradi.

Matbuotda qurilish bilan bog'liq muvaffaqiyatlarga bag'ishlangan she'rlar ham juda ko'plab uchraydi. Jumladan, shoir Chustiyning "Tabrik sizga", Vohid Abdullaning "Pahlavonlarga salom", Islom shoirning "Pahlavon" kabi she'rlari [20] yer qazish rejasini 4 oyda bajargan Samarqand mehnatkashlariga atalgan.

Qizil Armiya kapitani Rustam Abdurahmonovning "Farhodchilarga xat" she'ri [21] Hamid G'ulom va Zafar Diyorning "Unutilmas daqiqa" [22:3], Sobir Abdullaning "Tamasho qil" [22:4], Nazarmatning "Dneprdan Sirdaryoga xat" [23] kabi she'rlarda Farhod GES qurilishi sohasida erishilgan yutuqlarni madh qilish, xushxabarlarni frontga yetkazish, jangchilar nomidan mehnat ahlini qutlash kabilar ko'zga tashlanadi.

Farhod GES qurilishiga bag'ishlangan she'rlarning umumiy jihati shundan iboratki, ularning ko'pchiligida qurilish ishlarini Alisher Navoiyning "Farhod va Shirin" dostoni voqeliklari bilan uyg'unlashtirishga harakat qilinadi. Tarixda Sirdaryo o'zanining burish ishiga ko'plab urinishlar bo'lgani, ammo, buni Sovetlar davrida, aniqrog'i, Vatan urushi davrida amalga oshirilayotganiga urg'u beriladi.

O'zbekistonda butun sovet tuzumi davrida paxta yakkahokimligi amalda bo'lgani hech kimga sir emas. Ikkinchi jahon urushi davrida paxta asosiy qishloq xo'jaligi ekini bo'lib qoldi. Eng so'nggi tadqiqotlarga ko'ra, urush yillarida O'zbekiston Ittifoqqa 4 mln 806 ming tonna paxta yetkazib berdi. Respublikada 1941-yilda paxta tayyorlash rejasi 1940-yilga nisbatan 45 kun avval bajarib bo'lindi [24]. Ammo, keyingi yillarda urushning og'ir sharoitida kadrlar yetishmasligi, qishloq xo'jaligida oziq-ovqat ekinlari salmog'ining oshishi va boshqa sabablar bilan 1943-yilda respublikada belgilangan paxta yetishtirish plani bajarilmay qolgan. Natijada, 1944-yilda paxta siyosati avvalgidanda kuchaytirildi va O'zbekiston xalqi nomidan rejani ortig'i bilan bajarish uchun "Qasamnoma" qabul qilinib, matbuotda paxta masalasi bilan bog'liq materiallar nihoyatda ko'paytirildi. Gazetalarda bu masala eng dolzarb vazifa qilib qo'yildi. Tashviqot ishlariga shoir va yozuvchilar, publisistlar ham salmoqli hissa qo'shganlar. Milliy matbuot sahifalarida yil yakuniga qadar bu sohaga qaratilgan she'rlar nashr etib borildi.

"Qizil O'zbekiston" gazetasining 1944-yil 5-yanvar' sonida shoir Chustiyning Respublika ilg'or paxtakorlar qurultoyining vakillariga bag'ishlangan "Qasam" she'ri bosilib chiqadi. Jumladan, Chustiy o'z she'rida O'zbekiston paxtasining mudofaa uchun nechog'lik muhim ekanligini badiiy usulda bayon qilib shunday deydi:

*Paxta – kiyim, o'q, pulemyot, zambarak,  
Paxta – qilich, nayza, xanjar, samolyot,  
Paxta bizga hayot, badan, qon yurak,  
Yov boshiga paxtamizdan yog'ar o't* [25].

Chustiyning keyinchalik "Qizil O'zbekiston" gazetasining 1944-yil 26-yanvar sonida chiqqan "Mardona qasam" nomli she'ri[26] ham huddi shunday mazmun va maqsad bilan yozilgan edi. Zafar Diyorning ayni shu gazetaning 13-fevral sonida bosilgan "Oqoltin" nomli she'ridagi misralardan biriga e'tibor qaratsak:

*Harbu-zarbda eng kerakli buyumsan,  
Jangchilarni issiq sovti, kiyimsan,  
G'olibona kunlardagi to'yimsan,  
Sen sen mening yor qurolim oqoltin* [27].

Ushbu she'rdam ham paxtaning urush uchun nechog'lik ahamiyatli ekanligiga diqqatni qaratilgan. Zafar Diyorning bolalar uchun mo'ljallangan "Suv bilan suhbat" she'rida ham paxta mavzusi asosiy o'rinda keladi [28].

“Qizil O‘zbekiston” gazetasining 1944-yil 28-may sonida berilgan Uyg‘unning “Suhbat” she’rida Kolxoz dalalarida ishlayotgan ishchi qiz va frontdagi o‘zbek jangchisining suhbatini dialog tarzida aks ettiriladi. Uyg‘un paxtaning armiya qudratini oshiruvchi eng muhim omil ekanligiga e’tiborni qaratib:

*“Har bir qilgan ishing miltig‘imga o‘q,  
Sen yerni gullatsang, o‘ng kelar ishim,  
Paxtalarining yashnab o‘ssa, ko‘nglim to‘q,  
Sening g‘ayratingga bog‘liq qaytishim”* [29]

Bunday misralar frontga farzandlarini, erlarini, nabiralari yuborib, eson-omon qaytishini kutib mehnat qilayotgan ming-minglab jafokash mehnatkashlarning kuchiga kuch, g‘ayratiga g‘ayrat qo‘shgan albatta.

O‘zbekiston dalalarida ayni paxta ekish paytida Kamtarning “Jasorat ko‘rsating” nomli she’rida “O‘tmasin fursat, g‘animat har minut, har oningiz, Paxta maydonida ishlang boricha imkoningiz” [30] singari misralar bilan mehnatkashlarni yanada shiddatli ishlashga badiiy vositalar bilan targ‘ibot qiladi.

Shoir Mirmuhsinning qarigan chog‘ida ham vatan uchun mehnatdan tinmay paxtadan yuqori xosil olgan o‘zbek xalqining fidokor vakiliga bag‘ishlangan “Buxoroli paxtakor Juman ota haqida” she’ri [31], Yong‘in Mirzaning Respublikadagi ilg‘or terimchi qizlarga bag‘ishlangan “Qizlarga” she’ri [32] paxta dalalarida mehnat qilayotgan fidokor xalqimizga o‘ziga hos madhiya bo‘lgan.

Darhaqiqat, O‘zbekiston xalqi o‘z zimmasiga olgan paxta rejasini bajarish yuzasidan ichgan qasamini sharaf bilan bajardi. Bu borada qilingan mehnatlarni kuylab, erishilgan yutuqlar uchun “Qizil O‘zbekiston” va boshqa oblast gazetalarida she’riy tabriknomalar yozildi. Xususan, “Stalin haqiqati” gazetasida Hasanjon Madyoriy “Paxtamiz” nomli she’rida [33] “*Tun demay, kunduz demay, jonlar fido etdik senga*” deganida haq gapni yozgan edi. “Lenin yo‘li” gazetasida Said Nazarning paxta tayyorlash ilg‘orlariga atab “Muborak” [34] va “Paxtakorlar” she’rlari [35:2], ikkinchi jahon urushi davri gazetalarida sermahsul ijod qilgan Samarqand adabiyotshunoslik maktabining asoschisi Vohid Abdullayev (1912-1985)ning “Qasam va yutuq” [35:2] kabi she’rlari bosilib chiqadi.

Zero, 1944-yilda paxtachilik ishida katta muvaffaqiyatlarga erishildi. Bu yilda 1943-yildagiga nisbatan 60 foizga ko‘proq paxta yetishtirildi [36]. Ko‘pgina kolxoz va sovxozlar belgilangan paxta rejasini ortig‘i bilan bajardi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, shuni ta’kidlash lozimki, urush sharoitida asosiy tarkibi ayollar, qariyalar va bolalardan iborat bo‘lgan O‘zbekiston kolxozchilarining mehnat unumini yanada oshirib, jangohlarda kurash olib borayotgan armiya qudratini yanada mustahkamlashda o‘zbek shoirlari ham juda katta o‘rinni egallaydi.

Ikkinchi jahon urushi yillarida o‘zbek milliy matbuoti sahifalarida chop etilgan she’rlar tahlili natijasida quyidagilar aniqlandi:

- ikkinchi jahon urushi davrida o‘zbek she’riyati yangi an’analar bilan boyidi. Harbiy lirika vujudga keldi. Publisistik lirika yanada rivojlandi;

- urushning dastlabki davrlarida matbuot yuzini ko‘rgan she’riyatda fashizmning mohiyatini tushuntirish, uning insoniyatning “islohotchisi” emas, balki, ashaddiy dushmani ekanini anglatish, aholini dushmanga qarshi nafrat ruhida tarbiyalash kabi jihatlar ustunlik qildi;

- armiyani issiq kiyimlar bilan ta’minlash, mudofaa fondiga mablag‘ to‘plash, aholining lotoreya va harbiy zayomlarga bo‘lgan harid quvvatini oshirishga qaratilgan she’rlar ham mavsumiy tarzda matbuot sahifalarida berib borildi;

- urush yillarida xalq qurilishlarida ommaviy mehnatni tashkil etish, ko‘p normachilar sonini oshirish, erishilgan yutuqlarni badiiy usulda frontga yetkazish hamda jangchilar nomidan mehnat ahlini qutlashga qaratilgan she’rlarning chop etib borildi;

- O‘zbek milliy matbuotida bosilgan ko‘pgina she’rlar qishloq xo‘jaligida mehnat unumini oshirishga hizmat qildi. Eng muhim ekinlar, xususan, paxta xosildorligini oshirishda o‘zbek she’riyati katta ahamiyat kasb etdi.

Umumiy qilib aytganda, o'zbek she'riyati Ikkinchi jahon urushi yillarida o'zining chaqiriq, ma'naviy ko'mak, dalda, hamdardlik va boshqa ruhiyati bilan O'zbekiston xalqining o'z burchini sharaf bilan bajarishida muhim omillardan biri bo'lib hizmat qildi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Мамажонов С. Улуғ ватан уруши даврида ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1975. – 172 бет.
2. Каримов Р. Совет Ўзбекистони санъати Улуғ Ватан уруши йилларида. – Т.: Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, 1970. – 39 бет.
3. Сафарова З. С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Самарқанд. 2020. – 141 бет.
4. <https://uz.wikipedia.org/wiki/She%CA%BCr>
5. Қизил Ўзбекистон. – №.228 (5828). 1943, 4 ноябрь. – Б.4.
6. Қизил Ўзбекистон. – №.149 (5129). 1941, 26 июнь. – Б.2.
7. Қизил Ўзбекистон. – №.150 (5130). 1941, 27 июнь. – Б.2.
8. Қизил Ўзбекистон. – №.151 (5131). 1941, 28 июнь. – Б.2.
9. Қизил Ўзбекистон. – №.152 (5132). 1941, 29 июнь. – Б.2.
10. Қизил Ўзбекистон. – №.162 (5142). 1941, 11 июль. – Б.3.
11. Сталин ҳақиқати. – №. 188 (2015). 1941, 9 август. – Б.3.
12. Қизил Ўзбекистон. – №.181 (5161). 1941, 2 август. – Б.3.
13. Қизил Ўзбекистон. – №.182 (5162). 1941, 3 август. – Б.2.
14. Қизил Ўзбекистон. – №.188 (5168). 1941, 10 август. – Б.3.
15. Бухоро ҳақиқати. – №.293 (1094). 1941, 11 декабрь. – Б.3.
16. Бухоро ҳақиқати. – №.295 (1096). 1941, 13 декабрь. – Б.2.
17. Бухоро ҳақиқати. – №.299 (1100). 1941, 18 декабрь. – Б.4.
18. Қизил Ўзбекистон. – №.90 (5382). 1942, 16 апрель. – Б.1.
19. Қизил Ўзбекистон. Махсус сон. – №3. 1943, март. – Б.2.
20. Ленин йўли. – №.134 (3462). 1943, 27 июнь. – Б.1.
21. Қизил Ўзбекистон. – №.246 (5846). 1943, 1 декабрь. – Б.4.
22. Қизил Ўзбекистон. – №.259 (5859). – 1943, 19 декабрь.
23. Қизил Ўзбекистон. – №.261 (5861). 1943, 22 декабрь. – Б.4.
24. Saidolimov S. va boshqalar. O'zbekiston xalqining fashizm ustidan qozonilgan g'alabaga qo'shgan hissasi (kitob-al'bom). – Т.: O'zbekiston, 2020. – В.169.
25. Чустий. “Қасам”. // Қизил Ўзбекистон. – №.4 (5871). 1944, 5 январь. – Б.4.
26. Чустий. “Мардона қасам”. // Қизил Ўзбекистон. – №.18 (5885). – 1944, 26 январь. – Б. 4.
27. Зафар Дийр. “Оқолтин”. // Қизил Ўзбекистон. – №. 31(5898). 1944, 13 февраль. – Б.4.
28. Зафар Дийр. “Сув билан суҳбат”. // Қизил Ўзбекистон. – №.76 (5988). 1944, 16 апрель. – Б.4.
29. Уйғун. “Суҳбат”. // Қизил Ўзбекистон. – №.104 (6016). – 1944, 28 май. – Б.4.
30. Қизил Ўзбекистон. – №.83(5995). 1944, 26 апрель. – Б.4.
31. Қизил Ўзбекистон. – №.101 (6013). 1944, 24 май. – Б.4.
32. Қизларга // Қизил Ўзбекистон. – №.212 (6124). 1944, 25 октябрь. – Б.4.
33. Ҳасанжон Мадъерий. "Пахтамиз". // Сталин ҳақиқати. – №.201 (3200). 1944, 15 октябр. – Б.2
34. Саид Назар. “Муборак”. // Ленин йўли. – №208 (3797). 1944, 24 октябрь. – Б.2.
35. Ленин йўли. – №227 (3816). 1944, 22 ноябрь. – Б.2.
36. Социалистик кишлок хўжалигимиз олдида турган вазифалар. // Қизил Ўзбекистон. – №.3 (6172). 1945, 5 январь. – Б.1.

#### UO'K 93/94

### HOZIRGI YANGI O'ZBEKISTONDAGI IJTIMOY SIYOSIY O'ZGARISHLAR F.T. Djurayeva, o'qituvchi, Navoiy viloyati Navbahor tumani 37-AFCHO'MI, Navoiy

*Annotatsiya. Ushbu maqolada hozirgi Yangi O'zbekistondagi ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlar haqida so'z yuritilgan. Ma'lumki, so'nggi yillarda keng miqyosda demokratik o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. “Yangi O'zbekiston” degan tushuncha real voqelikka aylanmoqda.*

*Kalit so'zlar:* Yangi O'zbekiston, ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlar, suverenitet, tarix, renessans, demokratik o'zgarishlar.

*Абстракт. В данной статье рассказывается о социальных и политических изменениях в современном Узбекистане. Известно, что в последние годы происходят масштабные демократические преобразования. Концепция «Нового Узбекистана» становится реальностью.*

*Ключевые слова: Новый Узбекистан, общественно-политические изменения, суверенитет, история, ренессанс, демократические преобразования.*

*Abstract. This article talks about social and political changes in modern Uzbekistan. It is known that large-scale democratic changes have been taking place in recent years. The concept of "New Uzbekistan" is becoming a reality.*

*Key words: New Uzbekistan, socio-political changes, sovereignty, history, renaissance, democratic changes.*

Bugungi kunda mamlakatimizdagi islohotlar, eng avvalo, dunyoda, shu jumladan, jahon iqtisodiyoti kon'yunkturasida yuz berayotgan turli o'zgarishlarga mos holda amalga oshirilmoqda. Tanlab olgan yo'limiz global inqirozdan keyin jahon iqtisodiyoti rivojlanish sur'atlari pasaygan bir sharoitda o'zining barqarorligi va hayotiyligini ko'rsatayotir.

*Ma'lumki, keyingi besh yil davomida mamlakatimizda keng miqyosdagi demokratik o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. "Yangi O'zbekiston" degan tushuncha real voqelikka aylanmoqda.*

Avvalo shuni aytish kerakki, o'z yurtida ozod va erkin hayot, adolatli jamiyat barpo etishdek ulkan maqsadni o'z oldiga qo'ygan har qanday xalq, har qanday millat og'ir, mashaqqatli va murakkab taraqqiyot yo'lini bosib o'tadi. Kelajakka katta umid va ishonch bilan qarab, hamisha sabr-matonat bilan yashagan o'zbek xalqi ham 1991-yil 31-avgustda muqaddas orzusiga erishdi – jonajon Vatanimiz o'z davlat mustaqilligini qo'lga kiritdi.

Hech shubhasiz, istiqlol yillarida yurtimizda yangi davlat va jamiyat qurish yo'lida tarixiy ishlar amalga oshirildi, mard va olijanob xalqimizning bukilmaz irodasi va ulkan salohiyati bilan katta marralar zabt etildi. Tarixan qisqa muddatda mamlakatimiz Konstitutsiyasi – Asosiy qonunimiz ishlab chiqildi va qabul qilindi. Vatanimiz suveren davlat sifatida jahon hamjamiyatidan munosib o'rin egalladi. O'zbekistonda zamonaviy davlatchilik asoslari yaratilib, konstitutsiyaviy tuzumga asos solindi. Davlat hokimiyatining uchta mustaqil tarmog'i – qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatlari qaror topdi. Tom ma'nodagi konstitutsiyaviy davlat barpo etildi.

O'zbekiston Respublikasining suvereniteti va davlat mustaqilligini, sarhadlarimiz daxlsizligi, xalqimizning tinch-osoyshta hayoti hamda milliy manfaatlarimizni ishonchli himoya qilishga qodir bo'lgan Qurolli Kuchlar tashkil etildi. Milliy valyutamiz – so'm joriy etildi va oltin-valyuta zaxiralarimiz shakllantirildi. Qadimiy tariximiz, boy madaniy merosimiz, milliy-diniy qadriyatlarimiz, o'zligimiz tiklandi. Mana shunday unutilmas tarixiy jarayonlarda faol ishtirok etish nasib etganidan baxtiyorman.

Mustaqil taraqqiyot borasida erishgan ulkan yutuqlar bilan birga, yo'limiz ayrim xato va kamchiliklardan ham xoli bo'lmaganini ochiq aytish lozim. Mustabid tuzumdan voz kechib, demokratik jamiyat barpo etishga qaratilgan jarayonlar, murakkab va tahlikali davrning o'zi turli muammo va vazifalarni oldimizga ko'ndalang qo'ydi. Ularni muvaffaqiyatli hal etish uchun bilim va tajribamiz, iroda va qat'iyatimiz ba'zan etsa, ba'zida etmagan holatlar ham bo'ldi.

Shu bois mamlakatimiz taraqqiyotini yangi, yuksak bosqichga ko'tarish, buning uchun yangi islohotlarni amalga oshirish ob'ektiv zarurat, eng muhim strategik vazifaga aylandi.

Darvoqe, "yangi" degan so'zning biz uchun alohida ahamiyati bor. Masalan, eng ko'hna bayramlarimizdan biri Navro'z – Yangi kun deb atalishini esga olaylik. Ushbu qadimiy bayram bilan bog'liq qadriyat va an'analar hayotimizga shu qadar singib ketganki, xalqimiz asrlar davomida, buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy aytganlaridek, "Har tuning qadr o'lubon, har kuning bo'lsin Navro'z!" degan ezgu tilaklar, pok niyatlar bilan yashab keladi. Yoki o'tgan asrning boshlarida yurtparvar, millatparvar bobolarimiz "jadidchilik", ya'ni, yangilanish va erkinlik, adolat va tenglik, ilm-ma'rifat va milliy o'zlikni anglash g'oyalarini bayroq qilib, kurash maydoniga mardona chiqqanlarini barchamiz yaxshi bilamiz. Bu ulug' zotlarning maqsadi – jaholat va qoloqlik girdobida qolib kelayotgan Turkiston xalqini dunyoviy ilm-fan, ilg'or kasb-hunarlar bilan qurollantirib, umumbashariy rivojlanish yo'liga olib chiqishdan iborat edi.

Jadidlar tomonidan tashkil etilgan yangi usuldagi maktablar, teatr, kutubxona va muzeylar, gazeta va jurnallar, Turkiston farzandlarini chet ellarga o'qishga yuborish maqsadida tuzilgan xayriya

jamiyatlari xalqimizni necha asrlik g'aflat uyqusidan uyg'otdi, milliy ozodlik harakati uchun beqiyos kuch berdi. Afsuski, yurtimizda bol'sheviklar diktaturasi o'rnatilgani, chor mustamlakachilik siyosati yangicha shaklda davom ettirilgani ma'rifatparvar bobolarimizga o'z maqsad-muddaolarini to'liq amalga oshirish imkonini bermadi. Lekin ularning ezgu orzu-niyatlari xalqimizning qon-qonida, tarixiy xotirasida saqlanib qoldi va hanuz yashamoqda, desak, ayni haqiqatni aytgan bo'lamiz.

Shu ma'noda, bugungi kunda butun xalqimizning qalbidan chuqur joy olgan, umummilliy harakatga aylanib borayotgan “Yangi O'zbekiston” g'oyasi zamirida ana shunday ulug' ajdodlarimiz, umuman olganda, milliy tariximizda Birinchi va Ikkinchi uyg'onish davrlariga asos solgan alloma bobolarimizning orzu-intilishlari va armonlari ham mujassam, desak, adashmagan bo'lamiz.

Insoniyat tarixi shundan dalolat beradiki, har qaysi xalq hayotidagi ma'naviy uyg'onish jarayonlari milliy o'zlikni anglashga olib keladi hamda mamlakatning iqtisodiy, madaniy taraqqiyotini yangi bosqichga ko'taradi. Bunday ijtimoiy noyob hodisa “Renessans” – uyg'onish, qayta tiklanish, yuksalish deb atalishi barchamizga ayon.

Ma'lumki, bugungi O'zbekiston zamini qadimda ikki buyuk uyg'onish davriga – Birinchi (ma'rifiy – IX-XII asrlar) va Ikkinchi (Temuriylar – XIV-XV asrlar) Renessansga beshik bo'lgan. Bu – jahon ilm-fanida o'z isbotini topgan va tan olingan tarixiy haqiqatdir.

Hozirgi vaqtda mamlakatimizda yana bir muhim Uyg'onish jarayoni kechmoqda. Shuning uchun “Yangi O'zbekiston” va “Uchinchi Renessans” so'zlari hayotimizda o'zaro uyg'un va hamohang bo'lib yangramoqda, xalqimizni ulug' maqsadlar sari ruhlantirmoqda. Bugungi kunda O'zbekiston demokratik o'zgarishlar, keng imkoniyatlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanib bormoqda. Aynan mana shu jarayon men uchun islohotlarimizning eng katta natijasidir. Chunki, maqsadning aniqligi – harakatlar samarasini ta'minlaydigan eng muhim mezondir. Agar biz bundan olti yil oldin qabul qilgan Harakatlar strategiyasining tub mazmun-mohiyatini muxtasar ifoda etadigan bo'lsak, ushbu noyob hujjatda o'z oldimizga Yangi O'zbekistonni barpo etish va Uchinchi Renessans poydevorini yaratishdek buyuk vazifalarni strategik maqsad qilib qo'ygan edik.

Ta'kidlash kerakki, Yangi O'zbekistonni barpo etish – bu shunchaki xohish-istak, subyektiv hodisa emas, balki tub tarixiy asoslarga ega bo'lgan, mamlakatimizdagi mavjud siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy vaziyatning o'zi taqozo etayotgan, xalqimizning asriy intilishlariga mos, uning milliy manfaatlariga to'la javob beradigan obyektiv zaruratdir.

Yangi O'zbekiston – demokratiya, inson huquq va erkinliklari borasida umume'tirof etilgan norma va printsiplarga qat'iy amal qilgan holda, jahon hamjamiyati bilan do'stona hamkorlik tamoyillari asosida rivojlanadigan, pirovard maqsadi xalqimiz uchun erkin, obod va farovon hayot yaratib berishdan iborat bo'lgan davlatdir.

O'tgan tarixan qisqa davrda islohotlar tufayli erishgan natijalarimiz haqida uzoq gapirmoqchi emasman. Bu mavzuda mamlakatimiz hamda chet el ommaviy axborot vositalari orqali nufuzli davlat va siyosat arboblari, ekspert va tahlilchilarning fikrlari muntazam e'lon qilib kelinmoqda. Bunday xolis baholar barchamizni quvontiradi. Ayni vaqtda shuni ta'kidlashni istardimki, biz bu demokratik o'zgarishlarni kimlargadir yoqish, maqtanish, turli reytinglarga kirish uchun emas, aksincha, demokratik jarayonlar o'zimizga suv bilan havodek zarur bo'lgani uchun, xalqimiz, avvalambor, yosh avlodimizning bugungi hayoti va ertangi istiqbolini o'ylab, milliy manfaatlarimiz yo'lida amalga oshirmoqdamiz.

Biz – O'zbekiston fuqarolari jamiyatimizning siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy qiyofasi shiddat bilan o'zgarib, hayotimizda yangicha munosabatlar, yangi imkoniyat va qadriyatlar shakllanayotganini hammadan ham ko'proq his etmoqdamiz. Ayniqsa, “inson huquq va erkinliklari”, “qonun ustuvorligi”, “ochiqlik va oshkoralik”, “so'z erkinligi”, “din va e'tiqod erkinligi”, “jamoatchilik nazorati”, “gender tenglik”, “xususiy mulk daxlsizligi”, “iqtisodiy faoliyat erkinligi” singari fundamental demokratik tushunchalar va hayotiy ko'nikmalar hozirgi vaqtda real voqelikka aylanib borayotgani e'tiborlidir. Bir haqiqatni ochiq tan olishimiz lozim: vaqt o'tishi bilan islohot jarayonlari tobora kengayib bormoqda, shiddatli zamon oldimizga yanada ulkan vazifalarni qo'ymoqda. Hayotning o'zi bizni ko'p narsaga o'rgatmoqda. Shu sababli biz doimiy izlanishdamiz. Izlanish bor joyda yutuqlar bilan birga kamchilik va nuqsonlar ham bo'lishi tabiiydir.

Eng asosiysi, “Harakatda – barakat” deganlaridek, biz eng qiyin bosqichdan o'tdik, ya'ni, yo'limizni aniq belgilab, katta ishlarni boshladik. Endi hamma gap islohotlar yo'lini qat'iyat bilan davom ettirish va mantiqiy yakuniga yetkazishda. Bu albatta oson emas, ammo biz bunga qodirmiz. Muhimi, keyingi yillarda bunday ulkan va murakkab vazifani amalga oshirish uchun yetarli siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, tashkiliy-institutsional zamin yaratildi.

Ishonchim komil, biz jonajon Vatanimizga bo'lgan cheksiz mehrimiz va sadoqatimizni muqaddas bayroq qilib, bor bilim va tajribamiz, aql-zakovatimizni ishga solib, yagona xalq, yagona millat bo'lib, ko'zlagan ezgu maqsadlarimizga albatta yetamiz.

Yangi O'zbekiston jahon maydonida kuchli salohiyat, munosib obro'-e'tiborga ega bo'lgan, har tomonlama obod va farovon mamlakatga aylanadi. Ko'hna tarix shundan dalolat beradiki, bu hayotda yangilik qilish, ko'pchilik odamlar o'rganib, ko'nikib qolgan eskicha qolip va andozalarni o'zgartirish hech qachon oson kechmaydi. Istaymizmi, yo'qmi, bunday harakat har qanday sharoitda ham ochiq yoki pinhona to'siqlarga duch keladi. Ayniqsa, xalqni uyg'otish, mudroq qalblarga hayotbaxsh yangi nafas olib kirish, davlat va jamiyat boshqaruvini butunlay yangilash masalasi islohotchi bo'lib maydonga chiqishdek buyuk missiyani o'z zimmasiga olgan yetakchi shaxsdan yanada ulkan mas'uliyat, jasorat va donishmandlikni talab etadi.

Xulosa shuki, O'zbekistonda bugun jadallik bilan kechayotgan ana shunday islohotlar, jamiyatdagi yangilanishlar mamlakatda kezayotgan uyg'onish ruhidan dalolatdir. Uchinchi Renessans uzoq istiqbol masalasi emas. U bugun, ushbu onda jamiyatimiz, uning har bir jabhasida muttasil etilib kelayotgan real voqealidir. Ishonchimiz komilki, yurtimizda boshlangan bu yangilanishlar izchil davom etadi va xalqimiz orzu qilgan buyuk davlat, farovon kelajak barpo etishda mustahkam poydevor bo'ladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoyev SH.M. Yangi O'zbekistonni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz – Toshkent: 2018. – B. 16.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning “Yangi O'zbekiston” gazetasiga bergan intervyusi. “Yangi O'zbekiston” gazetasi 2021-yil 16-avgust soni. “Yangi O'zbekiston demokratik o'zgarishlar, keng imkoniyatlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanmoqda”.
3. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti T., 2001

UO'K 93/94

### XX ASR 20-YILLARNING IKKINCHI YARMIDA PEDAGOGIKA O'QUV YURLARI TARMOG'INING YANADA KENGAYISHI VA ULARNING MODDIY-O'QUV BAZASINI YARATISH MUAMMOLARI

*B.E. Ergashev, t. f. d, prof., Samarqand davlat universiteti, Samarqand  
G. Mardiyeva, o'qituvchi, Past Darg'om tuman 52-maktabi, Past Darg'om*

*Annotatsiya. Mazkur maqolada XX asr 20- yillari oxirida O'zbekistonda pedagog kadrlar tayyorlash tizimining yanada kengayishi, sohadagi mavjud muammolar, pedagogik kadrlarga bo'lgan ehtiyoj va uni bartaraf etish chora-tadbirlari kabi masalalar arxiv hujjatlari va ilmiy adabiyotlar tahlili asosida o'rganilgan.*

*Kalit so'zlar: ta'lim, jadid, pedagog, inproslar, sovet mafkurasi, institut, islohot, inqilob, maktablar tizimi, bosqichli maktablar. erkaklar va ayollar instituti.*

*Аннотация. В данной статье исследуются такие вопросы, как дальнейшее расширение системы подготовки учителей в Узбекистане в конце 20-х годов 20 века, существующие проблемы в сфере, потребность в педагогических кадрах и меры по ее устранению на основе анализ архивных документов и научной литературы. .*

*Ключевые слова: образование, современность, педагог, инпрос, советская идеология, институт, реформа, революция, школьная система, ступенчатая школа, мужской и женский институт*

*Abstract. In this article, issues such as the further expansion of the teacher training system in Uzbekistan at the end of the 20s of the 20th century, the existing problems in the field, the need for*

*pedagogical personnel and measures to eliminate it, are studied based on the analysis of archival documents and scientific literature.*

**Keywords:** *education, modernity, pedagogue, inpros, Soviet ideology, institution, reform, revolution, school system, graded schools, men's and women's institute*

XX asr 20-yillarining ikkinchi yarmiga kelib respublikamizning barcha viloyatlarida birinchi va ikkinchi bosqich maktablarining miqdoran jadal o'sishi o'qituvchi kadrlar tayyorlashni favqulodda dolzarb masala qilib qo'ydi. Yangi sharoitda o'qituvchilar tayyorlashga yuqori talablar qo'yilardi. Maktablarga, ayniqsa qishloq xo'jalik yoki boshqa bir yo'nalishga ega bo'lgan ikkinchi bosqich maktablariga oddiy savodxonlikdan boshqa biron bilimga ega bo'lmaganlarni muallimlik ishiga yuborib bo'lmasdi. Bundan tashqari, omma ongini qayta shakllantirish borasida keng ko'lamda tadbirlar olib borilar, bunday tadbirlar aynan maktab yoshidan boshlanardi. Shu bois o'qituvchilar, eng avval, bolshevistik g'oyalar tashviqotchisi sifatida maydonga chiqishi zarur edi.

O'zbekistondagi mavjud pedagogika texnikumi va maorif institutlari tayyor-layotgan o'qituvchilar miqdoran o'sib borayotgan talabni qondira olmasdi. Shu bois o'qituvchilarni qisqa (o'rtacha bir yillik) kurslarda tayyorlash va qayta tayyorlash amaliyotidan keng foydalanildi. O'zbekiston Maorif xalq komissarligi hunar-texnika ta'limi tizimi pedagogika o'quv yurtlari bilan birgalikda ushbu kurslarga katta e'tibor berib, o'qituvchi kadrlar yetishmasligi muammosini bartaraf etishga harakat qildi. Biroq bu qisqa muddatli tayyorgarlik kutilgan natijani bera olmas, zero bo'lajak o'qituvchining maktabda to'laqonli ishlashi uchun uni zaruriy bilim va nazariy ko'nikmalar bilan bir yildayoq to'liq qurollantirish mumkin emas edi. Shuning uchun 1925-1926 o'quv yilidayoq Maorif xalq komissarligi o'qituvchilar tayyorlashning ikki yillik muddatini eng qisqa muddat sifatida qabul qildi. Tayyorgarlikning qisqa muddatliligi va muallimlar bilimidagi bo'shliqlar keyinchalik joylarda o'qituvchilarning rejali malaka oshirishlari jarayonida to'ldirib borilgan. [1]

Umuman, bu davrga kelib O'zbekiston Maorif xalq komissarligi tizimida pedagogika ta'limining muayyan tizimi shakllanib bo'lgandi. Ixtisoslashtirilgan ta'lim asosida birinchi va ikkinch bosqich maktablari uchun muallimlar tayyor-lanardi. Pedagogika maktabi asosini besh yildan kam bo'lmagan maktab ta'limi tashkil etgan. Pedagogika o'quv yurtlari kursi to'rt yildan kam emasdi, o'qishga voyaga yetgan shaxslargina qabul qilingan.

Birinchi bosqich maktablari uchun vaqtinchalik chora sifatida bir yillik o'qituvchilik kurslari yetarli deb hisoblandi, biroq ko'plab shaharlarda ikki-uch yillik o'qituvchilar kurslari ishlab turardi. Bunday kurslarning bitiruvchilari har yili yozgi qayta tayyorlash kurslarida malaka oshirib turishardi.

Ikkinchi bosqich maktabi pedagogika maktabi darajasida bo'lib, to'rt yillik pedagogika texnikumi uchinchi bosqich vazifasini o'tardi. Texnikumga yetti yillik ma'lumotga ega bo'lgan shaxslar qabul qilingan. Uning bitiruvchilari ikkinchi bosqich maktablarida ishlashgan. Pedagogika institutlari oliy pedagogik ma'lumot berar edi. Ular to'qqiz yillik maktab, dehqon yoshlar maktabi va fabrika-zavod ta'limi maktablari, texnikum va pedagogika bilim yurtlari uchun yuqori malakali o'qituvchilar tayyorlar edi. Respublika Maorif xalq komissarligi pedagoglar tayyorlashda RSFSR Maorif xalq komissarligi tomonidan yuborilgan dasturga tayanardi. Respublikaning o'ziga xos sharoitlari maktab va pedagogika bilim yurtlarining o'qituvchilar bilan kam ta'minlanganligi, ona tilida o'quv qo'llanma-lari yo'qligi, maktab va pedagogika bilim yurtlarining o'qituvchilari qishloq xo'jalik ishlariga tez tez jalb etilishi oqibatida ular tayyorgarligining pastligi RSFSR markaziy shaharlarida qabul qilingan dastur asosida ishlashiga imkon bermasdi. Shu bois, 1925-yildan boshlab O'zbekistonda besh yillik birinchi bosqich maktabi joriy qilindi, u Rossiya Federatsiyasining to'rt yillik dasturiga to'g'ri kelardi. Pedagogika bilim yurtlarining ham darajalari belgilandi: viloyat pedagogika bilim yurtlari besh yillik maktablar uchun, uyezd bilim yurtlari esa qishloq maktabining birinchi va ikkinchi sinflari uchun o'qituvchilar tayyorlashi lozim edi. Qisqa kurslar hajmidagi tayyorgarlik dastlabki ikki sinf o'qituvchilari uchun vaqtincha tadbir sifatida qabul qilindi. Yuqoriroq darajadagi ikki yillik muallimlar tayyorlash kurslari tarmog'i yil sayin kengayib bordi. 1928-1929 o'quv yili ana shunday 5 ta ikki yillik kursda 159 tinglovchi o'qigan bo'lsa, 1929-1930 o'quv yilida bunday kurslar 17 taga, tinglovchilar 1632 nafarga yetdi. Keyingi o'quv yilidan o'qituvchilar

tayyorlashning bir yillik kurslari ham ishlay boshladi, bir yo'la yana 10 ta shunday kurslar ochildi. Bu vaqtda 20 ta ikki yillik kurslar mavjud bo'lsa-da, ularda jami 2616 kishi o'qidi[2].

Maorif institutlarining ishi ham yangi bosqichga ko'tarila bordi. O'qituvchilar tayyorlash va qayta tayyorlash kurslari, garchi, muallimlarning katta qismini yetishtirib berayotgan bo'lsa-da, pedagoglar tayyorlashning texnikum va institut singari doimiy shakllarigina maktabni yuqori malakali o'qituvchilar bilan ta'minlash vazifasini ado etishi mumkin edi. Maorif institutlari asta-sekin texnikum va pedagogika bilim yurtlariga aylantirildi, tayyorlov ishchi fakultetlari tarmog'i kengaya bordi. Shu tariqa, Moskvaning Xamovnicheskiy tumanida ochilgan Stalin nomidagi Maorif instituti 1927-yilda O'zbek ishchi fakultetiga aylantirildi. 1925-1926 o'quv yilida unga atigi 80 kishi o'qishga kirgan bo'lsa, 1927-1928 o'quv yiliga kelib 200 o'quvchi ta'lim oldi[3]. Tub millat tinglovchilarini qabul qilish va o'quv dargohini mahalliy tillarni biladigan o'qituvchilar bilan ta'minlash pedagogika o'quv yurtlari tarmog'ini kengaytirish va ular ishini takomillashtirishning asosiy yo'nalishlari edi. Pedagogika bilim yurtlari va texnikumlari tarmog'i-ni kengaytirish respublika hunar-texnika ta'limi tizimining ustuvor yo'nalishlari-dan edi. Pedagogika bilim yurtlari va texnikumlari soni 1924-1925 o'quv yilidagi 13tadan kelgusi o'quv yilida 17 taga, 1928-1929 o'quv yilida esa 23 taga o'quvchilar soni tegishli: 1775, 2367, 3063 kishiga ortdi, yangi to'rttadan xotin-qizlar pedagogika texnikumi ochildi, shundan bittasida tojik tilida dars olib borilar edi. Birok, o'qituvchi kadrlar tayyorlash tizimi ishi qiyin kechdi. Avvalo o'quv va xo'jalik uskunlari ta'minotining o'ta nochorligi xalal berardi. O'quv binolari yetishmas, mavjudlarining aksariyati eski bo'lib, mashg'ulot olib borishga moslash-magan edi. O'qituvchilar yetishmasligi tufayli, ko'p hollarda, yaxshi tayyorgarlikka ega bo'lmagan kishilar dars berishardi. Ish haqqining kamligi muallim tayyorlashda katta qiyinchilik tug'dirdi. [3] Jihozlangan xona va laboratoriyalar, namuna maktablari kamligi bois nazariy mashg'ulotlar ishlab chiqarish amaliyoti bilan bog'lanmay o'tilar edi. Maorif institutlarini texnikumlarga aylantirish istiqbolli yo'nalish deb hisoblandi. Ikki yil ta'lim-tarbiya olib borishga mo'ljallangan maorif institutining tayyorlov guruhiga birinchi bosqich maktabining uch sinfi hajmida ma'lumotga ega bo'lganlar, asosiy kurslarga esa yetti sinf hajmida ma'lumotga ega bo'lganlar qabul qilinardi. 1926-1927o'quv yili respublikada 38 ta maorif instituti faoliyat olib bordi [4], 1927-yili Toshkentdagi O'zbek erkaklar maorif institutining birinchi kursiga 42 kishi (shulardan 31 nafari internatga) qabul qilindi. O'qishga kirganlarning aksariyati viloyatlardan kelgan bo'lib, ulardan faqat 4 nafari asosiy guruhga, qolganlari quyi tayyorlov guruhga qabul qilindi. [5]

Maorif institutlarining maktablarni o'qituvchi kadrlar bilan ta'minlash ishiga qo'shgan hissasi haqida Toshkentdagi erkaklar o'zbek maorif instituti misolida fikr yuritish mumkin. 1922-1928 yillarda institutda tayyorlangan 108 oqituvchining asosiy qismi maktablarda ishladi, 20 nafari esa pedagogika oliy o'quv yurtiga kirdi. [2] Nafaqat oliy o'quv yurti, balki texnikumga kirishga tayyor bo'lgan o'rta maktab bitiruvchilarining kamligi ham muammo bo'lib qoldi. O'qishga kiruvchilarning aksariyati tayyorlov guruhlariga qabul qilinardi. 1924-1929 yillar mobaynida pedagogika texnikumlarining tayyorlov guruhlaridan asosiy guruhlariga 1721 kishi o'tkazildi, biroq besh yil ichida respublikadagi jami texnikumlarni atigi 1053 kishi tamomladi. [6]

O'zbekistonda yashovchi kam sonli millat maktablari uchun o'qituvchi kadr-lar tayyorlash masalasi jiddiy e'tiborni talab qilardi. Respublikada tojik, mahalliy-yahudiy, shuningdek, kam sonli turkiy millat maktablari uchun kadrlar tayyorlaydigan maorif institutlari ishlab turardi. So'nggi institutda tatar, uyg'ur, dungan, boshqirdlar o'qidi. 1925-1926 o'quv yilida shu institutda 202 talaba, jumladan 52 ayol bilim oldi, bu o'sha davr uchun yuqori ko'rsatkich edi. Maorif institutida ikkita (yuqori va quyi) tayyorlov guruhi (o'quvchilar soni 70 nafar), shuningdek, to'rta asosiy guruh ishlab turadi. Talabalar nafaqat Toshkentdan, balki Markaziy Osiyoning turli shaharlaridan qabul qilingan. Tojik maorif institutida 138, mahalliy-yahudiy institutida 134 nafar talaba o'qir edi. Bu yerda ta'lim olayotgan 25 nafar qizlardan 9 nafari kursni 1925-yili tugatdi. Shu yili mahalliy-yahudiy instituti 28 nafar milliy maktab o'qituvchisi tayyorlab chiqardi. [5]1928-yili institut bitiruvchilaridan 28 nafari Zarafshon, Farg'ona, Buxoro, Qash- qadaryoga ishga yuborildi. Turkiy kamsonli millatlar Maorif institutining 18 bitiruvchisidan 6 nafari Samarqanddagi Oliy pedagogika institutiga o'qishga kirdi, qolganlari O'zbekistonning turli shahrlarida ishladilar. Tojik Maorif institutining barcha bitiruvchilari

Tojikistonga ishga yo'l oldilar. Toshkent okrug pedagogika texnikumi bitiruvchilarining barchasi Tashkent viloyat xalq maorifi bo'limi ixtiyoriga yuborildi. Respublikada o'qituvchi kadrlar tayyorlash ishiga Buxoro va Xorazm pedagogika texnikumlari ham katta hissa qo'shdi. [7]1925-1926 o'quv yilidan ish boshlaganlar ikki bilim maskani 1927-yilda dastlabki guruh o'qituvchilarini yetkazib berdi. Ixtisoslashgan xotin-qizlar maorif institutlari va pedagogika bilim yurtlari soni kam edi. Ular muayyan ma'noda tajribaviy faoliyat yuritir, shu boisdan guruhlar tizimi va tarkibi tez-tez o'zgartirib turilardi. Jumladan, Tashkent O'zbek xotin-qizlar maorif instituti qoshida 160 nafar qiz o'qiydigan 5 sinfdan iborat tajriba-namuna bulimi mavjud edi, 1925-yilda shu sinflardan to'rttasi qoldi. Keyinchalik uning negizida yetti yillik tajriba-namuna maktabi tashkil qilindi.

Samarqandda ochilgan tojik xotin-qizlar o'lka pedagogika texnikumi 1927-yil sentyabrda 25nafar qiz qabul qilinib, ulardan 12 nafari birdaniga ikkinchi tayyorlov sinfiga o'tdi. [8] 1927-yilga kelib O'zbekistonning barcha viloyatlarida pedagogika texnikumlari ishlab turdi. 1926-1927 o'quv yilida Surxondaryo okrug erkaklar pedagogika texnikumi ilk marta 30 kishini qabul qildi. Keyingi yili bu yerda 60 kishi o'qidi. Farg'ona okrug erkaklar pedagogika texnikumi ham ishlay boshladi. 1928-o'quv yilining ikkinchi choragida Xo'jand va Andijonda yangi pedagogika texnikumlari ochildi, Termizda birinchi bosqich maktablar uchun o'qituvchi tayyorlaydigan kurslar tashkil etildi. [7] Ikkinchi bosqich maktablarida 8- sinfdan boshlab majburiy ishlab-chiqarish ixtisoslashuvi joriy etish haqida qaror qabul qilingach, maorif institutlarida ham ixtisoslashish boshlandi. Shu tariqa 1928-1929 o'quv yilidan boshlab Buxoro o'zbek erkaklar maorif instituti qishloq xo'jaligi yo'nalishiga ega bo'lgan maktablar uchun o'qituvchilar tayyorlashga ixtisoslashdi. [4]1925-1926 o'quv yilidan Samarqand (o'zbek), Xiva va Buxoroda ham xotin-qizlar pedagogika texnikumlari o'z faoliyatini boshladi. Xivadagi erkaklar pedagogika texnikumi quyi tayyorlov guruhiga o'quvchilar qabul qildi.

Pedagogika o'quv yurtlari tarmog'i kengaygan sayin malakali o'qituvchi kadrlarga talab ham ortdi. Biroq 1927-yilgacha respublikadagi yagona oliy o'quv yurti - Orta Osiyo Davlat universitetigina barcha soha o'qituvchilarini tayyorlardi. Universitet ish boshlagan paytdan e'tiboran bu yerda pedagogika fakulteti bo'lib, u mazkur universitetga qo'shilgan Temiryazev nomli Xalq maorifi instituti asosida tuzilgan edi. 1926-yilga kelib universitetning yetti fakultetidan fizika-matematika, keyinchalik navbatdagi qayta tuzilishdan keyin pedagogika fakulteti ham unga qo'shib yuborildi, shuningdek, sharq xalqlari adabiyoti va tarixidan mutaxassis tayyorlovchi sharqshunoslik fakultetida maktab o'qituvchilari tayyorlanardi.

Tabiiyki, bu yagona oliy o'quv yurti respublikaning malakali o'qituvchi kadrlarga bo'lgan talabini qondira olmasdi. 1925-yildan respublikaning o'sha paytdagi poytaxti - Samarqandda Oliy pedagogika instituti ochishga tayyorgarlik ko'rila boshlagan edi. Bu ishning asosiy murakkabligi zaruriy katta binoning yo'qligi, o'quv-moddiy bazasining harobligi, pedagogika sohasidagi kadrlarning cheklanganligida edi. Ishning boshlanishi paytidayoq oliy o'quv yurti milliy kadrlar tayyorlashga yo'naltirilishi, o'quv jarayonining ona tilida olib borilishi lozimligi, buning uchun esa o'zbek tilida ishlovchi o'qituvchilar kerakligi haqidagi masala qo'yilgandi. Biroq professor-o'qituvchilarning asosiy qismi boshqa respublikalardan olib kelinganligi va ularning o'zbek tilini bilmasligi pand berardi.

1927-yil yanvarida Oliy pedagogika instituti ochildi. [8]

O'quv yurtlari tarmog'ining kengayib borishi barcha fanlar bo'yicha ona tilida darsliklar bo'lishini talab etardi. Xalq maorifi va madaniy-oqartuv muassasalari xodimlarining 1925-yilda bo'lib o'tgan respublika kengashida darsliklar, o'quv qo'llanmalari va ko'rgazmali qurollar, boshqa eng zarur ashyolar bilan ta'minlashning ahvoli achinarli ekani ta'kidlandi. U adabiyotlarini chiqarish O'zdvavnashr zimmasiga yuklatildi. [3]O'zbek maktablari uchun mahalliy o'lkashunoslar tomonidan tuzilgan darsliklar, o'qituvchilarga yordam tariqasida ayrim uslubiy qo'llanmalar va o'lkashunoslik ma'lumotnomalari nashr qilina boshlandi. O'zbekistondagi rus maktablari uchun ham o'lkashunoslik darsliklari zarur bo'lib, zero Rossiyada nashr etilgan darsliklarning aksariyati milliy respublikalardari rus maktablari uchun yaroqqsiz edi. 1925-yil erta bahorida bo'lib o'tgan matbaa sanoati xodimlarining respublika syezdida O'zbekistonda kuchli matbaa bazasi yaratish masalasi bilan bir qatorda darsliklar chop etish haqidagi masala ham ko'rildi. Mahalliy tillardagi adabiyotlar qisman

Moskvadagi Sentrozdat tomonidan chop etilardi. Syezd o'zbek tilidagi nashriyot ishini Moskvada olib borish maqsadga muvofiq emasligiga va bu ishni faqat O'zbekistonda amalga oshirish zarurligiga e'tiborni qaratdi.

Xullas, 1925-1930 yillarda respublikada pedagogika o'quv yurtlari tarmog'i ildam rivojlandi. Xalq maorifi uchun davlat budjeti va mahalliy budjetdan ajratilgan mablag'lar, garchi ortib borgan bo'lsa-da, biroq ular haqiqiy ehtiyojni qondira olmadi. Ayni vaqtda, maorif sohasiga davlat budjetidan ajratilgan mablag'ning umumiy budjetga nisbatan foiz kursatkichi to'xtovsiz pasaya bordi. Binobarin, sovet-partiya rahbariyati moliyaviy ta'minot siyosatida va xalq maorifiga budjet ajratmalarini belgilashda "qoldiq" prinsipiga amal qilganligi yaqqol ko'zga tashlandi. Natijada, pedagogika o'quv yurtlarining o'quv-moddiy bazasi achinarli ahvoldaligicha qoldi. Yuqori malakali, ayniqsa mahalliy millat o'qituvchilariga ehtiyoj kuchli edi. Respublika Maorif xalq komissarligi hunar-texnika ta'limi tizimida pedagogika o'quv yurtlariga e'tibor bilan qaraldi. Bi-rinchi va ikkinchi bosqich maktablari uchun muallimlar tayyorlash ortdi. Oliy ma'lumotli o'qituvchilar tayyorlash sezilarli darajada jadallashdi. Biroq milliy tillarda darslik va qo'llanmalar taqchilligicha qoldi. Bunday mushtarak muammolar ushbu davrda respublikada xalq maorifini rivojlantirishga jiddiy xalal berdi. Darvoqe tadqiqot materiallaridan anglashilishicha, yakkapartiyaviy hokimlikka asoslangan sovet siyosati milliy respublikalarda xalq maorifini, oliy maktabni yuksak darajada taraqqiy ettirishdan unchalik manfaatdor bo'lmay, maorif tizimini ham mafkuraviylashtirish yo'lidan borishini mudom kuzatib turardi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekistonda ta'limning rivojlanishi yig'ma jild tarixi va tarixshunosligi. Ocherklar I. /Mas'ul muharrir D. Alimova. - Toshkent: Tafakkur qanoti. 2015. B. 188
2. O'zR MDA. 94-f. , 1-ro'yxat, 253-ish, 33, 34-varaqlar.
3. O'zR MDA. 94-f. , 1-ro'yxat, 5-ish, 215-vara`;
4. O'zR MDA. 94-f. , 1-ro'yxat 745-ish, 3-varak. ; 463- ish, 56-varak,
5. Toshkent viloyat Davlat arxivi, 17-F. , 1-ro'yxat, 20-ish. , 277-289 orqa varaqlar; 307, 315-320-varaqlar
6. O'zR MDA, 94-F. , 1-ro'yxat, 744-ish, 21, 22-varaqlar.
7. O'zR MDA, 94-F. , 5-ro'yxat, 297-ish, 30-varaq.
8. Samarqand viloyat davlat arxivi, 637-f, 1-ro'yxat, 157-ish, 3-varaq.

UO'K 903

## XX ASRNING 80-YILLARIDA QASHQADARYO VILOYATI TA'LIM TIZIMIDAGI AHVOL

*R.Ismoilova, magistrant, Qarshi davlat universiteti, Qarshi*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Qashqadaryo viloyatidagi ta'lim tizimidagi o'zgarishlar va muammolari haqida ma'lumotlar to'plangan.

**Kalit so'zlar:** Xalq ta'limi, maorif, ta'lim, madaniyat, maktab, partiyaviylik, ijtimoiy-gumanitar, SSR tarixi.

**Аннотация.** В данной статье собрана информация об изменениях и проблемах в системе образования Кашкадарьинской области.

**Ключевые слова:** Народное образование, воспитание, образование, культура, школа, партизанщина, социально-гуманитарная, история ССР.

**Abstract.** This article collects information about changes and problems in the education system in Kashkadarya region.

**Key words:** Public education, education, education, culture, school, partisanship, social-humanitarian, history of the SSR.

1980-1981 o'quv yilida Qashqadaryoda o'quvchilar soni 334,7 mingga yetgan bo'lsa, 1985-1986 o'quv yilida Qashqadaryoda 373,1 ming o'quvchiga, ta'lim berildi[1]. Mazkur o'quv yilida Qashqadaryo viloyatida 884 ta o'rta umumiy ta'lim maktablari mavjud edi[2]. O'zbekistonning janubiy viloyatlarida ta'lim sohasida xizmat qilgan B. Haqnazarov, I. Shukurov, M. P. Yaminchinov, S. V. Nesterova, M.Bo'riyev, R. Boboshev, X. Samadov, Z. Tursunov, K. A. Xayra, M. Mo'minova, X. Ibrahimov, Sh. Mirzayev, S.Kenjaye, N. Ro'ziboyev, E.Siddiqov, M.Boboniyozova, Yu.

Sharopov, I. Boboxojayev, M. Husanov, T. Mamadaliev, N. Norov, V. A. Shevardnadze, B. Chingizboeva, S. Eshboev kabi o'nlab maorif xodimlari, taniqli ta'lim arboblari bo'lganlar.

Sovet hukumatining maorif sohasida amalga oshirgan siyosati respublikada, shu jumladan, Qashqadaryo viloyati umum ta'lim maktablarida yoshlarning g'oyaviy, axloqiy tarbiyasi, sinfiylik, partiyaviylik tamoyillari ustuvorligi asosida olib borildi. O'quvchilarga o'qitilayotgan fanlar, ayniqsa, ijtimoiy-gumanitar fanlar, o'ta siyosatlashtirilgan, mafkuralashtirilgan bo'lib, tabiiyki, milliy, madaniy-ma'naviy qadriyatlarga e'tibor berilmadi. Maorif sohasidagi ta'lim tarbiya ishlarini olib borishda SSSR tarixi ko'zda tutilib, asosan rus madaniyati va Rossiya tarixi namuna sifatida talqin etildi. Umum ta'lim maktablarida o'zbek xalqi tarixini o'rganishga bor-yo'g'i 52 soat ajratildi. Qolgan tarix darslarida esa, asosan, SSSR tarixi o'qitildi. Boshlang'ich maktablarda rus tili va adabiyoti fani uchun 1600 soat ajratildi[3]. Oqibatda o'zbek o'quvchilarida o'z ona tilini o'rganishga qiziqish pasaydi, milliy o'zlikni anglash, urf-odat va an'analarga sodiqlik kayfiyatidan ajralish hollari kuchaya boshladi.

Viloyatda 1986 yilda 1176 o'quvchi o'ringa mo'ljallangan 2 maktab foydalanishga topshirilgan, 580 o'rinli bolalar bog'chasi bunyod etilgan[4]. 1986 yilda Mirishkor tumani Jeynov xo'jaligida 4 zamonviy maktab, har biri 140 o'rinli bolalar bog'chasi, barpo etilgan[5].

1985-86 yil o'quv yilida Qashqadaryoda 373,1 ming o'quvchiga ta'lim berildi. Maktablarda 25 ming o'qituvchi xizmat qildi. Maktab o'quvchilarini paxta terimiga jalb etish davom ettirildi[6].

1985-1986 o'quv yilidan o'rta maktabning 9-sinflarida «Informatika na elektron xisoblash mashinkalari», «Oilaviy hayot etikasi va psixologiyasi, 8-sinflarda esa «Xulq madaniyati» degan yangi fanlar o'tila boshlangan.

Ta'limning barcha tarmoqlarida 400 ming o'quvchiga saboq berildi. Shundan 361 mingga umumiy ta'lim maktablarida, 11 ming nafari professional texnika o'quv yurtlarida, 15 ming nafari o'rta maxsus o'quv yurtlarida shug'ullandi. 22,8 nafar yigit va qizlar o'rta ma'lumotga ega bo'ldilar.

Xalq ta'limi sohasida 1986-1987 o'quv yilidan birinchi marta bolalarni 6 yoshdan birinchi sinfga qabul qilindi. Biroq, maktab va maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim-tarbiya ishlarini olib borish uchun shart-sharoitlar yaratilmadi. Birgina, Kitob shahrida 9 ta o'rta va 1 ta sakkiz yillik maktabda jami 5720 o'quvchi bo'lib, 2300 o'quvchi uchun esa sinf xonalari yetishmadi[7]. 1989-1990 o'quv yilida esa shaharda 11 ta maktab faoliyat olib borgan bo'lsa, shuning 8 tasida darslar 2 smenada olib borildi. Kitob shahri va tumanidagi 68 ta maktabning 2/3 qismi zamon talabiga javob bermadi. Umuman, 1990 yilda O'zbekistonda ko'plab maktab binolari xaroba holatida bo'lib, maktablarning 70 foizida bolalar 2 va 3 smenada o'qishga majbur bo'ldi[8].

1987-1988 o'quv yilida 12645 nafar 6 yoshli bola, shulardan 1983 nafari maktabgacha tarbiya muassasalarida birinchi sinf dasturiga muvofiq o'qitildi.

1989-yilda Qashqadaryoda 19777 o'quvchi o'rinli umumiy ta'lim maktablar qurildi. Bu o'tgan 1988-yilga nisbatan 7,4 foizga kam edi.

1988-1989 o'quv yilida kunduzgi umumta'lim maktablarida 400,3 ming o'quvchi bilim olgan, 54,8 ming bola birinchi sinfga kelgan, shulardan 2,5 ming bola maktabgacha tarbiya muassasalarida birinchi sinf programmasi bo'yicha o'qitilgan. O'quvchilar ikki smenada tahsil olgan. O'rta maxsus o'quv yurtlarida o'quvchilar soni 16,3 ming kishini, oliy o'quv yurtlaridagi studentlar soni 7,6 ming kishini tashkil etgan. Maxsus texnika o'quv yurtlarida 11,6 ming kishi tahsil olgan[9].

1989 yilda viloyatda 850 ta o'rtava sakkiz yillik maktablar bo'lib, 38870 mingta o'quvchi ta'lim olgan, ularning ko'pchiligining moddiy-texnika bazasi nochor ahvolda, maktablarning 488 tasimoslashtirilgan binolarda joylashgan. 114 ta maktab xaroba holiga kelib qolgan.

1990 yilda 150 maktab va maktabgacha tarbiya muassasalari sport jihozlari bilan ta'minlangan. Viloyat 1 yoshdan 6 yoshgacha bo'lgan bolalar 326556 nafar bo'lsada ularning 21,51 foizi bog'cha va yasliarga jalb qilingan. Bog'cha va yasliga bolasini joylashtirish uchun 11931 kishi navbatda turgan[10].

1990 yildan 1-5 sinf o'quvchilari bepul nonushta bilan ta'minlash to'g'risida qaror qabul qilingan.

1990 yil Qarshi shahrida 31 ta maktab, 32 ta bolalar bog'chasi bo'lgan. Shuningdek, pionerlar va o'quvchilar saroyi, yosh texniklar stansiyasi, sport maktabi, 4 ta kechki ishchi-yoshlar maktabi mavjud. Mana shu ta'lim-tarbiya maskanlarida 5426 nafar o'qituvchi va tarbiyachilar ishlagan[11].

Pul bilan ta'minlashning barcha manbalari hisobidan 18,2 ming o'quvchi o'rinli umumiy ta'lim maktablari, 960 o'quvchi o'rinli hunar-texnika bilim yurtlari, 3,7 ming o'rinli maktabgacha tarbiya bolalar muassasalari, 3,3 ming o'rinli klublar va madaniyat uylari foydalanishga topshirilgan. Shu o'rinda aytib o'tish joizki, 1970-1980 yillarda O'zbekistonda xalq ta'limi uchun davlat tomonidan ajratilgan mablag'lar 11% dan 8% ga kamayib ketdi. Buni quyidagi misoldan yaqqol ko'rish mumkin. Jumladan, 1971-1975 yillar davomida respublikada jami 1824 o'rta maktab foydalanishga topshirilgan bo'lsa, 1981-1985 yillarda 1230 tani tashkil etdi. Janubiy viloyatlarda bu ko'rsatkich 1971-1975 yillarda 310 ta maktab qurilgan bo'lsa, 1981-1985 yillarda 222 tani tashkil etdi[12]. Ammo, ularning sifat darajasi ancha past bo'lib, qishloqlardagi ahvol ancha achinarli darajada edi. SSSR Maorif Ministrligi 1977-yil 10-mayda "Oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida yoshlar o'rtasida tarbiyani yanada kuchaytirish to'g'risida"gi buyrug'ini e'lon qildi. Ushbu buyruq asosida talabalarga bilim berish maqsadida darslarni kabinet tizimida olib boorish tashkillashtirildi. 1973-1974 o'quv yilida Qashqadaryodagi pedagogika bilim yurtlarida 23 ta kabinet faoliyat ko'rsatgan bo'lsa, 1979-1980 o'quv yilida ularning soni 37 taga yetdi. Lekin, pedagogika bilim yurtlaridagi o'quv xonalari, fan kabinetlari zamon talabiga yetarlicha javob bermas, jihozlar yetishmas edi. Davlat ajratgan mablag'lar o'quv binolarini ta'mirlashga to'liq yetmas edi. Shuning uchun ularni joriy ta'mirlashda talabalarining kuchidan foydalanildi. O'qituvchilar boshchiligida barcha o'quv xonalari, fan kabinetlari talabalar kuchi bilan joriy ta'mirdan chiqarildi[13].

1987-yilda Davlat kapital mablag'lari hisobidan umumiy ta'lim maktablarini foydalanishga topshirish 1986-yilga nisbatan 2,9 foiz, hunar-texnika bilim yurtlarini foydalanishga topshirish 4 baravar va maktabgacha tarbiya bolalar muassasalarini foydalanishga topshirish 3,6 foizga ko'paygan[14]. Xalq maorifida ahvol bundan yomon bo'lgan. Viloyatda 854 ta umumta'lim maktabidan qariyb 500 tasi moslashtirilgan binolarda joylashgan. Xar 5 maktabdan bittasi umuman avariya holatida. Bo'lgan. Xar uchtasidan ikkitasida esa darslar ikka smenada, hatto uch smenada olib borilgan. Shuningdek, 20-30 yillarda respublika xalq maorifiga davlat budjetining 40-50 foiz mablag' ajratilgani holda, ayni paytda 16-17 foiz mablag' ajratilgan[15]. 1991 yilda viloyat maktablariga 2 mingta o'qituvchi yetishmagan[16].

Xulosa shundan iboratki, XX asrning 80 yillarida O'zbekistonning janubiy hududlarida o'rta maxsus ma'lumotli pedagoglar tayyorlaydigan o'quv yurtlari tashkil etilib, ko'plab mutaxassis kadrlar xalq xo'jaligiga etkazib berildi. Biroq, bular miqdor ko'rsatkichlaridagi ayrim siljishlar edi. Voha shaharlarida maorif tizimini yaxshilashga qanchalik harakat qilinmasin, ta'lim-tarbiya masalasi ijobiy tarzda hal qilinmadi. Shunday bo'lsada, O'zbekistonning janubiy hududlarida ochilgan ilm maskanlari mashaqqatlar bilan bo'lsada ilgarilab bordi, ta'lim tizimini rivojlanishida, aholini madaniy saviyasini ko'tarilishida, xalq xo'jaligini o'qituvchi kadrlar bilan ta'minlashda o'zining ijobiy rolini o'ynadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987. -Т.: Узбекистан, 1988. -С.272
2. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. -Т.:Узбекистан, 1987.-С.259
3. Носиров Р. Социальное развитие села Узбекистана (1965-1985 гг). - Т., 1994. -Б.27-28
4. Qashqadaryo haqiqati 1986 yil 12-iyun
5. P.Ravshanov. Qashqadaryo istiqlol arafasida 1986-89 yillar T." Ma'naviyat" 2003 y. 43-b
6. QVDAning Qarshi filiali 1-jamg'arma 28-ro'yxat 5-ish 6-varaq
7. QVDA Shahrisabz filiali 477-fond, 1-ro'uxat, 36- ish, 26-varaq
8. QVHA 17-fond, 38-ro'yxat, 65-ish, 98-varaq
9. Qashqadaryo haqiqati 1988 yil 4 noyabr
10. Qashqadaryo haqiqati 1990 yil 1 yanvar
11. Qashqadaryo haqiqati 1990 yil 25 yanvar
12. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. -Т.:Узбекистан, 1987.-С.253
13. QVDA Shahrisabz filiali 72 jamg'arma, 1-ro'yxat, 39-ish, 43 varaq
14. Qashqadaryo haqiqati 1988 yil 9 fevral
15. Qashqadaryo haqiqati 1991 yil 12 fevral
16. Qashqadaryo haqiqati 1991 yil 9 iyul

ПРОФЕССОР К.ҚУРАМБОЕВ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИДА  
МАХТУМҚУЛИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

*С.К. Жепбарова, доц., Қорақалпоқ давлат университети, Нукус*

**Аннотация.** Мақолада Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари назарий таҳлили хусусида таниқли адабиётшунос олим К.Қурамбоевнинг илмий қарашилари, танқидий мулоҳазалар умумлаштирилади ҳамда баҳоланади.

**Калим сўзлар:** шеър, таржима, адиб, адабиётшунос, таржимашунослик, шоир, адабий алоқа, тадқиқ, таҳлил, мулоҳоза.

**Аннотация.** В статье обобщены и оценены научные взгляды и критические мнения известного литературоведа К. Курамбоева относительно теоретического анализа узбекских переводов стихотворений Махтумкули.

**Ключевые слова:** стихотворение, перевод, писатель, литературовед, поэт, литературный связ, исследование, анализ, обсуждение.

**Abstract.** This article deals with the point of view of scientific analysis of poetry Makhtumkuli in the Uzbek language by famous literary critic and scholar K. Kurambaev, where he summarized the scientific and critic views and evaluated.

**Key words:** a poet, translation, author, specialist in literature, translator interpreter, a writer, literary relation, investigation, analysis, discussion.

Атоқли олим К.Қурамбоев ўзбек, туркман, қорақалпоқ адабий алоқалари бўйича бир неча йиллардан бери тадқиқот олиб бормоқда. Олимнинг илмий изланишларида машхур туркман адиби Махтумқули Фироғий ижодининг мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кенг оммалашуви, ўзбек тилига таржимаси масалалари, уларга билдирилган муносабат, фикрлар ўз аксини топган. Бу эса Махтумқули асарларининг фақатгина Туркменистонда эмас, балки Ўзбекистонда ҳам катта қизиқиш билан ўқиблиб, адабиётшунослик, адабий танқидчиликда кенг тадқиқ қилинаётганлигини англатади. Негаки, Махтумқули Фироғийнинг шоирлик дунёси уч асрга татиғулик вақт ичида Шарқ халқларининг адабий меросида кенг ўрин олди. Шоирнинг ғоявий мазмун ва инсонийлик, инсоф, диёнат, иймон каби умуминсонийлик фазилатларини улуғлашга йўғрилиган адабий ижоди бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги ёш авлодларимиз учун ибрат намунаси бўлиб ҳисобланади. Чунки, Махтумқули ўз замонида Шарқ мумтоз вакилларининг бадиий асарларини ўқиб, шоирларнинг адабий меросини ўрганиб, уларни ўзининг маънавий устози деб билган. Масалан, у ўзининг “Сан болсам” (Сон бўлсам) номли шеърида:

Демганыда йорген уссат Новайы,  
«Чар диваны», «Перхат-Ширин» зыбаны,  
Захреддин Бабур, «Мизан-овзаны»,  
Гашларына барып мен Межнун болсам.

Ўзбек мумтоз шоири Алишер Навоийга “Дамганида юрган устоз Навоий” деб мурожаат этса, Ҳамадоний, Бобурларни ўзининг руҳий баркамолликка эришувида асосий ўринни эгаллаганликларини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, айтиш жоиз, Махтумқулининг ўзи ҳам ўзидан кейинги шоирлар учун намуна мактаби бўлганлиги ҳаммамизга маълум. Масалан, XX аср ўзбек шоирлари Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева, Гулистон Матёкубова ва бошқалар Махтумқули асарларини ўқиб, ундан адабий завқ олишган. Шунинг учун, шоир яратган адабий-бадиий асарлар нафақат туркман халқининг, балки бутун инсоният тақдирига боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда ёш авлоднинг миллий-маънавий дунёқарашини янада бойитиш, уларни ватанпарварлик, инсонийлик, дўстлик ва эзгуликка содиқлик руҳида тарбиялаши шубҳасиз. Жумладан, мустақиллик йилларида Махтумқули ижоди ўзбек адабиётшунослигида янги нукта назардан кенг тадқиқ қилинди. Шунингдек, Махтумқули шеърлари ўзбек тилига таржима қилиниб, кенг китобхонлар оммасига инъом қилинмоқда. Хусусан, ўзбек адабиётида шўролар

даврида фақатгина Жуманиёз Шарипов томонидан таржима қилинган бўлса (Максуд Шайхзода ва Муҳаммад Али биттадан шеърини таржима қилган), мустақилликдан кейин Музаффар Аҳмад, Мирзо Кенжабек, Олим Тўраев, Абдумўмин Жумаев, Жуманазар Зулпиев, Жуманиёз Жабборов, Эргаш Очиллов, Абдунаби Ҳамро ва бошқалар таржималарини атаб айтишга бўлади. Бадиий таржима ҳақида сўз борганида машҳур махтумқулишунос олим, профессор Каримбой Қурамбоевнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2011 йил 48-сонида эълон қилинган “Ҳолисликка нима етсин” номли мақоласи бизнинг диққат эътиборимизни ўзига жалб этди. Воқеан, биз бу мақоламизда Махтумқулининг ўзбек тилидаги таржималарига олимнинг муносабати ҳақида сўз юритмоқчимиз.

К.Курамбоев Махтумқули ижодини илмий асосда тадқиқ қилиб, шоир асарларини чуқур ўрганган олим. Шунингдек, олим ўзининг юқорида номи кўрсатилган мақоласида Махтумқули шеърларини ўзбек тилига ўгирган Ж.Шарипов, М.Аҳмад, М.Кенжабек, О.Тўраев, А.Жумаев, Ж.Зулпиев, Э.Очиллов, Ж.Жабборов, А.Ҳамроларнинг таржималарига танқидий мулоҳазаларини билдиради. Асосан, 2008 йил “Ўзбекистон” нашриётида нашрдан чиққан Абдумўмин Жумаев ва Жуманазар Зулпиевларнинг Махтумқули “Сайланма” китобини ўзбек тилида чоп этганини, таржимада Махтумқули услубига хос хусусиятларнинг акс этганлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, ушбу китобга сўзбоши ёзган профессор Н.Комиловнинг Махтумқулининг “Оқ ит” (Ақ ийт), “Чақир калла” (Шақыр бас) номли икки асарини “кичик дoston” деб атаганини адабиётшуносликда илмий янгилик деб белгилайди. Шу ўринда мақола муаллифи Махтумқулининг ўзбек тилида нашрдан чиққан китобларининг биронтасида ҳам шоирнинг дoston ёзганлиги ҳақидаги маълумотларнинг келтирилмаганлигини атаб кўрсатади. Дарҳақиқат, Махтумқулининг “Оқ ит”, “Чақир калла” асарлари Ашхободда 1994 йил нашр этилган шеърлар тўпламида жанр хусусиятларига кўра “поэма” деб аталади. Жорий фикрлар туркман адабиётшунослигида айни кунгача давом этиб келмоқда. Бироқ шоир асарларини таҳлилга тортганимизда унинг “Яздыгым дессаным галды” (Ёзган дostonим қолди) номли шеърини мисраларида ўзининг шеърини дoston ёзганлигини айтган. Шундай экан, шоир ёзган дostonларининг кўпчилиги бизгача етиб келмаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда, К.Курамбоев Махтумқулининг кичик шеърини дostonи ҳақида Н.Комиловнинг билдирган фикрларини тўғри баҳолаганлигини англаш мумкин.

Мақола муаллифи А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар таржималарининг ўзига хос хусусиятларидан бири “шоирнинг ҳозиргача ўзбек китобхонларига маълум бўлмаган диний мавзудаги шеърларини ҳам ўзбек тилига таржима қилиниши, бу шоирнинг фақатгина ахлоқий, дидактик шеърларининг ижодкори бўлиш билан чекланмай, балки шоирнинг тасаввуфга доир шеърларини ҳам маҳорат билан ўгирганлигини” алоҳида таъкидлайди. Бу фикр Махтумқулининг тасаввуф йўналишида комил инсон бўлганлигини яна бир марта далиллайди. Шу маънода, К.Курамбоев Махтумқулининг диний мазмундаги шеърларини жуда яхши баҳолайди. Шунингдек, муаллиф туркман адабиётшунослигида М.Аннамуҳаммедов, А.Аширов, А.Шихнепесов, А.Маммедов каби олимларнинг шу соҳадаги илмий тадқиқотлари билан яқиндан таниш. Шуларни ҳисобга олганимизда, мақола муаллифининг номи атаб кўрсатилган таржима китобга юксак баҳо берган, деб аташ мумкин.

Мақолани ўқиганимизда муаллифнинг таржима масаласига фақатгина бир томонлама ёндашув билан чекланмагани ўқувчини ўзига тортади. Бу эса муаллифнинг филология фанлари номзоди М.Азимовнинг “Меҳнат ва маҳорат меваси” номли илмий мақоласига ўзининг танқидий қарашлари билан жавоб берган ўринларида аниқ кўзга ташланади: “Мақолада асосан, таржимон А.Жумаев (тахаллуси Шийх Абдол Мўмин) ҳақида кенг маълумот берилади, яъни А.Жумаевнинг ҳеч қандай олий ўқув юртини тамомламаган бўлса ҳам, адабиётни, поэзияни адабиётшуносдан кам билмайдиганлигини, ҳар икки – ўзбек ва туркман тилида шеърлар ёза олиши, 25 йилдан бери Махтумқули шеърларининг таржимаси билан шуғулланиб келаётгани, шоир ижодини тўлиқ таҳлил этгани, шунинг учун “унинг таржималари Махтумқули таржимонларининг таржималари орасидаги энг яхшиси... Агар Махтумқули ўзбек бўлганида, худди шундай ёзган бўлар эди”, деган фикрларни билдиради. Умуман олганда, мақола муаллифи, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевнинг таржималарига юксак баҳо

беради” – деб, К.Курамбоев бу фикрларнинг айримларини қўллаб-қувватлаганини, бироқ мақола бир томонлама, деган хулосага келади. Сабаби нега деганда, муаллиф М.Азимовнинг мақоласида иккинчи таржимон Ж.Зулпиев ҳақида ҳеч қандай маълумотнинг берилмаганлигига танқидий муносабат билдиради. Унинг эътирозига ҳақли равишда туртки бўлган иккинчи омил, М.Азимовнинг бир вақтлари Махтумқули шеърларини таржима қилиб, ўзбек китобхонларига инъом этишда салмоқли ҳисса қўшган таржимонлар фаолиятида кўпроқ танқидий фикрларнинг билдирилганлигидир. Асосан, М.Азимовнинг мақоласида бундай танқидий фикрларнинг муаллиф тилидан эмас, А.Жумаевнинг фикри билан келтирилгани, яъни бу фикрни К.Курамбоев ўз мақоласида шу ҳолича қуйидагича келтиради: “Ўтган асрнинг 50-йилларида олим Жуманиёз Шарипов Махтумқули бобомизнинг шеърларини бир бўлагини ўзбек тилига таржима қилди”. Шўролар даври мафкура сиёсатининг таъсирида қилинган таржималар фақат ўз даври учун яроқли эди десак, ҳақиқатдан йироқлашмаган бўламиз. Кейин бу ишга ёш таржимон Музаффар Аҳмад ҳам киришди. Унинг ҳам туркман тилини яхши билмагани, ва Махтумқули меросини озми-кўп ўрганиб, таржимага қўл ургани муваффақиятсизликка сабаб бўлди. 2004 йилда эса Мирзо Кенжабек бу ишга қўл урди. Унинг таржимаси энг муваффақиятсиз бўлди, Махтумқули руҳияти, услубидан жуда йироқ эди. Мана шу муваффақиятсиз таржималар мени таржимонлик қилишга ундади...”

Мазкур фикрларнинг бир томонлама эканлигини англаган махтумқулишунос К.Курамбоев жиддий кескин танқидий фикрларни олға суради. Яъни, олим Махтумқули асарларининг ўзбек тилига ўгирган таржималарини А.Жумаевгача, барчасининг муваффақиятсиз деб ҳисобланишини нотўғри эканлигини атаб ўтиб, “Бундай қатъий ҳукм, яъни барча таржималарни яроқсиз деб, улардаги ютуқлардан кўз юмиш тўғрими?” деган ҳақли саволни ўртага ташлайди ҳамда Ж.Шарипов таржималарининг ютуқлари ҳақида гапирди. Ваҳоланки, К.Курамбоев ўзининг “Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда” номли китобида Ж.Шариповнинг таржимага катта ижодий тайёргарлик билан киришганини, таржимоннинг шоир тилига мувофиқ, аслиятга хос ўгирганини, шунингдек, Махтумқулининг кўпгина шеърлари оригиналдагидек аниқ, ўқувчига эстетик завқ бағишлайдиган даражада таржима қилганлигини [1;56-57] алоҳида таъкидлаб, Ж.Шариповнинг таржимасидаги камчиликлар “икки тилдаги ўзаро ўхшаш сўзлар – сохта эквивалентлар билан боғлиқ” деган хулосага келади. Шунингдек, К.Курамбоевнинг “Ҳикматга йўғрилган шеърлят” (1984) номли мақоласида ҳам Махтумқулининг шеърларини таҳлилга тортганларида Ж.Шариповнинг таржималарига деярли юксак баҳо беради.

К.Курамбоевнинг “Таржима ва таржимон масъуляти”, “Махтумқули – илҳом чашмаси” каби китобларида ҳам Махтумқули шеърларининг ўзбек тилидаги таржималари ҳақида фикр юритиб, “Ўзбекистонда Махтумқули асарларини таржима қилишга интилишлар оз эмас, бироқ шу кунгача шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим Жуманиёз Шариповнинг таржималари каби етук таржималарга дуч келмадик” [2;125] – деган фикрларни билдиради. Бироқ тадқиқотчи Феруза Сапаева ўзининг “Махтумқули шеърлари ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар” [3;62] номли мақоласида К.Курамбоевнинг фикрларига қарши ўлароқ қарашларини билдиргани сезилади. Яъни: “...Олимнинг (К.Курамбоев – С.Ж.) Ж.Шарипов Махтумқулининг айниқса ахлоқий-дидактик шеърларини ўзбек тилига қойилмақом қилиб таржима қилганлиги ҳақидаги фикрлари ва таърифлари тўғри, лекин шоирнинг “арузда ёзилган шеърларини маънодор, жозибали ва жарангдор мисраларда ўзбек тилига ўгиради” деган фикрлари нотўғри эканлигига танқидий фикрларини эътироф этади. Тадқиқотчи, Ф.Сапаева “бу шеърларда ҳажм жиҳатдан сакталиклар кўп” [3;62] лигини илмий далиллашга эришади.

Юқорида баён қилинган мақоламизда муаллиф ўз фикрларини далиллаш учун ўзбек таржимашунослигида Ж.Шариповнинг Махтумқули таржималарига юксак баҳо берилганини ҳам таниқли олим Ғайбулла Саломовнинг, Бахтиёр Назаровларнинг фикрларини ҳам келтириб ўтади.

Академик Б.Назаровнинг: “Бу ноёб ижодни (Махтумқули ижоди назарда тутилмоқда – С.Ж.) ўрганиш, ўзбек тилига ўгириш, кенг оммалаштиришда йирик таржимашунос олим ва мутаржим Жуманиёз Шарипов катта ишларни амалга оширди... бу таржималар ўз даври

талабларига жавоб берди, бинобарин, унинг таржималаридан, хусусан, мухтарам Жуманиёз Шариповдан миннатдор бўлишимиз керак” [4] деб берган юксак баҳосини алоҳида таъкидлайди.

Бундан бошқа мақолаларда ҳам Э.Очилов, М.Кенжабек, Н.Комилов, С.Мамажонов, С.Ғаниева, Ҳ.Абдуллаев, Ж.Юсупов, М.Сапаров, М.Тайлақова, Ж.Шарипов таржималари ҳақида билдирилган фикрлари компаративистика услубида таҳлилга тортилади ва Махтумқулининг ўзбек тилидаги таржималарида бир қанча камчиликлар, хато-нуқсонларнинг бор бўлишига қарамасдан, ютуқлари билан шоир асарларини ўзбек ўқувчиларига ўз она тилида ўқишга, шу билан бирга “ҳозирги авлод, бугунги шеърятнинг ихлосмандлари учун маънавий тарбия қуроли вазифасини бажариб келмоқда” деган хулосага келади. Натижада, олим ўз мақоласида Махтумқулининг ўзбек тилидаги таржималарини таҳлилга тортиш орқали таржимонларнинг, яъни, Ж.Шариповнинг таржималарида Махтумқулини ахлоқий-дидактик шеърларининг кўпроқ ўзбек тилига ўгирганлигини, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевларнинг таржималарида эса шоирнинг диний ва тасаввуфга доир шеърларини таржима қилинганлигини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини истифода қилади.

Умуман, мунаққид олимнинг фикрларида муайян маънода жон бор. Айнан, ҳаммамизга маълум, ҳар бир даврда яратилган асарлар ушбу давр адабиёт тарихининг варақларида муҳрланади ва адабиёт тарихи мулкига айланади. Ана шу адабий намуналар, адабий-бадий таржималар бугунги адабий жараённинг, миллий адабиётимизнинг асосини яратувчи фундаментал китоблар эканлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Ҳар бир асар ўз даврининг илмий нуқтаи назаридан баҳоланиши шубҳасиз. Бироқ мустақиллик шарофати билан адабий бадий асарларни, таржималарни ҳолис баҳолаш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, таниқли олим Бахтиёр Назаров “Таржима ва таржимон масъулияти” номли китобга ёзган сўзбошисида айни кунгача таржимачилик билан боғлиқ илмий тадқиқотларнинг танқислигини атаб ўтиб, бу муаммонинг ҳеч вақт эскирмайдиганлигини жамоатчилик эътиборидаги ўта муҳим масала эканини айтади. Бу борада профессор К.Қурамбоевнинг мақолалар тўпламини ўз олдида китоб шаклида нашрдан чиқарилиши “муаммонинг янгидан жонланганлигининг суюнчиси” деб юксак баҳо берди Академик Бахтиёр Назаров. Ушбу нуқтаи назардан қараганда махтумқулишунос олимнинг таржимашунослик борасида жон куйдириб, ҳақли равишда билдирган фикрлари бугунги кун адабиётшунослик, адабий жараён, адабий алоқалар учун катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, баён қилинган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турганидек, Махтумқулининг ўзбек тилидаги таржималари ҳозирги адабий жараёнда танқидчилик соҳасидаги эътиборни ўзига тортгани ва унинг ривожланишига туртки бўлгани сўзсиз. Бу масала келажакда илмий асосда ўз тадқиқотини кутмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қурамбоев К. Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда. Тошкент, 1984.
2. Қурамбоев К. Махтумқули – илҳом чашмаси. Тошкент, 2012.
3. Сапаева Ф. Махтумқули шеърлари ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар // “Илим ҳам жэмийет” журнали. Нукус, 2014. №4.
4. Қурамбоев К. “Ҳолисликка нима етсин”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2011 йил 48-сони.

УДК: 327.3

### НАУЧНО - ГУМАНИТАРНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ШОС

*З.А.Камалова, ассистент Джизакского Политехнического института, Джизак*

*Аннотация.* Данная научная статья раскрывает научно - гуманитарное сотрудничество между странами ШОС. Где гуманитарное сотрудничество имеет немаловажное значение и придаёт имидж государства на международной арене.

*Также с научной точки зрения обосновано что, гуманитарное сотрудничество между государствами имеет большое практическое значение: позволяет государствам более успешно взаимодействовать в вопросах безопасности, противостоять таким проблемам современности как терроризм и экстремизм.*

**Ключевые слова:** ШОС, культура, наука, СНГ, «круглый стол», сотрудничество, культурное сотрудничество, гуманитарное сотрудничество, Узбекистан, спорт, туризм.

**Аннотация.** Ушбу илмий мақола ШХТ мамлакатлари ўртасидаги илмий ва гуманитар ҳамкорликни очиб беради. Бу ерда гуманитар ҳамкорлик катта аҳамиятга эга ва халқаро майдонда давлат обрўсини беради.

Шунингдек, давлатлар ўртасидаги гуманитар ҳамкорлик катта амалий аҳамиятга эга эканлиги илмий нуқтаи назардан асослаб берилган: бу давлатларга хавфсизлик масалаларида янада муваффақиятли ҳамкорлик қилиши, терроризм ва экстремизм каби замонавий муаммоларга қарши курашиши имконини беради.

**Калит сўзлар:** ШХТ, маданият, фан, МДХ, давра суҳбати, ҳамкорлик, маданий ҳамкорлик, гуманитар ҳамкорлик, Ўзбекистон, спорт, туризм.

**Abstract.** This scientific article reveals scientific and humanitarian cooperation between the SCO countries. Where humanitarian cooperation is of no small importance and gives the image of the state in the international arena.

It is also substantiated from a scientific point of view that humanitarian cooperation between states is of great practical importance: it allows states to more successfully interact in security issues, to counter such modern problems as terrorism and extremism.

**Key words:** SCO, culture, science, CIS, round table, cooperation, cultural cooperation, humanitarian cooperation, Uzbekistan, sports, tourism.

**Актуальность.** Неслучайно в Шанхайской организации сотрудничества одним из направлений деятельности является гуманитарное сотрудничество. В условиях глобализации гуманитарное сотрудничество приобретает приоритетное значение. Именно через гуманитарное сотрудничество государства и организации приобретают авторитет на международной арене, создают себе положительный имидж.

**Методы.** В статье рассматривается гуманитарное сотрудничество ШОС в условиях глобализации на основе общепринятых исторических, научных и объективных методов.

**Результаты исследования.** Гуманитарное сотрудничество – это сфера сотрудничества, где практически не ведется дискуссия, где сходятся интересы основных участников. Однако возможности и позиции стран ШОС неодинаковы в решении проблемы гуманитарного сотрудничества. Несмотря на то, что организация существует с 2001 года, осуществление гуманитарных связей начинается не ранее 2005 года.

В современных условиях имидж государства определяется не только его экономической и внешней политикой на международной арене, но и немаловажное значение имеет гуманитарное сотрудничество. В толковом энциклопедическом словаре указано, что «международное гуманитарное сотрудничество» включает в себя сотрудничество государств по вопросам культуры, науки, информации, спорта, туризма и т.д.

Благодаря знанию языков, традиций, вообще культуры других народов формируется позитивное восприятие другой национальной культуры, толерантность к другому народу, что порождает доверие людей. [1]

Поэтому гуманитарная кооперация между государствами является очень важным практическим фактором: позволяет странам успешно сотрудничать в сфере безопасности, бороться с такими современными проблемами, как терроризм и экстремизм.

Важнейшим документом, регулирующим взаимное культурное влияние стран ШОС, является Соглашение между правительствами государств-членов ШОС о сотрудничестве в области культуры, подписанное 16 августа 2007 года в Бишкеке. Однако настоящая работа по утверждению планов началась с создания в 2005 году Экспертной группы по культурным взаимодействиям. В результате количество мероприятий стало увеличиваться. Например, с 2005 года регулярно проводятся фестивали искусств стран-членов ШОС. Создан альбом «Диалог цивилизаций», содержащий обзор культур государств-членов Организации.[2]

Важность сотрудничества между Узбекистаном и ШОС можно объяснить несколькими причинами. Одним из важнейших, конечно же, является изменение рамок мироустройства.

ШОС, начавшая свое формирование с решения пограничных вопросов в сфере международного права, возникла как новое поколение международных организаций, созданных не по военно-стратегическим, а по политическим, экономическим и гуманитарным соображениям.

В этой связи ШОС, имеет огромный научно-технический потенциал и представляет большой интерес для Узбекистана. В связи с этим ведется работа по развитию и поддержке проектов сотрудничества в государствах ШОС по указанным направлениям с целью создания действенного механизма укрепления научного, образовательного и культурного потенциала стран, способного предотвратить проявление любого вида экстремизма. На сегодняшний день можем отметить, что этот механизм уже создается. Будет разработана гибкая и эффективная структура для оперативного реагирования на реальные потребности гуманитарного сотрудничества. [3]

Связь в области культуры на пространстве ШОС объединило в себе творческую энергию, опыт, интеллект, а также самобытную культуру всех народов стран ШОС. В дипломатических отношениях Узбекистана с государствами-членами ШОС особое место занимают двусторонние отношения с великим восточным соседом Китая, которые развиваются в направлении стратегического партнерства. Это связано не только с политической, экономической важностью Китая в мировом и Азиатско-тихоокеанском регионе, а с глубокой исторической связью, общим культурным и политическим ценностями, с наличием общих границ.

В этом ключевую роль играют встречи на высшем уровне, в ходе которых определяется стратегия общего развития. Главы двух государств большое внимание уделяют взаимодействиям и сотрудничеству во всех сферах, включая культуру и другие гуманитарные направления. [4]

Принятие решения Совета Глав государств - членов ШОС в 2020 году о том, что 2021 год станет юбилейным годом культуры ШОС и это стало наглядным подтверждением решения членов-государств ШОС, несмотря на пандемию, всемерно укреплять и расширять культурно-гуманитарное сотрудничество.

Пандемия коронавируса, возникшая в 2020 году, затронула все сферы жизни государства, в том числе и сотрудничество наших стран в сфере культуры.

Несмотря на это согласно плану основных мероприятий ШОС на 2021 год в период председательства Таджикистана, было проведено 20 мероприятий культурного-гуманитарного характера.

Вместе с тем по инициативе таджикской стороны был разработан и предложен к рассмотрению сторонами солидный пакет документов по дальнейшему укреплению и расширению культурно-гуманитарных связей в рамках ШОС, который был принят на юбилейном саммите ШОС в Душанбе в сентябре 2021 года. [5]

Секретариат ШОС вносит свой вклад в углубление культурно-гуманитарного сотрудничества государств-членов.

В рамках мероприятий культурного и гуманитарного характера, посвященных 20-летию ШОС (19 марта 2021 г.) в Секретариате Шанхайской Организации Сотрудничества при поддержке партнеров Китая и посольства 17 стран «семьи ШОС» было проведено празднование международного праздника Навруз, праздника весны, обновления, дружбы и созидания. [6]

**Вывод:** Приведенные выше примеры показывают лишь отдельные фрагменты межкультурного диалога на пространстве ШОС. Проведение на взаимной основе гастролей творческих коллективов, участие фольклорных ансамблей в международных и национальных фестивалях стали традиционными и вносят важный вклад в укрепление отношений дружбы и взаимопонимания двух народов. Культурное сотрудничество государств-членов ШОС, не ограничивается лишь участием творческих коллективов в фестивалях.

Таким образом, можно заключить, что культурное взаимодействие способствовало взаимному духовному обогащению, придавало народам, живущим на пространстве ШОС, чувства открытости, восприимчивости к внешним явлениям и стимулировало партнерство.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Оразалиев, Е.Н. Шанхайская организация сотрудничества: основы формирования, проблемы и перспективы: автореф. ... дис. канд. 86 полит. наук: 23.00.02 / Е.Н. Оразалиев; Казахский нац. пед. ун-т. - Алматы, 2005.
2. Культура в рамках ШОС - важная часть для развития дружественных отношений. <https://kabar.kg/news/kul-tura-v-ramkakh-shos-vazhnaia-chast-dlia-razvitiia-druzhestvennykh-otnoshenii/16.05.19>
3. Айтбаева Р., Н. Касимова Н. Гуманитарное сотрудничество стран ШОС. // Concorde, 2018. №2. - С83-89.
4. Алиева Р.Р. Международной диалог в области культуры на пространстве ШОС. - Москва, 2020. - 158 с.
5. Хунбинь У. Путь по неровной дороге // Вечерний Душанбе. 11 марта. 2005.
6. Алимов Р. Роль Шанхайской организации сотрудничества в противодействии угрозам мира и безопасности <https://www.un.org/ru/chronicle/article/21818>

УЎК 94(355)

## ҚАДИМГИ ХОРАЗМНИНГ ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДАВРИ ЭЪТИҚОД ИЗЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШИ

*Д.Ш. Қурбанова, PhD, Хоразм вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш  
миллий маркази, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Қадимги Хоразмнинг исломгача бўлган даврдаги эътиқодларини ўрганилиши тарихи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, бу даврдаги аҳолининг диний қарашлари, урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** дин, анъана, урф-одат, Авесто, Зардушт, сув, Анаҳита, ҳосилдорлик, ривоят

**Аннотация.** В данной статье посвящена сведения по истории изучения этики древнего Хорезма в доисламский период. А также мнения о религиозных воззрениях, обычаях, обрядах и традициях населения этого периода.

**Ключевые слова:** религия, традиция, обычай, Авеста, Зардушт, вода, плодородие, легенда.

**Abstract.** This article is devoted to information on the history of the study of the ethics of ancient Khorezm. As well as an opinion about the religious beliefs, customs, rituals and traditions of the population of this period.

**Keywords:** religion, tradition, custom, Avesta, Zardust, water, fertility, legend.

Хоразм воҳаси олис замонларда қадимий эътиқодлар, урф-одат, маросимлар ва тарихий ривоятлар шаклланган ҳамда уларнинг излари ҳанузгача етиб келган ўлкадир. Воҳа географик жойлашувининг хусусиятлари шундан иборатки, дашт-чўллар билан ўралган бу заминда ўзига хос маданий анъаналар кўп асрлар мобайнида сақланиб турган. Шу боис, Хоразм муҳим тарихий-этнографик вилоят сифатида ривожланган ва маҳаллий маданий анъаналари турли давр муаллифларининг асарларида диққатга сазовор бўлган.

1946 йили Хоразм воҳасида илмий тадқиқотлар услубларига таянган кенг мақсадли дала этнографик ишлар бошланган. Олимлар, моддий маданият ҳунармандчилиги, уй-жойлар, оила ва ижтимоий муносабатлар каби масалалар қаторида исломга қадар бўлган эътиқодлар, диний қарашлар, урф-одат ва маросимлар излари (ибтидоий эътиқодлар ва зардуштийлик), шунингдек, тарихий ривоятлар ва афсоналарни ўрганишга киришган [1].

XX асрнинг 50-йилларидаги этнографик тадқиқотлар давомида, Хоразм воҳасида сувни қадрлаш мавзусига оид муҳим маълумотлар йиғилган. Ўтган асрнинг 20-йилларига қадар, баҳор мавсумидаги суғориш иншоотларининг тозалаш ҳашар ишлари яқунланиши ва каналларга сувларни куйиб, тўлдириш жараёнида бўйни кесилган хўкиз танаси сувга ташланган. Одамлар деҳқонлар ишининг омадли бўлишини сўраб, зарур сув миқдори билан йил мобайнида серҳосилликни таъминлаш, каналларга дарё сувлари доимий тўлиб оқиш учун

махсус қурбонлик қилишган. Бир вақтнинг ўзида сувга қурбонлик қилинган ҳўкиз танаси билан бирга жамоатчилик ишида қатнашган барча йигитларни канал қирғоғидан сувга туртиб юборишган. Турли жамоалар ўртасида қурбонлик қилинган ҳўкизни эгаллаб олиш учун мусобақа бошланган. Голиблар ҳўкиз гўштидан таом тайёрлаш ва базм ташкиллаштириш ҳуқуқига эга бўлиб, зиёфатга барча жамоа аъзоларини таклиф қилганлар [2].

Баъзан жониворлар канал бўйида қурбонлик қилиниб, сувга уларнинг қони қуйилган ёки буқа ва қўчқорлар “балиқлар егулиги” сифатида Амударёга ташлаб юборилган. Я.Ғ.Ғуломовнинг маълумот беришича, Оролча бобо қадамжосида ҳам ҳўкиз сўйиб қурбонлик қилинган [3]. Барча фурсатлардаги қурбонлик маросими ислом дини одатларидан анча узоқ бўлган.

Бундай маросимлар Наврўзнинг кириб келиши билан Ўзбекистоннинг жанубий туманларида ҳам ўтказилган. Жамоа аъзолари бозордан бузоқ, оқ тойчоқ, қўчқор сотиб олиб, уларни дарё сувларига қурбонлик қилганлар. Сўйилган ҳайвон қони ариқлар сувига оқизилиб ёки танаси ташланиб, уни сувдан олиб таомлар тайёрлашган [4].

“Авесто” да ҳосилдорлик илоҳаси Ардвисура – Анаҳитага худойи қилиш ҳақида маълумотлар мавжуд (унга тоғолдида, қўллар ва дарё бўйларида “юз айғир, мингта ҳўкиз, сигир ва саноксиз совлиқлар” қурбонлик қилинган) [5]. Мисол тариқасида: “Ахурамазда Спитама Заратуштрага айтурки: “Ибодат қил, о Спитама серсув, тўлиб кенг оқадиган Ардвиги, сиғин, девларга қирон у, содиқ – Ахурага... Ҳушанг Парадата, Ҳара тоғи тагида қурбонлик қилди унга юз айғир ва мингта сигир ва беҳисоб қўйлар” [6]. Бироқ, манбада сўйилган жониворларнинг қони сувга оқизилиши ва танасини сувга ташланиши тўғрисида маълумотлар йўқ. Бунга ўхшаш одат Зардушт ғояларига зид бўлиб, зардуштийлик динида сувни сўйилган ҳайвонлар танаси ва қон билан ифлос қилиш қораланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XX асрга келиб “Авесто” даги Гавмард ва илк ўрта асрлар мифологиясида Гопатшоҳ ҳақидаги асотирлар унутилган. Аммо, уларнинг акс – садоси ҳўкизнинг ҳосилдорлик маросимларидаги ўрни, унинг кучидан ерга ишлов беришда фойдаланиш анъаналарида сақланган. Шу боис, Ўрта Осиё деҳқончилик ҳудудларида экин экишнинг илк кунни далага қўш чиқариш пайтида “Шохмойлар” удуми ўтказилган (ҳўкизларнинг бақувват бўлиши учун уларнинг шохига зиғир мойи суртилган, атрофда исирик ҳам тутатилган) [7].

Эътиқод маросимларида ҳўкиз қадимдан муҳим аҳмиятга эга бўлиб, ўсимлик ва ҳосилдорлик кучи саналган. Эҳтимол, “Авесто” дан мерос қолган буқанинг турли қисмларидан ва қонидан инсон, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг пайдо бўлиши ҳақида тасаввурлар сақланиб келган. Шунинг учун ҳам буқанинг қурбонлик қилиш ҳаёт, фаровонлик ва мўл – қўллик билан боғланган. Бу қудратли ҳайвон гўштидан тайёрланган таомни истеъмол қилган киши кучга эга бўлади деб ҳисобланган.

Г.П.Снесаревнинг ёзишича, Хоразмнинг айрим қишлоқ жамоалари “ҳўкиз”, “ҳўкизлар” деб аталган [8]. Воҳада уруғ-қабилавий тақсимот излари аллақачон йўқолиб кетган бўлса ҳам, ушбу мисол олис даврлардан етиб келган тотемизм анъаналарининг садоси бўлиши мумкин. Аслида туркий ва эроний тилли халқлар орасида буқани тотем сифатида қадрлаш чуқур илдизларга эга бўлиб, буқага сиғиниш одати Хоразм аҳолисининг тарихий-маданий алоқалари ва дин тарихини ўрганиш жараёнида муҳим материал ҳисобланади [9].

Этнографлар томонидан Хоразмда сақланиб келган сув ва ҳосилдорлик эътиқодига оид анъаналарнинг ўрганиш пайтида “аранглар” ҳақида эски тасаввурлар қайд қилинган. Аранглар – Амударё ичида яшовчи, сув сатҳини бошқариб турувчи кўзга кўринмас ҳаёлий мавжудотлар “паришталар” ҳисобланган [10]. Арангларга нисбатан икки хил қарашлар мавжуд бўлган. Г.П.Снесаревнинг ёзишича, аранглар бир томондан одамларга оби ҳаёт тортиқ қилувчи, зироатчилик мавсумида дарё сувининг мўл-қўллигини таъминлаб туриш хусусиятига эга, эзгу ишларга хизмат қилади деб тасаввур қилинган бўлса, иккинчидан, аксарият, аранглар дарё тошуви, дегиш ва кемалар ҳалокатининг рўй берувчи ёвуз куч сифатида қораланган [11].

Ўз пайтида С.П.Толстов, “Авесто” даги Ранха, Аранха атамаларини Амударё номи билан боғланган эди [12]. Я.Ғ.Ғуломовнинг айтишича, Амударё қадимги даврларда Аранха ёки Аранг дейилган [13].

Ҳозирги адабиётларда мазкур масалага эътиборларини қаратган М.Жўраев ва М.Нарзиқулова куйдача ёзадилар: “Энди “аранглар” мифонимининг лисоний – этимологик асоси масаласига келсак, бу атама Амударёнинг “Авесто” даги номига алоқадор деган фикрдамиз. Чунки, “Авесто” да қайд қилинган “Аранг” ва “Ранга” атамалари Амударёнинг қадимий номи эканлигини С.П.Толстов ва Я.Ғуломов каби олимлар томонидан эътироф этилган” [14]. Шунингдек, бошқа жойда тадқиқотчилар “Амударёнинг Ўқуз деб аталганини” таъкидлаб ўтадилар [15].

Ушбу фикрлар эътиборга молик, лекин уларга тўлиқ қўшилиб, қувватлаш бирмунча қийин. “Авесто” да тилга олинган Ранха ёки Раха дарёсини тарихшуносликда Сирдарё ва Волга билан солиштириш анъанаси ҳам мавжуд. Ушбу масалани таҳлил қилган Р.Гиршман “Авесто” да Анахита 30 та кундуз терисидан тикилган кийим-кечакни кийиб юргани ва кундуз илоҳа Анахитанинг муқаддас жонивори ҳисобланганлиги маълумотга ўз эътиборини қаратган. Олимнинг фикрига кўра, кундуз Сирдарё ва Амударё бўйларида ҳеч қачон яшамаган, шу сабабли, Ранха – бу Волгадир [16].

Албатта, Ранха – Аранха жойлашуви масаласига доир тахминий қиёслаш рўйхатни давом эттириш мумкин. Бироқ, мазкур муаммо тарихий география мавзусига тегишли бўлиб, уни махсус кўриб чиқиш тадқиқотимизнинг вазифалари доирасига кирмайди. Шунингдек, манбаларга таянган ҳолда олдинги саҳифаларда шу нарса маълум бўлдики, хоразм, сўғд ва бақтрия ёзувларидаги маълумотларга кўра, мил. авв. IV асрада Амударё “Вахш” (у юнон манбаларида – Оксус, Окс) деб аталган. Хусусан, “Оксус” тушунчасидан дарёнинг “Ўқуз” номи келиб чиқиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Аксинча, “Ўқуз” атамасидан махсус “Оксус” гидроними келиб чиққан деб ҳам тахмин қилинади.

Бу борада “Вахш” (“Вахшу”) тушунчаси билан боғлиқ шахсий исмларнинг маҳаллий ва юнон тилли шакллари қиёслаб, бироз, кенгайтирилган ҳолда, яна бир бор келтириш лозим, жумладан, Вахшурта – Оксиарт, Вахшуваздах – Оксубароз, Вахшебуак – Оксебоакес, Вахшудата – Оксудатес [17], яъни барча ҳолатларда бошланғич “Вахшу” атамаси юнонча “Окс” деб аталади ва бу мисолларда мазкур юнон тушунчасининг “Ўқуз” сўзи билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Дастлаб, С.П.Толстов, кейинчалик Г.П.Снесарев Анахитани Амударё илоҳаси сифатида таърифлаганлар [18]. Г.П.Снесаревнинг фикрига кўра, дарёнинг қудратли илоҳаси ҳақидаги хотира Хоразмда Амбарона образида акс этилган. Хоразм афсоналарида Амбарона ҳосилдорлик эътиқоди билан боғланиб, аёлларнинг пири ҳисобланган [19].

1936 йилда Я.Ғ.Ғуломов хоразмликлар қайиқчи – оқсоқоллардан Амбарона ўғли ҳақида афсонани ёзиб олган. Унда айтилишича, “Фаридун ва ҳатто Жамшид подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари, Амударёда бир йигит яшаган ва бу йигит дарёнинг ҳокими бўлган. Унинг исми “Хубби” бўлган. Хубби балиқ билан овқатланган. У бир қўли билан балиқни ушлаб оларкан – да, уни куёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ ковурилар экан. У етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичида ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган ва ҳатто у вақтда чиқинлар ҳам бўлмаган. Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб Хубби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизининг маликаси – гўзал қиз ўғирлаб кетган деб ўйлайдилар. У ғойиб бўлгандан кейин Амударёда Хуббининг онаси пайдо бўлган, у йиғлаб, кўп вақт ўғлини излаган. Ана шу Хуббининг онаси биринчи қайиқни қурган ва халқни дарёда сузишни ўргатган. Сўнгра Хуббининг онаси бутунлай кетиб қолган. Бизнинг чолларимизни айтишларича, илгари вақтларда кемаларнинг буржида шу хотиннинг ҳайкали ўрнатилган. Мусулмонлар келгандан кейин улар бу одатга эътибор бериб, уни йўқ қилишни буюрганлар. Шу пайтдан бу ҳайкалнинг бошини кесиб ташлаганлар, фақат унинг икки ўрим сочи қолган” [20].

Г.П.Снесаревнинг кузатишларига қараганда, Амударё қайиқларини безатиш услуби ажойиб хусусиятларга эга. Дарёда сузган қайиқларнинг боши кўпинча одам боши шаклига

ўхшаган. Қайиқ бошининг ўртасига ойна ўрнатилган ва ён томонларидан отнинг думидан қиркиб олинган ёли ўраб қўйилган. Шу жойда бир парча бахмал осилган. Уни танга, тумор ва ҳар хил чиғаноқлар билан безатиб қўйишган. Кема бошида фақат катта дарғачига туриш мумкин бўлган, бошқа қайиқчиларга эса руҳсатсиз унга яқинлашиш ман этилган [21].

Г.П.Снесаревнинг ёзишича, қайиқлар бошида Амбаронанинг рамзи акс этилганига шубҳа йўқ, Хоразмликлар орасида бефарзанд аёллар кемадаги таъқиқ қилинган жойига яширинча киришган, кема бошидан ўралган “кокил” – от ёлидан бир – неча толасини олишган ва уни уйларига олиб келиб, исирикқа қўшиб тутатишган ёки доимий ўзларини ёнида сақлаб юрганлар. Шунингдек, бефарзанд аёллар Амударё қирғоқларидан қурбонлик сифатида сувга нон ташлаб, туз сепишган ва ариқлардан оққан сув юзидан сакраб ўтишган [22].

Шуни таъкидлаш жоизки, Хубби ҳақидаги Хоразм афсоналарининг бошқа бир вариантыда, у Ҳақим ота ва Анбар онанинг кенжа ўғли бўлган. Отаси катта ўғлини яхши кўрар, Хубби эса онасининг севимли фарзанди экан. Бир куни Ҳақим ота ўғилларининг синаб кўрмоқчи бўлади. Хубби бу синовга кечикиб келиб, сувга чўкаётган кемани қутқарганини ва сув балосидан қутулган кишилар унга атаб қурбонликка сўйган хўкизларни тирилтирганлигини сабаб қилиб, айтиб беради. Хубби отаси билан чиқиша олмай қолган аллақачонги ҳолат авж олади. Хубби уйни тарк этмоқчи бўлади. Шунда Амбар она Хуббини бир хонага қамаб қўяди. Бироқ, Хубби кийимларини ечиб ташлаб, каптарга айланади ва уй томидаги туйнукдан учиб чиқиб кетади. Амбар она йиғлаб, Хубби ўғлини узоқ вақт мобайни излаб юради [23].

Юқорида Хоразм мисолида кўриб чиқилган қадимий жамоатчилик анъаналари, дарё сувларига хўкиз ва қўчқорларни қурбонлик қилиш, Жўмард (Гавмард), аранглар ва Хубби ҳақидаги афсоналар фақат Хоразм воҳасига хос бўлмаган. Булоқ ва дарёлар арвоҳларига қурбонлик қилиш анъаналари Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистонда маълум бўлган (қадимий Бактрия ерлари) [24]. Жонмарди Қассоб (Гавмард) деган мазор Бухоронинг Тўпхона гузорида жойлашган, Қашқадарё воҳасида Хубби тўғрисида мифологик тасаввурлар мавжуд бўлган [25].

Бундан кўриниб турибдики, Амударё бирлаштирган Хоразм, Бактрия ва Зарафшоннинг қадимда Амударёга қуйилганлигини инобатга олинган ҳолда, Сўғд худудларида бир-бирига яқин қадимий эътиқодлар, урф-одат ва маросимлар излари сақланган [26]. Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. VII – VI асрлардан бошлаб, Бактрия, Сўғд ва Хоразм худудларида умумий хусусиятларга эга моддий ва маънавий маданият ривожланган. Зироатчилик ва шаҳарсозлик маданиятига асосланган аҳолининг турмуш тарзи маҳаллий дунёқарашларини белгилаб бериб, узоқ тарихий даврлар мобайнида сақланиб келган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жданко Т.А. Этнографические исследования Хорезмской экспедиции (народы, проблемы, труды)//Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 21-40.
2. Снесарев Г.П. Обряд жертвоприношения воде у узбеков Хорезма, генетически связанный с древним культом плодородия/ МХЭ. – М., 1960. Вып. 4. – С. 198-199.
3. Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – С. 250.
4. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Турсунов А.С., Тоғаев М.Р. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида номоддий маданият тарихи. – Тошкент: “Мухаррир” нашриёти, 2012. – Б. 33.
5. Авесто. Яшт китоби//М.Исҳоков таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001, – Б. 26, 31.
6. Авеста. Избранные гимны//Пер. с авестийского И.М.Стеблин – Каменского. – Душанбе: “Адиб”, 1990. – С. 23, 27.
7. Турсунов С.Н. ва бошқ. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида... Б. 34.
8. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 313.
9. Толстов С.П. Пережитки тотемизма идуальной организации у туркмен//Проблемы истории докапиталистических обществ. М.; 1935. № 9-10. С. 3-41; Беленицкий А.М. Изображение быка на памятниках искусства древнего Пенджикента//Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979, - С. 88-94.
10. Снесарев Г.П. Обряд жертвоприношения... С. 200.
11. Кўрсатилган асар. С. 200-201.
12. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-исторического исследования. – М.: МГУ, 1948. – С. 53.
13. Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи... Б. 292.

14. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 45.
15. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф... Б. 27.
16. Гиршман Р. Иран и миграции индоариев и иранцев//Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности (II тысячелетие до н.э.). – М.: Наука, 1981. – С. 140-144.
17. Лившиц В.А. Надписи и документы//Калалы – Гыр 2. Культурный центр в Древнем Хорезме IV – II вв. до н.э. – М.: ИВЛ РАН, 2004. – С. 190.
18. Толстов С.П. Древний Хорезм... С. 200; Снесарев Г.П. Обряд жертвоприношения воде... С. 201.
19. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований... С. 240-241.
20. Фуломов Я. Кўрсатилган асар. Б. 31-32.
21. Снесарев Г.П. Реликты... С. 247.
22. Кўрсатилган асар. С. 246-248.
23. Снесарев Г.П. Реликты... С. 250-251.
24. Богомолова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков//Известия отдела общественных наук АН Таджикистана. – Сталинабад, 1952. Вып. 2. – С. 112-114.
25. Жўраев М., Нарзикулова М. Кўрсатилган асар. Б. 25, 29-30.
26. Муродов О. Древние образы мифологии у таджиков долины Зерафшана. – Душанбе: Дониш, 1979. – 116 С.

УЎК 94(093)

## XVII-ASRNING IKKINCHI YARMI DA XIVA XONLIGI XUDUDI DA XALQ TABOBATINING QULLANILISHI

*Ш.С.Матякубов, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун Академияси, Хива*  
*Ф.Ж.Жуманиязова, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун Академияси, Хива*

**Аннотация.** Ушбу мақолада XVII-асрнинг иккинчи ярмида Хива хонлигидаги ижтимоий аҳвол, шунингдек ўша даврда Хива хони Абулғози Баҳодирхоннинг халқ табобатида оид “Манофеъ ул-инсон” асаридаги хонлик аҳолиси ҳаётида халқ табобатининг қўлланилишига оид маълумотлар таҳлил қилиб берилди.

**Калит сўзлар:** Хива хонлиги, халқ табобати, Абулғози Баҳодирхон, “Манофеъ ул-инсон”, Султон Санжар, Кумлик, Чиқирчи, Янгиарик, Қалъажик, Ҳазорасп, акушер-гинекология, травматология, хирургия, терапия, неврология, педиатрия, психиатрия, фтизиатрия.

**Аннотация.** В данной статье социальная ситуация в Хивинском ханстве во второй половине XVII века, а также сведения об использовании народной медицины в жизни жителей ханства в труде «Манофеул-инсан» о народных представлена медицина Хивинского хана Абулгази Бахадирхана.

**Ключевые слова:** Хивинское ханство, народная медицина, Абулғози Бахадирхан, «Манофеул-инсон», Султан Санжар, Кумлик, Чиқирчи, Янгиарик, Каладжик, Ҳазорасп, акушерство-гинекология, травматология, хирургия, терапия, неврология, педиатрия, психиатрия, фтизиатрия.

**Abstract.** In this article, the social situation in the Khiva Khanate in the second half of the 17th century, as well as information about the use of traditional medicine in the life of the inhabitants of the Khanate, in the work "Manofeul-Insan" about folk medicine, the medicine of the Khiva Khan Abulgazi Bahadirkhan is presented.

**Keywords:** Khanate of Khiva, folk medicine, Abulgozi Bahadirkhan, "Manofeul-inson", Sultan Sanzhar, Kumlik, Chikirchi, Yangiarik, Kaladzhik, Khazorasp, obstetrics and gynecology, traumatology, surgery, therapy, neurology, pediatrics, psychiatry, phthisiology.

Халқ табобати замонавий медицинанинг асосидир. Шу сабабли бутун дунё халқлари ўзларининг соғлиқларини тиклаш, турли касалликлардан фориғ бўлишда анъанавий халқ табобатидан самарали фойдаланадилар. Хоразм воҳаси аҳолисининг турмуш тарзи ва саломатлигида ҳам халқ табобатининг аҳамияти катта.

Абулғози Баҳодирхон олий насаб ва тожу-тахт соҳиби бўлган. У 1603-йилнинг 23-августидан Урганчда дунёга келган, кенг ва чуқур маълумотли киши эди. 1644-1674-йилларда

Хоразм тахтини эгаллаган. У ҳукмдор бўлиши билан бирга тарихчи ва табиб ҳамдир. Абулғози Баходирхон тарихда ҳукмдор эмас балки йирик олим сифатида қолди. Абулғозихон икки йирик тарихий асар яратди, биттаси 1658-1661-йилларда ёзилган «Шажараи тарокама» асари бўлиб, унда туркий қабилаларнинг хусусан туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Иккинчиси эса 1663-1664-йилларда ёзилган «Шажараи турк» номи билан машҳур бўлиб, унда Хоразмнинг XVI-XVII-асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади. Шунингдек унинг тиббиётга оид «Манофёе ул-инсон» ("Инсон саломатлиги учун фойдали нарсалар") асари бўлиб, бу асар 1657 йилда ёзилган. Бу асар ихчам маълумотнома шаклидаги ёзилган бўлиб, муаллиф асарида қуйидаги фикрларни баён қилган: "Китобларни назарга келтириб эрдик, мақсади гоҳо топилур эрди ва гоҳо топилмас эрди, улким топилур эрди, ҳозир машаққат билан ўртага келур. Шул сабабдин, иллатга илож қилмоқ учун, мўътабар китоблардин тахлаб жам қилиб, ондин сўнг иллатларни баён қилдим"[1].

Тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг гувоҳлик беришича, Абулғози ўз рисоласини ёзишда Абу Али ибн Сино, Абдурахмон ва Муҳаммад Юсуфий каби олим ва табибларнинг асарларидан фойдаланган ва ўзининг амалий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда касалликларга қарши даво чораларини шарҳлаб берган. Баёний ўзининг "Шажарайи Хоразмшохий" асарида шундай ёзади: "Абулғози бир асар битиб, унга "Шажарайи Турк" деб ном қўйди. Бу киши табобат соҳасида ҳам моҳир эдилар. Мен у кишининг «Манофёе ул-инсон» отлиғ тибга оид форсча таснифларини кўрдим"[2].

Абулғози Баходирхоннинг «Манофёе ул-инсон» асарининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фондида, № 4701 рақамда сақланади[3].

Асарнинг 1901-йилда Хивалик Раҳмонберди Бобожон ўғли Котиб таҳаллусли ҳатот томонидан кўчирилган нусхаси, 1966-йилда Хонқа туман Сарапоён қишлоғида яшаган Иброҳим ота Қурбонов хонадонидан топилган. Бу нусха ҳозирда хоразмлик доривор олим, профессор Ражаббой Собировнинг (1937-2019) шахсий кутубхонасида сақланмоқда.

Фармацевтика фанлари доктори Ражаббой Собиров ҳаётлик даврида мазкур асарнинг ўзбекча матни устида ишлаган. Шу олимнинг Х.Холматов билан ҳамкорликда 1970-йилда чоп қилинган "Абулғозий ишлатган доривор ўсимликлар" рисоласида асар тўғрисида мукамал маълумотлар келтирилган.

«Манофёе ул-инсон» доривор ўсимликлар ва уларни тайёрлашга бағишланган. Рисоланинг ҳам ўзбекча ҳам форсча матнлари топилгани рисоланинг аввалбошда қайси тилда ёзилгани ҳақидаги маълумотларга аниқлик кирита олмайди. Абулғози Баходирхон ҳар икки тилда, ҳам ўзбекча ҳам форсчада ёза олган.

Китоб жуда содда, равон оддий халқ тушунадиган тилда ёзилган. Асарни ёзишда хон ҳазратлари халқ табобати тажрибаларига таянгани шубҳасиз. Айни пайтда, унда хоннинг шахсан ўзи томонидан тайёрланиб, тажрибада қўлланилган, беморларда синаб кўрилган дори-дармонлар ҳам мавжуд.

Асарнинг биринчи қисмида якка ва мураккаб ҳолда тайёрлаб ишлатиладиган дорилар ҳақида маълумот берилади. Иккинчи қисмида эса, турли касалликларга даво бўладиган мураккаб дорилар, учинчи қисмида хасталикларга қўлланиладиган умумий дорилар хусусида сўз юритилади. Якунловчи тўртинчи қисмида эса, ўзидан олдин яшаб ўтган таниқли ва машҳур олимлар, табиблар, донишмандларнинг фикр-мулоҳазалари, ҳикматли сўзлари келтирилади. Асарнинг 28 та бобида 124 та иллатнинг аломатлари, уларни даволаш усуллари, халқ табобатида ишлатиладиган 700 дан ортиқ дори-дармонлар ҳақида илмий маълумотлар берилади[4]. Бу Абулғозининг нафақат Хива хонлиги кутубхоналарида мавжуд китобларни, балки бошқа давлатларда хусусан Эронда 1630-1639 йилларда ҳатто махсус назоратда ва тутқунликда яшаган даврларида ҳам тиббиётга оид энг камёб ва нодир асарларни мутолаа қилганлигидан далолат беради.

Рисолада ўша пайтда хонлик ҳудудида учраган барча касалликлар ҳақида кенг ва тўлиқ маълумотлар келтирилган. Энг аҳамиятли томони – Абулғози Баходирхон бу рисоласида

тиббиётнинг барча тармоқларини баён қилади, масалан: аёлларда учрайдиган касалликлар, суяк синиши, чиқиши, жарроҳлик ва консерватив усул билан даволаш, ичак касалликлар, бавосил, қон кетишини тўхтатиш, қулоқ ва томоқда қолган буюмларни чиқариб олиш, нафас йўли хасталиklarини аниқлаш ва даволаш, иссиқ ва совуқ шишлар, балғамни тўхтатиш, ошқозон ва ичак яраси, шишлар, гижжалар, ичбуруғ, тўғри ичакнинг чиқиши, жигар, талоқ, буйрак, сийдик чиқариш йўлларининг касалликлари сийдиктош хасталигининг олдини олиш, шунингдек асаб ва руҳий хасталиклар, тери касалликлари, кўз, юқумли ва болаларда учрайдиган қатор касалликларни аниқлаш ва даволаш йўллари, ҳар бир касалликда ишлатиладиган дориларнинг миқдори, йўллари муфассал тавсиф қилинади[5].

Абулғози Баходирхон кўпроқ Хоразмда учрайдиган доривор гиёҳлар, шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берган. Ана шу гиёҳлар ўсимликларнинг танаси, меваси, гули, илдизини якка ёки аралаштирган ҳолда қайнатма, шарбат, малҳам, ҳабдори ва бошқа кўринишларда ишлатиш усуллари келтирилади[6].

Ревматизм, тери ва асаб хасталиklarини қуёш нури, қум, маҳаллий сув ва туз конларидан фойдаланган ҳолда даволашни тавсия қилган ва табиблик фаолиятида айнан шунга суянган. Қадимдан Хоразм худудида мавжуд қатор тузли кўлларда ана шу хасталикларни даволаш халқ орасида маълум эди. Султон Санжар, Қумлик, Чиқирчи, Янгиарик, Қалъажик, Ҳазорасп, Хива туз конлари кўҳна кўлларнинг қолдиқ ўринлари ёз ойларида беморларга шифохона воситасини ўтарди. Абулғози даврига келиб, бу анъана янада ривож топди ва хонлик фуқаролари ана шу кўллар ва ташландиқ ҳавзаларга борадиган йўлларни обод қилишга эътибор беради. Қарангки, мана орадан уч асрдан ортиқроқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан, Абулғози тавсия этган кўлларнинг сақланиб қолганларида ҳозир ҳам ёз ойларида юзлаб беморлар тузли кул ва кумларга бориб дардиги даво топаётганларини куриш мумкин. Улар ота-боболаридан эшитган тавсияга кўра, худди Абулғози рисоласида қайд қилинган усулда даволанади ва шифо топадилар.

Абулғози Баходирхон рисоласида мукамал таърифлаб берилган умуртқа поғонаси, қўл ва оёқ бўғимларида туз йиғилиши хасталиклари (остеохондроз)ни даволашда туз, асал ва қизил қалампирдан фойдаланиш усуллари ҳамон ўзгармаган. Бу эса, Абулғози Баходирхондан кейин ўтган Хиванинг барча ҳақим ва табиблари ана шу асардан қўлланма сифатида фойдаланганидан дарак беради.

Абулғози Баходирхон касалликларнинг олдини олиш учун юрт ободончилиги, озодалик ва овқатланиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратган.

Хива бозорларида халқ табибларига доривор гиёҳларни сотиш, тайёрлашларига кенг имконият яратиб берилган. Абулғози Баходирхоннинг шахсан ўзи бевосита сарой табиблари ва бошқа шаҳар ва қишлоқларда фаолият кўрсатаётган ҳақим ва табибларнинг еркин ишлашлари, айни пайтда алдамчилик, инсофсизлик қилмасликларини назорат қилиб борган.

Энг эътиборли ва ижобий томони шундаки бевосита хоннинг ўзи табобат билан шуғуллангани, табиблик қилганидир, чунки барча давр ва замонларда салтанат соҳиби қизиққан соҳа бошқа арбоблар ва фозилу-уламоларнинг эътиборида бўлади.

Хонлик аҳолисининг соғлигини сақлаш, умрини узайтиришга биринчи масала деб қаралган замонда хонликнинг барча сарҳадларида тиббиётга бўлган асосий эътиборнинг ошгани хон ва табиб Абулғози Баходирхоннинг тарихий хизмати дур.

Абулғози Баходирхоннинг “Манофёъ ул-инсон” китобида 105 дан ортиқ касалликнинг номлари ва даволаш усуллари жуда мукамал ёзилган. Бу китобда тиббиётнинг кўрсатилмай қолган соҳасининг ўзи йўқ. Касалликлар маълум тизим бўйича берилмаган, хирургик, терапевтик, акушер-гинекологик, терапевтик ёки педиатрлик ёки бошқа касалликлар аралаш ҳолда ёзилиб, уларнинг даволаш усуллари кўрсатилган.

Абулғози Баходирхон тиббиётнинг қуйидаги муаммоларини қамраб олган: акушер-гинекология, травматология, хирургия, терапия, неврология, педиатрия, психиатрия, фтизиатрия, тери-таносил касалликлари, кўз касалликлари, юқумли касалликлар, проктология, физиотерапия, стоматология ва фармокология[7]. Абулғози Баходирхоннинг асарида биз кўплаб янгиликларни, асликларни кўраимиз. У анъаналарга кўр-кўрона эргашмасдан, ҳар бир

касалликни ўрганган. Муаллиф ўзининг асл даволаш усуллари ҳақида хабар беради, у симоб буғи билан захм касаллигини даволаш усулини топгани ва унинг меъерини аниқлагани тўғрисида ёзади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хива хонлиги ҳудудида XVII-асрнинг иккинчи ярмида айниқса Хива хони Абулғози Баходирхоннинг улкан сай-ҳаракатлари шунингдек табобатга оид “Манафё ул- инсон” деб номланган асарини яратилиши, асарда жуда кўп касалликларнинг давоси ва уларни олдини олиш буйича кўрсатмалар халқ учун тушунарли тилда баён этилганлиги натижасида, хонлик аҳолиси ҳаётида халқ табобатини кенг қўлланилишига олиб келди. Натижада ўша давр халқ табобатида жонланиш юз бера бошлаганлигига гувоҳ бўламиз. Бинобарин бугунги замонавий медицинанинг ривожидида ва унинг юксалишида ўтмишда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг бебаҳо олтин мероси дорул амал ва йўлкурдаткич бўлиб хизмат қилаётгани барчамизга фахр-ифтихор ва ғурур бахш этади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Р. Собиров. Абулғози Баходирхоннинг "Манафё ал-инсон" асари. – Урганч, 1994 й.
2. Мухаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшохий. – Тошкент: 1994. – Б.17
3. Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фонди, № 4701 рақамли хужжат.
4. Р. Собиров. Абулғози Баходирхоннинг "Манафё ал-инсон" асари. – Урганч, 1994 й.
5. М. Ғойибов, Ш. Жуманиёзов “Хива тиббиёти” – Тошкент: Истиклол нури, 2013.-39-40 б.
6. Р. Сабилов . Медицинское наследие Абулгази // "ХП", 1969, 15 май.
7. Х. Худойназаров Абулғози Баходирхон Шажараи ва табиб. — Тошкент: Фан, 1995 й. 64-б.

УЎК 903

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА НИСБАТАН ОЛИБ БОРГАН СИЁСАТИ

(XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошлари)

*Н.О.Мирзаева, тьютор, СамДЧТИ, Самарқанд*

**Аннотация.** Мақолада Россия империяси 19 асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни босиб олганидан сўнг, ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан тобеъ қилишига қаратилганлиги, ислом динига миссионерлик муносабатда бўлганлиги, ислом дини вакилларига нисбатан ишончсизлик сиёсати юритганлиги, насронийлик динини тарғиб қилиш, ислом динига қарши генерал-губернаторлар томонидан бир неча фармойишлар қабул қилинганлиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** моддий бойликлари, “Таврия”, мусулмонлар, мустамлакачилик, мустабид ҳукумат, насронийлар, диний муассасалар

**Аннотация.** В статье освещены процессы, связанные с последствиями Российского завоевания Туркестана во второй половине 19 века, когда начались попытки социально-политического, экономического подчинения края, миссионерское отношение к религии ислам, недоверие к представителям мусульманского духовенства, распространение христианской веры, опубликование генерал-губернаторами целого ряда распоряжений против религии ислам.

**Ключевые слова:** материальное благосостояние, Таврия, мусульмане, колониализм, суверенное правительство, христиане религиозные, учреждения

**Abstract.** The article highlights the processes associated with the consequences of the Russian conquest of Turkestan in the second half of the 19th century, when attempts began to socio-political and economic subordination of the region, missionary attitude to the religion of Islam, distrust of representatives of the Muslim clergy, the spread of the Christian faith, the publication by the governor-general of a number of orders against the religion of Islam.

**Key words:** material wealth, Tauriya, muslims, colonialism, sovereign government, Christians, religious institutions.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Ўрта Осиёнинг катта хуудларини босиб олгач, мустамлакачилар бутун дикқат эътиборини ўлкани сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатидан тобе қилишга қаратдилар. Мустамлакачилар ислом дини хусусидаги сиёсатни аниқ белгилаб олишга эътибор бера бошлади.

Россия империяси ислом динига эътиқод қилувчи Ўрта Осиё ҳамда бошқа халқларни мустамлакага айлантирган дастлабки вақтларданок босиб олинган халқларнинг нафақат моддий бойликлари, балки маънавий дунёсига ҳам эгалик қилиш учун улар эътиқод қилувчи ислом динига аралашшиш сиёсатини тутди. Масалан, 1788 йилнинг 22 сентябрида Уфа шаҳрида “Оренбург диний бошқармаси”ни, 1831 йилнинг 23-декабрида “Таврия” диний бошқармасини, 1872 йилга келиб “Кавказ ортида яшовчи мусулмонлар диний бошқармаси”ни ташкил этди.[1] Шунингдек мустамлакачилар Туркистоннинг йирик хуудларини босиб олиб, маҳаллий аҳоли эътиқодига аралашшиш сиёсатини давом эттиргани ҳолда маҳаллий диний ишларни назорат қилишни Оренбург диний бошқармасига юклади.

Мустамлакачи маъмурлар Россиянинг Туркистондаги ҳукмронлиги мустаҳкам бўлиши ва узоқ йилларга чўзилиши учун ўлкани фақат босиб олиш бу ерда 50 минг кишидан ортик армияни сақлаш ва ўлкани бошқариш буюк давлатчилик ғояларига асосланган мустабид тизимини вужудга келтириш учун етарли эмас деб ҳисобладилар[2]. Шунинг учун ҳам Россия империяси мустамлакачилари асрлар давомида мусулмон халқларининг онги, тафаккури, турмуш тарзига сингиб кетган ва бу халқларнинг жипслаштиришнинг асосий негизи бўлиб келган ислом динининг ролини ва таъсирини заифлаштириш зарур деб билдилар[2].

Империя маъмуриятининг аксарият қисми миссионерлик кайфиятида бўлиб, уларнинг асосий мақсади қисқа фурсатда мусулмонларни насронийлик динига киритишдан иборат эди. Оренбург губернаторлигининг 1864-1876 йиллардаги генерал губернатори Крижановский 1898-1901 йилларда Туркистон генерал-губернатори лавозимида ишлаган С.М.Духовский ва рус амалдорларидан бўлган Н.И.Ильминский, Н.П.Остроумов, М.А.Мирописев, М.А.Воскресенский, И.М.Софийский каби империя амалдорлари шулар жумласидан бўлиб, улар мусулмон аҳолига реакцион муносабатда эдилар. Масалан, 1867 йил январда генерал губернатор Крижановский Россия Ички ишлар вазири Валуев юборган маълумотномасида исломни “хафли” омил сифатида кўрсатишга ўринади. У шу жумладан бундай деб ёзган эди:” Бу кишилар (мусулмонлар Ш.С, Г.Т) шундай динга эътиқодлар қиладиларки унинг ақидаларига кўра, биз насронийлар диндорларнинг азалий душманлари деб эътироф қилинамиз”[3].

Ислом динига нисбатан салбий муносабатда бўлган мустамлакачи маъмурлар мусулмонлар босқинчиларга ҳеч қачон ён босмасликларни яхши билардилар. Россия империясининг йирик ҳарбий мутахассиси, машҳур тарихчи генерал-лейтенант М.И.Иванин бу ҳақда шундай ёзган эди. “Туркистон мусулмонлар бешигидир. Ўрта Осиёликлар ҳеч қачон христианларга ён босмайдилар. Улар ғайри динларга нисбатан бўлган муносабатларини фақат куч ишлатилганидагина ўзгариши ва ўз тақдирларига тан беришлари мумкин[4].

Тарихий ҳужжатлардан маълумки, Туркистон ўлкаси Россияси империяси томонидан босиб олинган дастлабки кезларда мустамлакачилар бу ердаги ислом динининг тутган ўрни ҳақида тўлиқ маълумотларга эга эмас эди. Мана шу омилларнинг ҳисобга олган мустабид ҳукумат фон Кауфманга чекланмагн ҳуқуқлар берди. Ўз кучига қаттиқ ишонган мустамлакачилар тез орада ислом дини Ўрта Осиёда чуқур илдиз отганлигига амин бўлдилар. Шунинг учун Туркистон генерал губернатори маъмурияти ўз сиёсатини пинҳона, ички ишларига аралашмаслик ниқоби билан олиб борди.

Айниқса, генерал-губернатори К.П фон Кауфман Туркистон халқининг тараққиёт даражаси, маданий мероси ва маънавий олами ислом шариатидагини эмас, балки бой дунёвий билимларга ҳам асосланганлигини бошқа амалдорларга нисбатан яхши тушунар эди. Шу сабабли у мусулмон дини мавжудлигига тоқат қилиш сиёсатини олиб боришга мажбур бўлди, бироқ уни ривожлантиришни асло рағбатлантирмасликка жон жаҳди билан ҳаракат қилди. Ислом динига мустабид ҳукуматнинг душмани сифатида қараб уни “сиқиштириш” сиёсатини юргизди. Шунингдек, ислом динининг доимо давлат билан мустаҳкам алоқада бўлганлигини

назарда тутган ҳолда унинг бундан кейин ҳукуматнинг ички ишларига аралашувини чеклади. Ўрта Осиё худудидда Россия империяси томонидан бутунлай истило қилинган генерал-губернатор К.П фон Кауфман ўлка мусулмонларини диний бошқармага бўйсундиришни лозим топмай, уни аввалги ҳолида қолдириш керак, деган таклиф киритди. Шунинг учун К.П.фон Кауфман таклифига биноан Ички Ишлар вазирлиги томонидан 1880 йилнинг 4-мартидан Туркистондаги диний ишлар Оренбург диний бошқармаси назоратидан ажратилди[5]. Чунки Туркистон генерал губернатори К.П. фон Кауфман дин хусусидаги қонун асосини Туркистон ўлкасини бошқариш масаласидаги бошқа қонун-қоидалар (Хусусан ер, солиқ, маориф, суд ва бошқалар) билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни лозим топди. У ўз фикрини Туркистон маҳаллий аҳолиси диний бошқармани ҳеч қачон кўрган эмас, шунинг учун ўлкада диний бошқармани ташкил этиш ноқулай эканлиги билан изохлади. Аслида эса генерал губернаторлик учун диний ишларни бошқаришни ҳам ўз тасарруфига олиш ва уни ўлкани ўзида туриб бошқариш қулай бўлган. Бундай бошқарув мустамлакачилик манфаатларига ҳам мос тушарди. Мана шундай бир пайтда К.П фон Кауфманнинг вафот этиши туфайли унинг режалаштирган кўпгина ишлари амалга оширилмай қолиб кетди. Шундай бўлсада унинг генерал-губернаторлик фаолияти давомида ислом динига қарши қатор тадбирлар амалга оширилди. Мусулмонлар бирлашувига тўсқинлик қилинди ҳамда “қозикалон”, “шайх-ул ислом” лавозимлари йўқотилди. Оренбург муфтийсининг Туркистонга таъсир ўтказишга уринишларига зарба берилди. Қози ва имомларни сайлашнинг масжидга бўлган алоқаси тугатилди. Янги вақф маҳкамаларини ташкил этишга рухсат берилмади, эскиларнинг кўплари эса давлат томонидан тан олинмади[6.]

Туркистонга 1898 йилги Андижон кўзғалонидан сўнг генерал губернатор этиб тайинланган генерал С.М.Духовский ҳам мустамлакачиликда аввалги генерал губернаторлардан кам эмас эди. Кўзғалон шафқатсиз бостирилган бўлишига қарамай С.М.Духовский зудлик билан мусулмонлар устидан кучайтирилган назорат ўрнатишни лозим, деб топди. У 1898 йил 6 сентябрда Ҳарбий министрга ёзган ҳисоботида ўлкада подшо ҳокимиятининг мустаҳкамлашнинг куйидаги тадбирларини амалга оширишни таклиф қилади.

1. Мусулмон ҳаётига таъсир қилувчи диний муассасалар ҳаётига кўпроқ аралashiш (айниқса мадрасалар ҳаётига);

2. Туркистонда маҳаллий мусулмонларнинг бирлашувига имконият яратувчи диний бошқарма тузилишига йўл қўймаслик;

3. Барча маҳаллий мактабларни маъмурият ихтиёрига ўтказиш ва барча маҳаллий мусулмон ўқув юртлари диний муассасаларни тўла рўйхатдан ўтказиш;

4. Туркистондаги барча мусулмонларга яҳудийларга нисбатан ўрнатилганига ўхшаш муносабатларни жорий қилиш, шунинг учун барча ерли мусулмон мактабларига 1893 йил 1 март қонунини қўллаш. Мазкур қонунга кўра мусулмон мактаблари ўқитувчилари ҳар йили алоҳида гувоҳномалар олишлари ва улар учун ҳақ тўлашлари лозим;

5. Туркистон генерал губернаторлиги маъмуриятига сиёсий жиҳатдан зарарли деб топилган маҳаллий мусулмон муассасаларини ёпиш ҳуқуқини бериш. [7]

Сиёсий жиҳатдан ҳавfli деб топилган диний муассасаларни ёпишга рухсат бериши империя маъмуриятига ўзларига ёқмаган исталган диний муассасани турли баҳоналар билан ёпиб қўйиш имкониятни берди, шунингдек мазкур муассаса ходимларини уларга тобеъ қилиб қуйди. Шундай қилиб, Россия империяси мустамлакачилари Туркистонни босиб олишдан то ҳукмронликларининг охирига қадар ислом дини ва унинг вакилларига нисбатан душманлик кайфиятида бўлдилар. Марказ амалдорлари Туркистон ўлкасини бошқариш қонун қоидаларини ҳатто Туркистон генерал губернаторлигидаги амалдорларга ҳам ишонмай ўзлари ишлаб чиқдилар. Улар Туркистон мусулмонларининг бирлашуви учун қўлларидан келгунича тўсқинлик қилдилар. Маҳаллий уламоларнинг бу йўлдаги ҳар қандай ҳаракатлари мустамлакачилар томонидан қаттиқ таъқиб қилинди. Улар ўлкада ўзларининг мустамлакачилик манфаатларига мослаштирилган диний бошқарувни ташкил этишга интилдилар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Беруний. Танланган асарлар. Т.: Фан. 1-том 1968 –Б.72.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: Шарқ 2000-Б 295 -296
3. Рыбаков. С.Г. Устройство и нужде управления духовными делами мусулман в России. –СПб.:Б.И.,1917
4. Мустабид тузумининг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати. Тарих шохидлиги ва сабоқлари.-Т.Шарқ.2000 Б-370.
5. Аграрный вопросы крестьянского движения 50-70-годов XIX века –М-А.: АН СССР 1936,-С88-89.
6. Иванин М.И. Записки о государственных и общественно–экономических нуждах Туркестанского края. СПб.:Б.И.,1906.-С.32.
7. К открытию памятника ген-адъютана К.П фон Кауфмана, как у строителя Туркестанского края.Т.: Б.И. 1913 С.67.
8. Даниел Броуер. Туркистон хожилари. // Турон тарихи.-1993.1-сон Б.30.
9. Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политике царских властей в Туркестане // Труды САГУ В. 78. 1956.-С.54.
10. Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора генерала от инфантерии Духовского: Ислам в Туркестане. - Ташкент, 1899.
11. Абдумажидова Ҳамида. Цивилизация, тараққиёт, модернизация ва глобаллашув жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги // Falsafa va hayot xalqaro jurnal. 2020 йил №2 41-42 бет.

УЎК 93/94

## ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИЙ НАШРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1918 ЙИЛЛАР)

*Л.Н. Мухаммадиева, докторант, Навоий Давлат Педагогика институти, Навоий*

**Аннотация.** Ушбу мақолада 1917-1918 йилларда Туркистон матбуот тизимида содир бўлган ўзгаришлар, ўлкада совет даврий нашрлари фаолиятининг йўлга қўйилиши, уларнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, совет ҳукуматининг ўлкада даврий нашрларни ташкил қилиш борасида олиб борган қатор чора-тадбирлари турли манба ва адабиётлардаги маълумотлар асосида очиқ берилган.

**Калит сўзлар.** Туркистон АССР, совет ҳукумати, совет даврий нашрлари, Наша газета, даврий матбуот, газета ва журналлар, Иштирокиюн, матбуот тизими, давлат сиёсати.

**Аннотация.** В данной статье анализируются изменения, происходившие в системе печати Туркестана в 1917-1918 гг., становление в стране советских периодических изданий, их основные аспекты. Также на основе сведений из различных источников и литературы раскрывается ряд мер, предпринятых Советским правительством по организации периодических изданий в стране.

**Ключевые слова:** Туркестанская АССР, Советское правительство, советская периодика, Наша газета, периодическая печать, газеты и журналы, Иштирокиюн, система печати, государственная политика.

**Abstract.** This article analyzes the changes that took place in the press system of Turkestan in 1917-1918, the establishment of Soviet periodicals in the country, and their main aspects. Also, a number of measures taken by the Soviet government regarding the organization of periodicals in the country are revealed based on information from various sources and literature.

**Keywords:** Turkestan ASSR, Soviet government, Soviet periodicals, Nasha gazeta, periodical press, newspapers and magazines, Ishtirokiyun, press system, state policy.

**Қириш.** Тарихий сабоқ шуни кўрсатадики, миллатларнинг миллий ўзлигини англашда матбуот беқиёс аҳамиятга эга. Турли даврларда (ҳозирги кунда ҳам) матбуот жамиятлар учун муҳим вазифаларни бажариб келган. Хусусан, унинг тарғибот-ташвиқот ишларидаги роли ҳар доим ўз ўрнига эга бўлган. Бу жиҳат таҳлил қилинаётган давр мисолида ҳам яққол кўринади.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида “Искра”, “Вперед”, “Пролетарий” каби бир қатор большевистик газеталар тарқалган [1].

1917 йилнинг қисқа даври мобайнида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар (Февраль ва Октябрь тўнтаришлари) собиқ Россия империяси ва унинг таркибидаги халқларнинг кейинги тақдирида қатор ўзгаришлар қилди. Айниқса большевиклар ҳокимиятни ўз қўлларига олгач, жараёнлар кескин тус ола бошлади. “Барча ҳокимият советларга” ва бошқа шунга ўхшаш

шиорларни кўчаларда баралла айтиб юрган “пролетар” аҳоли вакиллари сиёсий бошқарувни ўз қўлларига олгач, жамиятнинг барча соҳалари хусусан матбуотда ҳам ўзгаришларни амалга ошира бошлади. Бундай ўзгаришлар Туркистон ўлкасида ҳам кузатилди. Совет ҳукумати биринчи галда мавжуд барча матбуот нашрларини давлат тасаруфига ўткази бошлади. Матбуот большевиклар фикрича “бобма ва пулемётдан хавфли бўлиб, буржуазия қўлидаги кучли қурол [2]” эди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Шўро ҳукумати Туркистонда ўз даврий нашрларини ташкил этиш мақсадида бир қатор тadbирларни амалга оширди. Биринчи навбатда 1917 йил 27 октябр (9 ноябрь)да қабул қилинган “Матбуот тўғрисида”ги Декретда белгиланган вазифалар зудлик билан бажарила бошланди. Ушбу Декретда Ишчи-деҳқон ҳукумати сиёсатиغا очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатишга ёки бўйсунмасликка ундаётган мақолалар нашр қилинаётган даврий нашрлар ёпилиши белгилаб қўйилди [3].

Совет ҳукумати Туркистон худудида ҳукумронлигини ўрнатгач, ўлкада ўз даврий нашрларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратди. Боиси вақтли матбуот большевистик ғоялар ва коммунистик мафқурани тарғиб этишнинг асосий жарчиси бўлиши лозим эди.

Туркистон ўлкасида ана шундай органларнинг дастлабкиси “Наша газета” дир. Газета Тошкент советининг 28 март (16 апрел)даги мажлисидаги қарор асосида ташкил қилиниб, Ишчи ва солдат депутатлари совети Президиумига таҳрир ҳаёти ва бош муҳаррир тайинлаш вазифаси топширилди. Г.Цвиллинг газетанинг дастлабки муҳарири бўлди [4]. Першин, Бауман, Войтинцев, Ляпин ва бошқалар эса газетанинг ўлка ҳаётида муҳим роль эгаллашида хизмат қилди. 1917 йил май ойидан бошлаб, газета кундалик бўлиб қолди. Газета 16 майдан ишчи ва солдат депутатлари ўлка советининг расмий органи сифатида нашр қилина бошлади.

**Тадқиқот методологияси.** Таъкидлаш керак, “Наша газета” “Правда” газетаси йўлидан бориб ва ундан намуна олиб ўзининг дастлабки сонларидан бошлаб Улуғ Октябрь революциясининг моҳияти ва ахамиятини тушунтиришда катта роль ўйнади. Октябрь декретларининг жарчиси бўлиб майдонга чиқди” [4]. Бу жиҳатни газетанинг мавзулар қамровидан ҳам кўриш мумкин. Унинг ҳар бир сони ва ҳар бир саҳифасида асосан совет ҳукуматининг ўлкада олиб бораётган сиёсати мутассил ёритиб борилди. Хусусан, газетанинг октябрь воқеаларидан кейин чиққан биринчи сониди Советларнинг II Бутунроссия съездида қабул қилинган “Сулҳ тўғрисидаги”, “Ер тўғрисидаги”, “Халқ Комиссарлари Совети тузилганлиги тўғрисида” ги Декретларининг берилишиёқ фикримизнинг яққол исботи. Кези келганда айтиб ўтиш керак советлар даврий нашрларга ўз ғояларини тарғиб қилишда асосий қурол сифатида қарашди. Буни 1917 йил октябрь ойидаёқ уларнинг ҳафтасига 3,5 млн нусхада нашр қилинганлиги ҳам исботлаб турибди. Бу даврда жами 75 та совет газета ва журналлари бўлиб, уларнинг 25 тасини ҳар кунлик нашрлар ташкил этган [5] ҳамда уларнинг сони йилдан йилга ўсиб борган.

Ушбу даврий нашрларнинг барчаси ўз саҳифасида совет давлатининг асосий ғояларини фаол оммалаштиришга зўр бериб ҳаракат қилди. Бу жараёнда “Наша газета” асосий роль ўйнади деб айтиш мумкин. Хусусан, унинг 1917 йил 30 ноябрдаги сониди Совет ҳукуматининг “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” деган Мурожаати эълон қилинади. Мурожаатда “Бундан буён сизнинг эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий ташкилотларингиз эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол қуриш. Сиз бундай ҳуқуққа эгасиз. Билиб қуйингизки, Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби сизларнинг ҳуқуқларингиз ҳам инқилоб ва унинг органлари, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади.

Шунингдек, “Наша газета” ўз саҳифаларида “Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари”, “Уруш ва сулҳ” ва бошқа шу каби масалаларни доимий бериб борган.

“Наша газета” 1918 йил 1 декабрдан “Известия” ва “Просвещение” нашрлари билан бирлаштирилиб, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (МИК) ва Тошкент совети органи сифатида чиқа бошлади [6].

Сўз ўрнида айтиш жоиз, “Наша газета” совет давлатининг Туркистондаги тарғибот-ташвиқот машинасининг муҳим бўлаги сифатида ишлаб келди ҳамда даврий нашр большевик ҳукумати томонидан юклатилган вазифаларни тўла-тўқис бажариб келди.

**Таҳлил ва натижалар.** Большевистик ҳукумат ўлкадаги маҳаллий аҳолини ўз ғояларига кенгроқ жалб қилиш мақсадида маҳаллий тилларда ҳам даврий нашрларни чоп қила бошлади. Улардан дастлабки 1918 йил 20 июндан чиқа бошлаган ҳамда Туркистон Республикаси Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги нашри бўлган “Иштирокиюн” (Коммунист) газетаси бўлиб, унинг дастлабки муҳаррири Ориф Клевлев эди. Газета бошлаб ҳафтада уч марта ўзбек ва қозоқ тилларида чиқиб, мундарижа ва техникаси паст, икки-уч минг босилса-да, олувчиси кам бўлган [7].

“Иштирокиюн”дан ташқари 1918 йил сентябрда Наманган ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари советининг органи бўлган “Ишчилар қалқони”, Самарқанд вилояти партия ва ижроия комитети органи “Камбағаллар товуши” ва бошқа шу каби ўзбек тилидаги совет нашрлари ўз фаолиятини бошлади [8].

Самарқандда дастлабки чиққан совет нашраларидан бири “Камбағаллар (Меҳнаткашлар) товуши” икки саҳифадан иборат бўлиб, ҳафтасига икки марта нашр қилинган. Муҳаррири Ҳожи Муин. Газета баъзи ўринларда “Меҳнаткашлар ўқи” номи билан ҳам аталгани маълум. “Меҳнаткашлар товуши” 1922 йил 28 сентябрга келиб ўз фаолиятини тўхтатган. Бунгача унинг 304 та сони нашр қилинган [9]. Газетада Муҳаммаджон Юсуфий, Айний, Қори Муҳаммадрахим Тожи, Мирсалимов, Абдужабборов, Мавлонбеков, Юсуф Алиев, Топилди Рахмонберди ўғли, Зоҳида Бурнашева ва бошқалар фаолият олиб борди.

Тохир Фатхулин масъул муҳаррирлигида 1918 йил 1 сентябрдан Наманганда нашр қилинган “Ишчилар қалқони” газетаси ҳам ўлкадаги совет даврий нашрлари орасида алоҳида ўринга эга. Газета ҳафтада икки марта - сешанба ва жума кунлари нашр қилиниб, асосан совет ҳукумати томонидан олиб борилаётган ўзгаришлар бериб борилган. Газета ўзининг “Маслак ва мақсад” деган мақоласида “Ўлкадаги миллий меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш унинг бош мақсади [10]” эканлиги билдириб ўтилади.

**Хулоса ва таклифлар.** “Ишчилар қалқони” газетаси Наманган ҳудудида совет бошқарувининг ўрнатилишида муҳим ролга эга бўлиши лозим эди. Шу боисдан газета саҳифаларида большевиклар ҳукуматининг ўлкада олиб бораётган сиёсатидаги фақат муваффақиятларни, “босмачилик”ка қарши советларнинг олиб бораётган курашларини ва унинг нақадар муҳимлигини ўрганилаётган даврда мунтазам ёритиб борилди. Бир сўз билан айтганда у Фарғона водийси ҳудудида совет ҳокимиятининг қарор топишида асосий тарғибот “қуrol”ларидан бирига айланди. Фикримизни газетанинг 1918 йил октябрда чиққан 14 сонидagi қуйидаги сўзлар ҳам исботлайди: “Эй мусулмон ўқув ҳаваскорлари! Келинг энди, асл муддаонгиздаги тартибли ва интизомли мактаблар вужудга келмоқда” [11].

Кейинчалик Наманганда “Ишчилар қалқони”дан ташқари “Известия”, “Наманган совдепининг бюллетени”, “Эркинлик” ва бошқа газеталарнинг ҳам нашр қилиниши совет ҳукуматини ўз ғояларини вилоят аҳолиси орасида кенгроқ ёйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умуман олганда 1918 йилдаёқ Туркистон ҳудудида газета ва журналларнинг хилма-хил йўналишлари большевиклар матбуотининг ғоявий бир хиллиги билан алмашди. Бу даврда ўлканинг турли ҳудудларида маҳаллий тилда 11 номдаги газета ва 2 та журнал совет даврий нашри сифатида фаолият кўрсата бошлади [12]. Кейинги йиллардан ўлкада уларнинг сони ошиб, ихтисослашган даврий нашрлар ташкил қилина бошланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 351-йиғма жилд, 11-варақ.
2. ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 7- йиғма жилд, 13-варақ.
3. О партийной и советской печати, радиовещании и телевидении. Сборник документов и материалов. – Москва: Мысль, 1972. – С. 57.
4. Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917-1924 гг.). Сборник документов. Т.1. – Ташкент: Узбекистан, 1973. – С. 434.
5. Эрнараров Т. Туркистонда вақтли матбуот (1870–1924 йиллар). – Тошкент: ЎЗДАВНАШР, 1959. – Б. 103.
6. Печать СССР за 50 лет. Статистические очерки. – Москва., 1967. – С. 131.

7. Саид З. Танланган асарлар. (Тўпловчи Ш.Турдиев). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 65
8. Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917–1941 йиллар). – Тошкент:
9. Адабиёт учқунлари, 2015. – Б. 220.
10. Хамраев Л. Первая ласточка. Из истории советской печати в Туркестане // Партийная жизнь (Ташкент). – 1970. – № 7. – С. 86-88.
11. Ишчилар қалқони // 1918 йил 22 октябрь.
12. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Ўзбекистон 1917–1939 йилларда.
13. 1-китоб / масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев, М. Рахимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 338.

УЎК 93/94

## СЕЛУНГУР ЁДГОРЛИГИНИНГ ТОШ ИНДУСТРИЯСИ ВА МАДАНИЙ ХОСЛИГИГА ДОИР

*А.М. Омонов, илмий ходим, Миллий археология маркази, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўрта Осиёнинг илк палеолит даврига оид стратиграфиялашган ягона ёдгорлиги - Селунгур гор макони тош индустриясининг техник-типологик таснифи ва маданий хослиги хусусида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** Илк палеолит, Олдувой, Ашел, тош индустрия, ўзак, учиринди, ретуш, бифас, тош болта, леваллуа.

**Аннотация.** Статья посвящена технико-типологическому описанию и культурной характеристике каменной индустрии Селунгуской пещеры, единственного стратиграфического памятника раннего палеолита Средней Азии.

**Ключевые слова:** Ранний палеолит, Олдувай, Ашел, каменная индустрия, нуклеус, отщеп, ретуш, бифас, кливер, леваллуа.

**Abstract.** The article is devoted to the technical and typological description and cultural characteristics of the stone industry Selungur cave, the only stratigraphic monument of the Early Paleolithic.

**Key words:** Early Paleolithic, Oldowan, Acheul, stone industry, core, point, retouch, biface, cleaver, levallois.

Ўрта Осиё - палеолит даври ёдгорликларига бой минтақалардан бири ҳисобланади. Хозирга қадар мазкур минтақадан қадимги тош даврининг илк, ўрта ва сўнги босқичига оид юзлаб ёдгорликлар аниқланиб, ўрганилган. Хусусан, минтақада илк палеолит даврига оид 20 дан ортиқ ёдгорликлар тадқиқ этилган бўлиб, улар тузилишига кўра макон-манзилгоҳлар, топилмажойлар ва устахоналарга бўлинади. Илк аждодларимизнинг қадимги излари сақланган ушбу маконларнинг айримлари стратиграфиялашган (маданий қатламга эга), баъзиларида эса маданий қатлам йўқ фақатгина ер юзасидан йиғилган топилмалар ҳамда лёсс тупроқдан олинган тош буюмларга эга ёдгорликлар ҳисобланади. Мазкур ёдгорликлар асосан Ўрта Осиёнинг тоғ ва тоғ олди худудларидан, йирик дарё ўзанлари ва қирғоқлари атрофида ҳосил бўлган қадимги террасалардан топиб ўрганилган [13]. Илк палеолит даврида Ўрта Осиё худудида яшаган қадимги аждодларимиз табиий бошпаналардан, тоғлар ёнбағирларидаги харсанг айвонлардан, ғор ва унгурлардан макон сифатида фойдаланишган. Ана шундай ғорлардан бири Помир-Олой тоғ тизмаси худудида жойлашган Селунгур ғор маконидир.

Селунгур ғори – Сўх дарёси водийсида, Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Ҳайдаркон қишлоғи чеккасида денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган. Ғорнинг кириш қисми Сўх водийси тубидан 50 м юқорида, Қатрантов тизмасининг қуйи қисмидан ўрин олган. Ғорнинг эни кириш қисмида 34 м, баландлиги 25 м ва чуқурлиги 120 м га етади. Ёдгорликда дастлабки қазилма ишлари, биринчи шурф А.И. Пошка томонидан, кейинчалик 1955 йилда А.П. Окладников ва П.Т. Конопля томонидан амалга оширилган [1, 14]. 1964 йилда эса М. Р. Қосимов томонидан эски қазилма деворини тозалаш натижасида 110 см чуқурликдан жигарранг кремнийлашган жинсдан ишланган тош буюмлар топилган [11,12]. А. П. Окладников ва М.Р. Қосимов тадқиқотлари оралиғида юқорида қайд этганимиздек, ғор

А. Пошка томонидан ҳам тадқиқ қилинган ва бу ерда ўтказилган қазилманинг 1 м чуқурлигидан тош буюмлар билан бир қаторда суякдан ишланган бигиз ҳам топилган [3].

Ёдгорликни тизимли ўрганиш ишлари XX асрнинг 80 йилларида Ў.И. Исломов томонидан амалга оширилган. 1980-1990 йиллар оралиғида Ў.И. Исломов раҳбарлигида комплекс (археологик, геологик, палеоантропологик, палеонтологик, палеоботаник ва ҳ.к.) тадқиқотлар олиб борилган. Селунгур маконини ўрганган тадқиқотчилар томонидан ғорда унча катта булмаган 9 та қазилмалар ўтказилган бўлиб, тадқиқотлар натижасида 8-қазилмада ёдгорликнинг стратиграфияси тўлиқ намоён бўлган, яъни бир-биридан соф қатламлар билан ажралган 20-100 см қалинликгача ораликдаги саккизта маданий қатлам аниқланган. Ёдгорликдан тошдан ясалган энг қадимги меҳнат ва ов қуроллари, қадимги одам суяк қолдиқлари (палеоантропологик топилмалар) ҳамда хайвонот (фауна) ва ўсимлик (флора) дунёси қолдиқлари топилган [2,4,5,6,7, 9,15].

### Селунгур макони тош индустрияси

1-Жадвал.

Селунгур ёдгорлиги бирламчи ишлов берилган тош буюмларининг тип-варақаси (Ў.И. Исломов, К.А. Крахмаль бўйича).

Тип	Жами:	%
<b>Ўзақлар:</b>	<b>38</b>	<b>4,5</b>
Гардишсимон	14	1,6
Ортогонал	12	1,4
Бир зарб майдонли	7	0,8
Икки зарб майдонли	2	0,2
Кўп зарб майдонли	3	0,3
<b>Учириндилар</b>	<b>814</b>	<b>95,5</b>
<b>Жами:</b>	<b>852</b>	<b>100</b>

Селунгур маконидан жами 1167 та тош буюм типологик тадқиқ қилинган бўлиб, улар асосан яшма, кремнийлашган охактош, қисман кремний ва бошқа тош хомашёсидан ишланган [8]. Ушбу буюмлардан 852 таси бирламчи ишлов берилган артефактлардан иборатдир. Шулардан 38 таси нуклеуслар (4,5 %) ва улар орасида гардишсимон (14 та) ҳамда ортогонал (12 та) шакллар етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек ўзақлар орасида кам сонли бир ва икки зарб майдонли, кўп зарб майдонли турлари учрайди. Н.К. Анисюткин томонидан Селунгурдан кам сонли леваллуа нуклеуслар ҳам ажратилган (0,1 %). Аммо левауллуа техникаси ёдгорликда тасодифий ва типологик жиҳатдангина ушбу тоифага киритилиши мумкин ёки маконнинг маданий қатламлари турли тараққиёт босқичларига оид деб ҳисобланиши мумкин.

Умуман олганда, Селунгурда тошларга бирламчи ишлов бериш йирик ва энсиз учириндилар чақмоқлаб олишга йўналтирилган, дейиш мумкин. Зарб майдончаларнинг асосий қисмини йирик ва текис турдагилар ташкил қилади. Ёдгорликда тошларга бирламчи ишлов беришда асосий эътибор учириндилар синдириб олишга қаратилган (1-жадвал). Селунгур ғоридан қазиб олинган тош қуроллар таркиби ҳам қизиқарли бўлиб, унинг тўплами турли маданий характерда ва анъаналарга ишлов берилган таркиби билан ажралиб туради. Тўпландаги йирик ёки макроқуроллар орасида чоппер ва чоппинглар катта ўрин тутаяди. Улар жами тош қуролларнинг 7 % ни ташкил қилади (2-жадвал). Селунгур макони чоппер ва чоппинглари Сўх дарёси ўзанидан йиғиб олинган яшма галкаларидан ишланган. Аммо Селунгур макони тош индустриясининг характеридаги асосий хусусият тишсимон-керткли ва тайяк типидagi тош қуролларнинг етакчи позицияни эгаллашидадир.

Макроқуроллар орасида кейинги поғоналарни бифаслар (4,8 %) ҳамда кливерлар (4,1 %) эгаллайди (2-жадвал). Бифаслар ва кливерларнинг биргаликда учраши Евросиёнинг илк палеолитга оид кўпгина комплекслари учун хос хусусият ҳисобланади. Бу ҳолат Ў.И. Исломов томонидан Осиё ашелига хос хусусият деб қаралган [3,7,10]. Селунгурнинг қўл чўқморлари Ў.И. Исломов томонидан ажратилган бўлиб, улар орасида бодомсимон, юраксимон ва асосан қисман ишлов берилган шаклдагилари мавжуд [8]. Ў.И. Исломов қисман ишлов берилган бифасларни ёдгорлик индустриясининг қадимийлик белгиси деб қарайди.

Таъкидлаш жоизки, Селунгур макони қўл чўқморлари орасида ўрта палеолит даври учун характерли бўлган кичик юраксимон шаклдаги сериялар учрайди [8]. Ёдгорликнинг бифас

қуроллари орасида кичик ҳажмли, яъни ўрта палеолит даврини характерловчи ҳамда гардишсимон бифаслар сериялари ҳам учрайди. Бундан ташқари, ғорнинг тош индустриясида кинсон типигаги тиғлар ҳам мавжуд ва бу ёдгорликни Ғарбий Европанинг тишсимон-тейяк типигаги индустриялари билан яқинлаштиради (Кинсон ғори).

2-Жадвал.

Селунгур макони тош қуролларининг тип-варақаси (Ў.И. Исломов, К.А. Крахмаль бўйича).

Тип	Сони	%
<b>Чоппер</b>	<b>21</b>	<b>6,7</b>
Ўйрик учириндидан ишланган чоппер	1	0,3
Ўзаксимон чоппер	2	0,6
<b>Чоппинг</b>	<b>7</b>	<b>2,2</b>
Олдувой типигаги кесгич	1	0,3
<b>Бифас</b>	<b>15</b>	<b>4,8</b>
<b>Кливер</b>	<b>13</b>	<b>4,1</b>
<b>Пик</b>	<b>3</b>	<b>0,9</b>
<b>Қалин типли қурол</b>	<b>6</b>	<b>2</b>
<b>Ўйрик қирғичлар</b>	<b>9</b>	<b>2,9</b>
Қўндаланг	4	1,3
Тишсимон	2	0,6
Ёнлама	3	0,9
<b>Қирғичлар</b>	<b>122</b>	<b>38,7</b>
Ёнлама	55	17,5
Қўндаланг	33	10,4
Бурчаксимон	5	1,5
Кертик қиррали	7	2,2
Тишсимон	3	0,9
Кетма-кет ретушли	3	0,9
Икки ёқлама	5	1,5
Иш қирраси буртик	2	0,6
Тўғри иш қиррали	2	0,6
Тош бўлагидан ишланган	2	0,6
S-симон иш қиррали	5	1,6
<b>S-симон иш қиррали қирғиччалар</b>	<b>7</b>	<b>2,2</b>
<b>Икки қиррали қирғиччалар</b>	<b>5</b>	<b>1,6</b>
<b>Рабо</b>	<b>7</b>	<b>2,2</b>
<b>Тумшуксимон қуроллар</b>	<b>27</b>	<b>8,6</b>
<b>Тишсимон қуроллар</b>	<b>11</b>	<b>3,5</b>
<b>Ўйиб-кертиб ишланган қурол</b>	<b>16</b>	<b>5,1</b>
<b>Тайяк типигаги тиғ</b>	<b>17</b>	<b>5,4</b>
<b>Кинсон типигаги тиғлар</b>	<b>4</b>	<b>1,3</b>
<b>Кетма-кет ретушли тиғлар</b>	<b>2</b>	<b>0,6</b>
<b>Кесгич</b>	<b>10</b>	<b>3,2</b>
<b>Қирғичча</b>	<b>1</b>	<b>0,3</b>
<b>Композит қуроллар</b>	<b>8</b>	<b>2,5</b>
<b>Жами</b>	<b>315</b>	<b>100%</b>

Тип-варақадан кўриниб турибдики, Селунгур ғори материаллари орасида тишсимон элементлар етакчи поғонани эгаллайди (35 % га яқин). Улар қаторига тайяк типигаги тиғлар, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, пиклар, қалин типли қуроллар, тишсимон ва кертикли қуролларни киритиш мумкин (2-жадвал). Умуман, Селунгур макони тош қуроллари орасида катта ўрин эгалловчи қирғичларнинг ҳам катта қисми тишсимон-кертикли ретушлар ёрдамида ишланганлигини ҳисобга олсак, ушбу кўрсаткич янада юқори бўлиши табиий.

Маконнинг маданий қатламларидан А. Пошка томонидан суяқдан ишланган тош бигизнинг топилганлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Ғарбий Европанинг палеолитида суяқдан ишланган қуроллар айнан тишсимон-тейяк типли индустриялардан бошланганлиги исботланган.

Селунгур ғори тош индустриясининг ўзига хос хусусиятлари қаторига ғорнинг тоmidан синдириб олинган ёки синиб тушган охактош бўлақларидан тош қуроллар яшаш анъанасини

хам киритиш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этишимиз жоизки, Ғарбий Европанинг тейяк типигади индустрияларида қўл чўқморлари ва кливерлар деярли учрамайди. Бу ҳолат Селунгурни Европанинг бу турдаги комплексларидан ажратиш туради. Кўриниб турибдики, Селунгур макони тош индустриясида бифаслар ва галкали қуроллар ишлаб чиқариш омухталашган. Бу шундан далолат берадики, ёдгорликнинг технокомплекси илк палеолит даврида маҳаллий олдувой маданияти индустриялари иккинчи миграцион оқим – ашел маданияти индустриялари ўртасида генетик жиҳатдан синтезга учраганлигини намоён қилади. Ў.И. Исломов томонидан Селунгурнинг материалларини Осиёча ашел маданиятига киритилиши тўғри эмас. Бундай талқин учун муаллиф ёдгорликда қўл чўқморларининг кливерлар, яъни тош болталар билан биргаликда учрашини ва бунинг фақат Осиё ашели учун хос хусусият эканлигини асос қилиб олади. Бироқ, таъкидлаш жизки, кливерлар Европа ашели индустриялари учун ҳам хос хусусият ҳисобланади.

Шундай қилиб, Селунгур макони тош индустриясини на олдувой ва на ашел маданиятига, балки олдувой ва ашел индустриялари синтезлашган маданиятлар қаторига киритиш ўринли бўлади. Ёдгорликнинг индустриясида леваллуа техникаси жуда кам учрайди (1 %) ва бу тасодифий характерда бўлиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, бундай микдорий кўрсаткич интерпретацион хулосалар қилиш имконини бермайди. Айтиш мумкинки, Селунгур индустрияси биринчи оқим ашел маданияти жамоалари комплекслари билан аралашган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исломов У.И. Первая нижнепалеолитическая пещерная стоянка в Ферганской долине // ОНУ. №8. Ташкент, 1984. – С. 4.
2. Исломов У.И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур // ИМКУ. Вып. 19.1984. – С. 5.
3. Исломов У.И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. – Ташкент, 1988. – С. 12.
4. Исломов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине // Вопросы антропологии. Вып. 80. Москва, 1988. – С. 66.
5. Исломов У.И., Крахмаль К.А. Некоторые проблемы палеоэкологической реконструкции ашельской стоянки Сель-Унгур // ОНУ. № 12. Ташкент, 1990. – С. 5-16.
6. Исломов У.И. Древнейшая пещерная палеолитическая стоянка Сельунгур в Ферганской долине // СА. №2. 1990. – С. 115 – 126.
7. Исломов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгур. Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск, 1992. – С. 143-163.
8. Исломов У.И., Крахмаль К.А. Палеоэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии: – ФАН: Ташкент, 1995.– С. 220.
9. Исломов У.И. К вопросу о датировании нижнего палеолита Узбекистана. К истокам древнекаменного века Средней Азии. Фан: Ташкент, 1996. – С. 5-14.
10. Исломов У.И., Халмухамедова Р.А., Крахмаль К.А. Исследования палеоэкологии антропогена Центральной Азии // Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. Изд-во ИАЭТ СО РАН. Новосибирск, 2002. – С. 113-118.
11. Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // ИМКУ. Вып. 7. 1964. – С. 7-13.
12. Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана. Автореф. дисс. докт. ист. наук. Новосибирск, 1990. – С. 40.
13. Омонов А.М. Марказий Осиёнинг илк палеолит даври маданиятлари муаммолари (Селунгур ёдгорлиги мисолида) // Ўтмишга назар // №9, 4 жилд, 2021. Б.72-85.
14. Пошка А. Пещера Сел-Ун-Хур // ВА вып. 2. 1960. – С. 38.
15. Халмухамедова Р.А. Палинологические исследования пещерных отложений древнепалеолитической стоянки Сельунгур. Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке в Средней Азии. Тез. докл. – Ташкент, – С. 78.

УЎК 124.5

#### МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҚАРАШИДАГИ КОМИЛ ИНСОН

*А.К. Рамазанов, таянч докторант, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент*

*Аннотация. Бугунги гўзал асримизда ахборот технологиялари ривожланган даврида яшаймиз. Шундай экан маънавият масаласи, комил инсон, масаласи ёш авлодни маънавий*

жиҳатдан юксак тарбия топиши, янада долзарб аҳамият касб этади. Зеро Жалолиддин Румий айтганидек “Ақлларнинг ақлларга, фазилатларнинг фазилатларга қўшилиши” инсонни ҳам, одамзот наслини ҳам бақувват, ҳур ва бардам қилади. Ушбу мақолада Жалолиддин Румий ижодига комил инсон қарашига тўхталилади.

**Калим сўзлар:** Румий, Маснавий, тасаввуф, ахлоқ, комил инсон.

**Аннотация.** Сегодня мы живем в век передовых информационных технологий. Поэтому все более актуальным становится вопрос духовности, вопрос совершенного человека, вопрос духовного воспитания подрастающего поколения. Потому что, как сказал Джалалуддин Руми, «Соединение умов с умами, добродетелей с добродетелями» делает и человека, и человеческий род сильными, свободными и стойкими. В этой статье будут обсуждаться взгляды Джалалуддина Руми на идеального мужчину.

**Ключевые слова:** Руми, Маснави, мистицизм, мораль, совершенный человек.

**Abstract.** Today, we are living in the age of advanced information technology. Therefore, the issue of spirituality, the issue of a perfect person, the issue of the young generation's spiritual upbringing, becomes more urgent. Because as Jalaluddin Rumi said, "The joining of minds to minds, virtues to virtues" makes both man and the human race strong, free and resilient. In this article, Jalaluddin Rumi's views on the perfect man will be discussed.

**Key words:** Rumi, Masnavi, mysticism, morality, perfect human being.

Аждодларимиз инсонни инсоннинг ўзига тушунтириш, маҳорати инсондаги илоҳийлик, эзгуликларни, маънавиятини ривожлантириш учун курашганлар, бу борада ҳикмат бўлиб жаранглайдиган, дунё илму-фанини, оқилна бебаҳо фикрлари билан дунёни забт этганлар. Уларнинг ўлмас асарлари бугунги кунимиз учун айниқса қимматли ва ардоқлидир! Чунки бугун миллий маънавият пойдеворини қўяр эканмиз, улуғ боболаримизнинг оқилна сўзлари, ёлғон гапирмаслик, ваъдасини ўз вақтида бажаришга бўлган масъулиятига ва асл ғояларига таянамиз. Ана шу ғоялар инсонда мужассамлигини асослашга киришган ва инсондаги бу иқтидор илм-маърифатни, дунё фанларига етказишда, беминнат хизмат қилган буюк алломаларимиз бор!

Инсон яралибдики, комил инсон, баркамол инсон бўлишга интилади. Бу тоифадаги инсонлар илм-маърифатга, гўзал хулқ-атворга, эга бўлиб оиласига, ватанига, халқига эзгулик ишларини беминнатлик ила тақдим этади. Бундай фидойи инсонлар ҳар бир юртнинг энг қадрли бебаҳо инсонларидан ҳисобланди. Ўтмишдаги улуғ аждодларимиз инсонийликнинг мана шу асл мақсади сари интилганлар.

“Қадимги аждодларимиз, -дейди И.А.Каримов, -комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, садокатли бўлади. Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўларок, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди” [7].

**Ана шундай улуғ мутафаккирларимиздан бири Жалолиддин Румий унинг ижодининг энг ёрқин дурдонаси бўлмиш бу мураккаб тарихий, бадий асарга қайта-қайта мурожаат қилишининг сабаби, Жалолиддин Румий мафкурасининг, маънавий-ахлоқий тамойилларининг бугунги замон кишининг руҳияти, қалб ва шурига яқинлиги, ҳаётлигидадир.**

Мавлоно жалолиддин Румий “Маънавий маснавий”си таҳлили асосида ҳаётимизнинг маънавий қирралари тамсиллий ҳикоялар орқали кенг маънода ёритилади. Ҳар бир фикр, қараш, кузатиш, ҳаётий тажриба ўқувчини, китобхонни рўҳий ва ахлоқий камол топишига, жамиятда эса соғлом ва покиза муҳитни юзага келтиришига бекиёс ҳисса қўшади.

“Маънавий-маснавий”да қамраб олинган тарих, ижтимоий ҳаёт, шахс камолоти, адабиёт, фалсафа ва ахлоқ каби масалаларнинг ҳар бири алоҳида ўрганишни, тадқиқотларни талаб қилади.

Биз “Маънавий-маснавий”да баён қилинган кўп қиррали мавзуларидан бири “**Комил инсон**” ҳикоясини баҳоли кудрат таҳлил қилишга жазм эттик.

Жалолиддин Румий покиза нигоҳ билан дунёга назар солади. У инсонни қандай бўлса шундайлигича ўрганади. Инсоннинг қалб тўридаги энг нозик, энг инжиқ, энг гўзал яширин сирларини ошкор қилади. Рухимиз оламидаги аълоликларни ва ўзимиз сезмаган қонуният, заруратларни кўрсатиб беради. Жалолиддин Румий ўрганишлари натижасида инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида нуқсонлари-нафси, хирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузликларни таҳлил қилиб, улардан қутулиш йўлларини, покланиш имкониятининг фазилатларини баён этади. Тасаввуф оламининг султони Жалолиддин Румий кузатишларида одамлар бир-биридан бойлиги, ирқи, дини, насли-насаби билан эмас, балки инсонни комилга не чоғлик интилишлари билан фарқ қилади. Комилликка интилаётган ҳар бир инсон ўз меҳнат самараси, қобилиятига яраша эриша олади.

Жалолиддин Румийнинг илм тафаккурини кўздан кериб шуни гувоҳи бўламизки, шу кунга қадар илм пири Жалолиддин Румийнинг ахлоқий, тарбиявий, диний ва ватанга муҳаббат, комил инсон, илоҳий ишқ ҳақидаги қарашлари кенг ўрганилган. Лекин унинг назарий ва амалий асослари ҳақида тадқиқотлар жуда кам. Баъзи бир тадқиқотларда унинг қомогоник назариясига оид ишоралар ҳам учраб туради [2]. Жалолиддин Румийнинг инсон қалби ҳолати ва инсоннинг борлиқ билан алоқасини изоҳловчи рамзий тили баъзи тадқиқотчилар тамонидан ўрганилган [5]. Шу боис нуфузли олим устоз Хумойи инсоннинг ташқи олам билан руҳий ва маънавий муносабатлари имкон даражасида кенг ўрганилган [6].

Инсон билан уйғун бўлишга чексиз ташналик Жалолиддин Румий тасаввуф оламини, фалсафани ҳаракатга келтирувчи катта куч эди. Жалолиддин Румийнинг шогирдлари ўзларини суфийлар эмас, ошиқлар деб билишган. Уларга билиш йўлида тасаввуфнинг Султони карвонбоши Жалолиддин Румий ишқ-муҳаббат элчиси деб аталган. Тасаввуфнинг Султони, файласуф олим назариясида севги бутун борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч эди. Майса ҳам, жисм ҳам, ақл-идрок ҳам, ҳаёл ҳам хотираси ила севишга қодир деб айта олади. Ҳар нечук севги-хунарга, ерга, ватанга муҳаббат, Мавлоно учун ҳақиқий ишқ йўлидаги босқичлардандир. Шунинг учун ҳам у хайридир.

Жалолиддин Румий ишқ-муҳаббатни, севгини зарин нурларини таратиб турган қуёшга ухшатади. Лекин ўз-ўзига бино қўйишни у ўз танини зиндонга солиш деб билади. Буюк олим инсонга, аёлга бўлган муҳаббатни олқишларди. Зеро инсон ўзига ўхшаган инсонга муҳаббат қўйиши билан, ўз асиллик моҳиятини, инсонийлик моҳиятини англаб этади.

Маълумки, Мавлоно Жалолиддин Румий ўзининг тўнғич ва севмли ўғли Султон Валидий ўзининг Муршидининг қизи Фотима бонуга уйлантирган. Фотима эса шогирга яқин шогирд бўлганлиги туфайли ўғли каби, балки ундан-да, ортиқроқ қадрли ва суюкли эди. Ўғлининг тўйдан сўнг бир мактуб йўлладики, зеро билимларини сақлаганларга илму асрор насиб этиб, мактуб сўзлари замирида эса унинг ўз қалби кашф этган сиру синоатлари бисёр бўлса ажаб эмас.

Бугунги тараққий этаётган асримизнинг югурик кунларида Жалолиддин Румийнинг мактуби мазмуни билан танишиш имконияти берилган.

“Бугун, деб ёзган эди файласуф ўғлига, -сенинг никоҳ айёмингда кўзим ва кўнглимнинг нури бўлмиш Фотима бонуни асраб-авайлагайсен, деб сенга топширдим, зеро бу сен учун буюк синовдир. Умид улким, ҳамиша унга адолат мақомида муомила қилгайсен, ҳиммат-ҳимоятингни ному-номуси ёруғ ва мусаффо бўлсин, десанг, хотининг билан кечган ҳар кунинг тўй, ҳар тунинг никоҳ оқшоми бўлгай. Уни ҳамиша қалбинг тузоғи ила овлагайсен, унга ҳеч қачон энди овлашга ҳожат йўқ бир ўлжа, деб қарамагайсен. Зеро бундоқ деб ўйлагувчилар енгил-елпи назарли киши бўлиб, ўшалар ҳақида, улар фақат дунёнинг суратини кўргайлар”[5] - деб мактубини ўғлига юборади. Файзли мактуб асосида ўғли бахтли турмуш соҳиби, соҳибаси шарафига эришадилар.

Ушбу мактуб сўзлари оила остонасига қадам қўяётган ҳар бир йигит, ҳар бир қиз учун тарбиявий қоида бўлса арзигуликдир.

Жалолоддин Румий хотин қизлар ҳақида яна шундай дейди: “Парвардигорнинг ерда энг яхши кўрган инсони бу аёл, она!”

Аллохнинг амри ила аёл ҳаёт давомчиси! Тангрининг пайғамбарларини, валийларни, авлиёларни, улуғ подшоҳларни, илм пирларини, комил инсонларни ва ер юзидаги халқни дунёга келишига аёлга беқиёс имконият яратди. Инсон зоти борки бу маъбуда қаршисида ҳамон тиз чўкиб, унинг меҳр-нуридан камол топиб комиллик сари одимлайдилар. Унинг қадир-қиймати жуда улуғ бўлиб, энг олий ҳурмат соҳибасидир!

“Маънавий маснавий” нинг тамсилий ҳикоялари, улардаги фалсафий қарашларда қиссадан ҳисса бор. Мавзулар бир-бирини тўлдириб келади ва аниқ бир ғоя асосида оидинлашади. Бу ғоя “Яратганнинг севган кули бўлиш”дир...

Жалолоддин Румийнинг тасаввуф оламига, фалсафасига эътибор ила назар ташлар эканмиз унинг маънавий-ахлоқий тамойилларининг бутунги замон кишисининг руҳияти, қалб ва шуурига яқинлиги, ҳаётгийлигидадир.

Жалолоддин Румий эътиқодини касбга айлантириб олган уламо-ю, фақиҳлар, суфий шайхлар хусусида кескин фикрларни айтади: “уламо-ю сўфийлар дину-диёнатнинг йўлидаги қароқчилардир” инчунун, илм ҳам, иймон ҳам мақсад эмас, восита. Хўш, мақсад нима? Мақсад- комил инсон! Лекин ҳар қандай, ҳар нечук инсон эмас. Ёлғиз ўз манфаати ва эҳтиёжлари ила банд бўлган, тирикчилик ташвишлари билан зир югурган, улардан баланд кўтарила олмаган кимса ўз инсоний моҳиятини англаш йўлида ўзига парда бўлади. “Сен ҳамма нарсани унутишинг мумкин, ёлғиз бир нарсани-нечун дунёга келгансен, шуни унутмасанг бас. Ўзингни арзон сотмагайсен, илло баҳонинг баланд!”[6] дейди Жалолоддин Румий ўз шогирдларига.

Мақсад-мукамал инсон, инсони комил. Ўз-ўзини англаган эзгулик йўлида камол топган ҳар бир инсон, комил инсон эзгу-аммаларнинг бош қаҳрамонидир. Буюк олим назарида комил инсон ана шундай бўлади.

Жалолоддин Румий ҳеч қачон эришганига қаноат қилмади, умрининг охиригача олға ва яна олға интилди. Унинг эришганига қаноат қилиши ҳиссий маънавий ўлим, замон билан ҳамнафас бўлиб яшаш эса ҳаёт эди.

Агар Инсонлар бирлашиб, бир-бирига ёндошсалар бошқалар тўғрисида чинакамига қайғуради. Ўзаро ёрдам ва алоқа ўрнатишганда адолатнинг синалган гўзал йўллари пайдо бўлиб, яшаш таризлари тартибга тушади. Инсонларнинг аҳволи мустақамланади ва инсон зоти қадирланади. Жаҳоннинг улуғ олими Жалолоддин Румий ўз ҳаётда тажрибаларида, улкан асарларида мана шу ғояни илгари сурди. Жалолоддин Румий халқ шоири бўлиб, бутун башариятнинг шоирига айланди. Мавлоно Жалолоддин Румий ушбу сатрларни битганида минг қарра ҳақ эди:

Агар ўлсам, мени асло тупроқдан ахтарманг,  
Яшармен, аҳли ориф кўнглини мангу макон айлаб.

Ҳар бир инсонда кўнгил ойнаси бўлади. Унинг тоза бўлиши эса инсоннинг ўз кўлидадир. Агар инсон қалб ойнасини пок тутмоққа ғайрат қилса, Аллоҳ таоло унга ёрдам беради... Сўфийлар айтадиларки, “Банда қалби ва иродаси билан ахлоқини тузатишга интилиб, ёмон одатларни ўзидан йўқотишга ҳаракат қилса, Аллоҳ унга хулқини гўзаллаштириш имконини беради.

Қалби топ-тоза бўлган киши комил инсондир! Унга қараганлар унда Ҳақни кўрадилар! Комил инсоннинг қалби шу даражада пок бир ҳолга келадики, ёмон одатлар унга таъсирини ўтказа олмайди. Ҳазрат Мавлоно Жалолоддин Румий ана шундай гўзал пок қалблар билан биргадир!

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Тақий-йэ Жаъфарий. Тафсир ва нақду таҳлил-э “Маснавий”. Биринчи ва олтинчи жилдлари.- Техрон,1361.-С.10.
2. Радий Фиш. Жалолоддин Румий:Тарихий биографик роман 91бет. (Русчадан Жамол Камол тарж.--- Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил.
3. Радий Фиш. Жалолоддин Румий:Тарихий биографик роман 190 бет. (Русчадан Жамол Камол тарж.--- Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил.

4. Радий Фиш. Жалолиддин Румий:Тарихий биографик роман 258 бет. (Русчадан Жамол Камол тарж.--- Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил.
5. Зарринкуб,Абдулхусайн. Сирр-эней. Ж.1. Техрон: Илмий, 1372.-С.171.
6. Хумойи, Жалолиддин. Мавлавийномэ. Ж.2. –Техрон: Хумо, 1366.-С.716.
7. И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3- жилд; 39-бет. Тошкент: “Ўзбекистон” 1995йил.

УЎТ: 719:72(575.1)

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ (МАНБАШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ)

*М.Ф. Расулов, PhD, Фаргона давлат университети, Фаргона*

***Аннотация.** Мақола Ўзбекистонда маданий мерос объектлари илмий тадқиқотлари ва манбашунослиги масалаларига бағишланган. Мақолада кўрилатган муаммо бўйича мавжуд илмий тадқиқот ишлари ва манбалар таҳлил этилган.*

***Калим сўзлар:** маданий мерос объектлари, меъморий иншоотлар, Миллий архив, Туркистон Археология ҳаваскорлари тўғараги, Турккомстарис, Средазкомстарис, Самкомстарис, ЦУАРДЕЛ.*

***Аннотация.** Статья посвящена вопросам научного исследования и источниковедения объектов культурного наследия Узбекистана. Проанализированы научно-исследовательские работы и источники по данной проблематике.*

***Ключевые слова:** объекты культурного наследия, архитектурные сооружения, Национальный архив, Туркестанский кружок любителей археологии, Турккомстарис, Средазкомстарис, Самкомстарис, ЦУАРДЕЛ.*

***Abstract.** The article is devoted to the issues of scientific research and source study of objects of cultural heritage of Uzbekistan. Research works and sources on this issue are analyzed.*

***Keywords:** objects of cultural heritage, architectural monuments, National Archives, Turkestan circle of archeology amateurs, Turkkomstaris, Sredazkomstaris, Samkomstaris, TSUARDEL.*

Ўзбекистонда халқаро ва ички туризмни ривожлантириш, уни иқтисодийнинг салмоқли даромад келтирадиган соҳасига айлантириш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Бу ҳолат республикада мавжуд бўлган маданий мерос объектларини янада чуқурроқ ва холис тадқиқ этишни талаб этади. Чунки, республикага кириб келаётган сайёҳлар оқимининг катта қисми, асосан, қадимий шаҳарларимиз ва у ердаги меъморий иншоотларни кўргани, уларнинг тарихи билан танишгани келмоқда.

Ҳозирги кунда республикада 8208 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2197 таси меъморчилик, 4730 таси археологик ёдгорликлар, 682 таси маҳобатли санъат объектлари, 526 таси диққатга сазовор жойлардир [1].

Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий обидалар ҳамда иншоотларнинг тадқиқ этилиши ва бу борадаги дастлабки илмий асарларнинг яратилиши, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Мавзуга доир илмий манба ва адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсад мувофиқ бўлади.

Биринчи гуруҳга чор Россияси ҳамда совет даврида яратилган илмий-тадқиқотлар киради. Ушбу икки давр манбаларининг бир гуруҳга киритилганлиги сабаби, мустамлакачилик даври олимларининг деярли кўпчилиги совет тузуми даврида ҳам ижод қилганликлари ҳамда уларнинг тадқиқотлари совет нашриётларида эълон қилинганлиги билан изоҳланади. Бу борадаги дастлабки тадқиқотлар Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, Б.Н.Засипкин, А.А.Семёнов, Д.И.Нечкин, И.И.Умняков, В.А.Шишкин, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, М.Е.Массон [2] каби йирик олимлар томонидан амалга оширилган.

Совет даврида яратилган ва маданий мерос объектлари муаммоларига бағишланган манбаларлар сирасига Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Н.Б.Немцева, А.Ҳаққулов, П.Ш.Зоҳидов, И.Азимовлар [3]нинг маданий мерос объектларида олиб борилган меъморий-техник кузатувлари ҳисоботларини, М.А.Салимов, Ф.М.Ашрафий, И.В.Исроилов, К.С.Крюков [4] ва бошқаларнинг илмий мақолаларини киритиш мумкин. Бундан ташқари,

В.А.Нильсен, Ю.Р.Рахматуллаев, И.М.Азимов, Р.Сеитовалар [5]нинг диссертацияларида Ўзбекистонда маданий мерос объектларни ўрганиш, сақлаш билан боғлиқ айрим муаммолар тадқиқ этилган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш муаммолари бўйича Г.А.Пугаченкова, Н.Б.Немцева, А.Ҳаққулов, П.Ш.Зоҳидов, М.Қ.Аҳмедовлар [6]нинг асарлари яратилди. Шу билан бирга, М.А.Мирзаев, Х.С.Исломхўжаев, А.Р.Абриев, М.Ф.Расулов [7] ва бошқаларнинг илмий-тадқиқотлари ҳам республикадаги маданий мерос объектлари муаммоларига бағишланган.

Истиклол йилларида Ўзбекистон ҳукуматининг маданий-маърифий соҳаларда олиб бораётган фаолияти халқаро майдонда эътироф этилди. Республикадаги маданий мерос объектларини тадқиқ қилиш ва дунё илм аҳлига етказишда хорижий тадқиқотчиларнинг асарлари ҳам диққатга сазовордир. Булар жумласига А.А.Беннигсен, С.М.Горшенина (Ўзбекистонда туғилиб-ўсган ва 1996 йилда тарих фанидан номзодлик диссертациясини ёқлаган, ҳозирда Францияда яшаб, илмий-тадқиқотлар олиб боради – Р.М.), Фредерик Бопертюи-Брессанд, Клод Рапин, С.Ф.Старр [8] каби олимларнинг илмий-тадқиқотларини киритиш мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, француз советшунос олими А.А.Беннигсен асарларида, асосан, СССРда ислом дини ва мусулмонлар ҳаётини ёритиш билан биргаликда, Ўзбекистондаги меъморий обидаларнинг асосий қисмини ташкил этган масжид ва мадрасаларнинг аҳволи ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Миллий архиви (*кейинги сатрларда – ЎзМА – Р.М.*) фондларида маданий ҳамда меъморий ёдгорликлар тарихига оид бой материаллар мавжуд.

Тарихий ёдгорликлар бўйича дастлабки архив ҳужжатлари сифатида Туркистон Археология ҳаваскорлари тўғарагининг (1895 йилда ташкил топган) материалларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Архивдаги 71-фонд 30 та йиғма жилддан иборат бўлиб, унда 1895 йилдан то 1917 йилгача, яъни тўғарак фаолият кўрсатган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар сақланмоқда. Фондда тўғаракнинг археология масалалари бўйича мажлис баёнлари, Марказий Осиёдаги орийлар маданияти, Туркистоннинг турли жойларидаги археологик қазилмалар натижалари, 1897 йил 5 сентябрда рўй берган zilzila оқибатида Самарқанддаги кўҳна меъморий ёдгорликларнинг зарар кўриши ва уни таъмирлаш билан боғлиқ масалалар, Марказий Осиё наққошлиги, археологик тадқиқотлар тасвири, қадимги ёзувларнинг расм ва чизмалари ва бошқа ҳужжатлар жамланган [9].

Тўғарак аъзолари томонидан олиб борилган илмий изланишлар, йўлга қўйилган дастлабки археологик қазилмалар маданий мерос объектларини ўрганиш ишларининг дебочаси бўлди.

Айниқса, Н.И.Веселовский бошчилигида 1895–1896 ва 1898–1899-йилларда ташкил қилинган илмий экспедициялар, В.Л.Вяткин томонидан 1908 йилда Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топилиши диққатга сазовордир. Н.И.Веселовский экспедициялари натижасида Самарқанд, Бухоро, Наманган, Хива, Хўжанд, Ўш, Ўзган ва бошқа шаҳарлардаги меъморий ёдгорликлар ўрганилди. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, бу тадқиқотлар билан боғлиқ архив ҳужжатлари ҳозирги кун нуқтаи назаридан танқидий ва холисона ўрганишни тақозо қилади. Чунки, ўша экспедициялар натижасида қўлга киритилган осори-атиқалар, қимматбаҳо буюмларнинг энг саралари Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейига олиб кетилган. Қимматбаҳо буюм ва осори-атиқалардан ташқари, Марказий Осиёдан Россияга 1865–1917 йилларда 3000 дан зиёд шарқ қўлёмалари ҳам олиб кетилди [10].

ЎзМАнинг Р-394-фондида Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлиги қошида тузилган музейлар, қадимий ёдгорликлар, обидалар, санъат ва табиатни сақлаш Туркистон қўмитаси (Турккомстарис – 1921 йилдан 1925 йилгача фаолият кўрсатган) ва унинг вориси Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис – 1925 йилдан 1928 йилгача фаолият кўрсатган) ҳужжатлари сақланади. Мазкур фонднинг 3 та рўйхатида 463 та йиғмажилд мавжуд бўлиб, кўрилатган масала бўйича қимматли ҳужжатлар жамланган [9]. Мазкур ҳужжатларнинг илмий аҳамиятини акс эттирувчи қуйидаги мисолни келтириш мумкин: фонднинг 1-рўйхатидаги 3-йиғмажилдда Самкомстарис (ёдгорликларни сақлаш Самарқанд вилояти

кўмитаси) фаолияти, Марказий архив бошқармасининг (ЦУАРДЕЛ) Самарқанддаги ёдгорликларни текшириш натижалари ва таъмирлаш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги ҳисоботи, Улуғбек расадхонасида олиб борилган археологик қазилмалар тўғрисидаги ахборот ва бошқа ҳужжатлар сақланади.

Турккомстарис томонидан Марказий Осиёдаги маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, уларни тадқиқ қилиш ва оммалаштириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Мазкур кўмита фаолияти давомида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудининг турли жойларига элликка яқин йирик илмий экспедициялар юборилди. Шундан Самарқанд ва Бухорога жўнатилган йирик экспедициялар натижасида жойлардаги обидалар тарихий, археологик ва этнографик нуқтаи назардан чуқур ва кенг ўрганилди. Самарқанд, Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги қадимий бинолар ва иншоотлар рўйхати кенгайди. Бу борадаги текшириш ҳужжатлар архив фондида сақланади.

Шу билан боғлиқ ҳолда “Средазкомстарис ахборотлари” матбуот органининг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак. “Ахборотлар”да Средазкомстариснинг ўлкадаги тарихий ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш соҳасидаги фаолиятини ёритиб берувчи мақолалар босилган эди. Булар эса, ўз навбатида, мазкур фонд ҳужжатларининг илмий аҳамияти тўғрисида аниқ тасавурлар ҳосил қилиш имкониятини беради.

Марказий давлат архивининг Р-2296-фондида [9] сақланаётган Ўзбекистон ССР маданият вазирлиги қошидаги “Тарихий ёдгорликлар ва тасвирий санъат асарларини муҳофаза қилиш Бош бошқармаси”нинг 1928 йилдан то мустақилликгача бўлган даврга оид ҳужжатлар жамланган. Бу фондда ҳам тарих ва маданият ёдгорликларнинг сақланиши, муҳофазаси бўйича қабул қилинган қонунлар, ҳукуматнинг қарор ва буйруқлари, ёдгорликларни таъмирлаш ишлари тўғрисида ҳисоботлар мавжуд.

Булардан ташқари Р-2761 (Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш жамияти), Р-2487 (ЎзССР маданият вазирлиги), Р-837 (ЎзССР Министрлар Совети), Р-2456 (СССР Министрлар Совети қошидаги ЎзССР бўйича диний ишлар кенгаши) фондлари ҳужжатларида ҳам маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланишга доир қимматли маълумотлар учрайди.

Архив ҳужжатлардан, хусусан, собиқ иттифоқ даври ҳужжатларидан фойдаланишда ҳозирги кун нуқтаи назаридан ёндашиб, уларни ҳолисона ўрганиш лозим, чунки улар ўша даврда ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура руҳида яратилганлигини ёддан чиқармаслик керак.

ЎзМА М-7-фондида маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 1992 – 2001 йилларга тааллуқли ҳужжатлари жамланган бўлиб, унда 1125 та йиғма жилд мавжуд. Мазкур фонддаги ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти юқорида кўриб ўтилган ҳужжатлардан анча фарқ қилади. Чунки, бу ҳужжатлардан истиқлол йилларида тарихий-маданий ва меъморий иншоотларга муносабатнинг тубдан ижобий томонга ўзгарганлиги, маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, кўхна ёдгорликларни таъмирлаш-тиклаш билан биргаликда янги мажмуа ва иншоотлар яратилиши, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари кўламнинг кенглигини билиб олиш мумкин. Жумладан, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарлари тарихий марказларининг ЮНЕСКО қошидаги Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритилганлиги, буюк давлат арбоблари ва алломаларимиз юбилейларининг халқаро миқёсда нишонланиши билан боғлиқ ҳужжатлар янги ва ҳаққоний манбалар сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Архивларда давлат муассасалари органларидан ташқари, шахсий фондлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан маданий мерос объектларини тадқиқ этишда кенг фойдаланиш мумкин. Масалан, 2406 (Засипкин Борис Николаевич), 1591 (Вяткин Василий Лаврентьевич), Р-2503 (Муродов Уста-Ширин), Р-2631 (Усмонов Маҳмуд), 2773 (Массон Михаил Евгеньевич), Р-2823 (Ланда Леонид Михайлович), Р-2793 (Ремпель Лазарь Израилович), Р-2810 (Маньковская Лия Юльевна) ва бошқа шахсий фондлардан маданий мерос объектларининг ўша даврдаги ҳолати, сақланиши ва таъмирлаш-тиклаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида қизиқарли маълумотлар олиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги маданий мерос объектлари, уларнинг сақланиши ва муҳофаза қилиниши тарихини ўрганиш ҳозирги кунда давлат сиёсати даражасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Биринчидан, истиқлол йилларида тарих ва тарихий жараёнларга янгича ёндашув юзага келди. Иккинчидан, маданий мерос объектлари халқаро туризмнинг асосий йўналиши ҳисобланганлиги сабабли, миллий иқтисодиётнинг салмоқли даромад келтирувчи соҳаси сифатида қаралмоқда. Учинчидан, хорижлик тадқиқотчилар ва сайёҳлар республиканинг тарихий шаҳарлари ҳамда тарихий меъморий иншоотларига катта қизиқиш билан қарамокдалар. Бу ҳолат республикадаги маданий мерос объектларини янгича усул ва ёндашувлар асосида янада мукамал тадқиқ этишни, уларнинг ҳар бир йўналиши (тарихи, муҳофаза қилиниши, консервация ва реставрация ишлари, туристик мақсадларда фойдаланиш масалалари) бўйича тадқиқотлар олиб боришликни тақазо этади.

Юқорида келтирилган манба ва адабиётлар Ўзбекистонда маданий мерос объектлари, уларни сақлаш, консервация ва реставрация қилиш, илмий тадқиқотлар олиб боришда муҳим далилий материаллар сифатида асқотиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти маълумоти. – Тошкент, 2019 йил 1 июль.
2. Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего. – Санкт-Петербург, 1877; Его же. О надгробном памятнике Тимура (Тамерлана) в Самарканде. Известия о занятиях VII Археологического съезда в Ярославле. – Ярославль, 1887; Его же. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде. 1895; Его же. Мечеть Биби-Ханым. 1899; Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан / Сочинения. – Москва: Наука, 1966. Т. IV.; Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса. Вып. 1. – Ташкент, 1926; Вяткин В.Л. Гур-Эмир. – Самарканд, 1906; Его же. Памятники древности Самарканда. – Самарканд, 1929; Умняков И.И. Охрана памятников старины и искусства в советском законодательстве Средней Азии // Известия Средазкомстариса. Вып. 1. – Ташкент, 1926; Его же. Архитектурные памятники Средней Азии. – Ташкент, 1929; Массон М.Е. Регистан и его минарет. – Ташкент: Узгиз, 1926. № 2; Его же. Мавзолей Гур-Эмир усыпальница Тимуридов // Средне-Азиатский Комитет по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы (Средазкомстарис). – Ташкент, 1926; Его же. Регистан и его медресе // Средне-Азиатский Комитет по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы (Средазкомстарис). Культурно-исторические экскурсии по Самарканду. – Ташкент, 1926; Его же. Соборная мечеть Тимура известная под именем мечети Биби-Ханым: историческая литература // Культурно-исторические экскурсии по Самарканду. Узбекский комитет по делам памятников культуры и природы (Узкомстарис). – Самарканд, 1929; Его же. Обсерватория Улугбека: монография. – Ташкент: УзФАН, 1941; Его же. Падающий минарет. – Ташкент, 1968; Шишкин В.А. Медресе Улугбека в Гиждуване. – Ташкент, 1933; Засыпкин Б.Н. Памятники архитектуры в Средней Азии и их реставрация. – Москва, 1926; Его же. Архитектурные памятники Средней Азии. – Москва, 1928; Его же. Архитектура Средней Азии. – Москва, 1948; Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и тимуридах в XIV–XV вв. – Ленинград, 1933.
3. Пугаченкова Г., Ремпель Л. Бухара. (Узбекистан). (Серия “Сокровища зодчества народов СССР”). – Москва, 1949; Памятники архитектуры Средней Азии эпохи Навои. – Ташкент, 1957; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Ташкент, 1958; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент, 1960; Мавзолей Араб-ата. (Из истории архитектуры Мавераннахра IX–X вв.). – Ташкент, 1963; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. – Москва: Искусство, 1965; Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. – Ташкент: Фан, 1966; Самарканд. Бухара. (По древним памятникам). (Серия “Архитектурно-художественные памятники городов СССР”). – Москва: Искусство, 1961. 2-е изд. 1968; Скульптура Халчаян. – Москва: Искусство, 1971; Зодчество Центральной Азии, XV век: Ведущие тенденции и черты. – Ташкент, 1976; Термез. Шахрисябз. Хива. (Серия “Архитектурно-художественные памятники городов СССР”). – Москва: Искусство, 1976; Средняя Азия: Справочник-путеводитель. Автор текста и сост. альбома Г. А. Пугаченкова. – Москва: Искусство; – Лейпциг: Эдицион, 1983. Шедевры Средней Азии: альбом. – Ташкент, 1986; Немцева Н.Б., Шваб Ю.З. Ансамбль Шах-и-Зинда. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1979; Её же. Шахи Зинда: альбом. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1987; Её же. Раннефеодалная усадьба и замок у городища Бабатепе на юге Узбекистана // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. В свете новых открытий Узбекстанской искусствоведческой экспедиции. – Ташкент: Фан, 1989; Ҳаққулов А. Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш. – Тошкент, 1983; Зоҳидов П.Ш. Традиции народных зодчих Узбекистана. – Москва, 1964; Его же. Самаркандская школа зодчих. – Ташкент, 1965; Ўша муаллиф. Ўзбек меъморчилиги усталари. – Тошкент, 1967; Ўша муаллиф. Меъмор санъати. – Тошкент, 1978; Азимов И.М. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. ва бошқалар.

4. Монументальная скульптура в современном градостроительстве Узбекистана // Строительство и архитектура Узбекистана. 1980. № 4. – С. 4-7; Салимов А.М. Приспособление памятников архитектуры Бухары для современных функций // Строительство и архитектура Узбекистана. 1980. № 4. – С. 28-31; Ашрафи Ф.М., Крюков К.С. Итоги X пятилетки и перспективы развития органов охраны и пользования памятников культуры XI пятилетки // Строительство и архитектура Узбекистана. 1981. № 6. – С. 4-5; Исраилов И.В., Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1980 гг.) // Архитектура и строительство Узбекистана. 1991. № 2. – С. 9-13.

5. Нильсен В.А. Монументальная архитектура Бухары XI–XII века (К вопросу о возникновении средневековой архитектуры в Средней Азии). Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1948; Рахматуллаев Ю.Р. Из истории охраны и изучения памятников зодчества в Узбекистане. Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1963; Азимов И.М. Архитектурные наследие Ферганской долины XVIII – начала XIX в. Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1990; Сеитова Р. Становление и развитие законодательства об охране памятников истории и культуры в Узбекской ССР (1917–1990 гг.). Дисс. к.ю.н. АН УзССР ин-т философии и право. – Ташкент, 1990.

6. Пугаченкова Г.А. Архитектурное наследие Темура. – Ташкент, 1996; Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-Дина Бахарзи в Бухаре: к истории архитектурного комплекса. – Бухара, 2003; Её же. Рабат-и Малик, XI – начало XVIII вв.: археологические исследования. – Ташкент: Французский Институт Исследований Центральной Азии, 2009; Ҳаққулов А. Таъмир санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991; Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Тошкент, 1996; Ўша муаллиф. Темур даврининг меъморий қаҳқашони. – Тошкент, 1996; Аҳмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент, 1995; Ўша муаллиф. Меъморий мерос. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2011; Ўша муаллиф, Назарова Д.А., Ҳасанов А.О. Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлигининг тараққиёт йўллари. – Тошкент, 2016 ва бошқалар.

7. Мирзаев М.А. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишининг ташкил топиши ва ривожланиши (1917–1941 йиллар). Т.ф.н. дисс. – Тошкент, 1994; Исламходжаев Х.С. Государственное управление в области охраны и использования памятников истории и культуры Узбекистана. Дисс. к.ю.н. – Ташкент, 1998; Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихи (Зарафшон воҳаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2018; Расулов М.Ф. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳоли ҳамда уларга бўлган муносабатнинг трансформацияси (1980–2019 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2020.

8. Bennigsen A.A. Soviet strategy and islam. London, 1989; Bennigsen A.A., Enders Wimbush S. Islam in the Soviet Union. London, New York, 1979; Bennigsen A.A. Muslim National Communism in the Soviet Union: a revolutionary strategy for the colonial world, Chicago, 1979; Bennigsen A.A. Muslims of the Soviet Empire. A Guide, Bloomington, Ind., 1986; Bennigsen A.A., Broxup M. The Islamic Threat to the Soviet State. London, 1983; Beaupertuis-Bressand F. L'or bleu de Samarkand. L'Union Linotypiste. Paris. 1997; Gorshenina S.M. La Route de Samarcande (L'Asie centrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois). Editions Olizane. Genève. 2000; Gorshenina S.M. et Claude Rapin. De Kaboul à Samarkande (Les archéologues en Asie centrale). Découvertes Gallimard archéologie. Gallimard. 2001. Старр С.Ф. Утраченное Просвещение: Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана. Москва, 2017.

9. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР. Ташкент: 1948, –С.143; 1960. –С.168-169; 1988. –С.77.

10. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарк, 2001. –Б. 367.

УЎК 902

## XIX АСР ОХИРИ-XX АСРДА ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЧИЛИГИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

*Ф.Раҳмонов, доц., т.ф.н., Қарши давлат университети, Қарши*

**Аннотация.** Ушбу мақолада XIX аср охири-XX асрда Жанубий Ўзбекистон деҳқончилигидаги трансформация жараёнлари мавжуд манба ва адабиётлар ҳамда дала этнографик маълумотлари асосида илмий тарзда очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Жанубий Ўзбекистон, Қашқадарё, Сурхондарё, воҳа, деҳқон, кузги экин (оқ), баҳорги экин (кўк), плуг, сеялка, борона.

**Аннотация.** В данной статье на основе доступных источников и литературы, а также полевых этнографических данных раскрываются трансформационные процессы в сельском хозяйстве Южного Узбекистана в конце XIX-XX века.

**Ключевые слова:** Южный Узбекистан, Кашкадарья, Сурхандарья, оазис, крестьянин, озимый (белый), яровой (синий), плуг, сеялка, борона.

**Abstract.** This article, based on available sources and literature, as well as field ethnographic data, reveals the transformational processes in agriculture in southern Uzbekistan at the end of the XIX th-XX th centuries.

**Keywords:** Southern Uzbekistan, Kashkadarya, Surkhandarya, oasis, peasant, winter (white), spring (blue), plow, seeder, harrow.

XIX asr oхири-XX asr бошларидан Жанубий Ўзбекистон деҳқончилигида трансформация жараёнлари кузатила бошланди. Аҳоли зироатчилигига янгиликларнинг кириб келиши Россия империяси мустамлакачилиги даврида Ўрта Осиёда кечган сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечган. Бу даврда минтақа аҳолиси учун нотаниш бўлган карам, помидор, булғор қалампери, бақлажон ва бошқа бир қатор янги экин турлари пайдо бўла бошлаган[1:17-22]. Ушбу экин турларини дастлаб асосан, Россиядан кўчириб келтирилган рус ҳамда татар деҳқонлари етиштиришга киришган. Ўша пайтларда маҳаллий халқлар бу экин турларини деярли билишмаган ва бу янгиликларга дастлаб унчалик ҳам аҳамият беришмаган. Кейинчалик, колхоз ва Совет даврида совхозлар ерларида помидор, бодринг, картошка ҳамда бошқа экинларни экиш кенг жорий этилган[2.]. Минтақада сабзавот, полиз ва картошка етиштиришнинг имкониятлари анча катта бўлган. Минтақа аҳолиси полиз маҳсулотларидан тарвуз, қовун, бодринг, ошқовоқ, картошка, пиёз, қалампир, сабзи, шолғом, турп, қизилча кабиларнинг турли навларини етиштиришган[3.]. Бу имкониятлар, аввало табиий шароитнинг қулайлиги, етиштириладиган маҳсулотнинг қандлилиқ даражасига ижобий таъсир кўрсатадиган қуёш нурунинг кўп тушиши, иссиқ кунларнинг узок вақтга чўзилишидир. Шунингдек, тупроқнинг унумдорлиги сабзи, пиёз, картошка, бодринг, карам, помидор, қовун, тарвуз ва ошқовоқнинг мазали бўлиб етилишига олиб келган[4.]. Худуд деҳқонлари сабзавотнинг кўпгина турларини етиштиришда бой тажрибага эга бўлиб борган. Минтақанинг шимолий ҳудудида жойлашган Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Денов, Сарийосиё ва Узун туманларининг аҳолиси карам, бодринг ва помидорнинг эртаги навларини етиштиришади. Аждодларимиз қадимдан тупроқни, ерни қадрлаб, атроф-муҳит ва ҳавонинг тозаллигига алоҳида эътибор қаратиб, улар боғдорчилик соҳасида ҳам бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланган. Бобоколонларимизнинг боғдорчиликни ривожлантиришдаги билимлари ва анъаналари тарихий манбаларда ҳам ўз аксини топган[5.].

Демакки, минтақанинг Россия империяси тобелигига ўтиши, **биринчидан**, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги шакллантирди. **Иккинчидан**, пахта экин майдонларини кенгайтириш учун муҳим тадбирлар амалга оширган. **Учинчидан**, бу даврда ерсиз ва кам ерли деҳқонлар сони янада кўпайган. **Тўртинчидан**, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар сонининг ошиб бориши деҳқончиликда ёлланма меҳнатни шакллантирган.

XX asr бошларига қадар Ўрта Осиёда, хусусан, ҳозирги Жанубий Ўзбекистон ҳудудида деҳқончиликнинг техникавий ва агрономик даражаси паст эди. Асосан экстенсив деҳқончилик тизими қўлланилган. Барча қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, ғўза, маккажўхори, оқ жўхори, шולי, бошоқли дон, дуккакли дон экинлари фақат қўл кучи билан етиштирилганлиги учун, дон экинлари ҳосилдорлиги гектарига 6-7 ц. дан ошмас эди. Асосий улов-от, хўкиз, туя, қишлоқ хўжалиги қуроллари оддий ооч, кетмон, ўроқ, ёғоч моладан иборат бўлган, минерал ўғитлар эса умуман қўлланилма-ган, маҳаллий ўғитлар-дан фойдаланган, холос.

XX asrнинг 20-йилларидан Ўзбекистонда деҳқончиликнинг моддий-техник, илмий базасини яратиш бошланиб, тажриба станциялари, таянч хўжаликлари, илмий текшириш ва олий ўқув юртлари ташкил этилди, соҳада турли минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларидан фойдаланила бошланди, республиканинг ўзида ўғитлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари қурилди, ирригация ва мелиора-ция қурилиши ривожлантирилди[6.].

Ўзбекистонда кейинги 90 йил мобайнида асосий деҳқончилик қилинадиган суғориладиган ерлар майдони 2,34 марта кўпайди ва 2000 йиллар 4238,6 минг гектарга етди (1914 йилда 1809,5 минг гектарга). Қишлоқ хўжалиги механизацияни кенг жорий қилиш

натijasида деҳқончилик маданияти юксалди: экинларни етиштириш агротехнологияси яхшиланди, минерал ўғитлардан фойдаланишнинг салмоғи, уларнинг турлари ва таркиби ортди, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари кенг кўламда амалга оширилди, давлат томонидан нав ва уруғлик назорати ишлари йўлга қўйилди. Деҳқончилик маданияти-соҳани юритишнинг қонун-қоидалари ва агротехнология меъёрларига мувофиқлиги. “Деҳқончилик маданияти” тушунчаси кенг маънода, умуман, жамиятда деҳқончиликни юритиш даражасини билдиради, тор маънода эса, соҳа билан шуғулланадиган инсоннинг билим ва тажрибалари ҳамда уни қўллаш маҳорати ва малакасини англатади.

Деҳқончилик маданиятининг объектив мазмуни илмий асосда ишлаб чиқиладиган соҳа тизимида ифода этилади. Шу сабабли деҳқончилик маданияти илмий жиҳатдан исботланган тизимни яратиш ва жорий қилишни, фан ва техника ютуқларини ҳамда илғор тажрибалардан ижодий фойдаланишни назарда тутди. Юқори даражадаги деҳқончилик маданияти инсоннинг асосий қонун-лари талабларига мувофиқ фаолиятини тупроқ ҳосилдорлигини сақлаш ва ошириш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш; селекция ва уруғчилик ишларини билиш ва ташкил қилиш, серҳосил навларнинг сифатли уруғлигини экиш; ҳар бир экинга хос агротехнологияни қўллаш; тупроққа тўғри ишлов бериш; сифатли уруғликни белгиланган муддатларда экиш, экинларни сифатли парвариш қилиш; ўғитлардан тўғри ва унумли фойдаланиш; барча агротехнологик тадбирларни оптимал муддатларда ўтказиш; деҳқончиликни механизациялаш, кимёлаштириш, ўсимликларни химоя қилиш тизимини тўғри ташкил қилиш; меҳнатни иқтисодий рағба-глаштиришни талаб қилади.

XX асрда деҳқончилик хўжалигида фойдаланиладиган меҳнат қурол-лари соҳасида ҳам трансформация жараёнлари, ўзгаришлар ва замонавийлик кузатила бошланди. Деҳқончилик хўжалигига янги экин турлари ва улар билан боғлиқ ноанъанавий агротехника кириб кела бошлади. XX аср 20-йилларидан минтақа аҳолиси деҳқончилик меҳнат қуролларининг янги турларидан фойдалана бошладилар.

Минг йиллар деҳқонларга хизмат қилган “ёғоч омов” ўрнига русларнинг икки ғилдиракли, отга қўшиладиган “темир плуги”ни жорий этиш, чолғу ўроқлар билан ўт-ўлан ўришга ўтиш осон кечмаган. Биринчидан, бундай меҳнат қуроллари бозорга ҳам кириб, тезда сотилиб кетарган. Иккинчидан, деҳқонларнинг моддий имконияти техника анжомларини сотиб олишга доим етарли даражада шарт-шароити бўлмаган[7:105.]. Қишлоқ хўжалиги машиналарининг такомиллаштирилиши, асосан пахтачиликнинг ривожланиши туфайли содир бўлган. Масалан, буғ билан ишлайдиган тракторлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳайратланган маҳаллий деҳқонлар “шайтон-омов”, деб атаган бу техникаларда ер чуқурроқ ҳайдалган, бу деҳқонларнинг ишини осонлаштирган, бинобарин, ҳосилдорликни ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатар эди[8.].

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, мамлакат қишлоқ хўжалигида, шу жумладан, деҳқончиликда кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Биринчи навбатда деҳқончиликни олиб боришнинг ташкилий шакллари ўзгартирилиб, колхозлар (жамоа хўжаликлари) ва совхозлар (давлат хўжаликлари) дастлаб жамоа хўжаликларига, сўнгра мустақиллик йилларидан бошлаб ширкатлар, ижарачилар уюшмалари, корпорация ва бошқаларга айлантирилди, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги каби янги хўжалик юритиш шакллари пайдо бўлди, оилавий пудрат кенг ёйилди, ҳозир эса кластер тизимида ўтилмоқда. Аҳоли-нинг томорқа хўжалигини ривожлантиришга эътибор ҳам кучайтирилди.

Истиқлол даврида, айниқса, пахтачиликнинг нисбатан қисқартирилиб, шахсий томорқачиликка бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик анъаналарини қайта тиклаш, янгиларининг пайдо бўлиши ва ҳосилдор навларнинг кириб келиши, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор ислохотлар амалга оширилди.

Хуллас, ўрганилаётган даврда жанубий минтақа деҳқончилигида экин турлари ва ҳосилни етиштириш усуларида ўзгаришлар, деҳқончилик маданиятида янги кўринишлар,

трансформация жараёнлари ҳамда зироатчилик технологиясидаги инновацияларни жорий этилиб, ўзининг ижобий самарасини берди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Балашев Н.Н. Малораспространенные овощные культуры. –Т., 1957.
2. Дала ёзувлари. 2020 йил. Касби тумани Қатағон кишлоғи.
3. Бородай С.П. Бахчеводство в Узбекистане. –Т., Гос. Изд-во. 1960.-С.14-18; Ермохин В.Н. Дыни Узбекистана. –Т., Фан, 1974. -С.32-38; Балашев Н.Н. Бахчеводство. –Т., 1976. С.26-52.
4. Дала ёзувлари. 2020 йил. Косон тумани Эсабой кишлоғи.
5. Авесто: Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси. –Т., Шарқ, 2001. –Б.126; Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари, -Т., Халқ мероси, 2001. –Б. 38-39; Абдулнӣёзов Б. “Авесто” ва кишлок хўжалиғи.//Ўзбекистон кишлок хўжалиғи. –2000. –6-сон. –Б. 18-19; Йўлдошева Қ. Буғдойли уйдан девлар қочгай //Ўзбекистон кишлок хўжалиғи. –2002. –4-сон. –Б.61; Аширов А. “Авесто” ва деҳқончилик анъаналари хусусида айрим мулоҳазалар //Ozbekistonda ijtimoiy fanlar. 2005. –1-2-сонлар. –Б. 212 – 217.
6. ЎзМА, И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 840-иш, 52-варақ.
7. Логофет Д.Н. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары. //Туркестан-ский сборник. -Т.417. - С.105.
8. Дала ёзувлари. 2020 йил. Касби тумани Қатағон кишлоғи

УДК: 9 (с52)

### РАННИЕ МОРСКИЕ СООБЩЕНИЯ

**Б.Рашидова, старший преподаватель, Жиззакский Политехнический институт, Жиззах**

**Аннотация.** В данной статье изучается история Морского Шелкового пути с древних времен. Также была дана новая интерпретация, устоявшаяся в научной литературе взглядом на историю Морского Шелкового пути, с новых теоретико-методологических позиций. Было рассмотрено активное ведение Морской торговли в античное время по Транскаспискому пути. Это подтверждается археологическим материалом.

**Ключевые слова:** Морской Шелковый путь, торговые трассы, Транскаспиский путь, античное время, морская торговля, Китай, Центральная Азия, шёлк, фарфор.

**Аннотация.** Ушбу мақолада Денгиз упак йўлининг қадим замонлардан буён тарихини ўрганади. Денгиз упак йўли тарихига янги назарий ва услубий позитсиялардан қараши орқали илмий адабиётларда ўрнатилган янги талқин ҳам берилди. Қадимда Транскаспиский йўли бўйлаб денгиз савдосининг фаол олиб борилиши кўриб чиқилди. Буни археологик материаллар тасдиқлайди.

**Калим сўзлар:** Денгиз упак йўли, савдо йўллари, Транскаспиский йўли, қадимги даврлар, денгиз савдоси, Хитой, Ўрта Осиё, упак, чинни.

**Abstract.** This article studies the history of the Maritime Silk Road since ancient times. A new interpretation was also given, which was established in the scientific literature by looking at the history of the Maritime Silk Road, from new theoretical and methodological positions. The active conduct of Maritime trade in ancient times along the Trans-Caspian route was considered. This is confirmed by archaeological material.

**Key words:** Maritime Silk Road, trade routes, Trans-Caspian route, ancient times, maritime trade, China, Central Asia, silk, porcelain.

**Актуальность.** Морские торговые трассы использовались с древности. Так, еще во времена династии Чжоу император Ву отправил своего посланника Ци Ци в Корею. Последний, добравшись до Кореи морским путем посадил тутовые деревья и обучил местных жителей искусству выделки шелка.

**Методы.** В статье рассматривается ранний Морской шелковый путь в русле мировых тенденций на основе общепринятых исторических, научных и объективных методов.

**Результаты исследования.** Ранний Морской шелковый путь пролежавший через Южно-Китайское море, зарождался как сухопутный на юге Китая. Он начинался в Сычуани, проходил через Юньнань, затем через Яншанг (Баошан) вел вдоль реки Ирравади к Янгону

(Рангуну, Мьянма). Путь продолжался до западного побережья Индии и через Индийский океан вел до Средиземного моря [1].

Император Цинь Ши Хуанди послал на восток 500 молодых юношей и девушек во главе с Ху Фу на поиски «эликсира бессмертия». Ху Фу и его люди достигли берегов Японии и познакомили японцев с культурой шелководства. Японцы почитают Ху Фу, как «бога шелка».

Известно, что ханьский император У неоднократно посылал морские посольства в Юго-Восточную Азию, и они достигали Вьетнама, Шри-Ланки, западного побережья Индии.

Неоднократные попытки добраться до Китая для прямых закупок шелка предпринимали римские купцы (посольство императора Марка Аврелия, 166 г. н.э. и др.). Согласно данным китайских ученых в 266 г. н.э. первые римские купцы достигли Китая. А в V в. китайские купцы побывали в Персии (морским путем) [2].

Морская торговля активно велась в античное время и по Транскаспийскому пути. Это подтверждается археологическим материалом. Китайские зеркала, датированные концом II—I вв. до н.э. обнаружены у хутора Виноградное (Нижний Дон) и с. Старая Полтавка в Нижнем Поволжье. Особо следует выделить материалы Лебедевского могильника - позднесарматского памятника II—IV вв. н.э., расположенного на окраинах Западного Казахстана. Его своеобразие состоит в том, что в захоронениях были обнаружены предметы импорта, как западного происхождения: римские шарнирные эмалевые фибулы, малоазийские амфоры, бусы и пр., так и восточного - среднеазиатского, переднеазиатского и китайского производства: ханьские зеркала, хорезмийская гончарная керамика и т.д. Обилие в одном памятнике столь разнообразных предметов может свидетельствовать о том; что кочевой народ, оставивший эти вещи, контролировал, или в какой-то форме участвовал в караванной торговле между Западом и Востоком, по трассе, проложенной от городов Согдианы по бассейну Сырдарьи к Северному Причерноморью с переправой на Волге, а затем с выходом к Танаису [3].

В более позднее время «Волжско-Каспийский путь продолжал активно функционировать [4].

В течении правления династии Суй (581-618) и Тан (618-907), морской путь между Китаем и Японией был часто используем торговцами шелка, наживавшими огромные богатства.

Императоры династии Суй и Тан придавали огромное внимание связям с Юго-Восточной Азией. Они посылали посольства в Южный Вьетнам и Малайзию.

В Среднеазиатском регионе торговле были задействованы и другие водные артерии [5].

После переноса столицы династии Сун в Ханчжоу здесь еще больше стимулируется производства шелка. В 20-х гг. 12 в. в Сучжоу и Ханчжоу в шелковой индустрии работает более 9 тыс. ткачей. Морской Шелковый путь стал альтернативным открытому Чжан Цзянем сухопутному торговому пути в Западные регионы.

Французский исследователь Ж.-П. Дреж отмечает, что многочисленные данные о Морском пути между Персидским заливом, Индийским океаном и Южно-Китайским морем дошли до нас благодаря одному из самых древних сообщений - «Сведения о Китае и Индии» - компиляции, собранной в 851 г. из многочисленных рассказов купцов [6]. В соответствии с маршрутом, описанным в данном источнике, арабские суда выходили «из Персидского залива в Индийский океан и направлялись к Мальдивским островам, к Индии, Андаманским островам и т.д. Оттуда Малакским проливом суда прибывали в Гуанчжоу (Кантон). Путешествие длилось обычно более года. В Гуанчжоу, прибывшие арабские купцы, подчинялись главе - мусульманину, который отвечал за единоверцев перед китайскими властями».

В конце этого периода несмотря на то, что шелк все ещё являлся важным предметом китайского импорта, постепенно первое место в морской торговле начинает занимать фарфор.

Один из арабских купцов - Абу Саид рассказывает нам об организации торговли в Кантоне. Под надзором китайских властей товары складываются до тех пор, пока в порт не войдут все корабли, следующие с этим муссоном. Арест груза может длиться до шести

месяцев. Пошлины, взимаемые китайцами, достигают тридцати процентов от стоимости товаров.

В обязанности комиссариатов морской торговли входит сбор налогов и отслеживание монополии государства на некоторые виды товаров. Налоги поднимаются до 10% на жемчуг, камфару и мелкие предметы, до 30% на панцирь черепахи, пихтовое дерево и крупные предметы. Все налоги выплачивались натурой.

Морскую торговлю вели не только арабы. Известно, например, что после битвы на реке Талас в 751 году, положившей конец и мусульманской экспансии на восток, и активному присутствию Китая в Центральной Азии, пленный китаец был отправлен домой в 762 году через Персидский залив на китайской джонке. Перевозка товаров китайскими кораблями осуществлялась между Сирафом и Кантоном. Известен маршрут из Кантона в Персидский залив, приведенный в конце VIII века китайским географом Цзя Данем[7].

Ярким свидетельством торговой активности является «Описание народов варваров», «Чжужан Цзи», написанное в XII веке Чжао Рукуа, комиссаром морской торговли в Цюаньчжоу.

Во второй части - описание продуктов и товаров, ввозимых в Китай: ароматные породы деревьев и смолы для благовоний и лекарств, наркотические средства и духи, алоэ из Камбоджи, сандал с Явы, ладан из Омана и Дуфара. Также импортируют специи: перец из Индии, гвоздику с Молуккских островов, кардамон из Камбоджи, слоновая кость из Юго-Восточной Азии и Африки, рог носорога из Индокитая, хлопчатобумажные ткани из Индонезии и Юго-Восточной Азии, из Индии и Персии (т.к. Китай начал выращивать хлопок только в XIII в.).

При династии Сун (960-1279 гг.), как отмечают китайские ученые, «климат Таримского оазиса стал более засушливым, многие некогда процветающие оазисы Восточного Туркестана стали исчезать, участились грабежи караванов» [8]. Альтернативой сухопутным трассам Великого Шелкового пути снова становятся морские. Фактически было два морских пути. Один вел через Восточно-Китайское море к Корее и Японии, а другой через Южно-Китайское море выводил в Средиземноморье и Восточную Африку. Благодаря этим экспедициям престиж Китая в Юго-Восточной Азии и Индийском океане значительно возрос. Развивается дипломатический и коммерческий обмен.

Важной формой торговли была и т.н. «корабельная торговля». Для управления ею правительство Сун назначало специальных наблюдателей в города Гуанчжоу (Кантон), Ханчжоу, Минчжоу, Венчжоу. Власти устанавливали особые налоги на вывоз шелка, керамики, чая и т.д.[9] Исторические анналы содержат данные о купцах из более чем 50 стран, плававших в Китай за шелком[10].

**Вывод:** при династии Сун практиковалась - «торговля в виде дани», которая состояла в том, что иностранные визитеры дарили императорскому двору товары своей страны, а император в виде подарков одаривал их шелком и другими дорогими вещами. Ценность императорских подарков часто превосходила стоимости «дани».

Торговля стимулировала производство шелка в дельте Жемчужной реки и провинции Фуцзянь, а также прогресс в кораблестроении и морском деле.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Zhijuan Liu. The Story of Silk... - P. 78.; См. Также: Ртвеладзе Э.В. Великий Индийский путь. Из истории важнейших торговых дорог Евразии. -СПб.: Нестор-История, 2012. – С. 296.
2. Zhijuan Liu. The Story of Silk... - P. 59-81.
3. Мошкова М.Г. Лебедевский могильник и Великий Шелковый путь // Формирование и развитие... – Т.: Фан, 1990. - С. 87.
4. Агзамова Г.А. Волжско-каспийский путь в XVI - первой половине XIX в. // Тюркологический сборник -2002. Россия и тюркский мир. - М.: Восточная литература, 2003. - С. 139-154.
5. Мавлонов У. Сув йулларининг минтака алока - коммуникация тизимида тутган урни // В кн.: Марказий Осиёнинг кадимги йуллари. – Т.: Akademiya, - 2008. С. 216-250.
6. Дреж Ж.-П. Марко Поло и Шелковый путь... - С. 48.
7. Дреж Ж. -П. Марко Поло и Шелковый путь. - С.53.

8. Zhijuan Liu. The Story of Silk... - P. 75; См. также. Entering Xinjiang. - Urumqi: Ed. By Ding Xiaolun, 2006.- P. 63-91.

9. Дреж Ж.-П. Марко Поло и Шелковый путь,.. - С. 51.

10. В 1980 г. в Южно-Китайском море, на побережья провинции Гуандун был обнаружен затонувший корабль, относящийся к эпохе династии Сун. На корабле было около 80 тыс. различных товаров, что намного больше, чем мог перевезти любой караван верблюдов. См.: Zhijuan Liu. The Story of Silk... - P. 78-80.

УЎК 902

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИДА БУХОРОДАГИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИ ИШТИРОКИ

*Ф.Э. Туйев, ўқитувчи, Бухоро давлат Педагогика институти, Бухоро*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро вилояти ташқи алоқаларида миллий-маданий марказлар фаолияти ва хорижий давлатлар билан ташқи алоқалардаги иштироки, шу билан биргаликда Бухоро вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига кўрсатган таъсири ёритилган.

**Калит сўзлар:** Бухоро вилояти, Вилоят, Давлат, Мустақиллик, Ҳамкорлик, Миллат, АҚШ, Элчихонаси, Иштирок, Алоқа.

**Аннотация.** В данной статье освещено деятельность национально-культурных центров во внешнеполитических связях Бухарской области и участие во внешнеполитических связях с зарубежными странами, в то же время влияние на социально-экономическое развитие Бухарской области.

**Ключевые слова:** Бухарская область, регион, государство, независимость, сотрудничество, нация, США, посольство, участие, контакт.

**Abstract.** The activities of national and cultural centers in the foreign policy of Bukhara region and their participation in foreign policy with foreign countries. At the same time, its impact on the socio-economic development of Bukhara region.

**Key words:** Bukhara region, region, state, independence, cooperation, nation, USA, embassy, participation, contact.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириб бориш натижасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймасликка эришган. Албатта, Ўзбекистон Республикаси бундай ижобий кўрсаткичга эришишида бошқа вилоятлар қатори Бухоро вилоятининг ҳам муносиб иштироки бор.

1991-1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот пасайиши, МДҲ давлатлари ўртасида энг кам кўрсаткични - 18,8 фоизни ташкил этганди. Ҳолбуки бу рақам Россияда -53 фоиз, Украинада -52 фоиз, Белоруссияда -54,6 фоиз, Қозоғистонда эса -75,4 фоизга тенг бўлган[1].

Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8 фоиздан, 5,2 фоизгача ўсиш даражасида ўртача суръат билан юксалиб борди. 2004 йилдан бошлаб йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини кўрсата бошди. Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ялпи ички масулот (ЯИМ) 2011 йилда 1990 йилга нисбатан 3,7 баробар, яъни 27,1 миллиард АҚШ долларидан 101,4 миллиард АҚШ долларига етди. Ушбу ўсишда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг хизмати бекиёс. Айтиш жоизки, ҳозирда биргина Бухоро вилоятида 70 га яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб келмоқда. Жумладан ўзбеклар билан бирга яудий, тожик, рус, немис, арман, корйес, татар, озарбайжон, турк, туркман кабилар кўп сонли бўлиб яшайди. Вилоятда ўн битта миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда[2]. 1989 йилдан бошлаб вилоятда даслабки миллий-маданий марказлар ташкил торди. Бу марказларнинг фаолияти ва ривожланиши Ўзбекистон мустақиллиги йилларида кенг тус олди.

Миллий-маданий марказларнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамаси томонидан 1992 йил 13 январда қабул қилинган қарор билан ташкил этилган, “Республика байналминал маданият маркази” мувофиқлаштирди. Жумладан, Рус миллий-маданий маркази 2003 йилда кўзга кўринадиган бир қатор тадбирларни амалга оширган. Бухоро вилоятида рус тилида сўзловчи аҳоли ўртасида рус тили ва рус маданиятини тарғиб қилиш борасида маълум ишлар қилинди. Россия Федерациясидан 1500 дан ортиқ умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун 25 комплектдан иборат аудиокассеталар, ҳар бири комплект 26 та кассетадан иборат ҳолатда юборилган. Марказнинг бадиий ҳаваскор жамоаси ҳар йили “Наврўз” ва “Мустақилик куни” байрамларида фаол қатнашиб келмоқда. Рус миллий-маданий маркази 2003 йилда марказнинг 84 нафар аъзосига моддий ёрдам кўрсатиб, 33 та аъзоларига соғлиғини тиклаш ва яхшилаш учун Бухоро шаҳридаги Ситораи Мохи-Хосса санаториясига бепул даволанишлар ташкил қилган[3]. Марказ томонидан Ғиждувон шаҳридаги “Меҳрибонлик уйи”га инсонпарварлик ёрдами ташкил қилиб турилди. Бундай ёрдамлар Россия чет эл маркази вакиллари ва Провослав Епархияси томонидан ҳам уйиштирилганди. Меҳрибонлик уйи болалари ҳам дарсликлар, ўқув қўлланмалар билан таъминланиб турибди. Ушбу миллий-маданий марказ Бухорода рус адиб ва маданият намोёндалари юбилейлари муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Яҳудий миллий-маданий маркази раҳбари Авкун Ашурович Ёқубовнинг 1992 йил май ойидаги миллий марказ фаолияти ҳақида берган маълумотига кўра икки йил ичида (1991-1992 йиллар) марказнинг моддий-техник базаси яхшилانганлиги қайд этганди билдирган. Яҳудий халқининг миллий урф-одат, байрам ва маросимларини тиклаш ҳамда асраб авайлаш масалаларига эътибор қилинди. Масалан, 1991 йил 15 сентябрда 32 нафар ўсмир 13 ёшни қаршилагани муносабати билан миллий маросим ўтказилди. Бу маросимга Иерусалим (Исроил) бош раввини (Рухонийси) Давид Нисанов ва Исроил диний жамоалари арбобларидан Авраам Бағиев ва Бенямин Гулкарровлар таклиф этилганлиги муҳим воқелик бўлди. Ханука байрами (иврит халқи миллати байрами) Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин илк бор 1991 йил 8 декабрда ўтказилганлиги[4] ҳақида маълумотлар учрайди. Маданий марказ ташаббуси билан Пурим байрами арафасида вилоят ва шаҳар ижроия қўмитаси саъй-ҳаракати билан Бухорода янги иккинчи Синагога (яҳудий жамоалари ибодатхонаси) очилган. Бу Синагога биринчи, илгариги Синагога ўрнида ташкил этилган эди. Пурим байрами шарафига Нью-Йоркдаги “Джайн” жамияти бухоролик 11 та ўқувчи аъло ўқигани учун пул мукофоти билан тақдирланган ва 17 та кам таъминланган шахсларга моддий ёрдам берган эди. 1992 йил 18-20 февралларда Бухорога Исроил элчиси Арий Левин ташрифи муҳим воқеага айланган эди. Элчи Бухоро яҳудийлари ҳаёти ва турмуши билан танишиб яҳудий миллий-марказида меҳмон бўлганди. У ердаги яҳудийлар учун яратилган шароитни кўриб Бухоро вилояти раҳбарлари ҳамда халқига миннатдорлик билдирган[5].

Яҳудий халқининг асосий байрами Песах (Пасха) бўлиб, 1992 йил 22 апрелда бу байрам миллий-маданий марказда нишонланган. Бу байрамда Исроил мамлакатидан ҳам меҳмонлар таклиф қилинган бўлиб, хуллас, 1992 йил маданий марказ учун мазмунли йил бўлган. 1992 йил миллий-маданий марказ Тошкентдаги “Сохнут” хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда хайрия тадбирларини ўтказганди. 1992 йил майда маданий марказ Исроил давлати мустаиллигига бағишланган кўргазма ташкил этди. Юқорида ўтказилган тадбирлар Швециариянинг Цюрих шаҳридаги “Вйшикйнтам” жамияти моддий ёрдами ҳисобига ўтказилганини А.А. Ёқубов алоҳида такидлаганди.

1997 йилнинг 12 ноябр куни АҚШ Президенти Билл Клинтон ва АҚШ Давлат департаменти билан биргаликда АҚШ нинг биринчи хоними Хиллари Рогом Клинтон Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида у Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов билан учрашиб, ўша йилнинг 12-15-ноябр кунлари Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари Самаранд ва Бухорода бўлиб, Бухоро яҳудийлари Синагогасида ҳам меҳмон бўлган ва оддий фуқаролар билан мулоқот қурган.

2000 йил 16-19-апрел кунлари АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлганида. Ўзбекистон ва АҚШ ташқи сиёсий идоралари рабарлари Абдулазиз Комилов ва Мадлен Олбрайт давлатларнинг ўртасида сиёсий, маданий ва иқтисодий тенг шерикчиликка мўлжалланган узок йиллик масалалар муҳокама қилинган. Мадлен Олбрайт ўз сафари давомида Бухорога йўл олиб, Бухорони тарихий ва маданий ёдгорликлари билан танишган ҳолда. “Сабр” ишонч марказида бўлган[6]. Бундан бир ярим минг йил аввал Ўрта Осиёга келиб қолган яхудийларнинг бугунги кунга қадар, Ўрта Осиё халқлари маданиятига ўзларининг умумий улушларини фаол кўшиб келаётганини алоҳида таъкидлаган[7].

Вилоятда фаолият кўрсатаётган “Видергебург” (“Тикланиш”) немис миллий-маданий маркази раҳбари Олга Мэйэр ҳикоя қилишича:- марказ 1995 йилнинг январ ойида рўйхатдан ўтган. Вилоятда яшайдиган немис миллатига мансуб фуқаролар гарчи кам сонли бўлсада, марказ немис тилида сўзлашувчи инсонлар бутунлай йўқ бўлиб кетмаслиги мақсадида текин немис тили ўқув курсларини ташкил қилган бу тилни ўрганиш борасидаги бир қатор немис тили дарсликлари, газета-журналлари, ўқув-қуроллари, видеокассеталар билан марказ Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан таъминлаб келинмоқда[8].

Германия Бундйстагининг масъул ходими Дитмар Шлее марказга мурожат қилиб Иккинчи жаҳон урушида асир тушганлар кийинги тақдири билан шуғулланишни, уруш йилларида Бухорода ҳам немис асирлари бўлган бўлмаганлигини, бўлган бўлса уларнинг кейинги тақдири қандай кечганлиги ҳақида маълумотлар тўплаб беришни сўраган. Маҳаллий идоралар ва марказ кўмагида изланишлар эса бекор кетмаганди. Ҳақиқатдан ҳам Когон шаҳридаги ҳарбий госпиталдаги немис ҳарбий асирлари сақлангани ва даволангани аниқланган. Бироқ уларнинг кейинги тақдири аянчли яқун топган, негаки уларнинг барчаси, (жами 54 нафар) асирлар Москванинг буйруғи билан Германия сўзсиз таслим бўлган куни (1945 йил 8 май) отиб ташланган экан[9].

Республикада фаолият юритаётган “Светлиса-Польска” маданият маркази 2001 йил 3 майдан бошлаб Бухоро вилоятида ўзининг вилоят бўлимини очган. 2000 йилда полякларнинг 60 та аъзоси бўлган, тоқим юқорида қайд этилган йилга қадар поляклар Россия ва Украина давлатларига кўчиб ўтган. Полякларнинг Бухоро ҳудудига келиши Иккинчи жаҳон уруши йилларида содир бўлган кўп сонли поляклар вилоятга кўчириб келтирилган. Улар асосан Ѓиждувон, Пешку, Жондор туманларида истиқомат қилганлар. Поляклар 70-йил давомида (1941-2010 йиллар) ўзбек ва тожиклар билан куда-анда тутуниб, кўплари, ўзбеклашиб кетган.

Татар-бошқирд миллий маданий марказида 2002 йилда Бухоро вилоятида 15 мингга яқин, жумладан, Бухоро шарида 8 мингдан ортиқ татар-бошқирдлар бирлашганлар[10].

Турк миллий маркази 1991 йил 27 июнда ташкил этилган. Бухоро шаҳар ижроия қўмитаси юстиция бошқармаси томонидан 1992 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилган. Марказ ҳозирги кунда ҳам Туркия давлати билан алоқаларни мустаҳкамлашда хизмат қилиб келмоқда шу ўринда Бухоро вилоятида фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар рўйхатини жадвалда келтиришни лозим топдим.

**Хулоса** юқорида келтирилган миллий-маданий марказлар Бухоро вилояти ташқи алоқалари ривожига кўзга кўринадиган даражада ўзларининг ҳиссаларини кўшганлиги улар иш услублари йилдан-йилга такомиллашиб боргани кўзга ташланади. Ушбу миллий-маданий марказлар орасида яхудий миллий-маданий маркази хорижда истиқомат қилаётган “Бухоро яхудийлари” ташкилотлари билан олиб бораётган алоқалар алоҳида аҳамиятга эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Statistik To‘plam. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiy-ijtimoiy taraqqiyotining mustaqillik yillaridagi (1990-2011 yillar) asosiy tendensiya va ko‘rsatkichlarga mo‘ljallangan prognozlar. T.: - “O‘zbekiston”, -2013 yil. B-3. S-125
2. “Umurboqiy meros” O‘zbekiston madaniyati va san‘ati markazi. Buxoro viloyatida faoliyat olib borayotgan milliy madaniy markazlar. 2021 yil. B-6-8. S
3. Бухоро вилояти рус миллий-маданий маркази раиси О. Овчинниковнинг 7 январь 2004 йилги 1-сон. Бухоро вилоят юстиция бошқармасига берган ахборотидан.
4. Юхан Бен Ямин. День после Ханука, Рамадана и Крисмаса. 2001. Эта статья опубликована на сайте Bjew.com <http://www. Bukharian jews.com>

5. Buxoro yahudiylarining Joriy arxivi 1993 yil, N; 1/14 papka B-53.
6. Мавлон Шукурзода. АҚШ-Ўзбекистон ҳамкорлиги факт ва рақамларда. Т.: “Niso poligraf”. 2016-йил. Б.-15. С.463
7. Альмеев Р. Исследования и материалы по истории и этнографии бухарских евреев. Бухара. 1998. – С 2.
8. Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятдан. “Видергербург” ҳамкорликка чорлайди. / Бухоронома. 2001 йил, 11 апрель.
9. Каримов Р. Миллий маданиятлар равнақи. Т., 1986. – Б. 56.
10. Ахмедова С. “Сабантўй – 2002” кувончлари. / Бухоронома. 2002. 6 июль, № 27, - Б.1.

УЎК 93/94

## ҚОРАҚАЛПОҚ ТАРИХИЙ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

**Б. Турдиев, ўқитувчи, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали, Нукус**

**Annotatsiya.** *Qoraqalpoq xalqi qadimiy va boy tarixga ega. Maqolada qoraqalpoq tarixiy qo`shiqklarining tarixiy manbalar doirasidagi izlanishlarni kengaytirish rivojlantirish va shakllanishi buyisha bir qancha davrlarni o`z ichiga oladi. Fol`klor janrlar bilan birga rivojlanib, qoraqalpoq xalqining siyosiy-ijtimoiy hayotining barcha davrlarin o`z ichiga oladi. Tarixiy qo`shiqklar hamma davrlarda xalqning turmush tarziga bog`liq paydo bo`ladi va rivojlanadi.*

**Kalit so`zlar:** *poetik, koloriti, realistik, xronologiya, ekspeditsiya, ocherk, etnografiya, fundamental, tasnif.*

**Аннотация.** *Каракалпакский народ имеет древнюю и богатую историю. В статье развитие и становление каракалпакских исторических песен в рамках исторических источников включает в себя несколько периодов. Фольклор развивается вместе с жанрами и охватывает все периоды политической и общественной жизни каракалпакского народа. Исторические песни возникают и развиваются во все эпохи в зависимости от образа жизни народа.*

**Ключевые слова:** *поэтический, красочный, реалистический, хронология, экспедиция, очерк, этнография, фундаментальный, классификация.*

**Abstract.** *The Karakalpak people have an ancient and rich history. In the article, the development and formation of Karakalpak historical songs within the framework of historical sources includes several periods. Folklore develops along with genres and covers all periods of the political and social life of the Karakalpak people. Historical songs arise and develop in all eras, depending on the way of life of the people.*

**Key words:** *poetic, colorful, realistic, chronology, expedition, essay, ethnography, fundamental, classification*

Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. У миллий маданияти, бетакрор санъати, мумтоз адабиёти, маънавий қадриятлари ва анъаналари билан бутун дунёга танилган. Бу эса бизни бой маънавий қадриятларимизни қайта кўриб чиқишга, анъанавий тарихий манбалар доирасидаги изланишларни кенгайтириш, қорақалпоқ оғзаки ижодида тегишли тарихий қўшиқларни илмий муомалага киритишга ундайди.

Қорақалпоғистон тарихи фани тараққиётининг ҳозирги босқичида қорақалпоқ бадиий адабиёти, оғзаки ижоди ютуқларидан тарих фани ютуқлари йўлида ва шу орқали ёшларни тарбиялаш, тарихнинг очилмаган саҳифаларини очиш мақсадида энг самарали йўллари топиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қорақалпоқларнинг тарихий қўшиқлари халқ поэтик ижоди энг сара маҳсули бўлиб халқ тарихи билан туташиб кетади.

Ўз даврининг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирувчи тарихий қўшиқларни – адабий ёдгорликлар, даврнинг шеърӣй шаклдаги ҳужжатлари деб аташ мумкин. Бу фақат образли ифода эмас, айни ҳақиқатдир. Ҳар бир даврда, ўша даврга хос қўшиқлар туғилади. Айниқса, XIII-XX асрларда яшаган қорақалпоқ халқи бой поэтик меросга эга бўлган. Бу асрларнинг

тарихий кўшиқларида ўша даврнинг ўзига хос муҳити, бетакрор колорити ва ижтимоий психологияси акс этади.

Қорақалпоқ халқининг мумтоз ва реалистик тарихий кўшиқлари XIII-XX асрларнинг энг муҳим хусусиятларини очиб берадиган, халқ онгида рўй бераётган ўзгаришлар табиати ҳақида архив ҳужжатлари ва тарихий материалларга нисбатан аниқ ва жонли маълумот бера оладиган ўзига хос бадиий намуналардир.

Қорақалпоқ шеърятининг, умуман, бадиий адабиётининг тараққиёти халқ тарихи билан узвий боғлиқ. Олдинда ечимини кутаётган муаммолар бўйича ишлар кўп, уларнинг аксарияти фақат тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар ва бошқа фанлар вакилларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Тарихга оид тадқиқотларда қорақалпоқ халқ тарихий кўшиқлари базаси сифатидагина эмас, балки инсонни тарбиялашдаги ўрни билан ҳам характерланади.

Чунки улар орқали маънавий бойлик, ахлоқий поклик ва жисмоний баркамоллик, ижтимоий фаол шахсни шакллантириш муаммосини ҳал этиш ва санъатнинг билим ва тарбиявий имкониятларини бирлаштиришга йўл очилади.

Ҳозирги кунда халқнинг ўз Ватани тарихига бўлган қизиқиш ниҳоятда ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тарихини чуқур ўрганиш зарурлиги, тарихий манбалар ёрдамида авлодни тарбиялаш, тарихчилар, журналистлар, зиёлиларнинг бор ҳақиқатини рўй-рост ёритиш бўйича масъулияти ҳақидаги фикрлар жамоатчилик диққат марказида бўлмақда. Қорақалпоқ халқи тарихи ва тарихий кўшиқларининг улкан таълимий ва тарбиявий имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, сўзсиз долзарблик касб этади.

XX асрнинг биринчи чорагида тарихий кўшиқлар анъанаси давом этади. Тадқиқот учун, ўша даврлардаги тарихий кўшиқларининг катта ҳажмга эга бўлиши шундай катта вақт оралиғидаги хронологиясини аниқлаш имкони яратилади.

Шунингдек дастлабки даврлар археологик ёдгорликлар ўрганилиб, кейинги даврлар ёзма манбаларидаги муҳим маълумотлар урганилади.

Қорақалпоқ фольклорини тарихий манба сифатида ўрганиш катта анъана тусини олган [2]. 1920-1930-йилларда профессор А.А.Соколовнинг фольклор экспедицияси ёрдамида Қорақалпоғистон худудларида катта аҳамиятга эга материаллар, жумладан, қорақалпоқларнинг айрим тарихий кўшиқлари йиғилган эди [3]. Атоқли этнограф Т.А.Жданко "Қорақалпоқларнинг тарихий этнографиясига оид очерклар" номли фундаментал асарини ёзишда тарихий кўшиқлардаги маълумотлардан фойдаланган. Профессор Б.В.Андрианов қорақалпоқларнинг тарихий кўшиқларидан фойдаланиш орқали қорақалпоқларнинг кўчиш жараёнларида пайдо бўлган кўшиқларни таҳлил қилишга муваффақ бўлди. Академик С.К.Камалов асарларида қорақалпоқларнинг тарихий кўшиқлари тарихий манбанинг ажралмас қисмига айланди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, фақат Адилбой Қожикбаев тарихий кўшиқлар хусусиятларига эътибор бериб, бу мавзуда махсус китоб нашр эттирган. Афсуски, бу китобда қорақалпоқларнинг тарихий кўшиқлари таснифи берилмаган, хронологик доира, даврлаштириш акс эттирилмаган, манба таҳлили ва бошқа услубий тартиблаб келтирилмаган. Этнограф Л.С.Толстова 1980 ва 1990 йилларда Жанубий Орол бўйи халқларининг, таркибида қорақалпоқларнинг тарихий кўшиқлари ҳам муҳим ўрин эгаллаган тарихий афсоналари ва ривоятларини манбалар орқали таҳлил қилиш ва илмий муомалага киритиш ишлари билан муваффақиятли шуғулланган. Этнограф Г.П.Снесарев эса Хоразм афсоналарини Ўрта Осиёдаги диний культлар тарихига оид энг қимматли тарихий манбалар сифатида алоҳида эътибор қаратган. Қорақалпоқ тарихчилардан А.Қошанов ва М.Тилеумуратовлар қорақалпоқ халқининг тарихий кўшиқларининг аҳамияти ҳақида китоблар ва мақолалар ёзган.

Шунингдек, Т.А.Жданко, Ҳ.Есбергенов, Ж.Хошниязов, У.Ўрозбоевалар қорақалпоқ халқи дostonларидаги тарихий-этнографик жихатларини чуқур таҳлил қилган. Олдинги адабиётларнинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, қорақалпоқларнинг тарихий кўшиқлари (XIII - XX аср бошлари) ҳозирги замон тарихшунослигида ҳалигача махсус тарихий-манбавий таҳлил объекти бўлмаган.

1920-1970-йиллардаги тарихий-фольклор экспедицияларининг натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ филиалининг фундаментал кутубхонаси қўлёзмалар фондида тўпланган қорақалпоқ тарихий қўшиқларини тарихий ва манбавий таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқотнинг устувор мақсади эса қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг бой мажмуини янги методологик позициялардан тизимлаштириш, таснифлаш ва умумлаштиришдан, тарихий-этнографик-манбавий таҳлилидан, номаълум (яширин) маълумотларни аниқлаш ва улардан қорақалпоқ халқи тарихи бўйича муҳим манба сифатида фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини асослашдан иборат.

XVIII-XIX асрлардаги Орол ўзбеклари ва қорақалпоқларининг тарихий қўшиқларини, ҳарбий-сиёсий воқеаларни, Хива хонлари билан муносабатларини, турмуши ва ердан фойдаланиш, чорвачилик, балиқчилик, савдо-сотик фаолиятлари билан боғлиқ жихатларини ўрганиш.

Мустамлакачилик даври қорақалпоқ халқининг тарихий қўшиқларини таҳлил қилиш, халқ хотирасида Маман Бий, Айдос Бий, Ерназар Олакўз номларини қайта тиклаш, тарихий қўшиқлардаги маълумотларни қорақалпоқ адабиёти классиклари Бердах, Кунхўжа, Ажинияз ва бошқалар асарларидаги маълумотлар билан солиштириш.

1916 йилги халқ қўзғолони, 1917-1919-йиллардаги ҳарбий қарама-қаршиликларни, миллий давлатчилик учун курашларни ёритувчи XX аср бошларидаги тарихий қўшиқларнинг манбавий таҳлилинини ўтказиш, тарихни таҳлил қилиш ва тўлдириш учун қимматли манбалар сифатида ушбу давр тарихий қўшиқларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва мақсадга мувофиқлигини исботлаш.

Қорақалпоғистон фундаментал тарихининг кейинги яратилишида ва ўқитувчилар, тарихчилар, этнографлар, фольклорчилар, сайёҳларнинг амалий ишларидаги тарихий қўшиқлардан XIII-XX асрларнинг энг қимматли тарихий манбалари сифатида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар бериш.

Тарихшуносликда биринчи марта XVIII -XX асрлардаги жуда муҳим манбалар мажмуаси - қорақалпоқларнинг тарихий қўшиқлари таҳлил қилиниши, тавсифланиши, тизимлаштирилиши, тарихий ва манбавий таҳлил, номаълум ва ноаниқ маълумотларни аниқлаш, тарихий қўшиқларни ушбу даврнинг бошқа манбалари билан таққослаш, тарихий қўшиқлардан қорақалпоқ тарихига оид муҳим маълумот сифатида фойдаланиш бўйича амалий тавсия берилиши билан белгиланади.

Қорақалпоқ халқи тарихига оид илмий муомалага янги тарихий манбалар мажмуини XVIII-XX асрлардаги қорақалпоқ тарихий қўшиқларини киритилди, тарихий қўшиқларнинг ахборот имкониятларидан фойдаланиш бўйича тадқиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш борасида амалиётчилар, ўқитувчилар, олимлар, сайёҳлар эътиборини тортади. XVIII-XX асрларда яшаган қорақалпоқларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг муҳим томонларини чуқурроқ англаш имконини беради.

Шимолий-шарқий Қорақалпоғистонда 1933 йилдаги Қорақалпоқ тадқиқот институти ходимлари проф. А.А.Соколов ва У.Кусекеев томонидан ўтқизилган этнографик экспедицияси давомида қайд этилган тарихий қўшиқлар катта қийматга эга. Ўша даврда тарихий қўшиқлар аҳоли хотирасида тўлароқ сақланган ва ёзиб олинган манбалар тўлиқлиги билан қимматлидир. Кейинги вақтларда уларнинг айрим қисмлари аста-секин аҳоли хотирасидан йўқолиб боради. 1960 – йилларнинг ўзида тадқиқотчилар баъзан уларни фақат қисқача ва схематик айтиб берилишини ёзиб олишга муваффақ бўладилар.

Қўплаб қизиқарли тарихий қўшиқларни ёзиб олган Қорақалпоқ илмий-тадқиқот институти ходими А.С.Морозова 1945 йилда қорақалпоқлар орасида йиғув-тўплаш ишларини олиб борди. 1945 йилдан бошлаб йигирма йил давомида тарих фанлари доктори Т.А.Жданко бошчилигидаги Хоразм археология ва этнография экспедицияси Қорақалпоқ этнографик отряди тадқиқотларида қатнашган. Т.А.Жданко томонидан тўпланган фольклор материаллари асосан қорақалпоқлар тарихининг ўрта аср даври ва уларнинг аجدодлари алоқаларнинг шимолий-ғарбий (Волга буйи, Урал буйи) чизигини қамраб олади.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон филиали ташкил қилинганидан сўнг (1959) Қорақалпоғистон халқлари тарихий фольклорига оид ёзувларни йиғиш ишларини филиал таркибидаги тарих, тил ва адабиёт институтининг бир қатор сектор ходимлари олиб боришди. Бу ёзувларнинг баъзиларининг мавзулари тадқиқотимизга алоқадар бўлгани учун улар билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоқ филиалининг қўлёзмалар бўлимида танишдик. Тарихчи олимлар А.М.Утемисов (этнография сектори), Т.Бегжанов (тарих ва қорақалпоқ тили диалектологияси сектори), М.Тилеўмуратов (инкилобдан олдинги даврдаги Қорақалпоғистон тарихи сектори) ларнинг дала ёзувлари Хўжайли, Тахтақўпир ва Мўйноқ туманларидаги қорақалпоқ ва қозоқ аҳолилари, шунингдек, Қўнғирот туманида ёшовчи ўзбеклар орасида олиб борилган [4].

Хоразм археология-этнографик экспедицияси ўз фаолияти давомида (1937-1960) Хоразм тарихининг турли даврларига ва Орол денгизига туташ дашт ҳудудларига мансуб 650 дан ортиқ археологик объектларни ўрганиб чиқди [5].

Қорақалпоқ этнографик гуруҳи ходимлари Т.А.Жданко, Б.В.Андрианов, М.В.Сазонова, К.Л.Задыхина, Н.П.Лобачева, С.К.Камалов, Р.К.Косбергенов, У.Х.Шалекенов қорақалпоқ халқининг тарихий анъаналари ҳақида жуда яхши биладиган кекса авлод тилидан қорақалпоқ қабилалари, уруғларининг келиб чиқиши, таркиби, Амударё дельтасини макон тутиши ва ундан олдинги кўчиб юришлари тўғрисида кўплаб оғзаки ривоятларни ёзиб олишди [6].

Бу Қорақалпоғистон тарихи бўйича янги умумлаштирувчи ишлар ёзиш учун зарур шарт-шароитларни яратади [7].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоқ филиалининг қўлёзмалар фондида сақланаётган тарихий қўшиқлар мажмуасини ўрганиш муаммоларини ҳал этиш, уларнинг тарихий-манбавий таҳлили, қорақалпоқ халқи тарихини ёзишда тарихий қўшиқларнинг аҳамияти каби бугунги кунгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган бир қатор масалалар янги нуқтаи-назардан ўрганилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кошанов Б.А. Каракалпакские исторические песни XIII-XX вв. Как исторический источник// История и культура Узбекистана. Материалы республиканской научно-практической конференции. Ташкент: Академия государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистана. Центр новой истории Узбекистана. Ташкент, 2011. – 151-154.

2. Соколов А.А. Основные этапы истории каракалпаков, по данным народных преданий каракалпаков и других памятников живой старины. – Турткуль, 1932; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.-Л., 1950; Андрианов Б.В. Этническая территория каракалпаков в Северном Хорезме // ТХАЭЭ, т.3. – М., 1958; Камалов С.К. Каракалпаки в XV-XIX веках. – Ташкент, 1968; Кожыкбаев А. Тарийхый коськлар. Ноқис, 1980; Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья. М., 1984; Ее же. Вопросы ранней этнической истории народов Приаралья (по данным исторического фольклора и ономастики). – Нукус, 1984; Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. М., 1983; Есбергенов Х., Хошаниязов Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре. Ташкент, 1988; Кошанов А. Каракалпаклардын ХУШ асирдеги тарийхы коркем эдебият бетлеринде //Амударья, 1974. №8; Тлеумуратов М. Каракалпак поэзиясы – тарийхый дерек. –Ноқис, 1994; Оразбаева У. «Кырк-кыз» дастанында тарийхый-этнографиялык дереклер. Ноқис, 1990; Махсетова М. Исторические корни эпоса «Едиге». Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Нукус, 1995; Бердиев Ж. Отражение в легендах и народных преданиях истории каракалпаков XIII-XVII вв. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Нукус, 1995; Жуманазаров У. Узбекские народные исторические песни. Автореферат. Ташкент. 1982; Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. Т., 1990 и др.

3. Материалы историко-этнографического отряда Каракалпакского института экономики и культуры АН УзССР. Р-121; Полевые материалы сектора истории дореволюционного периода, собранные во время экспедиции в Тахтакупырском и Муйнакском районах в 1961 г. Р.Косбергеновым, И.Косымбетовым, Ж.Уббиниязовым, М.Тлеумуратовым, Б.Казахбаевой и Р.Генжемуратовой. Р-101; Камалов С.К. Полевые записи историко-этнографической экспедиции Каракалпакского комплексного НИИ АН УзССР. Р-1959; Кошанов А. Полевые отчеты за 1969 г. на территории Ходжейлинского и Кунградского районов. Р-273; Его же. Полевые отчеты за 1970 г. Р-273; Толстова Л.С., Утемисов А. Материалы, собранные во время Зеравшанского и Бухарской экспедиции в 1960-1961 гг. Р-180; Толстова Л.С., Утемисов А. Материалы, собранные во время экспедиции Тахтакупырского и Муйнакского этнографического отряда в 1962 г. Р-180; Каримов А. Хожели хэм Ноқис каласында командировка уактында жыйнаган материаллар. Р-89; Полевые записи К.Махсетова в экспедиции в Тахтакупырском и Чимбайском районах. Р-84; Пирназаров А. Полевые

4. записи во время научной командировки в Тахтакупырском, Чимбайском и Кегейлинском районах в 1962 г.

5. Морозова А. С. Очерки по одежде и пище каракалпаков. Нукус, 1945; Ее же. Очерки быта узбеков Нукусского района ККАССР. Нукус, 1944. Рукопись хранятся в архиве Каракалпакского филиала Академии наук УзССР; Толстов С.П. Итоги двадцати лет работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции (1937—1956 гг.) // Советская этнография, 1957, №4, с. 31—60; Толстов С.П.; Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958—1961 гг. // Материалы Хорезмской экспедиции АН СССР.—М. 1963, вып. 6, с. 32—90.

6. Жданко Т.А. Этнографическая разведка в Чимбайском районе Каракалпакской АССР // Краткие сообщения Института этнографии, 1947, вып. 2, с. 5—16; Ее же. Родо-племенная структура и расселение каракалпаков в низовьях Амударьи в XIX—начале XX в. // Краткие сообщения Института этнографии. —М., 1949, вып. 6, с. 58—63; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков.— М.-Л.: АН СССР, 1950; Ее же. Каракалпаки Хорезмского оазиса // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. — М., 1952, т. I, с. 461—566; Ее же. Каракалпакская эпическая поэма «Кырк кыз» как историко-этнографический источник // Краткие сообщения Института этнографии, 1958, вып. 30, с. 112—120; Андрианов Б.В. Этническая территория каракалпаков в Северном Хорезме в XVIII—XIX вв. Автореф. дис. канд. ист. наук. — М., 1951; Сафонова М. В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Труды Хорезмской экспедиции. —М., 1952, т. I, с. 247—318; Задыхина К.Л. Узбеки дельты Амударьи. Там же, с. 319—426.

7. Тлеумуратов М. Бердах как историк.—Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР, 1965, №4; Его же. Бердактын шыгармаларындагы тарийхий дереклер.—Нукус: Каракалпакстан, 1968.

УЎК 394.91

## ИЛК ЎРТА АСРЛАР СУҒД ВА УСТРУШОНА АЛОҚАЛАРИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ МАСАЛАСИ

*Н.Хўжанов, таянч докторант, Самарқанд давлат университети*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Илк ўрта асрлар Уструшона ва Суғд муносабатларини ўзида акс эттирувчи ёзма маълумотлар тадқиқ қилинган. Шунингдек, суғдликлар ва уструшоналиклар тилида умумийлик мавжуд эканлиги очиқ берилган. Суғд маданиятининг Уструшона маданиятга кўрсатган таъсири кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Уструшона ва Суғд, Муғ тоғи хужжатлари, Чилхужрадаги хат, Панжикент.

**Аннотация.** В данной статье исследуются письменные сведения, отражающие взаимоотношения между Уструшоной и Согдом в раннем средневековье. Выявлено также, что между согдийцами и уструшонами существует общий язык. Показано влияние сугдийской культуры на уструшонскую культуру.

**Ключевые слова:** Уструшона и Согд, документы горы Муғ, письмо Чилхуджра, Пенджикент.

**Abstract.** In this article, the written information reflecting the relations between Ustrushona and Sughd in the Early Middle Ages is researched. It is also revealed that there is a common language between the Sugdians and the Ustrushons. The influence of Sugdian culture on Ustrushona culture is shown.

**Key words:** Ustrushona and Sughd, Mugh mountain documents, Chilhujra letter, Panjikent

Илк ўрта асрлар Уструшона ва Суғд муносабатларини ўзида акс эттирувчи маълумотларни маълум бир қисми қалъа ва саройларда археологик тадқиқотлар олиб бориш натижасида тўпланган манбаларни таққослаш орқали ўрганамиз. Масалан, бу икки тарихий вилоятлар маданият алоқалар тарихида муҳим ёзма манбаларни мослигини солиштирсак, Шахристон шаҳарчасида қазилма ишлари давомида унинг икки қаватли иморати деворларидан (ҳозирги шаҳарнинг жанубий-ғарбида) биринчи маротаба ёзма битиклар топилиб, 1950-йилдан бу ҳудудда топилган суғдий ёзувларни тадқиқ қилиш бошланиши натижасида бу ёзувлар Муғ тоғидан топилган ёзув билан мослиги аниқланган[19.13].

Бизнингча ҳам суғдликлар ва уструшоналиклар тилида умумийлик мавжуд бўлиб, уструшоналикларнинг тилини Суғд тилининг лаҳжаларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Чилхужрадан топилган хужжатлар мазкур фикримизни асослайди. Хужжатлар ичида яхши сақланган хатлардан бири В.А. Лившиц томонидан ўқилган бўлиб, олим бу хатни суғдий хужжатлар типига киритган[11.80].

Муғ тоғи хужжатлари ва Чилхужрадаги хатни таҳлил қилишимиз натижасида “*Гушнаспич Фарнарч буйруғига асосан ёзди*”, иборасига асосланиб, хатни ёзилиш услуби Муғ қальасидаги ёзув билан айнан мос келади[20.80]. Яна бир жиҳати шундаки, минтақаларнинг диний муштараклиги ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатган. Мазкур далиллар Уструшонада ҳам Суғддаги каби моҳир котиблар мактаби шаклланганлигини кўрсатади[11.86].

Суғд ва Уструшона худудининг тарихий географиясини ўрганиш билан боғлиқ ишларда А.Ю.Якубовский, А.И.Мендельштамлар тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этган[21.13-55]. Суғд ва Уструшонани археологик жиҳатдан тизимли республикалараро ўрганиш 1946 йил ташкил этилган Суғд-Тожиқ археологик экспедицияси билан боғлиқ. Бу экспедициянинг О.И.Смирнова бошчилигидаги гуруҳи Тожиқистон ва Ўзбекистон худудида кенг қўламли тадқиқот олиб боришган[17.58].

О.И.Смирнова тадқиқотлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Олима Муғ тоғи суғдий хужжатларига асосланиб, Суғднинг Панч ҳукмдорлиги тасарруфидаги топографиясини аниқлаган ҳамда Юқори Зарафшон воҳасининг тарихий-географик харитасини тузган[18.54-66,7.6]. Ўз тадқиқотларида у Уструшона худудларининг тарихий географиясига тўхталиб, топонимлар маъноларини ёритиб берган. Юқори Зарафшондаги Суғднинг жой номларини келиб чиқишига оид тадқиқотлар олиб бориб, Суғд ва Уструшона тилларидаги умумийлик жиҳатларини кўрсатиб берган[18.55-56]. Кейинчалик айни кўринишдаги тадқиқот А.Айюбов томонидан ҳам амалга оширилиб, тадқиқотчи иккала худуд топонимларнинг суғдий асосда келиб чиққанлигини таъкидлайди[2.32-48]. Бу ҳолат П.Б.Лурье томонидан ҳам эътироф этилган[12.305].

Бу экспедиция натижалари ҳақида А.Ю.Якубовский 1946-1947-йиллардаги Суғд-тожиқ экспедицияси натижаларини[22.9-20], 1954 йилда А.М.Белицкий раҳбарлигидаги Суғд-тожиқ экспедицияси материалларини тўпланиши[3.104-155]. Суғд ва Уструшона алоқалари тарихшунослигида муҳим манбага айланди. Бу тадқиқотлар натижасида Панжикент ёдгорлигининг учдан икки қисми қазиб ўрганилди. Қазиш натижасида шаҳар деворларидаги тасвирий санъат асарлари, ёғоч ўймақорлик наъмуналари, лойдан ясалган ҳайкалчалар топилди. Натижада шаҳарнинг ижтимоий топографияси, ҳунармандчилиги, савдо-сотиғи, пул муомиласи ҳақида кенг қўламли маълумот тўпланди[5.112-146].

Суғдшунос-тилшунос олим В.А.Лившиц Муғ тоғи суғдий хужжатлари бўйича изланишлар олиб бориш жараёнида Панч ҳукмдорлиги билан Уструшона ҳукмдорлигининг ўзаро муносабатларини ёритадиган А-9 деб юритиладиган хужжатда Уструшан, Шавкат, Буттаман, Парғар каби жой номларининг бир қисми Уструшонага, бир қисми Панчга тегишли тоғлик мавзелар эканига эътибор қаратган[9.61-63]. Тадқиқотчи 683 йилдан 708 йилгача Панч ҳукмдори бўлиш билан бирга “Бағд подшоси, Панч ҳукмдори” каби кўшалок унвон билан иш кўрган Чакин Чўр Билга шахсига тўхтаб, Уструшонага қарашли худуд сифатида қараладиган Бағдни муайян бир ҳукмдорлик бўлса, унда *Панчикат* (Панч / Панжикент) унинг таркибидаги ҳукмдорлик бўлган”, деб ёзади ва “агар “Бағд (Бағд) подшоси”нинг мулки Самарқанд Суғдида ёки Панчга кўшни Уструшонада жойлашган бўлиши мумкин” дея таъкидлайди[9].

Суғд ва Уструшона тарихини асосан суғдий хужжатларга таяниб тадқиқ этган П.Б. Лурье ҳам В.А. Лившицнинг қарашларини таҳлил қилади. Тадқиқотчи Муғ тоғи суғдий хужжатларидан бири – В-8 рақамли хужжатда *βυτυκ MLK' pncy MR'Y ck'un cwr βυδκ'* “*βυτυκ* ҳукмдор Панч подшоси (афшини) Чакин Чўр Билга” жумласи учраши ва унинг 693-708 йилларда Панчни бошқарган туркий ҳукмдор бўлганлигини таъкидлайди ва ушбу суғдий хужжатдаги *βυτυκ MLK'* сўзи “бахтли ҳукмдор” деган маънода қўлланилган бўлиб, деб тушунтиради[13.128-130]. Тадқиқотчига кўра, *βυτυκ MLK'* “бахтли ҳукмдор” иборасидаги “бахли” сўзи аслида қадимги туркча “кутлуғ” эпитети (сифати)нинг суғдийча ўгирмасидир. Бирок, В.А.Лившиц, И.Гершевич каби тадқиқотчилар *βυτυκ MLK'* иборасини муайян бир жой номи билан, Уструшонага қарашли Бағдон ёки Фағнон / Факнон рустоқи билан боғлайдилар. Юқорида бирмунча қараб чиқилганидек, В.А. Лившиц *βυτυκ* топонимини Истахрий асарида *نعنان* (вариантлари: *نعمار*, *بعنان*, *نعيان*, *يعنان*) ва Ибн Ҳавқал асарида *بغتان* \* (*Baytān*) шаклларида ўрин олган рустоқ номи билан тенглаштиради[15.153-154].

Бир қатор тадқиқотчилар Суғд тарихини, шу жумладан, Уструшона тарихини ўрганишда VIII асрнинг биринчи чорагига тегишли Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар муҳимлигига эътибор қаратишган. Қарийб 100га яқин ушбу ҳужжатлар (О.И.Смирнованинг 1970 йилда нашр қилинган “Очерки истории Согда” асарининг 14- бетида 97 та деб кўрсатилган - *диссертант*) суғдий ёзувлар тўплами бўлиб, ҳужжатлар таркибидаги турк (руник) битиклари, араб тилидаги (арабларнинг ноибига Панжикент деҳқони Деваштичнинг хати) ва хитойча битиклар Суғд ва Уструшона тарихини тадқиқ этишда муҳим рол ўйнайди[19.13]. Муғ тоғидан суғдий ҳужжатларни топилиши Суғдни ва Уструшона вилоятларини номларини келиб чиқишига аниқлик киритди[16.3]. Муғ калъаси ҳужжатларида Уструшона топонимини келиб чиқишида икки хил сифат формаси келтирилган: А-14 (16-17 қатор) ҳужжатида *'stwršnyk 'wt'k s'tw 'py'nštk* – “Уструшона вилояти” ва А-9 (recto 13-қатор) ҳужжатида *'stwršnyk nāf* – “Уструшона халқи”[11.86-88].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, суғдшунос олим М.М. Исҳоқов Суғд ва Уструшона ҳукмдорлари орасидаги алоқаларни А-14 рақамли Муғ тоғи суғдий хати асосида ёритишга ҳаракат қилган. Тадқиқотчи ушбу хатда учрайдиган “Чадирчик зай” иборасига эътибор қаратиб, бу ер Уструшонага тўғри келганини ёзиб, Чоч ҳукмдорлигига бўйсунган ҳудуд сифатида талқин қилган. Шунингдек, М.Исҳоқов ҳужжатдаги Канд, *'stwršnyk* (Истаравшан / Устуршан) каби атамаларга тўхталиб, Суғд элчиси Фатуфарнинг Чочга келиш ва қайтишида Уструшона ҳудудларидан бўлгани ва бу ҳақда маълумот ёзиб қолдирганига урғу қаратган[8.6].

Хуллас, Суғд ва Уструшона алоқалари тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотларни баҳолаб экканмиз Суғд ва Уструшона тарихий-географик вилоятлари бўйича олиб борилган изланишларнинг кўлами кенг, бироқ уларда асосий диққат-эътибор улардан муайян биттасига қаратилгани учун ҳар иккала ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий алоқалари кенг ёритилганмаганлиги аён бўлади. Буларни очиб беришда ёзма манбалар муҳим аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аюбов А.Р. Исторические аспекты становления и трансформации топонимов Согда и Ферганы (VI в. до н.э. – X в. н.э.): автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Душанбе, 2021. – С. 24-45.
2. Аюбов А.Р. Топонимы Уструшаны: истоки их происхождения и значения. – СПб.: 2009. – С. 32-48;
3. Белиницкий А.М. Общие результаты раскопок городища древнего Пенжикента (1951-1953) // МИА. – Москва, 1955. – №66. – С. 104-155.
4. Белиницкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Ленинград: Наука ЛО, 1973. – С. 112-146.
5. Ғойибов Б. Деваштич. – Тошкент: Наврўз, 2013. – Б. 6-7.
6. Ғойибов Б. Суғд тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: СамДУ, 2020. – Б. 6.
7. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 6.
8. Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 61-63.
9. Исҳоқов М.М. Илк ўрта асрларда Суғд, Уструшона ва Чоч муносабатларига доир // “Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (Антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2016. – Б. 6-8.
10. Лившиц В. А. Согдийские документы из замка Чиль- худжра // Scripta Gregoriana, Сборник в честь семидесятилетия академика Г. М. Бонгард-Левина. – Москва: 2003. С. 80.
11. Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дисс. ... канд. филол. наук. – СПб.: 2004. – 305 с.
12. Лурье П.Б. Счастливый правитель, царь Пенджикента Чегин Чур Билгә // Центральная Азия от Ахеменидов до Тимуридов: археология, история, этнология, культура. Материалы международной научной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения А.М.Беленицкого (Санкт-Петербург, 2-5 ноября 2004 года). – Санкт-Петербург: Институт истории материальной культуры РАН, 2005. – С. 128, 130.
13. Менельштам А.И. О некоторых вопросах сложения таджикской народности в Среднеазиатском Междуречье // Советская археология. 1954. – Вып. XX. №2. – С. 28.
14. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. – Душанбе, 1957 – С. 153-154.
15. Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахриван. Материальная культура Уструшаны. – Вып. I. – Душанбе, 1966. – С. 3.

16. Смирнова О.И. Археологические разветки в Уструшане в 1950 г. // МИА. – №37. – Москва-Ленинград, 1953. – С. 58.
17. Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана // МИА. – Москва: 1950. – №15. – С. 54-66;
18. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Москва: Наука, 1970. – С. 13.
19. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – Москва: Изд. Восточной литературы, 1962. С. 71-74;
20. Якубовский А.Ю. Итоги работ согдийско-таджикской экспедиции в 1946-1947 гг. // МИА. – Москва, 1950. – №15. – С. 13-55;
21. Якубовский А.Ю. Итоги работ таджикской археологической экспедиции за 1948-1950 гг. // МИА. – Москва, 1953. – №37. – С. 9-20.

УЎК 903

**ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРМАЦЕВТИКА  
КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ**  
**Ш.А. Якубова, ўқитувчи, “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши**  
**ирригация ва агротехнологиялар институти, Қарши**

**Аннотация.** Ушбу мақола мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика фанидаги ўзгаришларни тақдим этади. Дастлаб фармацевтика фанидаги муаммолар, уларнинг эчимлари ва ушбу соҳадаги ютуқлар ушбу мақолада келтирилган. Бундан ташқари, мақолада фармацевтика соҳасини ривожлантиришида фармацевт кадрларнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** Фармацевтика, фармация, агробиотехнология, провизор, Биотехнология, Агроэкология, “Ўзхимфарм”, Ўз ФА Ботаника боғи, фармацевт кадрлар, Тошкент фармацевтика институти, стандартлаш, фармакогнозия.

**Аннотация.** В данной статье представлены изменения в фармацевтической науке Республики Узбекистан за годы независимости. Первоначально в данной статье представлены проблемы фармацевтической науки, их решения и достижения в этой области. Кроме того, в статье подчеркивается значение фармацевтов в развитии фармацевтической отрасли.

**Ключевые слова:** Фармацевтика, фармация, агробиотехнология, провизия, биотехнология, агроэкология, «Узхимфарм», Ботанический сад УзФА, провизорские кадры, Ташкентский фармацевтический институт, стандартизация, фармакогнозия.

**Abstract.** This article presents the changes in the pharmaceutical science of the Republic of Uzbekistan during the years of independence. Initially, problems in pharmaceutical science, their solutions and achievements in this field are presented in this article. In addition, the article highlights the importance of pharmacists in the development of the pharmaceutical industry.

**Key words:** Pharmaceuticals, pharmacy, agrobiotechnology, provisional, Biotechnology, Agroecology, "Uzkhimfarm", Botanic garden of UzFA, pharmacist personnel, Tashkent Pharmaceutical Institute, standardization, pharmacognosy.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ва модернизация жараёнлари ўз ўрнида тиббий, хусусан, фармацевтика соҳаси кадрлар тайёрлаш ишини такомиллаштиришни кун тартибига долзарб қилиб қўйди. Шу ўринда Тошкент фармацевтика институтида амалга оширилган ишлар диққатга сазовордир. 1991-1992 ўқув йилида институтда 3 та яъни, фармация, агробиотехнология, провизорларни малакасини ошириш факультетлари, 25 та кафедра, 3 та курс ва Марказий илмий текшириш лабораторияси фаолият кўрсатди. Кафедраларда 246 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, улардан 24 нафари фан доктори, 118 нафари фан номзоди, 104 нафари ассистент ўқитувчи эди. Шунингдек, 40 ёшгача бўлган фан докторлари 3 кишини ташкил этди.

Тошкент фармацевтика институтига 1991-1992 ўқув йилида 1232 нафар абитуриент ариза топшириб, улардан 1191 нафари имтиҳонда иштирок этди. 91 нафар абитуриент

мактабни олтин медал билан тамомлаганликлари туфайли суҳбат асосида ўқишга қабул қилинди.

Тошкент фармацевтика институтида 1992-1993 ўқув йилидан бошлаб иккита янги “Биотехнология” ва “Агроэкология” йўналишлар очилиб, ўқув ишларини янада такомиллаштириш мақсадида доривор ўсимликлар ва Биотехнология курслари ташкил этилди. Шу ўқув йилида институтнинг “Фармация” мутахассислиги бўйича кундузги ва сиртки бўлимларда 1939 талаба, биотехнология мутахассислигида 73 талаба, агроэкология мутахассислигида 87 талаба таҳсил олди. Шунингдек, шу ўқув йилидан бошлаб хорижий талабалар шартнома асосида қабул қилинди.

1993 йил сентябрда институтда “Агроэкология” мутахассислиги очилиши муносабати билан ва доривор ўсимликларнинг ресуршунослиги фанини ўқитиш савиясини ошириш, ўқув-услубий ишларни яхшилаш мақсадида доривор ўсимликлар ресуршунослиги курси ботаника кафедрасидан ажратилиб, мустақил “Доривор ўсимликларнинг ресуршунослик ва стандартлаш” кафедраси ташкил этилди. Бу даврда институт моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам муайян даражада эътибор қаратилди. Институтнинг ўқув биносини умумий майдони 11160 м<sup>2</sup> бўлиб, ҳар бир талабага 3,7 м<sup>2</sup> га тўғри келди. 1993-1994 ўқув йилида институтда 594 ўринли 2 та ётоқхона, шу жумладан ижарага олинган 250 ўринли 1-ётоқхона фаолият кўрсатди. Ҳар бир кафедрада 3-4 ўқув хонаси, лаборантлар хонаси, ассистентлар хонаси ва кафедра мудирининг хонаси мавжуд эди. Кафедраларнинг лабораториялари ўқув режаси ва дастури талабларига мос ҳолда жиҳозланди. Шунингдек, институт кутубхонаси 470 м<sup>2</sup> майдонга жойлашган бўлиб, унинг фондида 345936 нусха китоб бор эди.

Институтнинг Чимёнда спорт-соғломлаштириш лагери, жисмоний тарбия кафедрасининг иккита волейбол майдони, сакраш сектори, кураш, оғир атлетика, стол тенниси машғулотлари учун 40 м<sup>2</sup> майдонга жойлашган иккита мослаштирилган хонаси ҳам фаолият кўрсатди. 1994 йилдан эса талабалар учун 500 ўринли 2 та ётоқхона қурилиши бошланди.

Барча иқтисодий муаммоларга қарамай, 1994-1995 ўқув йилида ўзаро келишув натижасида Москва тиббиёт академиясида институтнинг мутахассислик кафедралари ўқитувчиларини малакасини ошириш ташкил этилди. Москва тиббиёт Академиясида институтдан Р.А.Муҳамедова ва И.А. Харламов, Д.Назарова малака оширишда бўлди. Шунингдек, Тошкент Давлат университети қошидаги олий Педагогика институтида Г.Абдуазимов, Х.Мамаешов, Н.Ш.Полянц, Э.Т. Тўйчиев, Тошкент Давлат тиббиёт институтида Т.Т. Раҳимов, В.В. Урафьская, Г.Маликова, М.А. Умарова малака ошириш курсларини ўтади.

Тошкент фармацевтика институти талабаларининг давомати ва ўзлаштириш кўрсаткичи доимий таҳлил этиб борилди. Масалан, 1993-1994 ўқув йили ёзги имтиҳон сессиясида ўзлаштириш институтнинг агроэкология мутахассислигида 74,3 фоизни, биотехнология мутахассислигида 83,6 фоизни, факультет миқёсида эса 78,5 фоизни ташкил этди. Биотехнология мутахассислигининг 3 курсида эса ўзлаштириш 1993-1994 ўқув йилги ёзги имтиҳон сессиясида 75 фоизни ташкил этди. Давомат агроэкология мутахассислигида 1993-1994 ўқув йилида 93,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1994-1995 ўқув йилида 94,4 фоизни, биотехнология мутахассислигида 1993-1994 ўқув йилида 90,8 фоизни ташкил этди.

1995-1996 ўқув йили фармацевтика институтига талабаларнинг 20 фоизи шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Шу билан биргаликда мақсадли ўқиш йўли билан режадан ташқари 10 нафар талаба қабул қилинди. Институтга кириб ўқиш истагини билдириб ариза берган абитуриентларни сони 531 тани ташкил қилди. Бу 1994-1995 йилдагидан 272 тага кам эди. Абитуриентларнинг 32,5 фоизи Қашқадарё вилояти, 24,5 фоизи Тошкент вилояти ҳисобига тўғри келди.

Амалиётлар ўқув жараёнининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, Тошкент фармацевтика институтида ҳам талабалар амалиётини ташкил этиш юзасидан муайян тадбирлар олиб борилди. 1994-1995 ўқув йилида фармация ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёт фанидан 325 талаба ишлаб чиқариш амалиётини ўташга юборилди. Амалиёт Тошкент шаҳрининг 36 та

дорихонасида, уч маддатда ўтказилиб, талабалар биринчи марта ишлаб чиқариш амалиётини ўтказди. Аъло баҳолар сони 8,3 фоизга, яхши баҳоли 5,12 фоизга ва қониқарли баҳолар 3,78 фоизга камайди. Амалиётлар асосан назорат-таҳлил лабораторияларда ва дорихоналарнинг таҳлил хоналарида, “Ўзхимфарм” ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ўз ФА Ботаника боғида ташкил этилди. Институтда доимий маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб турилди. 1994 йил январда институтда “Саломатлик университети” ташкил этилиб, унга раҳбарлик қилиш проф. И.В.Раҳимовага топширилди. Шу йилнинг 6 ой мобайнида “Саломатлик университети” томонидан институт талабаларига қизиқарли мавзуларда суҳбат ва маърузалар ўтказилди. Бундан ташқари институтда ҳуқуқий тартиб бузарларни олдини олиш кенгаши тузилди. Шу кенгашга доц. Р.З.Зилев раҳбарлик қилди. 1994 йил 15 мартда институт талабалари ва ходимларининг Миробод тумани прокуратура ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Институт кутубхонаси ходимлари 1994 йили “Экология, мустақиллик ва саломатлик” номли китобкўргазмаси, Мирзо Улуғбек тавваллудини 600 йиллигига бағишланган “1994 йил – Улуғбек йили” мавзуида китоб кўргазмаси ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фармацевтика кадрларини тайёрлаш ишининг сифати ва қўлами кенгайиб борди. Марказий Осиё фармацевтика соҳасини кадрлар билан таъминлашда Тошкент фармацевтика институти минтақада етакчилик қилди. Институтда фармацевтика соҳасининг агробиотехнология, биотехнология, агроэкология, фармация менежменти ва иқтисодиёт, фармацевтик таҳлил ва фармакогнозия, дори турлари технологияси, клиник фармация каби йўналишлари бўйича мутахассисларнинг тайёрланиши соҳа кадрлари таъминотини яхшилашга хизмат қилди. Тиббий таълим тизимидаги ислохотлар Тошкент фармацевтика институтида ҳам амалга оширилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 2-рўйхат, 54-иш, 2-варақ.
2. Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 2-рўйхат, 54-иш, 33-варақ.
3. Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 2-рўйхат, 54-иш, 4-варақ.
4. Ўз ИТТХ МА, 1-фонд, 2-рўйхат, 54-иш, 5-варақ.
5. Ўз ИТТХ МА, М-380-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 47-варақ.
6. Ўз ИТТХ МА, М-380-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 10-варақ.
7. Ўз ИТТХ МА, М-380-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 16-варақ.
8. Ўз ИТТХ МА, М-380-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 22-варақ.
9. Ўз ИТТХ МА, М-380-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 46-варақ.
10. Ўз ИТТХ МА, М-380-фонда, 1-рўйхат, 20-иш, 198-варақ.

АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ

UO'K: 72.03 (711)

**ZOHIR VA BOTIN O'RTA OSIYO MADANIY INSHOOTLARI ARXITEKTURASIDA***E.G.Barsukova, PhD, Toshkent arxitektura-qurilish instituti, Toshkent*

*Annotatsiya. Maqolada tasavvufning O'rta Osiyodagi madaniy inshootlar arxitekturasi va bezaklariga ta'sirini o'rganish va ularning ramziy-semantik mazmunini ochib berishga bag'ishlangan. Shuningdek, maqolada tasavvuflik uslubi va ularning arxitekturaviy dekor bilan aloqasi tahlil qilingan. Arxitekturaviy xajmlarning ramziy mazmunini aniqlashtirish ayrim tarixiy barqaror qonuniyatlarga ega, arxitekturani ramziy "o'qish" esa alohida belgili tizimlarda o'sha mazmunlarning konkretlashuviga yordam beradi.*

*Kalit so'zlar:* tasavvuf, ramz, semantika, Islom san'ati, Islom arxitekturasi.

*Аннотация. Статья посвящена исследованию влияния суфизма на архитектуру и декор культовых сооружений Средней Азии и раскрытие их символично-семантического содержания. В статье также анализируются суфийские методики и их взаимосвязь с архитектурным декором. На выявление символических смыслов архитектурных форм влияют определённые исторически устойчивые закономерности, а её символическое прочтение – это детализация внутреннего содержания в их особых знаковых системах.*

*Ключевые слова:* суфизм, символизм, семантика, Исламское искусство, сакральная архитектура.

*Abstract: The article is devoted to the study of the influence of Sufism on the architecture and decor of religious buildings in Middle Asia and the disclosure of their symbolic and semantic content. The article also analyzes Sufi techniques and their relationship with architectural decoration. The identification of symbolic meanings of architectural forms is influenced by certain historically stable patterns, and its symbolic reading is the detailing of the internal content in their special sign systems.*

*Keywords:* Sufism, symbolism, semantics, Islamic art, sacred architecture.

**Kirish.** Mamlakatimizni jadal rivojlantirishga qaratilgan “Harakatlar strategiyasi”da shaharsozlik va arxitekturani yanada takomillashtirish, me'morchilik yodgorliklarining bezak elementlarini asrab-avaylash va ulardan oqilona foydalanish muammolarini hal etish chora-tadbirlari amalga oshirilmoqda – bu haqida Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev bir necha bor ta'kidlab o'tganlar[1]: “Shu bilan birga buyuk mutafakkirlarimizning yodgorlik majmualarida hadis ilmi, islom huquqi, tasavvuf va boshqa yo'nalishlarni o'rganish bo'yicha maktablar tashkil etildi. Shubhasiz, bu yo'nalishdagi faoliyatimiz chuqur ilmiy va amaliy asosga ega”. Hozirgi vaqtda me'morchilik fanining dolzarb vazifalaridan biri – tasavvufning O'rta Osiyodagi ibodat inshootlari me'morchiligi va bezaklarida ta'sirining tutgan o'rnini aniqlash va ularning ramziy-semantik mazmunini ochib berish. Tasavvuf O'zbekiston madaniyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Ajdodlarimiz orasida Imom al-Buxoriy, At-Termiziy, Naqshbandiy, Xo'ja Ahmad Yassaviy, Beruniy, Ibn Sino, Amir Temur, Ulug'bek, Bobur kabi boshqa ko'plab buyuk nomlar borki, ularning ko'pchiligi so'fiylik maktablarida ta'lim olishgan va o'zlari ham so'fiy bo'lishgan. Ko'p sonli tasavvuf maktablarining o'ziga xos farqlari va xususiyatlari mavjud bo'lib, ular zamonaviy va tarixiy adabiyotlarda yuqori darajada aniq va batafsil bayon etilgan [2]. O'rta Osiyoda XII–XIV asrlarda tasavvufning uchta asosiy yo'nalishi yuzaga kelgan: “Yassaviya” – Turkistonda (XII asr), “Qubroviya” – Xorazmda (XII asr oxiri) va “Naqshbandiya” – Buxoroda (XIV asr) [3].

**Asosiy qism.** Tasavvuf – bir yarim ming yildan ortiq vaqtdan buyon ham o'tmishda, ham hozirgi zamonda ko'p sonli odamlar va tadqiqotchilar e'tiborini o'ziga jalb etib kelayotgan sirli so'z. Ko'p sonli yozma va nashr etilgan adabiyotlar ushbu ta'limotning mohiyatini tushunishga oydinlik kiritmaydi, chunki ularda asosan turli yo'nalishlar va turli maktablar tarixi, ko'zga ko'ringan so'fiylarning tarjimai hollari, shuningdek, ular ko'rsatgan mo'jizalar, hamda tasavvufning axloqiy tamoyillari bayon etilgan. Bularning hech biri tasavvufning asl mohiyatini, shuningdek, ular qo'llayotgan amaliy usul va uslublarni ochib bermaydi. Shu bilan birga, shunisi ajablanarli-ki,

ko'pchilik mualliflar hech qachon tasavvuf amaliyoti bilan shug'ullanishmagan va hodisalarning asl mohiyatini ichdan bilishmaydi. Keling, masalaning shu tomonini yoritishga harakat qilaylik.

Keling, meni nuqtai nazarimda eng muhim narsadan – maqsadni belgilashdan boshlaylik. So'fiylarning o'zlari yozadilarki, so'fiylik ta'limotining amaliy maqsadi "Komil inson", yoki ularning ta'biri bilan yatganda, "Inson-i komil"ni [4] shakllantirishdir. Modomiki, barcha yashirin ezoterik ta'limotlar, shu jumladan so'fiylik ham, o'z tarafdorlariga ta'lim berish jarayonida bir xil fundamental tamoyillardan foydalanishar ekan, ularni quyidagi guruhlarga bo'lish mumkin.

1. Maxsus nafas olish mashqlari orqali amalga oshiriladigan va barcha ezoterik ta'limotlarda bir xil bo'lgan tanaga energiya to'plash va to'ldirish. Ushbu uslub hind yogasida batafsil tavsiflangan va "Maha Bandha", deb nomlanadi. Ushbu uslub kundalik amaliyotda bazaviy usul sifatida qo'llaniladi va turli nomlar ostida ham so'fiylar, ham daoslar, ham hind yogalari, ham Markaziy Amerika afsungarlari orasida ma'lum va mashhur.

2. Qabul qilingan ortiqcha quvvatni "hazm qilish" va "o'zlashtirish" imkonini beruvchi amaliyotlarning mutlaqo zarur qismi sifatida holdan toydiruvchi jismoniy mashqlar.

3. Ongni tinchlantirishga hamda "aqliy sukunat" paydo bo'ladigan va ichki muloqotning yo'qligi va fikr oqimining to'xtashi bilan tavsiflanadigan maxsus psixofizik holatga erishishga qaratilgan meditatif usullar. So'fiylarda ushbu meditatsiya yakka zikr, deb ataladi.

4. Trans holatiga kiritish, bunda o'zgargan ong holatiga (O'OH) juda samarali erishiladi [5]. Bunday holat jamoaviy zikr paytida yuzaga keladi. Ulardan eng mashhuri "Raqsqa tushayotgan darveshlar"dir. O'z o'qi atrofida aylanish texnikasi Tibet yogasida, Markaziy Amerika afsungarlari hamda shamanlar orasida ham ma'lum.

Ezoterik ta'limotlar va bilimlarning ekzoterik (ilmiy) bilimlardan asosiy farqi shundaki, birinchi holatda bilim individual tasavvuf tajribasi orqali idrok qilinadi va o'zlashtiriladi, ikkinchi holatda esa bilimga laboratoriya va eksperimental tadqiqotlarni mantiqiy tushunish orqali erishiladi.


Biroq, so'fiylar, xususan, O'rta Osiyo so'fiylari (Naqshbandiya tariqati) [6] bundan ko'p yuz yillar avval zamonaviy psixologiya va antropologiya endigina yaqinlashgan mavzuga e'tiborni qaratishgan. Ya'ni, fikrlashning asosan chap va asosan o'ng tomonlama turlari mavjudligiga. Asosan o'ng tomonlama fikrlash turida miyaning o'ng yarim shari ishlaydi va bu turdagi fikrlash asosan majoziy, ramziy, rang-barangdir. Chap tomonlama fikrlash turi asosan mantiq, sabab-oqibat munosabatlari, geometriya va matematika bilan tavsiflanadi [7].

Ushbu tariqatdagi so'fiylar bu ikki turdagi tafakkurni bir butunga birlashtirishni o'rgandilar va natijada o'zgargan ong holatiga (O'OH) erishishning juda kuchli vositasiga ega bo'ldilar. Shu bilan birga, ushbu vositadan faol, ya'ni ongli ravishda foydalanish mumkin, shuningdek, undan nofaol foydalanish mumkin, bunda ta'sir ongdan tashqari – g'ayrihuuriy darajada sodir bo'ladi. Ushbu kashfiyot – tafakkurning o'ng va chap tomonlama turlari bir butunga birlashishi holati – buyuk kashfiyot bo'lib, Supertafakkurni tashkil qiladi va favqulodda samarali ta'sir qiladi, biz bunga o'xshashini boshqa ezoterik ta'limotlarda hali uchratmaganmiz. Ikki xil tafakkur uyg'unlashishining yorqin ifodasini biz musulmon dunyosidagi diniy ibodat inshootlarining me'moriy bezaklarida topishimiz mumkin, chunki bezak yaratish bo'yicha ish ikkita tarkibiy qismdan iborat: "yashirin" naqsh va "oshkora" naqsh, ya'ni botin va zohir [8] (botiniy va zohiriy naqshlar).

Diniy ibodat inshootlarining tasavvuf ustalari tomonidan yaratilgan boy ornamental bezaklari insonlarga juda katta psixo-emotsional ta'sir ko'rsatadi. Bu me'moriy bezak turlarining (girihi, islmiy, epigrafika va boshqalar) turlicha qo'llanilishi bilan ham, me'moriy inshootlarda ranglar palitrasidan foydalanishi bilan ham bog'liq. Islom arxitekturasi o'zining rang-barangligi tufayli tomoshabinning ruhiyatiga ta'sir qiluvchi kuchli quvvat zaryadiga, shuningdek, ko'z tashlaganda nigoh bilan qisqa vaqt ichida to'liq qoplab olinishi mumkin bo'lgan yuzadagi belgilar konsentratsiyasi hisobiga ko'proq ma'lumot berish imkoniyatiga ega [9].

Ma'lum bo'lishicha, ko'z bilan yaqqol ko'rish mumkin bo'lgan bezak naqshining (zohir) tashqi namoyon bo'lishi bilan bir qatorda ichki, "yashirin" (botin) mohiyat ham mavjud bo'lib, u tashqaridan namoyon bo'lmasa-da, baribir bezakning bir qismi sifatida muhim ahamiyatga ega. Shu bilan birga, tashqi, "oshkora" (zohir) faqat badiiy ijroda (naqshlar, ranglar) namoyon bo'lsa, ichki (botin) qismi bezakning geometrik tuzilishda namoyon bo'ladigan yashirin mohiyatidir.

Metodikaning asosi [10, 11] shundaki, bezakka, boshqacha aytganda, uning tashqi shakliga (badiiy tasvir, zohir) yetarlicha diqqat bilan qaralganda, hamda shu bilan bir vaqtning o'zida uning ichki mazmuni (botin), ya'ni geometrik asosni ko'rishga harakat qilinganda, kuzatuvchida bir vaqtning o'zida chap va o'ng tomonlama fikrlash turlari bir vaqtda ishlay boshlashiga olib keladi, bu esa muayyan fursat o'tishidan keyin (ob'ektda diqqatini jamlashi darajasiga qarab) ikkala tafakkur turlarining yagona bir butun tafakkurga aylanishiga olib keladi, ushbu uyg'unlashuv natijasi supertafakkurga erishish bo'lib, bu so'fiylarning yakuniy rejasiga ko'ra Haqiqiy maqsad – insonning Xudoda singib ketishiga olib keladi. Kuzatuvchi yengil trans holatini boshdan kechiradi, bunda ruhiy sukunatga erishiladi va shu bilan birga inson jarayon va hodisalarning metafizik mohiyatini an'glay boshlaydi. Agar inson uzoq vaqt bu holatda qolsa, u holda fikrning ravshanlashishi ro'y beradi va inson o'zi oldida turgan muammoning to'liq mohiyatini, balki uni hal qilish yo'llarini ham tushunadi.




Keling, ushbu metodikani aniq misollarda ko'rib chiqaylik [8]. **1-rasmda** (Samarqand, Bibixonim masjidining kirish eshigi, 1399-1404 yillar) markazlashtirilgan bezak namoyish qilingan va quvvat markazlari (latifa) va ornamental kompozitsiyasining tuzilishi o'rtasidagi aloqa ochib berilgan. Bizga ma'lumki, markazlashtirilgan ornamentlarni tuzish markaziy nuqtadan boshlanadi va keyin ichkaridan tashqariga kengayadi, ya'ni rasmning asta-sekin ochilishi ro'y beradi. Markaziy nuqta simmetriya markazi bo'lib xizmat qiladi. Chizmaning aniq geometrik bajarilishi har bir figura ichidagi o'simliksimon shakllar bilan niqoblanadi. Ya'ni, shu bilan bu islom zohir-botin san'ati konsepsiyasini ilgari suradi. Biz bu yerda to'g'ri figuralarni ko'rmaymiz. Biroq, ushbu vaziyatda bezakning vazifasi ularni (figuralarni) bizning idrok qilishimizdan yashirishdir. Shunisi bilan bu aniq geometrik tasvir va nisbatlardan zavqlanish birinchi o'rinda qo'yiladigan ba'zi Yevropa ornamental kompozitsiyalardan farq qiladi, ya'ni ornamentlar kuzatuvchi, fikr yurituvchi tomon sof shakl haqida hech qanday g'oyani ilgari surmaydigan, bildirmaydigan tarzda yaratilgan.

“Kundal” texnikasida bajarilgan Tillaqori masjidi (XVII asr, Samarqand) shiftining ornamental rasmi (**2-rasm**) oldingi chizmaga o'xshaydi. Biroq, ushbu bezakni uzoq vaqt davomida diqqat bilan kuzatilsa, uning soat yo'nalishi bo'yicha ham, soat yo'nalishiga qarshi harakatini sezish mumkin. Rangli doiralarda Naqshbandiya tariqatining rang va yorug'lik ramzlariga mos keladigan yettita “nozok modda” (latifa) ko'rsatilgan.

Markazlashgan konfiguratsiyadagi ornamentlar tasavvufda ilmning uch darajasiga (bosqichiga) mos keladi: “shak-shubhasizlik ilmi”, “shak-shubhasizlik ko'zi” va “shak-shubhasizlik haqiqati” [12].

“Shak-shubhasizlik ilmi”ga ma'naviy yo'l ta'limotini o'zlashtirish, “tana”ni tayyorlash yoki tasavvuf tarkibidagi bilimlarni o'zlashtirish orqali erishiladi. Ma'naviy metodlar va amaliyotlar

“shak-shubhasizlik ko‘zi”ni shakllantiradi, bu esa “shak-shubhasizlik haqiqati”, ya’ni ma’rifat tomon yo’naltiruvchi bilimga olib keladi. Bu bog‘liqlikni aylana, radius va aylana markazining nisbati sifatida ko‘rsatish mumkin.



2-rasm. Mazkazlashtirilgan ornament. Bir nuqtaga metitatsiya. (Samarqanddagi Tillaqori masjidi shiftining

**Xulosa.** Shunday qilib, ornament islom san’atini anglashning kaliti va yagonalik tamoyili – tavhidning asosiy ifodalovchisidir. Islom ornamenti inshootni mantiya kabi qoplaydi, uning maqsadi binoning tuzilishini oshkor qilishdan ko‘ra ko‘proq yashirish bo‘lib, musulmonlarning ruhiy ma’naviy tushunchalarini ifodalaydi. Ornamental san’at esa insonga estetik ta’sir ko‘rsatishdan tashqari, ruhiy va g‘oyaviy (diniy) vazifalarni ham bajaradi. So‘fiylar o‘zlarining dunyo haqidagi diniy-falsafiy bilimlarini san’atning ezoterik tilida ifodalab, hissiy-intuitiv tafakkurni umuman bilimlarning oliy shakli, deb qabul qilishgan. Shu sababli ham har bir so‘fiy shayx o‘z shogirdlarida metafizik tafakkur qobiliyatini rivojlantirishni zarur, deb bilgan. Metafizik, obrazli tafakkur san’at sohasi bo‘lgani sababli, tasavvuf g‘oyalari me’morchilik va ornamentda o‘z ifodasini topishiga olib keldi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 22-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi <https://president.uz/ru/lists/view/137>, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2018-yil 28-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <https://president.uz/ru/lists/view/2228>.
2. Qarang: Karl V. Ernst. Суфизм / Ingliz tilidan. A. Gorkavy tarjimasida. - M., 2002.–S.31; Nikolson R.A. Studies in Islamic mysticism. Cambridge. The University press, 1921.-P.305. Kessinger Publishing, LLC tomonidan qayta nashr etilgan (2008 yil 2 iyun). P. – 269. Shu muallif. The Mystics of Islam. World Wisdom (September 9, 2003). -P.144; Adam Metz. Мусульманский ренессанс. М., 1984. P-145; Bertels E.E. Очерк о происхождении суфизма и зарождение суфийской литературы / Суфии. - М., 2000. -485 b.; Knysh A.D. Некоторые проблемы изучения суфизма/ Ислам: Религия, общество, государство. - М., 1984. – 88 b.; Fabry M. A History of Islam Philosophy. Columbia U.P., 1970. – P.34.
3. Ислам: энцикл. Словарь / G. V. Miloslavskiy, Yu. A. Petrosyan, M. B. Piotrovskiy, S. M. Prozorov. - М.: "Nauka" nashriyoti, 1991. - 315 b.
4. О концепции Совершенного Человека в Исламе см.: Massignon L. L’Homme Parfait en Islam // Massignon L. Opera Minora. Vol. 1. Beyrouth 1963; Arnaldez R. Al-Insan al-Kamil // The Encyclopaedia of Islam, New Edition. Vol. 3. P. 1271-1273; Совершенный человек. Теология и философия образа / Sh.M. Shukurov tahriri ostida. M.: 1997 yil, xususan, Sh.M. Shukurovning “Совершенный Человек и богочеловеческая идея в Исламе” maqolasini o‘qing (41-71-betlar).

5. Измененные состояния сознания: современные исследования: Научно-аналитический обзор. – М.: ИНИОН РАН, 1995. – 56 б.; Abakarov R.I., Korolev V.V. Измененные состояния сознания в мистическом опыте суфизма // G'arbiy Qozon universitet olimlari. Gumanitar fanlar. - 2009. - Т. 151, kitob. 1. - S. 7-13.
6. 2016-yil 8-dekabrda <https://assalam786.livejournal.com/58164.html> saytida e'lon qilingan xattotlik ustasi Hoji Abdulg'afur Razzoq Buxoriy bilan suhbat (ko'rilgan: 2018-yil 9-sentabr).
7. Miya va ongning assimetriyasi haqida. <https://www.aum.news/nauka/3596-ob-asimmetrii-golovnogo-mozga-i-soznaniya>; <http://veda108.ru/pravoe-polusharie-mozga-otvechaet-za-tvorcheskie-sposobnosti> (kirish 07/18/19).
8. Smirnov A.V. Логико-смысловые основания арабо-мусульманской культуры: семиотика и изобразительное искусство. - М., 2005 yil.
9. Barsukova E.G. Влияние света и цвета на исламскую архитектуру // «Архитектура и строительство Узбекистана». №3-4, Toshkent: "AI-VAIR" MChJ, 2015. – 60 b.
10. Barsukova E.G. Влияние суфизма на архитектуру и декор культовых сооружений Средней Азии IX-XVI вв. *Arhitektura bo'yicha fals. dok. (PhD) dis.: 18.00.01 / TASI, Toshkent, 2020. S. - 233 ilovasi bilan.*
11. Barsukova E. G. Features of architectural decoration of religious buildings of Uzbekistan in the Middle Ages (9-16 centuries). *International Journal of Science and Research (IJSR). Vol. 8 Issue 11, November 2019. P.1255-1257. <https://www.ijsr.net/archive/v8i11/ART20202799.pdf> (kirish 01/12/2020).*
12. Laleh Bakhtiar «SUFİ». Thames & Hudson; Reissue edition (May 2004). L., - 120p.; Arberry A.J. Суфизм. Мистики ислама. *Ingliz tilidan tarj. - M.: Sfera, 2002. - S. 238. (272 b).*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

**№10/3 (94)  
2022 й., октябрь**

Ўзбекча матн муҳаррири:  
Русча матн муҳаррири:  
Инглизча матн муҳаррири:  
Мусахҳиҳ:  
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод  
Ҳасанов Шодлик  
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон  
Ўрозбоев Абдулла  
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 07.10.2022  
Босишга рухсат этилди: 14.10.2022.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.  
Ҳажми 6,9 б.т. Буюртма: № 10-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими  
220900, Хива, Марказ-1  
Тел/факс: (0 362) 226-20-28  
E-mail: [mamun-axborotnoma@academy.uz](mailto:mamun-axborotnoma@academy.uz)  
[xma\\_axborotnomasi@mail.ru](mailto:xma_axborotnomasi@mail.ru)



**(+998) 97-458-28-18**